

84(5У3)

X87

Баҳодир ХУДОЙБЕРГАНОВ

ҚУЙНИМДАГИ ҚОТИЛ



84 (5У3)
X87

БАҲОДИР ХУДОЙБЕРГАНОВ

ҚҲЙНИМДАГИ ҚОТИЛ

ш.и.и.
848

Роман

09.06.20
УХТ наф.суд
А.А.А.А.А.

Nizomiy nomli
T D P U
kutubxonasi

929523

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБЛАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2010

Худойберганов Баходир

Қўйнимдаги қотил: Роман. — Т.: “Sharq”, 2010. — 336 б.

“Қўйнимдаги қотил” романида баъзи ёшларнинг жиноят оламига кириб қолиши мохирона ва бадий тарзда акс эттирилган. Инсон ҳеч қачон ақл-заковатини молдунё, мансаб, обрў учунгина сарфламаслиги керак. Дунёда маънавиятдан қудратлироқ, юксакроқ куч йўқ. Бунга эришмоқ учун эса инсон баркамол тарбияланган бўлиши лозим.

Янги асарда ёзувчи жамиятдаги тўғри йўлдан адашган тоифаларнинг яшаш тарзини, айш-ишрат ва нафс балосига гирифтор бўлган кимсаларнинг ўзаро зиддиятларини муфассал тасвирлаб берган. Романда бундай одамларнинг асл бахт-саодатдан йироқлиги, уларнинг тубанлашиб кетганлиги натижасида маънавий инқирозга учрашлари китобхон кўз ўнгида ҳаққоний гавдалантирилган.

ББК 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-00-292-0

ВАТАН ВА ИНСОН МАНЗАРАЛАРИ

(Ёзувчи Баҳодир Худойберганов ижоди ҳақида)

Баҳодир Қорақалпоғистоннинг Манғитидан етишиб чиққан истеъдодли ёзувчи. Истеъдодли дейишимга унинг асарлари тўла асос бўла олади. Унинг “Оқибат” (1998) қиссаси, шеърлар тўплами “Соғинч” (1999), биринчи романи “Асранган олтин” (2000), иккинчи романи “Тақдир ўйинлари” (2001), учинчиси “Ой нурлари сўнмайди” (2005), 2007 йилда эса “Ўқилмаган мактуб” қисса ва ҳикоялар тўплами ҳамда “Лафз” романлари чоп этилган. Шу ўринда ҳали унинг романлари ҳақида гапиришдан олдин Баҳодирнинг ўта камтарлиги ва одамохунлиги, меҳнаткашлигини, айниқса унинг бағри кенглигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Бошқа касбларни асло камситмаган ҳолда ёзувчи меҳнатининг машаққати ҳақида яна бир бор айтмоқчиман холос.

Ханузгача Хоразм ва Қорақалпоқ воҳасидан истеъдодли ёзувчиларнинг чиқмаётгани мендек бир нуроний ижодкорни ташвишга солиб келарди. Баҳодирнинг кетма-кет эълон қилинган асарлари адабиётимиздаги ана шу кемтикликни тўлдиргандек бўлди. Баҳодир Худойбергановнинг барча асарларидаги бош қаҳрамон одамлар ташвиши билан яшайди. Бу йўлда у баъзан адашади, қоқилади, лекин одамларга яхшилик қилишдан толмайди. Бу ҳам ёзувчи ижодидаги самимийлик ва адолатга ташналиқдан далолатдир.

Баҳодир 1959 йилда Амударё туманининг “Қиличбой” жамоа хўжалигида, зиёли оиласида туғилган. Ёшлигидан адабиётга меҳр қўйиб, дастлаб шеър ва ҳикоялар ёзди. Ёзганлари бирин-кетин Республика матбуотида нашр қилина бошлагани унга илҳом бағишлади, янада қўпроқ ижод қилишга ундади. Шу тариқа ёш ёзувчи ижодий изланишлар қилиб чиниқди, қалами тобора чарҳлана борди. Баҳодир ижодида Ватан ва Инсон манзара-

лари гўё уйғунлашиб, рамзийлик касб этиб, қўпларга ёқадиган тарзда бадий тасвирга эга бўла борди. “Асранган олтин” романининг бошида шундай тасвирни кўрамиз:

“...Отлиқ отнинг жilовини тортиб тўхтатди. Оёғини узангига тираб, эгардан кўтарилиб, қўлини пешанасига равоқ қилганча, кун ботар томонга узоқ тикилиб қолди. Унинг қора чўғирма остидаги кўёш нуридан қорайган чўзинчоқ юзи, унга ярашган қалин қора кошлари-ю, мўйлабини тек қотириб қўйган бургутникидек ўткир нигоҳи унча-мунча қийинчиликларни назар-писанд қилмайдиган мард чавандоз йигитлардан эканлигини аён қилиб турарди.

... У от туёғи остидаги қумдан уфураётган иссиқ ҳовурга-ю, тушаётган қоронғиликка ҳам парво қилмай, эгарга боғлоқлик эчки терисидан тикилган сув тўла мешни шошилмай ечиб олди-да, мириқиб сув ичди. Мешни қайта эгарга боғлаётиб, бехос кўзи қибла тарафдаги тепалик ортидан чиқиб келаётган отлиқларга тушди-ю, дарров ўнг қўлини белбоғидаги пичоққа юборди ва дастагидан маҳкам ушлади. Чап қўли билан от жilовини силтаб тортиб, “Юравер” дегандек, этигининг пошнаси билан отининг биқинига секин тепиб қўйди. От лўкиллаганича илдамлади. Отлиқлар уни кўриб, такқа тўхташди. Бир неча дақиқа имо-ишора, пичир-пичир қилишиб, режа тузиб олишди шекилли, улардан икки нафари ажраб, у томонга от солди”.

Одам юрса оёғи куядиган Чоржўй саҳроси манзаралари ана шундай маҳорат билан чизилади. Асар бобо ва невараси суҳбати билан бошланади. Бу даврамизнинг буюк ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” кассаси бошланишига ўхшаб кетади, лекин Баҳодирнинг болакайи хийла бошқачароқ, у ҳайвон ва жониворлар ҳақида эмае, одамлар ҳақида эртак эшитмоқчи:

“Бува, буважон, эртак айтиб беринг.

— Қайси эртакни айтай, бўтам?

— Айтаверинг, буважон.

— Йўқса, эшит. Бор экану йўқ экан, бир тулки бўлган экан...

— Йўқ, йўқ. Тулкини айтманг, уни биламан.

— Бедана ҳақидаги-чи...

— Йўқ.

— Ана-а. Бўри билан эчки болаларини айтиб берайми?

— Йў-ўқ... керакмас!

— Унда қандай эртак эшитмоқчийдинг, бўтам?

— Анаву... одамлар ҳақида борку, ўшани айтиб берасиз”.

Баходир ушбу романида бир оила сулоласи мисолида уч авлод тақдирида мустабид шўро даврининг аччиқ ва аянчли фожиаларини кўрсатиб беради.

“...Орадан ҳеч қанча ўтмай, Худойберганнинг уйига от минган уч милиция ходими кириб келди. Улар ҳеч нарсани сўраб-суриштириб ўтиришмай, Худойберганнинг кўлини орқасига боғлаб, олдиларига солиб олиб кетишди.

Ўғрилиқ қилган Ўтамурод қолиб, савоб иш қилган Худойберган икки йилга қамалди”.

Лекин, асарнинг унинг бош қаҳрамони ҳамиша одамларга яхшилик қилиш билан яшайди, роман охирида бобосининг ўлиmidан кейин топилган олтинни ҳам бош қаҳрамон ўз фойдасига эмас элу юртга фойдаси тегадиган ишга, консерва заводи қурилишига сарфламоқчи.

Қаҳрамоннинг мақсади нақадар шарафли, ҳатто унинг учун бойликнинг ҳам ҳеч қандай баҳоси йўқ.

Баходирнинг иккинчи романи “Тақдир ўйинлари” да ҳам бош қаҳрамон келажакка юксак ишонч билан яшайди, фаолият кўрсатади.

“Тақдир ўйинлари” романининг бош қаҳрамони Ҳайитбой ўз йўлини ўзи топишга интилувчи ёшлардан. У ҳарбий хизматдан қайтгач, келгуси ҳаётини қандай қуриш ҳақида бош қотиради.

“— Йўлларнинг жуда расво экан! Ҳалигача асфальт келмабди. Йўлнинг торлигини айтмайсизми. Устига-устак ҳаммаёқ чанг! — ҳайдовчи норози оҳангда тўнғиллаб кўйди.

— Ҳали бу йўлларни соғиниб ҳам қоларсиз, ака! Шундай йўллар қурайликки, қани энди шу томонларга ҳам йўловчи бўлса, деб одам излаб ҳам қоласиз...”

Асар қаҳрамони йўл қурувчи муҳандис бўлмоқчи. Ҳарбий хизматдан қайтган Ҳайитбойнинг кадрдон қишлоғига олиб бораётган ҳайдовчи билан бўлиб ўтган юқоридаги қисқагина суҳбатда унинг олийжаноб нияти ошкор бўлади, у келажакда йўл қурмоқчи, одамларнинг оғирини енгил қилмоқчи.

Хоразмдан Тошкентга яхши ниятлар билан келган Ҳайитбой биринчи йили ўқишга киролмай, заводга ишга киради. Ҳайитбойнинг муҳаббат борасида ҳам омади чопмайди, қишлоқдош қизи Гулчехра ҳам уни ўз “қармоғи”га илинтирмоқчи бўлади. Минг афсуски, Ҳайитбой ҳам анойилардан эмас, ҳар ким айтган гапга ишонавермайди.

Адабиётда яхши асарлар ҳақида “ҳаётий асар”, “айнан ҳаётнинг ўзи” деган гаплар юради. Гоҳо эса бадиий асарга айнан ана шу нуқтаи назардан туриб баҳо берилади. Лекин бадиий асар ана шу ҳаётий воқеа ёки ҳодисаларнинг ички моҳиятини очиб бериши билан кўпроқ кадрлидир. Шу ўринда Баходир Худойбергановнинг ўзига хос услубий йўналиши мавжуд. Ёзувчининг бадиий услубида баёнга, лирик чекинишларга жуда кам ўрин берилади, кўпроқ воқеалар жонли учрашувлар, эҳтиросли суҳбатлар орқали ўқувчи кўз олдида намоён бўлади. Ҳатто, бу асарларда қаҳрамонлар ҳолати, руҳий тасвири ҳам ана шу мулоқот-диалоглар орқали очилади.

Кўпгина бошловчи ёзувчилар воқеа ва ҳодисаларни ўз “мен”и орқали ҳам баён қиладилар, шу билан ўз кечинмаларини ўқувчига тез юқтиришга ҳаракат қиладилар. Баходир Худойберганов асарларида ёзувчи “мен”ини мутлақо учратмайсиз. У манзара ва ҳолатларни, воқеаларни диалоглар орқали тасвирлайди ва шу усул билан қаҳрамонлар қалбидаги кечинмаларни, ҳаётларида рўй берган ўзгаришларни кўрсатишга кўпроқ интилади.

Асар қаҳрамони Ҳайитбой таниш-билиш, пора эвазига институтга ўқишга ҳам киради. Бақалок деканнинг уйида югурдаклик ҳам қилади, унинг данғиллама иморати қурилишида “завхоз”га айланади. Шу тахлит бир қарашда Ҳайитбой инсон сифатида тубанлашиб бораётгандек туюлади. Севган қизи Гулчехра ҳам, кейинчалик танишган қизи Каромат ҳам уни алдайди. Шу ерда Ҳайитбой ажойиб олим Отаназар ака билан танишиб қолиб, унинг суҳбатидан баҳраманд бўлади:

— Сиз пул инсондан устун туради, дедингиз. Нимага асосланиб шундай деяпсиз?

— Қаерга борманг, энг мушкул муаммо пул билан битади. Каттаконлар учун пул олдида одамнинг қадри тариқча ҳам эмас.

— Катталар деб ҳаммани ҳам айтиш инсофдан эмас.

Айримлари сиз айтгандек бўлиши мумкин. Ана ўшалар турли эгри йўллар воситасида ва эгри қўллар ёрдамида сохта обрў ва бойликка интилишади”.

Ушбу тасодифий учрашув Ҳайитбой ҳаётида яхшилик томон ўзгаришларнинг дебочаси бўлиб хизмат қилади, у ҳаётда Отаназар акадек адолатпарвар ва самимий устозга дуч келган эди. Унинг қалбига янги, оромли, изтиробли ва ҳақиқий севги кириб келади, бокира қиз Наргиза билан танишув унинг ҳаётига нур бағишлайди, мактабга ўқитувчиликка ишга ўтади.

Наргизанинг ота-онаси эса қизининг Ҳайитбойга турмушга чиқишига тиш-тирноғи билан қарши туради. Севишганлар бошига турли тўхмат тошлари ёғилади. Асарда ёшларнинг турмуш мураккабликларини, ташвишларини, чигалликларини енгиб ўтганлиги ишончли тасвирланади.

Баҳодир Худойбергановнинг учинчи романи “Ой нурлари сўнмайди” лирик ва этик тасвир билан бошланади. Сафарниёз ота юраги санчиб қолганда ташқарига чиқиб ой билан дилдан суҳбат қуради:

“— Осмон тўла жимир-жимир юлдуз, ўз нури билан теварак-атрофни ёритаётган оймома ҳам мулоимгина Сафарниёз ота кетидан эргашди. У юрса юрди, тўхтаса тўхтади. Ҳар доим шундай, қачон жароҳати оғриғига чидолмай ташқарига чиқса оймомага дуч келади. Худди уни кузатиб тургандай, кучли оғриққа гўё малҳам бўладигандай туюлади.

У чап кўксига кафтини қўйиб оймомага термилди. — Раҳмат сенга, оймома, — деди кўкка тикилиб. — Ҳамиша менга ҳамдарад бўласан, нурингни аямайсан. Ҳатто, яраланган кунимда ҳам ўзинг кўриб турдинг, гувоҳ бўлдинг.

Шу-шу бу оғриқ мени ҳамон тинч қўймапти. Унинг азобидан қийналиб ҳам кетдим, оймомажон. Умрим яқун топяпти, шекилли. Худога шукр, ишларимни давом эттирувчилар бор. Улар фарзандларим, шогирдларим ва набираларим. Раҳмат сенга оймома: дилимни чоғлаб юрганнинг, оқшомлари ҳамроҳ бўлганинг, ёқимли нурларингни йўлларимга сочиб турганинг учун, раҳмат.

Мен сендан мингдан-миг розиман, сен ҳам мабодо кўришолмай қолсак рози бўл, оймомажон. Меҳрингни, нурингни фарзандларим ва набираларимдан ҳам аяма.

Илтимос, уларнинг йўллари хам ёритиб тур, ёлғизлатма, керагида малҳам бўл”.

Инсонлар хилма-хил. Биров гулни севса, бошқа биров дарёни севади. Бу дунёда тоғни севган хам бор, боғни севган хам бор. Сафарниёз ота эса ойни севади. Сирларини хам оймомага айтади. Хатто, ўзи ўлиб-нетиб қолса, оймома фарзандларини қўллашига ишонади.

Сафарниёз отанинг ёлғиз ўғли Комилнинг болаликдан бирга ўсган Ҳайдаржон деган бригадир дўсти бор. Икки дўст фарзанд кўришгач, болалари катта бўлишганда қуда қудамиз, деб аҳду паймон қилишган. Болалар (Каримжон ва Гулнора) катта бўлишганда уларга нон (патир) синдириб қўйишган, лекин улар Тошкентда ўқимокни ният қиладилар. Каримжон ва Гулнора Тошкентга келиб иккаласи икки жойда яшашади, Каримжон адашиб кириб қолган шафқатсизлар гуруҳи — мафиядан қутулиши учун уйга қайтиб, ҳарбий хизмат сафарига отланади, қайтиб, институтга ўқишга киради. Гулнора эса нафс ва хирс балосига йўлиқиб бутунлай бузилиб кетади. Каримжон илгари таниш бўлган мафиябозлар ичига кириб, уларни фош қилишда афғонда бирга хизмат қилган дўсти билан биргаликда уларга қарши кураш олиб боради. Гулнора эса асар охирида ўз-ўзини осиб ўлдиради. Аёлнинг ўлими эркак зотини йиғлатади.

Романнинг қисқача мазмуни шундан иборат. Яхшилик ёмонлик устидан қолиб чиқади, тантана қилади.

Баҳодир учун 2007 йил омадли йил бўлди, унинг “Ўқилмаган мактуб”, қисса ва ҳикоялар тўплами хамда “Лафз” романи нашрдан чиқди. Унинг “Ўқилмаган мактуб” қиссаси болалар ҳаётдан олиб ёзилган. Кўпчилик ижодкорларнинг болалик дунёсига кириши, улар дунёқарашини чуқур идрок этиб асар ёзиши анча мураккаб, лекин Баҳодир болалар дунёсига кириб бориб, қиссада улар психологиясини моҳирлик билан оча олган.

Қиссада безавол болалик шўхликлари тиниқ ва равон тил билан тасвирланади. Эркин ва Сайрам қалбида илк севгининг ниш уриши, болаликнинг бокира туйғулари бадийий маҳорат билан акс эттирилади.

Ҳаётда рассом, шоир ва ёзувчилар ўзгалар сезмаган, кўрмаган, ҳис қилмаган ҳодисаларни ўта нозиклик билан ҳис қиладилар, шунинг учун хам улар ўзгалардан фарқ қиладилар.

Баҳодирнинг “Лола ҳиди” деган кичик бир ҳикояси бор, ана унда ёзувчининг нозик дид эгаси, ҳаётга шоирона қарабини кўриш мумкин.

“Қизалоқ лолаларни тутқазди-да, яна излар устида энгил-енгил сакраганча, тўхтаб, уни кутиб турган болакай томон югура кетди...

Мен унга ҳатто, раҳмат ҳам айта олмадим...

Поезд яна йўлга тушди. Қизалоқ билан болакай жилмайганча менга қўл силкитиб қолишди.

Димовимга нимадир тиқилиб, бўғилгандай бўлдим. Кўксим тўлиб, лолаларни юзимга босдим... ҳидладим.

Ҳа, унинг ҳиди бор эди!

Унда шу азиз ва сахий даланинг ҳиди бор эди.

Унда чексиз осмону оппоқ булутларнинг ҳиди бор эди...

Унда озод, югурик шамолларнинг, мусаффо-шаффоф сувнинг ҳиди бор эди.

Унда эндигина мактабга қатнаб ҳарфларни таниётган болакай билан қизалоқнинг қувончи-ю, маъсума меҳрининг ҳиди бор эди”.

Ҳар нарсанинг ўз ҳиди бор. Сезгир одамгина уларни бир-биридан аниқ ажрата олади. Бу ҳам ноёб ҳислат.

Баҳодирнинг кейинги романи “Лафз” ўзининг тарихийлиги, кадриятларга ва ҳаққоний, саффоф туйғуларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Лафз — халқимизнинг эъзозли кадриятларидан. Романда ўз сўзида турмайдиган одамлар образи Мадрайим лафзбоз орқали тасвирланади. Бош қаҳрамон Азизжон барчага ёрдам қўлини чўзади, у одамларга ишонувчан ва бунинг эвазига унинг ўзи қийин аҳволга тушади. Азизжоннинг хотинининг акаси Мадрайим ўта туллак одам. У синглиси орқали куёви Азизжоннинг барча пулини ўзлаштириб олади, “автобус сотиб олиб фойдасини баҳам кўрамыз”, — дейди. Азизжон унинг бу гапларига ишониб, ўзининг бор бойлигини Мадрайимга бериб, бошқалардан ҳам қарз олиб беради. Мадрайим йиллар ўтсада Азизжонга бир тийин ҳам қайтармайди. Азизжон хотини, севиқли болаларидан ҳам ажралиб кафангадо бўлади, қарзни қайтараман деб оғир ишларда ишлаб юрак касалига учрайди. Азизжонни квартирада бирга яшовчи, доллор алмаштираман деб одамларни лаққа тушириб юрган Женя хола ва Люда ҳам роса тузлайди. Ҳуқуқ органларидан қочиб Женя хола ва Люда

Россияга жўнаб кетади. Азизжон улар тузоғига илиниб, уларга эргашиб, хор-зор бўлади ва асар охирида Азизжоннинг ҳаёти фожиа билан тугайди.

Ёзувчи Азизжон тақдирини ҳаётнинг ўз ўзанига қўйиб тасвирлайди, шунинг учун ҳам у “Лафз”да бош қаҳрамон орқали одамларга дилидаги ҳақиқатни ошкора айтади. Одамларни инсофли бўлишга даъват этади, дунёни англаб яшашга чақиради.

Биз юқорида Баҳодир Худойбергановнинг ўта меҳнаткаш, ижод захматларидан қочмаслигини таъкидлаган эдик. Унинг нурли қаламидан яқинда яна бир асар дунёга келди. Ёзувчи янги асарини “Қўйнимдаги қотил” деб номлабди.

Асар мазмуни ўз номига муносиб қилиб танланган. Баҳодирнинг ушбу асари адабиётнинг детектив жанрида яратилган. Қисқача бўлса-да, бу жанр ҳақида сўз юритсак.

Жаҳон бадиий адабиётида детектив жанрида яратилган асарларнинг ўз ўрни, ўқувчилари бор. Бу жанрда яратилган асарларнинг кўпгина намуналари бугунги кунда кино асарларига айланган. Детектив сўзи инглиз тилида “изтопар” деган маънони англатаркан. Бу жанрдаги асарларда содир этилган жиноят фош этилади, жиноятни фош этишдаги машаққатлар, саргузаштлар баён қилинади. Халқимиз орасида бу жанрда қалам тебратган Эдгар По, Артур Конан-Дойль (қаҳрамони изқувар Шерлок Холмс) асарлари машхур. Ўзбек адабиётида севикли ёзувчиларимиздан Ўлмас Умарбеков (“Ёз ёмғири”) ва Тохир Маликлар (“Сўнгги ўк”, “Мурдалар гапирмайдилар”, “Шайтанат”) бу жанр ривожига катта ҳисса қўшдилар. Бу жанрдаги асарлар қўлма-қўл ўқилиши билан алоҳида ажралиб туради. Демак, Баҳодир ҳам бу жанрга бефарқ қўл урмаган, у ҳам ўқувчиларининг кун сайин кўп бўлишини, асарларининг кинофильмларга айланиб, халқимиз маънавий дунёсидан ўрин эгаллашини истайди. Унинг истакларига биз ҳам тилакдошмиз.

Баҳодир Худойберганов асарнинг бадиий тили устида жиддий ишлаганлиги воқеалар тафсилотини баён қилишида яққол кўзга ташланади. Бу албатта, қувонарли ҳол, ёзувчининг маҳорати ошиб бораётганидан далолат беради. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун асардан қуйидаги парчани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

“ — Уйингизни қанчага сотмоқчисиз опа? — тепакал йигит сўради.

— Савдолашамизми ёки бўладиганини айтаверайми?

— Бўладиганини айтаверинг опа, — деди тепакал йигитнинг кўзлари олма териб.

— Олти минг, — деди Тўлғоной.

— Қиммат айтаяпсиз опа.

— Қиммат, қиммат. Бутун бир бошли уйимизни ола-япсизку, яна қиммат дейишингизни қаранг.

— Уйингизни кўриб чиқсам майлими?

— Бемалол кўраверинг, уйимиз яқиндагина таъмирдан чиққан, — Тўлғоной уч-тўрт йил олдин таъмирланган уйини “яқиндагина таъмирдан чиққан” деб ёлғон сўзлади.

Тепакал йигит уйни бошдан-оёқ шошилмай кўриб чиқди. Шундан кейин у:

— Опа, уйингизга тўрт ярим минг бераман, — деди.

— Нималар деяпсиз ука. Кечаси келган одам беш минг бераман деди. Хозир у келса ўз қулоғингиз билан эшитасиз, — деди Тўлғоной ёлғон сўзлаб. — Кечаси келган харидор ҳам савдолаша-савдолаша тўрт ярим минг бераман деган эди.

— Таниш бегонадан яхши-ку ахир опа. Уйингизни менга тўрт ярим мингга бера қолинг!? Ўзларингиз ҳам бир бурчагида ўтирасизлар!!!

— Акангизнинг ҳамма танишлари ана шундай. Фақат ўзларини ўйлашади. Шунинг учун ҳам буларнинг танишларидан менга бегона яхши укам, — деди Тўлғоной эрини кесатган киши бўлиб.

— Жа-а... сиз ҳам ерга ураверманг, ҳеч бўлмаса шу бегона сўраган нархга ола қолинг! — Лочинбек яна уларнинг гапига аралашди.

— Беш мингга сотиб нима ютмоқчисиз? — сўради Тўлғоной. — Фақат лафзсизлик қилганингиз қолади, холос.

— Боя айтдим-ку, танишга берсанг ўзинг ҳам бир бурчагида ўтирасан деб, — деди Лочинбек тепакалга сездирмай Тўлғонойга кўз қисиб қўйди.

— Опа, нархидан озгина бўлса-да тушмайсизми? — тепакал сўради.

Сизни танишимиз деб биз бировга берган ваъдамиздан тониб ўтирса-гу, сиз бўлсангиз бегона бераман деган

нархни ҳам бермасангиз, бу нима деган гап ука? — Тўлғоной ҳужумга ўтди.

— Бўпти опа, ўша бегонага сотаман деган нарҳингизга оламан, — деди тепакал йигит. У Лочинбекка юзла-ниб мурожаат қилди: — Ташланг қўлингизни бошлиқ.

Иккала эркак қўл ташлашди”.

Адабиётимиздаги детектив асарлар ўзининг ҳаётий-лиги билан ажралиб туради, шунинг учун ҳам улар кенг ўқувчилар оммасини ўзига тортади. Ўйлаймизки, Баҳодир Худойбергановнинг ҳам “Қўйнимдаги қотил” асари бундан мустасно бўлмайди.

Асар қаҳрамони Зебохон рашк оловида ёниб ҳамда уй-жой, бойликка эга бўлиш мақсадида дугонаси Тўлғоной билан тил бириктириб, ўз эрининг жонига суиқасд уюштиради. Чала ўлик Жасурбекни шифокорлар ўлим бўсағасидан қайтаришади. Яхшиси, жиноятнинг фош бўлишини китобхонларнинг ўзлари ўқиб билганлари маъкул. Биз фақат ёш ёзувчимиз Баҳодир Худойбергановга ижодий парвозлар тилаган ҳолда унинг қаламидан янгидан-янги асарлар кутиб қоламиз.

Баҳодир ҳали ёш. Айти энди кучга тўлган вақти. У Юртимиз Мустақиллигини қўлга киритган даврда етишган, тарбияланган ёзувчи. Баҳодир Худойберганов онаюрт учун ҳар қандай оғир хизматга ҳам шай. Қалбида хис-ҳаяжон ва илҳом жўш уриб турибди. Айти ёзадиган, илҳоми қайнаган пайт. Ҳали у келажакда давримизни бор бўй-басти билан кўрсатувчи янги асарлар ёзади. Мен кўпни кўрган кекса ва тажрибали бир ёзувчи сифатида башорат қилиб истеъдодли ижодкорнинг келажаги-га юксак ишонч билдириб қоламан.

Тўлепберген Қаипберганов,
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон
халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони.

БИРИНЧИ ҚИСМ

Чор тарафи темир панжара билан ўралган икки қаватли чиройли бинонинг олд саҳнидаги сунъий ҳовузнинг ўнг қирғоғига ўрнатилган оғзидан заҳар томчилаётган илон рамзи бир қарашда одам этини жунжиқтириб юборса, иккинчи бор қарашда дилда хотиржамлик пайдо қилади, қалбда тиббиётнинг халоскор эканига ишонч туғдиради. Қотмадан келган забардаст йигит ана шу тиббиёт рамзига қайта-қайта қараб ўтаётиб, ҳовуздаги тип-тиник мовий ранг сувда ўз аксини кўрди. Сув остида бир-бирларини ўзгача бир меҳр билан қувлашиб юрган митти-митти балиқчаларга кўзи тушди. Уларнинг табиий меҳрибончилиги йигитнинг маъюс кўзларига ўзгача нур бағишлади. Ҳовуз теварагида теп-текис униб, кўкка бўй чўзган ва ҳали гавдаси нозик теракларнинг юракка ўхшаш япроқларининг осуда эсаётган шамол эпкилари таъсиридаги тебраниши йигит юрагида алланечук умидлар уйғотди. Кейин яна у сувдаги ўз соясига қараб бармоқлари билан қоп-қора ва майин сочларини тўғриладида, тез-тез юриб, туман касалхонаси эшигини очиб, ичкарига кириб кетди.



Бинонинг иккинчи қаватига кўтарилган йигит йўлакда шошиб кетаётган, — эгнига оқ халат кийиб олган кизга мурожаат қилиб сўради:

— Кечирасиз синглим, Хўжаев нечанчи палатада ётибди, билмайсизми?

— Ўн бешинчи палатада, — ҳамшира киз шундай дея унга парво ҳам қилмай тез-тез юрганича ёнидан ўтди-кетди.

Унинг кетидан бир зум тикилиб қолган бу одам, “Бирор оғир касал олдига шошиб кетаётибди, шекилли” деб ўйлаганича туриб қолди.

Кейин у ўн бешинчи палатани қидира бошлади. Йигит оқ ранга бўялган эшиклардаги рақамларга бирма-

бир кўз ташлаб бораркан ўн беш рақами ёзилган эшик олдида тўхтаб уни оҳиста чертди.

Ичкаридан, “Кираверинг”, — деган товуш эшитилди.

Эшикни очиб кирган кишига стулда омонатгина ўтирган йигитнинг кўзи тушди-ю, сакраб ўрнидан туриб унинг кучоғига отилди.

— Яхши етиб келдингизми, Алижон ака? — деди йигитнинг лаблари зўрға пичирлаб.

— Раҳмат, Алишержон ука! Дадажоним яхшимилар? Унинг кўзи йигит елкаси оша каравотдан туриш учун бошини кўтаришга уринаётган оппоқ соқолли нуроний чолга тушди-да, у томонга талпинди.

— Ётинг дадажон... Ётаверинг! — дея у чолни кучоқлаб оҳиста кўришди. — Яна касалланиб қолдингизми, дадажон?

— Келиним, невараларим яхши юришибдимиз? — чол ўғлининг саволига жавоб бермасдан уни сўроққа тутди. Кейин териси суягига ёпишиб қолган қўли билан ёшсиз кўзларини артди. — Жасурбек ҳам келдимиз?

— Укам эртага келади, дадажон, — деди Алижон дудуқлана-дудуқлана.

Чол бир хўрсиндида, ҳушидан кетди. Бундан шошиб қолган йигит:

— Алижон ака, мен ҳозир, — дея эшик томонга отилди.

Орадан кўп ўтмай ҳамшира қизни эргаштириб келди.

— Дадажон, кўзингизни очинг!.. Кўзингизни очсангизчи, дадажоним... — дея йиғлаётган Алижон чолни кучоқлаб олган ҳолда полда чўккалаб ўтирарди.

— Чеккароқ туринг! — ҳамшира унинг билагидан тортиб четга сурди. Кейин чўнтагидан дориларни олиб чолга укол қила бошлади.

— Ҳозир буларга тинчлик керак! Алишер ака, мен сизга амакимларни ҳеч ким безовта қилмасин, демаган-мидим-а? — жиддий оҳангда деди ҳамшира.

— Айтувдингиз!.. — деди йигит айбдорлардай бошини эгиб. У бирпас сўзидан тўхталиб турдида, яна қўшиб қўйди. — Булар акам бўладилар. Тошкентдан дадамни кўргани келганлар.

— Жасурбекмисиз? — оқ халатли қиз эркакка нигоҳ ташлаб қўйди.

— Йўқ!.. Мен Алижонман — деди у бир оз ийманиб муолажани тугатган ҳамширага.

— Қани иккалангиз ҳам палатани бўшатинглар, — деди ҳамшира.

— Нега энди!? — деди Алижон кўзлари косасидан чиқиб кетгудай бўлиб.

— Кўркманг, дадангизга ҳеч нарса бўлмайди... Ҳозир ўзларига келадилар. Мен ўзим ёнларида бўламан. Ҳозир буларга фақат тинчлик керак. Сизларни кўрсалар яна ёмон бўлиб қоладилар. Бир оз ўзларига келиб олганларидан кейин уйку дори бераман.

Алишер “юринг” дегандай Алижонни эшик томонга қараб имлади.

Шу пайт чол, “Жасурбек”, — деб ингранди.

Ҳамшира эса “қани, тезроқ чиқиб кетинглар” дегандай уларга қўли билан ишора қилди.

Улар йўлакка чиқиб шу ерда турган стуллардан жой олиб ўтиришганича бир зум жим қолишди.

Орадан бир талай вақт ўтгандан сўнг йигит сўради:

— Жасурбек акамлар нега келишмади?

Унинг саволига нима деб жавоб беришини билмай бир оз ўйлашиб қолган Алижон ниҳоят тилга кириб, хўрсиниб деди:

— Билмадим ука... билмадим... Мен унга бир неча марта тайинлаб айтгандим.

Унинг гапларидан кейин яна ўртага жимлик чўкди.

“Нега энди Жасурбек бизлардан ўзини олиб қочади. Мен унинг бундай йўл тутишига ҳеч ҳам тушунолмаяман” деб ўйлаган Алижон негадир ҳозир укаси билан ижарада турган уйни эслади.

...Кичкинагина кўримсиз хона эди у. Томидаги лой сувок бир неча жойидан кўчиб тушган, қамишдан тўқиб қоқилган чий кўриниб қолган. Тахтадан қўлда ясалган кийим илгич деворга ўрнатилган. Хона пол қилинмаганлиги учун, унинг ярмигача пишиқ гишт текис терилган бўлиб, устидан ранги ўчган, бир-икки жойи титилган гилам ташлаб қўйилган эди. Хонада доимо ернинг намиққан хиди анқиб турарди.

Ана шуларни эсларкан Алижоннинг димоғига унга таниш бўлган ер хиди гупиллаб урилгандай бўлди. Ҳозир унга бу ҳид нимаси биландир яқин ва ёқимли туюлди.

У яна хаёлга берилди. Укаси Жасур билан суҳбат кўз ўнгида жонланди.

Гилам устига хонтахта кўйилган бўлиб унинг атрофидан жой олган икки ака-ука суҳбат куришиб ўтирибди.

Улардан бири:

— Қаранг ака, ҳаво очик, эртага иссиқ бўлади, — деди.

Мўйлови энди сабза урган йигит хона деразаси оша осмонда чарақлаб турган юлдузлар-у, булутлар билан беркинмачоқ ўйнаб юрган баркашдек ойга тикилганича, ҳа, тўғри айтасан ука, — деди.

— Қишлоғимизда дехқонлар ҳам кимирлаб қолишгандир. Кичкиналигимизда дадамлар ҳам эрта баҳордан картошка, сабзи, пиёз экар эдилар-а, Алижон ака? — дея Жасур бир энтикиб кўйди.

Кейин у акасига меҳр тўла кўзлари билан боқаркан яна сўзини давом эттирди. — Ер юзида бизнинг қишлоқдай зўр жой бўлмаса керак.

— Хамманинг тувилган жойи унинг учун энг зўр жой ука! — деди Алижон ҳам бир оз жонланиб. У гап мавзусини яна экин-тикинга буриб юборди. — Жасурбек, эсингдами, дадамлар энг аввало тувакларга помидор экиб уй ичида ўстирар эдилар. Ўша кўчатларни иккаламиз алоҳида эгатларга экиб “кимники зўр бўлиб етишиб кўпроқ ҳосил бераркин” деб кўлимиздан келгунича парвариш қилардик.

— Нимасини айтасиз Алижон ака, — дея Жасурбек бир оз ийманиб бошини қашлаб кўйдида, яна сўзида давом этди. — Бир йили мен эккан кўчатлар тезроқ етишсин деб ўйлаб дадамлар иккаламизга бўлиб берган ўғитларни эгатларга сепиб чиққанимиздан кейин тонг саҳарлаб ҳеч кимга сездирмай, овилхонадан яна шунча ўғит олиб сепганимда помидор кўчатлари кўтаролмай қуриб қолгани эсингиздами?

— Эсимда ука, эсимда, — деди Алижон ёшлигини хотирлаётгандай хаёлга берилиб. — Сен шунда роса йиғлаган эдинг. Кейин дадамлар “кўй, йиғлама ўғлим” деб Азимжон амакимларникидан кўчат олиб келиб ўзлари экиб берувдилар. Шу йили сенинг эгатиңдан кўпроқ ҳосил чиққан эди.

— Нима бўлгандаям у пайтларда хаёт зўр эди, Алижон ака, — деди Жасурбек хомуш тортиб.

“Укам қишлоғимизни соғинибди. Мен ҳам юртимизни соғинганман-у, лекин ёшим катталиги учунми ёки икки

йил ҳарбий хизматни ўтаб келганлигим, бундан ташқари уч йилдан буён шу ерда илм олаётганлигим сабаблими тақдирга тан бериб бир оз кўниккандайман. Жасурбекнинг келганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ”. Алижон шуларни кўнглидан ўтказар экан укасига ич-ичидан ачиниб:

— Уйдагиларни соғинган кўринасан, — деди.

— Бутун қишлоғимизни соғиндим Алижон ака! — деди Жасурбек. Унинг бўғзидан шу сўз билан бирга юрагидаги барча армонлари отилиб чиққандай бўлди.

— Яна озгина сабр қилсанг ёзги таътилга чиқамиз. Кейин иккаламиз бирга қишлоққа қайтамиз, — деди Алижон укасига далда берган бўлиб.

— Қани эди шу кун тезроқ кела қолса! Бир маза қилиб келардик! — Жасурбекнинг бу гапидан кейин ўртага жимлик чўкди...

Алижоннинг хаёлидан ҳозир шулар кечар экан, кўзлари намланди. У ёнидаги эзилиб ўтирган Алишерни баттар тушкунликка тушириб қўйишдан чўчиб, кўз ёшларини унга кўрсатмаслик ниятида ўтирган ўрнидан туриб йўлак бўйлаб юриб кетди.

* * *

Шифокор укол қилганидан кейин бир оз ўзини яхши ҳис қилгандай бўлган чолнинг хаёлидан ўтмиши биринкетин кино тасмаларидай ўта бошлади. Энг аввало унинг кўз ўнгида ўзи яхши кўрган баҳор фасли намоён бўлди. Сўнг кўм-кўк дала... Шу далани иккига ажратиб турган оёқ изи йўлида ишдан чарчаб уйига кириб келаётгани жонланди.

Ўрта бўйли, қорачадан келган, озғин, қирра бурун бу эркак дала чеккасидаги ҳашаматли уйга кириб келдида, қўлидаги китоб-дафтарини жавонга қўйди. Кейин ён атрофга назар ташларкан:


— Ҳой онаси, қаердасан? — деб бақирди.

Уйдан сал нарида жойлашган офилхонадан челақ кўтариб чиққан ушоккина аёл:

— Вой дадажониси, келдингизми? — дея эрининг жавобини ҳам кутмай, — мен ҳозир... ҳозир... — деганича уй ичкарасига кириб кетди.

Орадан кўп ўтмай қўлида сочиқ ушлаб чиққан аёл ҳовли бурчагига ўрнатилган жўмрақдан оқаётган сувга эркак юз-қўлини ювиб бўлгунича пойлаб турди. У юви-

929 523



ниб бўлгач, жўмракни ёпиб аёлга юзланди. Шу пайт аёл қўлидаги сочиқни чаққонлик билан эркакка узатаркан:

— Дадажониси, сиз устингиздаги кийимларингизни алмаштириб чикқунингизгача мен ошни сузиб қўяман, — дея яна эрининг жавобини кутмасдан ўнг томонидаги эшик томонга қараб пилдираганича юриб кетди. Орадан чорак соатча вақт ўтиб-ўтмай айвондаги хонтахта атрофидан жой олган эркак: — Онаси, болаларинг қани, — деди.

— Алишержон сигирларга ем бераяпти. Нодира билан Наргиза ҳали мактабдан келишмади.

— Ўғлимизни чақир. Овқатини еб олгандан кейин ҳам молларига қарайверади. Ошни иссиғида егани маъқул.

— Сиз кийимларингизни алмаштираётганингизда чақирувдим. Шу бола тушмагурингиз сигирларни бирам яхши кўради-ки... Бирам яхши кўради, — дея жавраган аёл ўтирган ўрнидан тураётганда хонага ўспирин йигит кириб келди.

— Ассалому алайкум, дада, — деди у.

— Ваалайкум ассалом. Кел ўғлим, овқатинга.

— Мана келдим, дадажон, — дея ўспирин хонтахта атрофидан жой оларкан яна сўзини давом эттирди.

— Қора новвос роса семирибди. Энди уни сотиб ўрнига иккита новвос олиб берсангиз яхши бўларди, дадажон.

— Ўн учта сигирни қандай эплейсан, болам тушмагура, — гапга аралашди аёл.

— Дадам олиб берсалар бокишни ўзим эплейман, ойижон. Битта боққан новвосимнинг пулига иккита бераяпти-ку. Мана, икки йилда битта новвосим ўн битта бўлди.

— Хўп бўлади, ўғлим. Овқатингни еб ол, кейин бафуржа гаплашамиз. Отанинг гапидан кейин дастурхон атрофидагилар жимиб қолишди.

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм — деб эркак ошдан олиш учун қўл чўзгандан сўнг қолганлар ҳам зўр иштаха билан овқатни тановул қила бошлашди. Дастурхон атрофидагилар овқатланиб бўлишганларидан кейин эркак Қуръон оятларидан тиловат қилиб мархумлар руҳига бағишлади. — Кейин, эй худойим, болаларимга тинчлик-осойишталик, соғлик-саломатлик ва бахт бер, деб юзига фотиҳа тортди. Қолганлар ҳам унга қўшилди.

— Онаси, бир чойнак иссиқ кўк чойингдан олиб кел. Ошдан кейин чанқоқбосди қилмасак бўлмайди.

— Дадажониси, айтмасангиз ҳам ўзим олиб келмоқчи бўлиб турувдим, — дея аёл хонтахта устидаги чойнакни олиб хонадан чиқиб кетди.

— Ўғлим, — деди эркак атайлаб урғу бериб, — сен ўн учта хўкизни боқа олармикинсан?

— Нега боқолмас эканман. Ўн учта эмас, элликта бўлса ҳам боқаман.

— Қийналиб қолмагин дейман-да ўғлим!

— Ҳеч ҳам қийналмайман, дада. Мен бокқан ҳар битта семиз новвос ўрнига иккитадан кичикроқ новвос беради. Алижон акам билан Жасурбек акамлар хизматдан келгач, уларни ҳам ўқитишингиз лозим. Кейин эса ҳаммамизни уйлантирасиз... Буларнинг ўзи бўлмайди-ку, ахир.

Ўғлига меҳри товланиб кетган ота:

— Сенчи, сен ўқимайсанми? — деб сўради.

— Ўқийман... Ўқиганда ҳам ўқишнинг зўрида ўқимоқчиман!..

— Яхши, хўш, ким бўлмоқчисан? — ўғлига синовчан назар билан қаради у.

— Прокурор бўламан.

— Нега прокурор бўлмоқчисан, ўғлим?

— Атхам прокурорнинг ўғли синфдошим, уни ҳар куни ҳар хил машинада бегона амакилар мактабга олиб келишади. Дарсимиз тугагач Ботир синфдошим, “Энди адамнинг қайси хизматкорини чақирсам экан” дейди. Синфдошларим Ботирга ҳавас қилишади, айникса, қизлар. Синфимиз бўйича “сотка” фақат унда бор. Охирги дарсга киришимиздан олдин телефонда кимнидир чақиради. Дарсимиз тугаб кўчага чиқсак, уни машина кутиб турган бўлади. Ботир синфдошимни кўрган ҳайдовчи амаки сакраб машинасидан тушади-да, унга машина эшигини очиб туради. Ботир бўлса гердайиб машинага ўтириб кетади. Ҳамма унга ҳавас билан қараб қолади.

— Ҳавас қилиш яхши. Лекин бунга ҳар ким ўз кучи, билими билан эришиши керак. Ўғил бола ота-онаси, ака-укасининг ёрдами ортида гердайиб юрмайди, бу уят.

— Сиз анаву куни мактабда қилган йиғилишимизда, “ҳеч ким мактабга қўл телефони олиб келмасин” деганингизда, у менга “қара, аданг сенга сотка олиб берол-

магани учун бизларга ҳам телефон олиб келма деяпти. Агар сенга сотка керак бўлса адамдан илтимос қиламан, улар бирорта хизматкорига олдириб беради. Фақат адангга айт, менга индамасин”, — деди.

— Сен унга нима дединг ўғлим, — отанинг юзи қахрли тус олди.

— Керак бўлса дадамлар менга юзта телефон олиб берадилар. Лекин бу ер бозор эмас, илм оладиган мактаб, дедим.

— Яшавор, тўғри айтибсан ўғлим, — отанинг юзи бир оз ёришди. — Лекин сен Ботирга хавас қилиб прокурор бўлмоқчимисан?

— Йўқ дада. Агар Ботирнинг дадаси ҳалол одам бўлганларида ўғлига бундай қилишига йўл қўймас эдилар. Мен ҳалол прокурор бўлиб яхшиларга суянчик бўлмоқчиман.

— Раҳмат ўғлим! Сен албатта ниятингга эришасан. Аммо сен шуни эсингдан чиқармагинки, маънавият ҳар бир одамнинг тақдирини, келажагини белгилайди. Ҳақиқат эгилиши мумкин, бироқ у синмайди. Шошма-шошарлик қилмаслик керак! Ҳаётнинг ўзи бир мактаб. У ҳар кимни ўз ўрнига қўяди, — дея меҳр тўла кўзларини ўғлига қадади.

Шу пайт хонага аёлга эргашиб кирган иккала қизалоқ:

— Ассалому алайкум дадажон, — дея бараварига чулдирашди.

— Ваалайкум ассалом, она қизларим. Бугун неча баҳо олдингизлар?

— Учта фандан беш баҳо олдим, — деди бўйи сал новчароғи.

— Мен бугун битта беш билан тўрт баҳо олдим, — деди кичкина қизалоқ сал ийманиб.

— Зўрсизлар-ку, она қизларим! Доимо шундай бўлсин. Ҳеч ҳам бўшашманглар. Хўпми?

— Хўп бўлади, дадажон! Сизга акамдан хат келди, — дейишди қизалоқлар бараварига. Кейин каттароғи синглисига сен гапир дегандек бир қараб қўйдида, жимиб, колди.

— Танаффус пайтида мен опам билан мактаб ҳовлисида гаплашиб турган эдик почтачи амаки велосипедда олдимизга келиб тўхтаб мен билан опамга биттадан хат

бериб кетди, — дея кичкина қизалоқ қўлидаги конвертни дадасига узатди.

Иккала қизидан ҳам хатни олган ота буюрди:

— Ҳозир сизлар ўз хоналарингизга кириб кийимларингизни алмаштириб чиқиб овқатларингизни еб олинглар. Хўпми она қизларим?

Хўп бўлади дадажон, дейишди қизлар бараварига. Ота конвертлардан биттасига кўз югуртирар экан манзили, кейин унинг кимга тегишли эканлигини билдирадиган жойидаги Хўжаева Гулчеҳрага деган ёзувни ўқиди-да:

— Онаси, буниси сизга тегишли экан, мана олинг, — деб хатлардан биттасини узатди.

Сўнг иккинчи конвертдаги Хўжаев Мардон деб ёзилган жойини ўқиб, бу хат менга тегишли экан, — деди овоз чиқариб.

Аёл шоша-пиша конвертни очиб ўқишга киришди. Хатни ўқиркан унинг кўз ёшлари юзини ювди. Унга зимдан разм солиб ўтирган эр унинг юзини ажин босиб, қовоқлари салқиганини, чўпдай озиб кетганидан юзларининг териси суягига ёпишиб қолганлигига эътибор берди. Шунда у хотинига ич-ичидан ачиниб кетди.

“Жуссаси кичик бўлсада, тоғни талқон қиладиган, керак бўлса оиламиз тинчлиги, болаларимиз учун жонини ҳам аямайдиган, ҳаётда нолиш нималигини билмаган, турмушнинг аччиқ-чучугини мен билан бирга тенг тортиб келаётган мана шундай турмуш ўртоқ берганинг учун ҳам сендан мингдан-минг розиман, худойим” деган фикр эркакнинг хаёлидан ўтди. Шундан сўнг у, “жаннат оналар оёғи остида” деб беҳуда айтишмас эканда, деб қўйди ўзига-ўзи.

Хатни ўқиб бўлган аёл:

— Алишержон, сенга аканг Алижон билан Жасурбек салом йўллашибди, — дея соғинч кўз ёшларини қўллари билан артди. Шу пайт ичкари хонадан иккала қизалоқ чопқиллаб чиқишганича:

— Бизларгачи?.. Бизларга салом айтишмабдиларми? — дейишди бараварига.

— Ҳа, сизларга, дадажонига, қариндош-уруғ, қўни-қўшни ҳамма-ҳаммага салом деб ёзишибди, — деди аёл кулишга уриниб.

— Эсон бўлишсин, илоҳим! — деди ота қувониб фахр билан.

— Акажонларим қачон келишар эканлар? — кичкина қизча сўради.

— Ёзги таътилга чиқишлари билан келишар эканлар! — деди аёл ички бир соғинч билан энтикиб.

Ўз навбатида кўлидаги хатга кўз югуртирган эркак деди:

— Нурбек аканг ҳам ҳаммага салом айтиб қўйишимни ва яқин кунлар ичида ҳарбий хизматни тугатиб уйга қайтишини ёзибди.

— Худога шукур, ҳамма фарзандларим бағримга келиб уйимиз тўлиб қоладиган бўлди, — деди аёл хурсанд бўлганидан яна кўзига ёш олиб.

Қизалоқлар бараварига, “Ур-р-е-е” деб қарсақ чалиб юборишди.

Шундан сўнг чолнинг кўзига Жасурбек кўринди. Кейин Нодира билан Наргиза... Яна Жасурбек, сўнг Алижон, Нурбек ва Алишер...

Тагин Жасурбек... Бу сиймолар бир-бири билан тез-тез алмашиб турди. Ундаги бу ҳолат узокқа чўзилмади. Чолнинг лаблари, — Жасурбек, — дея мажолсиз пичирлади-ю, бир марта чуқур совуқ нафас олиб, “ух” деганича кўзи очиқ ҳолда боши ўнг томонга қийшайиб қолди.

Чолни зимдан кузатиб турган оқ халатли қиз палатадан отилиб чиқди-да, “бўлим бошлиғи” деб ёзилган эшикка ўзини урди. У бир норғул йигитни эргаштириб палатага қайтиб келганида чолнинг каравоти атрофида чўккалаб ўтирган кўйи уни қучоқлаган иккала ўғил уввос солиб йиғлашарди.

* * *

Мардон чолнинг маъракаларини ўтказиб бўлган Гулчехра момо болаларини олдига чақириб синиқ бир овозда сўз бошлади:

— Дадажонларингиз худога керак бўлибди... Ноилож... “Яхшига юрим, ёмонга ўлим йўқ” деганлари ҳақ экан. Буям худонинг бошимизга солган бир синови, болаларим. Энди дадажонларингизга сизларнинг дуоларингиздан бошқа ҳеч нарсаларингиз керак эмас. Фақат уларнинг руҳи покларига ҳар кун Қуръон тиловат қилиб туришни эсларингиздан чиқарманглар. Бундан буён ҳаммаларингиздан катта Алижон акаларингиз сизларга она ўрнида она, ота ўрнида ота ҳисобланади. Унинг гапла-

рини ҳеч икки қилманглар. Гапларимни эшитдингизларми, болажонларим.

— Эшитдик, ойижон, — дея Алишер акаси Жасурга кўз тагидан бир қараб қўйди.

Болаларининг ҳар бир хатти-ҳаракатларини назаридан четда қолдирмай кузатиб ўтирган Гулчехра момо:

— Жасурбек болам, бу гапларим кўпроқ сенга тегишли... Сўзларимга тушундингми, болам? — деди. Унинг гапларидаги қатъийлик яққол сезилиб турарди.

Бошини қуйи эгиб ўтирган Жасурбек “тушундим” деган маънода бошини кимирлатиб қўйди.

— Дадажонларингизнинг йил ошидан бошқа ҳамма маъракаларини ўтказиб бўлдик, — дея Гулчехра момо бошига боғлаб қўйилган оппоқ рўмолининг учи билан кўз ёшларини артиб олди. Бир зумлик сукунатдан кейин у ўзини босиб олдида, яна сўзини давом эттирди.

— Шунча кундан буён ишларингизни ташлаб юрибсизлар. Эртадан бошлаб ҳаммаларингизга рухсат! Уй-уйларингизга кета қолинглар, болажонларим!

— Дадажонимга акамларнинг шугина хизматлари кўп бўлибдими, ойижон?! — Алишер йиғлаб юборди.

— Мен ундай демадим болам, — деди Гулчехра момо овозига дадиллик руҳини бериб. — Ҳар бирингизнинг ишхонангиз олдида ўз масъулиятларингиз бор. Агар ножўя иш қилсак дадажонларингизнинг руҳи покларини чирқиратиб қўямиз-ку, болажонларим! Раҳматли “ҳар биримиз ўз бурчимизни виждонан бажарганимизда эди, ҳаётимиз бундан кўра минг чандон яхши бўлган бўларди” деб кўп гапирарди. Шунинг учун бундан кейин ҳам виждон амрига бўйсуниб яшанглар болажонларим.

Нодира билан Наргиза ўзларини тутиб туришолмай “пиқ” этишганларича хўнграб йиғлаб юборишди.

* * *

Тонг. Уфқда қуёшнинг қизғиш шуъласи кўринди. Кўп ўтмай унинг замин сари бостириб келаётган заррин нурлари бутун оламга сочилди.

Бу пайт Нурбек ва Алишержонлар билан қучоқлашиб хайрлашган Алижон ва Жасурбеклар чипта ичига солинган паспортларини йўналишни назорат қилишаётган ходимларга узатди. Сўнг улар самолёт ичига кириб кўздан ғойиб бўлишди. Алижон билан Жасурбеклар самолёт-

нинг юмшоқ ўриндиғига жойлашиб олганларидан кейин кўп ўтмай осмонга кўтарилиб булутлар узра сузиб кетди.

— Келинойинг билан келинни, болаларимизни оймнинг ёнларига ташлаб келганимиз яхши бўлди, — деди Алижон ўзига ўзи далда бераётгандай. — Улар дадажонимизнинг ўринларини босолмасалар-да, ойижонимизга озгина бўлсада, далда бўлишади.

— Ҳа, тўғри айтасиз, — деди Жасурбек кўзларини юмиб юмшоқ ўриндиққа суяниб ўтирганича.

— Дадажонимизсиз энди қандай яшаймиз ука?! — бу сўз Алижоннинг ўзи сезмаган ҳолда оғзидан чиқиб кетди.

— Бошга тушганини кўрамиз ака! Тегирмон навбати билан деганларидай... Ҳеч ким ҳаётда устун бўлиб қолмас экан. Начора!.. Туғилиш ва ўлим бу ҳаётнинг ўзгармас қонуни! — деди Жасурбек пинагини бузмай.

Укасининг гапларидан бир оз ранжиган Алижон Жасурбекнинг ёшлиги билан ҳозирги даврини таққослаб кўрди. “Уларнинг ҳар бири бир-бирига ўхшамаган ўзга бир олам, ўйлади у. Балки мен адашаётгандирман? Дадажонимизнинг бизларни ташлаб кетишлари Жасурбекка қаттиқ таъсир қилган бўлсачи?! Нега таъсир қилмасин? Падари бузрукворимиздан айрилиб қолганимиз укамга қаттиқ таъсир қилган. Сабаби охирги уч йил ичида бирор марта қишлоғимизга бормаган бўлса... Устига-устак дадажоним билан видолашиш ҳам унга насиб қилмади. Шундай бўлгач асабийлашиши табиий. Мен бўлсам тирноқ тагидан кир излаб ўтирибман. Бу қандай тубанлик! “Ўйламай сўзлаган оғримай ўлар” деб дадажоним кўп айтар эдилар, яхшиям индамаган эканман. Жаҳл қилиб укамга бирор нарса деб кўнглига тегиб қўйганимда ўзимни-ўзим ҳеч ҳам кечиролмасдим. Ҳақиқатдан ҳам Жасурбек тўрт йилдан буён меҳнат таътилига чиққани йўқ. Ишхонаси фақат номигагига меҳнат таътили беради-ю, яна дарров ишга чақириб олади”.

Ҳуқуқ-тартибот идораларининг иши жудаям оғир ва масъулиятли вазифа деган қарорга келди Алижон. У қанча укасини ҳақ деб ўйлагани сари ўзи шунча ноҳақ бўлиб чиқаверди.

Олийжаноблик билан тубанликнинг орасига қил ҳам сиғмас экан-да, деб шивирлаган Алижон ўзи-ўзини ёмон кўриб кетди. Сўнг у ён томонига ўгирилиб Жасурбекка меҳр билан термулди.

Укаси бўлса кўзларини юмган кўйи юмшоқ суянчиққа суяниб ўтирарди. У ўйлаяптими, мудраяптими билиб бўлмасди. Шу тобда Алижоннинг меҳри товланиб Жа-сурбекни ёш болалардай эркалатгиси келиб кетди.

* * *

Тунги чироқ ёниб турган хонанинг иккала ён девори-га тақаб ўрнатилган иккита юмшоқ ўриндикнинг ҳар бирисида ўз боласини бағрида олиб ётган аёллардан бири товушини чиқармасдан йиғларди.

Кўшни ўриндикда ётган аёл, “Овсинимнинг отамлар-ни бунчалик яхши кўришини билмас эканман, деб ўйла-ди. Отамларни яхши кўргани яхши. Лекин она йиғласа ҳар қандай фарзанд ҳам эзилиб кетади-ку! Нега Зебо-хон ўз фарзандини ўйламаяпти”.

Овсинига раҳми келдими ёки унинг ёнида ётган бола-сига ачингани учунми секин сўради:

— Зебохон, биламан, отамларни жуда яхши кўрасиз. Лекин йиғлайвериб болангизнинг юрак бағрини эзиб юбор-дингиз-ку! — деди у.

Зебохон тўлиб турган эканми унинг гапларидан ке-йин хўнграб йиғлаб юборди.

— Нима бўлди сизга, — кўшни ўриндикда ётган аёл ўрнидан туриб унинг олдига борди.

— Нилуфар опа, мен гапирмай сиз эшитманг, — деди Зебохон юзини қўллари билан ёпганича йиғлаб.

— Нима бўлди, Зебохон? Айтинг... Бир оз енгил тортасиз! — деди Нилуфар далда бериб.

Шу пайт Зебохоннинг ёнида ётган беш-олти ёшли чамаси қизалоқ ҳам ётган ўрнидан туриб ўтирди. Унинг кўзлари косасидан чиқиб кетгудай бир ҳолатда гоҳ ойи-сига, гоҳ Нилуфарга ҳайрат билан термуларди.

— Холидахон қизим, келинг менга, — деб Нилуфар қўлларини қизалоқ томонга чўзди.

Холида ҳам у томонга талпинди. Нилуфар уни бағ-рига босаркан шунда қизалоқ:

— Катта опа, ойимларга айтинг, йиғламасинлар! — деди йиғлагудек бўлиб.

— Зебохон, бўлди қилинг энди, болани эзиб юбор-дингиз-ку! — деди Нилуфар.

— Бўлди... Бўлди қизим. Мана, йиғламаяпман. — Зебохон қўллари билан юзу кўзларидаги ёшни артди. —

Кел қизим, келақол. — У қизини Нилуфардан олиб бағрига босди.

Холидахон ҳам ойисининг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди.

Яна Зебохоннинг юзларини қайноқ кўз ёшлари ювди.

Буни сезмаган қизалоқ:

— Ойижон, энди ҳеч ҳам йиғламайсиз-а!? — деди шивирлаб.

— Йўқ қизим! Бугундан бошлаб ҳеч ҳам йиғламайман! — деди Зебохон кўзларидаги ёшни қўли билан артиб.

Нилуфар она-бола ҳолатига қараб ич-ичидан эзилиб кетди.

— Бўлди энди Зебохон, Холидани ухлатинг, кейин бафуржа гаплашиб оламиз. Сизнинг менга айтадиган гапларингиз кўпга ўхшайди, — деди у.

Зебохон “хўп бўлади” дегандай бошини қимирлатиб қўйди-да, “Қани ётдик қизим”, — деди. У Холидани кучоғига олиб ўз ўрнига чўзилди.

Нилуфар ҳам ўз ўрнига қайтиб келиб пишиллаб ухлаб ётган ўғлининг ёнига омонатгина ётди ва яна хаёл гирдобига шўнғиди.

“Овсинимга нима бўлди!? Уларни биронтамиз хафа қилмаган бўлсак... Бу хонадонга келин бўлиб тушганимдан буён бу оилада бирор марта адолатсизликка йўл қўйилганини кўрмаганман. Зебохоннинг бу даражада қон йиғлашига нима сабаб? Қолаверса, эрим фалон жойда ишлайди деб анча-мунча одамга гап бермай кеккайиб юрадиган овсиним нега бу даражада тушкунликка тушиб қолди?” У ўйлаган сари ўйининг охирига етолмас эди.

— Нилуфар опа, ухлаб қолмадингизми? — шивирлади Зебохон. У қучоқлаб ётган қизининг қўлини бўйнидан оҳиста олганича.

— Йўқ! Ухлаганим йўқ! — Нилуфар ётган ўрнидан турди.

Иккала аёл ҳам каравотлар орасидаги йўлакчада юзмаюз ўтириб олишди. Шундан сўнг улар бир зум жим қолишди. Хонада энди сукунат ҳукмронлик қиларди.

— Нилуфар опа, гапни нимадан бошлашни билмаяпман, — деди Зебохон сукунатни бузиб кўзларини бир нуқтага қадаганича хаёл сураётгандай ҳолатда.

— Борини айтаверинг. Одам дардини ичига ютаверса

оқибати яхши бўлмайди. Уни тўкиб солсангиз енгил тор-тасиз.

— Қайнингиз юради, — деди Зебохон томдан тараша тушгандай.

— Мен сизнинг гапларингизга тушунмадим... Қайси қайнимни айтаяпсиз? Тушунтириб гапирсангизчи.

— Жасурбек қайнингизнинг ўйнаши бор, — Зебохон эрим демасдан унинг исмини шивирлаб айтаркан ҳамон бир нуқтага тикилиб ўтирарди.

— Қўйсангизчи... — Нилуфар қўли билан ўз ёқасини ушлади. — Бу гапни қаердан олдингиз?

— Биламан, у ҳозир ўша бузуқининг ёнида. Мен буни сезиб турибман.

— Сиз жинни бўлиб қолибсиз, Зебохон. Жасурбек ундай йигитлардан эмас. Қолаверса раҳматли Мардонбек отамлар, “Зебохоннинг дадалари оламдан ўтганида шу қизи бир яшар экан. Ота тарбиясини кўрган қиз яхши бўлади, болам! Бундан ташқари унинг ота-онасини, қариндош-уруғини танимасак... Танимаган, билмаган одамларимиз билан қандай қилиб куда бўламиз? Қишлоқимизда ҳам қизлар кўп-ку” деганларида, қайним “Дадажон, шу қизни олиб бермасангиз уйланмайман. Бошқа қизнинг менга кераги йўқ” деб оёқ тираб туриб олган эди. Жасурбек сизни жонидан ҳам ортиқ кўради. Мен сизнинг бу гапларингизга ишонмайман.

— Биламан... Билмасам айтмас эдим. — Зебохон ҳамон бир нуқтага тикилганича ўтирар эди. — Мени ҳам уйимизга олиб кетинг десам, кўнмадилар. Бемалол-хўжа бўлиб ўша манжалақи билан дам олгилари келганда.

— Сизнинг ширин ҳаёт кечираётганингизни кўролмаган бирорта душманингиз бундай бўхтонни ўйлаб топган. Ҳаётда шундай пасткаш, тубан одамлар ҳам учраб туради.

Сиз ҳам дарров ифвога ишона қолдингизми?

— Бу ифво эмас. Ҳатто, у ифлос битта ўғил ҳам туғиб берибди.

— Қўйинг бу гапларни. Ҳозир мавриди эмас. Жойингизга кириб ётиб ухланг, — деди Нилуфар. Кейин у “Қайси фирибгар бўлсада, овсинимнинг миясини роса заҳарлаган экан” деб қўйди. — Мен шуни яхши биламанки, Жасурбекдан бундай номаъқулчилик чикмайди.

Бундан ташқари буларни шундай мўътабар олийжаноб инсонлар тарбиялаб вояга етказган.

— Сизни жудаям яхши тушуниб турибман. Менга ишонмаяпсиз! Авваллари у ер-бу ерда узун кулоқ гапларни эшитганимда мен ҳам ишонмаганман, — дея Зебохон Нилуфарнинг кўзига тик боқди. — Дам оладиган кунларининг бирида улар қизимни ҳам машинада айлан-тиргани олиб кетганди. Ўша куни кечки пайт уйга қайтиб келишганида Холидахон “Ойи, мен укамни кўрдим” деди.

Мен нималар деб валдираяпсан қизим десам, Холида “укам кичкина бўлсада машина ҳайдашни билар экан. Дадажонимнинг олдига ўтириб олиб роса машина ҳайдади. Кейин ҳаммамиз бирга овқатландик. Дадажоним унга қўғирчоқ олиб бердилар. Менга ҳам қўғирчоқ олиб беринг десам, “Сен катта қизсан, қўғирчоқни ёш болалар ўйнайди” деб мени уришдилар, деб хафа бўлди.

Агар дадажонимга айтмасангиз сизга яна бир гап айтиб бераман, деди. Аввалига улар бирор танишининг ўғлига ўйинчоқ олиб берган бўлса қизим тушмагур дадасини қизганиб шундай деяётгандир деб ўйладим. Шундан кейин айтақол қизим ҳеч кимга айтмайман дедим.

Шунда Холида “Дадажонимлар Санжарбек “сенга ука бўлади” деб таништирган боланинг ойисини “бугундан бошлаб булар сенинг янги ойинг бўлади” дедилар. Мен ойимла уйда-ку, десам дадажоним “у ойингни қувиб юбориб бу ойингни уйга олиб бораман” дедилар. Дадажоним Сизни уйдан қувсалар мени ҳам ўзингиз билан бирга олиб кетинг, хўпми ойижон” деганида бутун дунё кўзимга қоронғи кўриниб кетди.

Шунда Нилуфар ҳам нима дейишини билмай жимиб қолди.

— Ана энди тушундингизми, Нилуфар опа? — деди Зебохон. У бир нуқтага тикилганича ҳаёл сураётгандай шивирлади. — Қайнингиз ҳозир ҳам ўша бузуқининг олдида.

— Ёш боланинг гапини қўйсангизчи! Жасурбекнинг ўзи билан гаплашиб кўрдингизми, ахир!?

— Гаплашиб кўрдим... Шундан буён хоҳласа уйга келади — хоҳламаса келмайди. Ана шундай гаплар Нилуфар опа, — дея Зебохон бир хўрсиниб қўйди. Бироқ унинг кўзларида энди ёш кўринмади. “Бу қандай ҳаёт!”

“Бу не кўргилик!”. Мана шуларни хаёлидан ўтказган Нилуфар энди Жасурбекни оклаш учун бисотидан сўз ахтарар, лекин уни оклайдиган бирорта ҳам сўз тополмай қийналар эди.

• • •

Жасурбек стулда ўтирганича ёнгинасида турган телефон гўшагини кўтариб қаергадир қўнғироқ қилди.

— Аъло, бу сенмисан?

— Ассалому алайкум! Ҳа, бу менман азизим, — деган аёл кишининг товуши унинг қулоғига эшитилди. — Ишингиз тугадими? Қачон уйга келасиз?

— Азизам, мен бугун уйга боролмасам керак.

— Нега? — аёлнинг тана аралаш ноз-карашмаси шу дамда ёқимли туюлди.

— Қишлоқдан келганимдан буён акамнинг олдига бормаганимни биласан-ку. Бугун ҳам бормасам хафа бўладилар.

— Қишлоқдан келганингизга атиги уч кун бўлди-ку, Жасурбек ака. Дарров акангизни соғиниб қолдингизми?

У аёлнинг гапларини жавобсиз қолдирганича жимиб қолди.

— Нега индамайсиз? — аёл йигитни хафа қилиб қўйдим деб ўйлади шекилли майин ва нозли овозда сўзини давом эттирди. — Майли жоним акангизнинг олдига борсангиз бора қолинг. Лекин бир хафта қишлоққа кетганингизда мен сизни шундай соғиндим... Шундай соғиндим... Агар қишлоқдан келсалар бундан кейин ҳеч қаерга қўйиб юбормайман деб ўзимга-ўзим сўз бергандим-да жоним.

— Акамнинг ҳам оиласи қишлоқда қолган ҳозир уйларида битта ўзлари.

— Акангиз ҳам эркинликдан фойдаланиб бирорта жоннинг қўйнида мазза қилиб ётгандирлар. Сиз бўлсангиз улар учун қайғураяпсиз!

— Мен акамларни жуда яхши биламан. Уларга адамларнинг вафоти қаттиқ таъсир қилган. Шунинг учун ҳам бундай қилолмайдилар.

— Майли азизим, сиз айтганингизча бўла қолсин. Акангизнинг уйига бориб уларни тополмай қайтганингиздан кейин ўзингиз гапларимга амин бўласиз!

— Гапларингга тушундим, ҳозирча хайр, азизам!

— Агар акангизни уйдан тополмасангиз бирор ба-
хона топиб кеч бўлсаям уйга қайтинг, хўпми жоним!

— Хўп бўлади, асалим! — деди Жасурбек гўшакдан эшитилган аёлнинг ёқимли товушидан эриб кетаркан. Сўнг уни сизлаб деди: — Иложи борича сиз айтгандай қиламан.

— Хайр жоним! Яхши бориб келинг!

— Кўришгунча асалим! — дея Жасурбек гўшакни жойига қўйиб хаёлга берилди. У ҳозир нечундир Алижон акаси билан қишлоқдан самолётда учиб келганлигини эслади. Тошкент аэропортига келиб қўнган самолётдан одамлар туша бошлади. Улар орасида иккита йигит жим ҳолда ёнма-ён юришганича катта йўлга чиқиб олишди. Шунда йигитлардан бириси:

— Алижон ака, ҳозир ишхонамга ўтмасам бўлмайди, — деди.

— Зарур бўлса борақол, — деди Алижон, кейин у ёнидаги йигитни кучоқлаб бағрига босди. — Бардам бўл, Жасурбек ука, Худонинг ўзи сенга куч-қувват берсин. Мен уйда бўламан. Ишинг тугагач, уйга ўтарсан.

— Шароитга қараб қўраман ака. Агар ишхонада ушланиб қолмасам албатта ўтаман.

— Кеч бўлсаям боравер. Мен сенга бегона эмасман-ку?!

— Хўп бўлади ака! — дея Жасурбек йўлдан физилаб ўтиб турган машиналарга қўл кўтарди. Машина келиб унинг олдида тўхтади.

— Эски жўвага — деди Жасурбек.

— Ўтиринг, обориб қўямиз! — такси ҳайдовчи гўштор бошини кимирлатиб кулди.

Жасурбек Алижонга “хайр” дегандай қўлини баландга кўтариб қўйди-да машинага ўтирди.

Такси шитоб билан жойидан кўзғалиб йўлдан ўтаётган машиналар оқимига шўнғиб кетди.

У ҳозир ана шуларни ўйларкан Алижон акам шунча кундан буён қаерларда юрибсан деб сўраса нима деб жавоб бераман деган хаёлга бориб бир оз сиқилди. Шу пайт телефон жиринглаб унинг ўйларини пардай тўзитди.

— Ало, эшитаман, — деди Жасурбек гўшакни қулоғига тутиб.

— Бу менман: — Бу акаси эди.

— Ассалому алайкум, Алижон ака! Умрингиз узоқ

бўлар экан. Ҳозиргина сизни эслаб турувдим, — Жасурбек ялтоқланди.

— Ваалайкум ассалом, тинчмисан ўзинг? Қишлоқдан келганимиздан буён уйга келганинг йўқ. Ҳеч бўлмаса қўнғироқ қилиб келолмаслигингни айтиб қўйсанг бўларди-ку!? Ҳар куни овқат тайёрлаб ярим тунгача сени кутиб ўтираман. Уйингга бир неча марта қўнғироқ қилдим, олмадинг, — акасининг зардали товуши эшитилди.

— Аввалига ишхонангга қўнғироқ қилиб безовта қилгим келмади. Сени тополмагач ноилож ишхонангга қўнғироқ қилишга мажбур бўлдим. Ўзинг тинчмисан?! Ишларинг яхшими, ахир?!

— Ҳаммаси жойида. Биласиз-ку, бизларнинг ишимизнинг нозиклигини, — Жасурбек баҳона қилди. — Туннинг ярмигача ишлаб чарчайман. Кейин, уйга бораманда ўзимни диванга ташлайман. Эрталаб ўрнимдан тураман-у, яна ишга шошиламан. Шу кунларда ҳеч уйқуга тўймайман. Қани эди мазза қилиб бир тўйгунча ухласам.

— Вақтида овқатланаяпсанми? — гўшакдан Алижоннинг мулойим ва ҳаяжонли овози эшитилди. — Жасурбек ука, очдан-оч юриб бирор касалликни орттириб олмагин.

— Хавотирланманг, иштаҳам бўлмаса-да, ўз вақтида овқатланаяпман.

— Ўзингни эҳтиёт қил! Мухитга қараб иш тут! Бизни кига келишга вақт тополмасанг ҳар замонда қўнғироқ қилиб туриш эсингдан чиқмасин! Бўпти, хайр.

— Хўп бўлади, ака, хайр соғ бўлинг, — дея Жасурбек гўшакни жойига қўяркан: — Ана энди бўлди, бу ёғини ҳам тинчитдим. Энди бемалол гўзалимнинг олдига борсам ҳам бўлаверади, — деди ўзига-ўзи товуш чиқариб.

* * *

Шиnam безатилган ётоқхонанинг бир бурчагидан жой олган кўзгу олдида ястаниб ўтириб олган аёл ўз аксига тикилганича анча вақт ўтириб қолди. “Юзларимга ҳам ажин туша бошлабди. Ўзимга қанча аро бермайин вақт ўз кучини кўрсатмай қўймас экан”, хаёлидан ўтказди у.

“Энди нима қилиб бўлсада, Жасурбек акамни бутунлай хотинидан ажратиб ўзимники қилиб олишим керак. Агар яна озгина вақт ўтказиб юборсам кўчада қолиб

кетишим аниқ. Тўғри-да, кампир бўлиб қолганимдан кейин кимга ҳам керагим бор”.

Хаёл уммонига шўнғиган аёл эндигина юзларига туша бошлаган ажин чизикларини юз парвариши учун суртиладиган крем билан тўлдириб силлиқлай бошлади.

“Жасурбек акамларни бутунлай ўзимники қилиб олишим керак. Акс ҳолда улардан ажраб ёлғиз қолишим ҳеч гап эмас. Бундан кейин уларни ҳатто хотинининг ёнига ҳам йўлатмаслигим керак. У кишим мени эрмак қилиб юриб ёшим ўтганидан кейин ташлаб бутунлай хотинининг олдига кетиб қолсалар-чи!”

Шу фикр миясига келган аёл худди Жасурбекдан ажраб қолаётгандай ўтирган жойида бир сапчиб тушди: “Йўқ! Йўқ! Бундай бўлиши мумкин эмас. Уларни ҳеч кимга бериб қўймайман. Ўлсам ўламанки, лекин Жасурбек акамни ҳеч кимга бермайман. Бунинг учун эса энг аввало, ширин гапларим ва нозу ишваларим билан уларнинг юрагидан чиқмайдиган даражада жой эгаллаб олишим зарур”.

Шу пайт эшик қўнғирови жиринглаб аёлнинг фикрлари бўлинди. “Келган ким бўлди экан? Жасурбек акамлар акасиникига кетган бўлсалар? Уй эгаси келдимикин? Уйнинг ижара ҳақини яқиндагина тўлаган эдик-ку!? Ёки ойим ўғлимни олиб келдимикин?”

У ўғлимни соғинганидан бўлса керак бир энтикиб қўйди. “Ойимга ўғлим вақтинча сизникида туриб турсин, куёвингиз ишдан чарчаб келганларида бола-болалигини қилиб хархаша қилиб қолса тагин улар билан менинг ўртамга совуқлик тушишига сабабчи бўлиб қолмасин дегандим-ку! Йўқ. Йўқ. Ойим келмаганлар”, деган ўй билан эшикни очган аёлнинг кўзи остонада турган Жасурга тушди.

— Ассалому алайкум Жасурбек ака. Акангизникига бормадингизми? — аёл саволга тутиши билан бирга остона хатлаб кирган эрақнинг пинжига кирганича юзларидан ўпиб қарши олди.

Жасурбек ҳам аёлни қучоғига оларкан:

— Лобарим.. Асалим... — дея юзларидан ўпа бошлади.

— Жасурбек ака, қўшнилар кўриб қолса уят бўладия!? — Лобар ундан ўзини олиб қочмоқчи бўлди.

— Кўрса-кўраверсин!.. Биз ўғирлик қилаётганимиз

йўқ! Ахир, мен сизни ўз никоҳимга олганман-ку! — Жасурбек аёлнинг белидан маҳкам қучоклаганича қўйиб юбормай унинг юзу қўзларидан ўпарди.

Шунда аёл унинг лабларини қўли билан тўсганича:

— Жоним, тўғриси айтинг, мени севасизми? — деди.

Унинг гапларидан ийиб кетган Жасурбек: — Жоним, мен сиз учун ўлимга ҳам тайёрман! — деди.

— Азизим, ўлимдан оғиз очманг. Ҳали сиз менга жудаям кераксиз! Сизсиз бу ҳаётда яшашнинг менга ҳеч ҳам кераги йўқ. Фақат тўғриси айтинг, мени севасизми? — аёл унинг қўзларига тикилди.

— Асалим, сизни жонимдан ҳам ортиқ яхши кўраман! — Жасурбек юзини тўсиб турган аёлнинг қўлини пастга тушираркан яна унинг ёноқларидан ўпа бошлади.

— Жасурбек ака, мени ҳеч ҳам ташлаб кетмай-сиз-а!?

— Йўқ, энди бизни ҳеч ким ажратолмайди, — Жасурбек хансираганича аёлнинг юзу қўзларидан ўпди. — Ўзингизчи!? Ўзингиз мени яхши кўрасизми?

— Яхши кўраман, жоним! Сиз билан дунёнинг нариги чеккасига ҳам кетишга тайёрман. — Энди аёл Жасурбекнинг қучоғида турганича унинг сочларини силади.

— Жоним, сиз уй кийимларингизни кийиб олинг. Овқатланиб олганингиздан кейин бемалол эркалаб қучоғингизда ётгим келаяпти. — Аёлнинг бу гапларидан кейин ҳиссиёти жумбушга келган Жасурбек Лобарни даст қўтариб олганича ётоқхонага кириб кетди.

* * *

Тунги чироқ ёритиб турган хонада икки аёлнинг кечаси билан суҳбатлашиб чиқиши одат тусига айланди.

— Нилуфар опа, қани эди ўз уйимизга кета қолсак. — деди хаёл суриб ўтирган аёл. — Ўз уйинг, ўлан тўшагинг деганлари рост экан.

— Тўғри айтасиз, Зебохон! Лекин ойижонимизни мана шундай оғир кунда ёлғизлатиб қўйишга ҳаққимиз йўқ. Инсон бошига тушган оғир кунларида бир-бирига суянчиқ бўлмоғи лозим. Акс ҳолда яшашнинг маъноси ҳам қолмас эди, — деди Нилуфар.

— Сизнинг фикрларингизни тушунаяпманку-я, — чайналди Зебохон.

— Сизни яна қандай жин урди. — Нилуфар шеригига жиддий тикилди. — Яна қайним ҳақида ўйлаясизми?

— Й-ў-ў-к...

— Менга қайним ҳақида ўйламасликка сўз бергансиз-а? — Нилуфар кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб ўдағайлаганича ҳазиллашди.

— Сўз берганман Нилуфар опа, сўз берганман, — Зебо йиғлағудай бўлиб гапирди. — Ўйламай дейман... Лекин ўйламасликнинг иложини тополмаяпман-да.

— Мен сизга минг маротаба айтдим, Тошкентга борсак Алижон акангизга тушунтириб айтаман. Кейин уларнинг ўзлари Жасурбек билан гаплашиб танобини тортиб қўядилар, деб. Яна нимага сиқиласиз? — Нилуфар овсинига ич-ичидан ачиниб кетди ва унга сездирмай қўз тагидан қараб қўйди. “Эр бермоқ жон бермоқ деганлари тўғри эканда” кўнглидан ўтказди у. “Жасурбек ҳам қуриб кетсин, Зебохонни адои тамом қилди. Овсиним озиб-тўзиб кетди. Эр дегани мана шундай бўлса, уни ер ютиб кетгани яхши эмасми?”

— Улар ўша манжалақи билан бирга деган фикр миямдан чиқмаётган бўлса нима қилай, Нилуфар опа!? — эрининг исмини тилга олишни ҳам истамай гапирган Зебо кўллари билан юзини ёпиб йиғлаб юборди.

— Қўйинг Зебохон, йиғламанг, — Нилуфар овсини овутиш учун шундан бошқа сўз тополмай қийналди. Сўнг унинг елкасидан қучиб ҳамдардлик билдирган бўлди.

— Ҳаётдан тўйиб кетдим, Нилуфар опа! — Зебохон Нилуфарнинг кўксига бошини қўйган қўйи силкиниб-силкиниб йиғлади.

— Майли, тўйиб-тўйиб йиғланг, Зебохон. Зора шу билан дардингиз енгиллашса, — деди Нилуфар оналарча меҳр билан унинг елкасини силаб.

Бу иккала аёл шу алфозда узоқ ўтиришди. Зебохоннинг кўзларидан оқаётган дард ёшларининг гўё адови кўринмасди.

Охир-оқибат Нилуфарнинг бардоши тугади шекилли:

— Бўлди... Етар... Йиғини бас қилинг! — деди буйруқ қилаётгандай қатъий оҳангда. Кейин у бир оз юмшаб мулойим овозда давом этди.

— Уч ойдан буён ҳар куни шу аҳвол. Агар ҳаётингиз шу тарзда давом этаверса ўзингизни-ўзингиз адоитамом қилиб қўясиз-ку!

— Нилуфар опа, мен аллақачонлар тамом бўлиб тирик мурдага айланган одамман! — Зебохон Нилуфарнинг кўксидан бошини кўтариб қаддини ростлади-да, қўллари билан кўзларидаги ёшларни артди. Кейин бир нуктага тикилганича ҳиссиётсиз қиёфага кириб бир зум ўтириб қолди.

Нилуфар унга нима дейишини билмай жим ўтирарди.

Орадан кўп ўтмай Зебонинг юзида қатъиятлик аломатлари пайдо бўла бошлади ва у қахрли жилмайди.

— Мен ўша манжалақини ўлдираман! Ҳа... Ҳа.. ўлдираман! — Зебо чорасини топгандай бирдан жонланиб хурсанд бўлиб кетди. Лекин ундаги бу кўриниш узокқа бормай яна унинг ўрнини қахрли жилмайиш эгаллади. Кейин шивирлаб гапира бошлади.

— Ўша манжалақини ўлдираман! Агар уни ўлдиролмасам ўзимни-ўзим ўлдираман! — Энди Зебонинг қўллари мушт бўлиб тугилган, кўзлари қахрли ва совуқ боқиб, юзлари қўрқинчли бир қиёфага кирган эди.

* * *

Ховлидаги сўрида ўтирган Гулчеҳра момо куннинг иссиқлигидан пешона терларини сочикқа артди-да, пиёладаги совуқ чойни бир кўтаришда ичиб қўйди. Сўнг у хаёл уммонига фарқ бўлди. “Шу Зебохон келиним қайнотасини жуда яхши кўраркан. Кўз ўнгимда кундан-кунга сўлиб борапти. Бу боришда ўзини-ўзи адои тамом қилади-ку! Унга ўзини кўлга олишига ёрдам беришим керак. Болаларимнинг дадажони раҳматли олтин одам эди! Уларни худо раҳматига олган бўлсин!” Гулчеҳра момонинг кўзи ёшланди. У кўз ёшларини бошига боғлаб қўйган оппоқ рўмолининг учи билан артди.

“Дадажониси яхши одам бўлганлиги сабабли болаларим тугул келинларим ҳам ўзларини олдириб қўйишди. Зебохон келиним билан ҳозироқ гаплашганим маъкул. Акс ҳолда у билан гаплашгани бугундан қулайроқ кун топишим қийин. Яна тўрт кундан кейин дадажонларининг юзларини ўтказамиз. Тошкентдаги болаларим ҳам уларнинг маъракаларидан бир-икки кун олдин келиб қолишса керак. Кейин улар ўз жуфту халолларини ўзлари билан бирга Тошкентга олиб кетишади. Шунгача Зебохон келиним билан бафуржа гаплашиб олишим зарур!”

Гулчехра момо шуларни хаёлидан ўтказиб келинини чақирди:

— Зебохон! Ҳо-о-й Зебохон!

— Лаббай ойижон! — Зебохон уй ичкарисидан чиқиб келди.

— Кел, болам! — Гулчехра момо сўрининг ўртасида турган хонтахтанинг ўзи ўтирган тарафидан унга ўтиришга жой кўрсатди. — Ке, ўтир болам!

Зебохон сўрига тўшаб қўйилган гулли кўрпачага омонатгина ўтирди.

— Тан-жонинг соғми болам! Бунча озиб кетдинг? — Гулчехра момо юрагидаги гапларни қандай қилиб тушунтиришни билмай тутила-тутила сўзларди. — Ёки уйингни соғингдингми, болам!?

— Сизга шундай туюлгандир, ойижон! Азалдан ўзим озғинман-ку! — деди Зебохон бошини қуйи эгиб.

— Отанг раҳматли яхши одам эдилар, — Гулчехра момо мақсадга кўчди. — Уларни ҳаммамиз жонимиздан ҳам ортиқ яхши кўрардик! Ёмонга ўлим, яхшига юрим йўқ экан болам! Раҳматли худога керак экан олиб кетди. Худонинг амрига қарши бориб бўлмайди, қизим! — Гулчехра момо ўзини қанча босишга уринмасин кўзларидан тирқираб ёш оқиб кетди. У кўз-ёшларини Зебога кўрсатмаслик ниятида апил-тапил рўмолининг учи билан юзларидаги ёшларни артди. Сўнг яна қўшиб қўйди. — Отана ўлими фарз, болам!

Зебо қайнонасининг мақсадига тушунмай жим ўтирар эди.

— Отангни эслаб кўпам куяверма, қизим! — Гулчехра момо сўзидан бир оз тўхталиб ўзини босиб олди-да, кейин яна сўзини давом эттирди.

— Бирор касалликни орттириб олсанг кейин ўзингга қийин бўлади. Хали фарзандларинг ёш. Уларнинг ҳаёт йўлида дадил ва равон юриб кетишлари учун болаларингга кўп керак бўласан! Кетган кетди... Ўзингни асра қизим!

“Қайнонам бечора мени бунчалар яхши кўрмаса” дея ўйларди Зебохон. “Улар учун бу гапларни айтиш нақадар оғир! Мен бўлсам қайнотам учун эмас, эримнинг бир бузуқи билан дон олишиб юрганига чидамай ёниб-қуйиб юрибман! Бу билан мен нафақат ўзимни, мана шундай мўътабар инсонни ҳам қийнаб ўтирибман! Бу

қандай пасткашлик! Бу қанчалар тубанлик!” Энди Зебо мясига келган бу фикрларга дош беролмай қўллари билан юзини ёпганича ҳўнграб йиғлаб юборди. У ўтирган ўрнидан сакраб туриб уй ичкарасига қараб чопкиллаб кетаркан, нукул “Бу қандай пасткашлик, бу қанчалар тубанлик!” деб такрорлар эди.

Гулчеҳра момо унинг бу сўзларини эшитмади. У, — Дадажониси қаранг болаларингиз сизни қанчалар яхши кўради”, дея шивирлаганича рўмолининг учини кўзларига босди.

* * *

Фонуслар ёритиб турган кўп қаватли уйлар олдига келиб тўхтаган енгил машинадан Жасурбек тушди. У учинчи қаватга кўтарилиб темир эшик ўрнатилган уйнинг кўнғироқ тугмасини босди.

Эшикни Алижон очди.

— Ассалому алайкум, Алижон ака.

— Ваалайкум ассалом. Хуш келибсан, ука, — дея Алижон у билан кучоқлашиб сўрашди.

— Соғликларинг яхшими? Ишларинг жойидами?

— Ёмонмас, — деди Жасурбек хомуш тортиб. — Умуман олганда яхши десаям бўлади.

— Нима бўлди? Соғлигинг жойидами ўзи!? — Алижон Жасурбекнинг юзига синчиклаб тикилганича саволини давом эттирди. — Ўзинг тинчмисан, ахир!?

— Ишхонамда озгина муаммо чиқиб колди, — деди Жасурбек мунғайиб бошини қуйи эганича.

— Қани, уйга кирайлик, кейин бафуржа гаплашамиз, — дея Алижон меҳмонхонага йўл бошлади.

Жасурбек сўзсиз унга эргашиди.

Хонага кирган Алижон:

— Қани, ука, юқорига чиқ, — деди.

Жасурбек юқорига чиқиб юмшоқ ўриндикка омонатгина ўтирди.

— Нима бўлди? Мендан ҳеч нарсани яширмай тўғрисиини айт. Касални яширсанг иситмаси ошкор қилади.

— Ҳа энди... — Жасурбек чайналди. — Ишхонада...

— Нима ишхонада? Очиғини айтавер! Ўлимдан бошқасининг иложини топса бўлади-ку, ахир!

— Бошлиғим мени ҳеч қаерга ишга олмайдиган қилиб, меҳнат дафтарчамга ёздириб ишдан ҳайдаб юбормоқчи, —

Жасурбек ҳазин бир овозда гапирар эди. — Билмасдан унга қарши иш қилиб қўйибман.

— Нима қилиб қўйдинг? Очикроқ гапирсангчи, — деди жаҳли чиққан Алижон ўзини босишга уриниб.

— Бошлиғим уч қаватли ҳовли сотиб олаётганди, — дея Жасурбек йиғлагудай бўлиб гапира бошлади. — Шу ҳовлини олишга озгина пулим етмаяпти деб мендан қарз сўровди. Менинг пулим йўқ деб бермаган эдим.

— Қарз бермаганинг учун сени ҳеч қаерга ишга олмайдиган қилиб меҳнат дафтарчангга ёздириб ишдан бўшатмоқчими? — Алижон ҳайратини яширолмади сўради.

— Йў-ў-ўқ!

— Унда нега?

— Бошлиғимизнинг мендан қарз сўраганини бир ҳамкасбимизга айтган эдим...

— Хўш, унга нима дегандинг? — Алижоннинг жаҳли чиқиб тутоқди.

Жасурбек бошини янада эгиб тилга кирди.

— Бошлиқ мендан қарзга пул сўради. Агар пул берсам, икки дунёда ҳам у менга пулимни қайтиб бермайди. Шунинг учун пулим бўлсада, бошлиққа пулим йўқ деб унга пул бермадим дегандим. Ўша ҳамкасбим бошлиқнинг “қулоғи” экан. Ҳамма гапларимни қўшиб-чатиб уларга етказибди. Энди бошлиғим ўша сотиб олган ҳовлининг ҳамма пулларини сен тўлайсан ёки бундан кейин бир умр бу соҳада ишлай олмайдиган қилиб қўяман деб шарт қўйди.

— Халқимизнинг “Ўйламай сўзлаган, оғримай ўлар” деганлари шу бўлса керакда. Энди нима қилмоқчисан?

Жасурбек ўйчан қиёфада деди:

— Ҳайронман... Пулим бўлганида бошлиғимга бериб қутилардим-у, бундан кейин тинчгина ишлардим.

— Шунча пулни шамолга учирганингдан кўра касбингни ўзгартирсанг бўлмайдимми?

— Қонун устуворлигини назорат қилганимиздан кейин бошқа касбларнинг раҳбарияти бизни ёмон кўради. Шунинг учун ҳам бошқа соҳага ишга ўтишим жуда қийин. Қолаверса бошқа касб раҳбарларининг кўпчилиги бизни “қулоқ” деб билишади.

— “Қулоқ” деганингнинг маъносига тушунмайроқ турибман.

— Бизнинг соҳадагиларнинг “қулоқ” деганини бошқа касбдагилар айғокчи дейишади. “Деворнинг ҳам қулоғи бор” дейишади-ку!?

— Деворнинг қулоғи борлигини биларкансан, гап югуртирмасдан тинч юрганингда бу ахволга тушмасдинг-ку ахир! — Алижон афсуслангандай бош чайқаб қўйди. — Хуллас-калом, бошқининг сотиб олган ҳовлининг пулини тўламоқчимисан?

— Агар пул тополсам ўша куриб кетгур уйнинг пулини тўлаб қутулардим. Кейин иккинчи марта бундай иш қилмасдим. — деди Жасурбек бўзлаб.

Алижон ўйланиб турди-да деди: — Жиянингга ниятлаб ҳовли оламан деб йиғиб қўйган пулларим бор эди. Лекин у одамнинг уч қаватли хашаматли ҳовлисига тўлашинг учун етмасов...

— Майли бераверинг! Қолган қисмини таниш-билишларимдан қарзга олиб турарман. Жияним катта бўлганида мен ҳам қараб турмасман, ахир! — энди Жасурбек бир оз жонлангандай бўлди.

Алижон ўтирган ўрнидан туриб хонадан чиқиб кетди. Кўп ўтмай қўлида етти-саккиз бўлакка бўлиб боғланган доллар кўтариб келди.

— Ҳозирча мана шуларни олиб тур! Эртага кечкурун келсанг дўконларимдаги савдодан тушган пулларни йиғиб долларга айлантириб қўяман.

— Етмаганига танишларимдан қарз олиб топиб бераман. Шундаям етмаса, яна айтарсан!

— Раҳмат, Алижон ака! Сизга мингдан-минг раҳмат. Мени уйли-жойли қилдингиз. Сенинг ҳамкасбларингнинг ҳаммасида енгил машина бор деб ўзингиз машина олиб минмасангиз ҳам менга “Ласетти” олиб бердингиз. Мана энди умр бўйи яхши еб-ичмай ҳовли оламан деб йиққан пулларингизни яна менга бериб ўзингиз мана шу торгина уйда қолаяпсиз. Бу қилган яхшилигингиз мендан қайтмаса худодан қайтсин, Алижон ака! — деди Жасурбек ялтоқланиб.

— Сенга иши тушган одамларнинг ҳаёти қўлингда. Шунинг учун ҳам бирор нарсага зориқиб қолиб иши тушган қайсидир нобакорнинг найрангига учиб айбсиз бировга жабр қилиб қўймагин дейман-да. Бир марта шундай қилдингми — тамом. Кейин шунга ўрганиб қоласан. Охир оқибат болаларингнинг чирқираб қолишидан

қўрқаман. Менинг эса пора оладиган мансабим йўқ! Оддий бир тадбиркорман! Ўзинг биласан, ишим савдо-сотиқ билан халққа хизмат қилиш. Шундай бўлгач, менда жиноят қилиш учун муҳит ҳам, шароит ҳам йўқ! Шу сабабли ўзимдан қўрқмайман. Фақат сендан хавотирланаман, Жасурбек ука!

— Мен ҳамиша сизнинг гапларингизга амал қилиб бирор марта ҳам ножўя иш қилмадим, — деди Жасурбек. — Алижон ака энди менга рухсат берсангиз... Мен яна бир-икки жойга кириб чиқишим керак.

— Бир оз сабр қил. Боя сен кўнғироқ қилганингдан сўнг ош қилиб қўйгандим. Ҳозир сузиб келаман, еб кетасан, — дея Алижон ўтирган ўрнидан турди.

— Йўқ, йўқ, ака! Мен ҳозир бормасам бўлмайди.

Ноилож қолган Алижон яна жойига ўтириб фотиҳага кўл очди.

— Эй худо, ўзинг тинчлик-хотиржамлик ато қил. Бандаларингни ҳақ йўлидан адаштирмай имону инсоф бергин, уларга тўғри йўл кўрсатиб қалбларига яхшилик нурларини жойлагин! Омин.

Долларларни чўнтагига жойлаб олган Жасурбек ўрнидан туриб кўча эшиги томонга қараб юрди. Алижон унга эргашди.

Улар пастга тушгач, Жасурбек машинасини ўт олди.

— Ука, сал бўлмаса эсимдан чиқай дебди. Эртага келганингда хужжатингни ўзинг билан бирга олиб кел. Мен шанба кунига самолётга чипта олиб қўяман, — деди Алижон шоша-пиша.

— Мен ишимни шу аҳволда ташлаб кетсам қандай бўларкин? — Жасурбек чайналди.

— Дадамларнинг маракасига бормасанг бўлмайди. Қолаверса шанба куни туш пайтида учадиган рейсга чипта оламан. Эрталаб ишингга борасанда тушгача ишлаб тўғри аэропортга бораверасан. Ўша ерда учрашамиз. Якшанба куни дадамларнинг маракасини ўтказамиз-у, душанба куни сахардаги рейсда болаларинг билан бирга учиб келаверасан. Ишингга ҳам зарари тегмайди.

— Бўпти. Эртага хужжатимни ўзим билан олиб келаман. Анаву иш эсингиздан чиқмасин акажон.

— Қайси ишни айтаяпсан? — сўради Алижон ҳайратланиб.

— Долларларни айтаяпман. Йиғиб қўйсангиз, эртага ишдан кейин келиб олиб кетардим.

— У ёғидан кўнглинг хотиржам бўлаверсин! Албатта тайёрлаб қўяман!

Жасурбек Алижон билан хайрлашиб машинасини кўп қаватли уйлар орасидаги йўлакчадан секин ҳайдаб катта йўлга тушиб оларкан шитоб билан тезликни оширди. “Қандингни ур Жасурбек, ролни ҳам жуда қойилмақом қилиб ўйнадингга ўзиям!” — шивирлади Жасурбекнинг лаблари. Кейин бир қўли билан чўнтагидаги пулларни ушлаб кўраркан кўзлари қувончдан порлаб овоз чиқариб деди: — Мана энди шу пулларга уй сотиб олиб Лобар билан мазза қилиб яшайман!

* * *

Лобарнинг фиғони қўкка чикди. “Бугун шанба. Мана, яна қоронғи тушди. Жасурбек акамнинг йўлига қараб кўзларим тўрт бўлиб ўтирибман. Уларнинг қишлоқдан келганига бир ҳафта бўлаяпти. Шунча кундан буён телефон қилишдан нарига ўтмадилар. Ишхонасига борсам-микин. Йўқ, йўқ... Ишхонасига борсам жаҳли чиқиб кетишлари аниқ. Нима қилсам экан?!”

Шу пайт кўча эшигининг кўнғироғи жиринглаб унинг ўйларини бўлди. Лобар ўтирган ўрнидан сакраб туриб кетганини ўзи сезмай қолди. “Жасурбек акамлар келган бўлсалар керак, ҳали дугонаминг бозорга бориб келадиган вақти бўлмади”. Бу фикр яшин тезлигида унинг миясига урилди. Энди Лобар чопқиллаганича бориб эшикни очди-ю, кўзи Жасурбекка тушиб йиғлаб юборди-да, ўзини унинг қучоғига отди.

— Нима бўлди? — Жасурбекнинг юраги бирор-бир фалокат юз бергандай гупиллаб ура бошлади.

Лобар унинг саволига жавоб бериш ўрнига ҳиқиллаганича тез-тез нафас олиб йиғларди.

— Гапирсангчи... Нима бўлди?! — Жасурбек саволини такрорлади. — Тинчликми?!

Лобар бошини “Ҳа” деган манода қимирлатди. Гўё унинг гапиришга мажоли йўқ эди. Энди Лобарнинг қайноқ кўз ёшлари юзларини юварди.

— Нега бўлмаса бунчалик йиғламасанг?

— Сизни худди бир неча йил кўрмагандай соғиниб кетдим! — деди Лобар ҳиқиллаганича.

— Қўйинг, йиғламанг, асалим!.. Мени кўрмаганингизга атиги бир ҳафта бўлди-ку, ахир, — деди Жасурбек уни сизлаб. Кейин Лобарнинг юзларидан ўпиб эркалагинача уй ичкарисига бошлаб кирди. — Ўх..х..хў янги уйни худди келинчақлардай безатиб юборибсиз-ку! — Ҳайратланганидан унинг кўзлари яшнаб атрофга завқланиб боқарди.

— Ҳа, сиз йўғингизда дугонам билан янги уйимизнинг ойна-эшиқларини бўядик, деворларини оҳақладик, — Лобар қўли билан кўз ёшларини артиб майин жилмайдди. — Сизнинг озиқ-овқат учун ҳамда ўзингга у-бу нарса оларсан деб берган пулларингизни ҳаминша тежаб юриб орттирган жамғармамга учта гилам, битта юмшоқ ўриндиқ билан ётоқ жой олиб қўйдим!

— Вой менинг тентаккинам-ей! — Жасурбек ийиб кетиб Лобарни қучоқлаб олди. — Мен бўлсам сизнинг бунчалар нозик дидингиз борлигини билмас эканман. Дунёдаги энг гўзал, ширин сўзли ва нозик дидли асалимдан ўзим ўргилай! — дея у Лобарнинг белидан қаттиқ сиқиб қучоқлаганича юзу кўзларидан ўпа бошлади.

— Қўйиб юборинг, уят бўлади-я! — дея Лобар тирчиллаб қаршилиқ кўрсатди.

— Нега уят бўларкан? — деб Жасурбек уни қучоқлаб кўтарганича ётоқхона томонга қараб юрди. Шу пайт эшик қўнғироғи жиринглади.

Жасурбек кимни кутаяпсиз дегандек Лобарнинг кўзларига тикилди.

— Мен Сизга ҳозиргина айтгандимку, уйни таъмирлашга ёрдам қилган дугонам ҳақида, ана ўша дугонам келган бўлса ажаб эмас. Мен овқат тайёрлагунича дугонам бозорга тушиб у-бу нарса харид қилиб келгани кетган эди.

— Дугонангиз шу ерда яшаяптими? — Жасурбек қучоғида ҳануз кўтариб турган Лобарни пастга туширди.

— Йўқ! Нега ундай деяпсиз? Лобар Жасурбекнинг жавобини ҳам кутмай сўзини давом эттирди. — Уйнинг таъмирини тугатганимиздан кейин мебелларни жой-жойига қўйиб хоналарни яқиндагина жиҳозлаб бўлдик-да, жоним!

— Наҳотки мен ҳамма ишни аёллар қилиб тугатишини кутиб тургандай тайёрга-айёр бўлиб кириб келган бўлсам?

— Нега энди? — Лобар ноз билан жилмайиб унга боқди. — Сиз менга уй олиб бердингиз-ку! Бу камми, жоним?!

Кўча эшигининг кўнғироғи уст-устига жиринглади.

— Гап билан бўлиб дугонамга эшикни очишни ҳам унутибман-ку, — Лобар хонадан чиқиб кўча эшиги томонга қараб юрди. — Ҳозир, мана кетаяпман!

Орадан кўп ўтмай Лобарнинг ёлғиз ўзи қўлида сумка билан қайтиб келди.

— Дугонангиз қани? — деди Жасурбек хайратини яширолмай. — Ёки уларни мендан қизганиб уйларига жўнатиб юбордингизми?

— Нега ундай дейсиз, жоним? — деб Лобар ширин жилмайиб, нозли қараш қилди. — Сизнинг келганингизни айтган эдим... дугонам, “бугун сизларга халақит қилмай ўз уйимга кета қолай” деб туриб олди. Мен бўлсам уйга кириб, сизни эрим билан таништираман деб қанча илтимос қилсам ҳам у “Йўқ, бугун бир-бирларингизнинг дийдорингизга тўйиб олинглар. Танишиш бўлса қочмас” деганича кетворди.

— Эҳ, асалим, — дея Жасурбек қўлларини кенг очиб Лобарни кучоқлаш ниятида у томонга қараб юраркан яна кўшиб қўйди. — Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди-да.

Лобар эпчиллик билан эгилганича унинг қўли тагидан лип этиб қочиб ўтиб олди-да, — Жоним, мен ҳозир ўлгудай очман. Аввал таом, кейин калом, — деганича ошхонага кириб кетди.

Жасурбек ҳам ноилож унга эргашди.

* * *

Нилуфар қишлоқдан келганидан буён Алижон билан овсини Зебохон тўғрисида гаплашиб олмоқчи бўлади-ю, ҳеч мавридини тополмай қийналарди. Бугун якшанба эрининг дам оладиган куни. Бунинг устига болалари ҳам кўчада ўртоқлари билан ўйнаб юрибди. Эри билан ёлғиз қолганидан фойдаланган Нилуфар:

— Дадаси, — деди гапни нимадан бошлашни билмай чайнади.

— Гапиравер онаси, нима демоқчисан?

— Жасурбек тўғрисида сиз билан гаплашиб олмоқчи эдим.

— Жасурбекка нима қилибди? — деди Алижон сабр-сизлик билан.

— Ўйнаши бормиш, — деди Нилуфар томдан тара-ша тушгандай.

— Нималар деб валдираяпсан онаси? — деди Алижоннинг жаҳли чиқиб. — Бу гапни қаердан олдинг?

— Зебохоннинг ўзи айтди. “Алижон акамлар укалари билан гаплашиб уларни бу йўлдан қайтарсинлар” деди.

— Жасурбекнинг жазмани борлигини келин қаердан била қолибди?

— Одамлар Зебохонга айтишибди. Аввалига у бу миш-мишларга ишонмапти. Кейин қизи Холидахондан эшитибди. Хуллас, укангизнинг ўйнаши бормиш, — деди Нилуфар гапни чўрт кесиб.

— Жазманми ёки танишми бунинг фарқини ёш бола қаердан ҳам билсин? — Алижон тутоқиб кетди. — Ўйлаб гапираяпсанми ўзи? Кап-катта аёл бўлатуриб гапираётган гапингни қара!

— Ўзингизни босиб олинг дадаси! — деди Нилуфар — Ўйлаб гапираяпман!

— Ўйлаб гапираётган бўлсанг бу номаъкул гапларга ёш болани аралаштириб нима қиласан?! — Алижон баттар тутоқди.

— Жасурбекнинг ўзи қизига ўша аёлни “онанг бўлади” деб таништирибди. — Нилуфар эрига ётиқлик билан тушунтиришга ҳаракат қиларди. “Ундан битта ўғли ҳам бор экан” деб Зебохоннинг гапларини ҳозир айтсам Алижон акам билан жанжаллашиб қолишимиз аниқ деб ўйлади-да, у бу сўзни бошқачароқ қилиб айтди. — У аёлнинг битта ўғли ҳам бор экан. У болани ҳам қизларига “сенга ука бўлади” деб укангизнинг ўзи таништирибди.

— Нима бўпти? Жасурбек Холидага у аёлни онанг бўлади, боласини уканг бўлади деб таништирган бўлса? У буни ҳурмат юзасидан қилган. — Алижон хотинига тушунтирган бўлди. — Яқин танишларимизнинг боласи ўғлимиздан каттароқ бўлса ўзимиз ҳам фарзандимизга ҳурмат юзасидан уканг бўлади деб таништирамиз-ку, ахир! Бунинг нимаси ёмон? Аслида тирноқ тагидан кир қидирмаслик керак!

— Мени Зебохонга раҳмим келганидан, қолаверса уларга берган ваъдамнинг устидан чиқиш учун бу гап-

ларни сизга айтаяпман, дадаси, — деди Нилуфар ўзини оқлашга уриниб.

— Келинга раҳминг келадиган даражада нима бўлибди? — деди Алижон. — Уйи устида, эри билан боласи олдида... Ҳаммасининг тан-жони соғ бўлса. Унга яна нима керак экан? Мен шу аёл халқига ҳайронман дийдиё қилгани қилган!

— Ҳа, энди, оиласи бузулиб кетмасин дейман-да, дадаси! — дея Нилуфар гапни чувалагиси келмай мақсадга кўчди. — Жасурбекка индамасдан шу гапларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини суриштириб кўрсангиз, сиз ҳеч нарса йўқотмайсиз-ку, ахир! Касални даволагандан кўра, унинг олдини олган яхши эмасми?

— Бўпти... Сен айтгандай бўла қолсин! — Алижон кутилдимми дегандай хотинига қаради.

Нилуфар эрининг одатини яхши билгани учун ҳам энди кўнгли бир оз таскин топгандай бўлди. Сабаби ўзининг бу гаплари шундай қолиб кетмаслигини у жуда яхши биларди. Шунинг учун ҳам бу масалани ҳал бўлди деб ўйлаб эрининг ўзига ўқрайиб қарашига ҳам парво қилмай гап мавзусини бошқа томонга бурди:

— Дадаси, мана бу новвот солинган иссиқ кўк чойни ичиб олинг, чанқоқни босади.

Алижон пиёлани хотинининг қўлидан олар экан ҳаёлга берилди. “Наҳотки укамнинг жазмани бўлса? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Нега бўлмаса одамлар келинимизга бу гапларни айтишган? Ҳеч ким ҳам шунчаки бировнинг оиласини бузиш учун гуноҳга ботиб бўхтон сўзламаса керак?! Шамол бўлмаса дарахтнинг учи кимирламайди дейишади-ку, ахир! Ҳақиқатдан ҳам жазмани бўлса-чи? Йўқ, йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! Нима бўлган тақдирда ҳам бу гапларнинг тагига етишим керак! Ҳақиқатдан ҳам ака бўлиб укамни шу тухматлардан қутқара олмасам бу ёруғ дунёда нима қилиб юрибман!!!

Алижоннинг миясига келган шу фикрдан юзи ёришиб кетди.

— Ҳа, шундай қиламан, — дея пичирлаган Алижон пиёладаги чойдан хўплаб-хўплаб ичди.

Нилуфар бўлса унинг табиатидаги бу ўзгаришларни кузатиб ўтирар экан гапларининг шамолга учиб кетмаганига яна бир мартаба амин бўлди.

Зебохон кишлоқдан келганидан буён Жасурбекнинг ҳар куни уйга келишидан хурсанд эди. Лекин шанба куни эри уйга қўнғироқ қилиб иш юзасидан Самарқанд вилоятига сафарга кетаётганини айтганда, унинг кўксида бир нарса чирт этиб узилгандай бўлиб ачишди. Мана бугун эрининг уйга келмаганига уч кун бўлаяпти. Зебохоннинг шу кунларда на уйкусида, на юришида ҳаловат бор. У ўзининг на оч — на тўқ эканлигини билади. Бир сўз билан айтганда, иштаҳаси бўғилиб кўриниши ҳам афғор бир аҳволда эди. Тушга яқин кўча эшиги жиринглаб қолди. Зебохон қадам босайми-босмайми дегандай юриб бориб эшикни очди. Остонада тўладан келган, ўрта бўйли, кулча юзли, сочи калта қилиб кесилган, чамаси ўрта ёшлардаги хушрўй аёл турарди.

— Келинг кўшни, — деди Зебохон.

— Яхшимисиз ўргилай, — хушрўй аёл остонани босиб ичкарига кирди. — Уч-тўрт ойдан буён кўринмай-сиз, тинчликми, айланай?

— Қайнотамларни бериб қўйдик, Тўлғоной опа! — Зебохон бир оз сўзидан тўхталди-да, у билан ўпишиб сўрашгач яна деди: — Маракаларини ўтказгунимизча катта овсиним билан Қашқадарёда қайнонамларнинг олдиларида бўлдик.

— Уларни худо раҳмат қилган бўлсин, — дея юзига фотиҳа тортган Тўлғонойнинг лаби-лабига тегмай яна жаврай кетди. — Ўлган ўлди кетди, синглим! Сиз ҳали яшашингиз керак, қоқиндик! Шунинг учун эрингизни шунча вақтдан буён анаву бузукқа бериб қўйдингизми, ўргилай? Ҳатто Жасурнинг у манжалақини бир-неча марта уйингизга олиб келганини маҳаллада кўрганлар бор, қоқиндик. Бунақада эрсиз қолиб кетасиз-ку, айланай.

Зебохоннинг кўкси ачишгандай бўлиб чап кўксини ушлаганича деворга суяниб қолди. Унинг юзлари бўлса докадай оқариб кетган эди.

— Вой менинг шўрим қурсин, синглимдан айрилиб қолдим-ку! — дея Тўлғонойнинг жағи-жағига тегмай яна нималардир деб вайсаганича Зебохоннинг елкасидан ушлаб ёнгинасида турган телефон столчасининг олдидаги ўриндикка ўтказди. — Эр деганлари шундай бўлса, бундай эркакнинг уруғига ўт тушсин-ей, қоқиндик, — у гапиришдан тўхтамай алламбалолар деб эркак зотини қарғай-қарғай ичкаридан сув олиб чиқиб Зебога тутди.

Зебо сувдан хўплаб ичаркан:

— Тўлғоной опа, тўйиб кетдим бу ҳаётдан. Энди менинг ўзимни-ўзим ўлдиришимдан бошқа чорам қолмади, — деди.

— Нималар деяпсиз ўргилай? Шу арзимаган бир эркакни деб ўн гулингиздан бир гулингиз очилмай ўлиб кетмоқчимисиз? Қуриб кетсин шу эр қилиб юрганинг, зоти паст. Ҳали мени айтди дерсиз... Сизга етишиш ниятида менман деган эркаклар кетингиздан соя бўлиб эргашиб босган изларингизни тўтиё қилишиб кўзларига суртиб юришади, айланай. Агар менинг гапларимга қулоқ солсангиз, ана ўшанда кўрасиз. Ҳали менинг қилган яхшиликларим учун мингдан-минг раҳматлар айтасиз, қоқиндик.

— Мен эркаклар билан дон олишиб юрадиган аёлга ўхшайманми, Тўлғоной опа? — дея Зебохон мажолсиз шивирлади.

— Йўқ, йўқ, ўргилай. Мен сизни унақа аёл демадим. Гапларимга тушунмадингиз чоғи. Сиздай аёлни оёқости қилган эрдан кўра, ҳар бир сўзингизга мутал бўлиб кутиб турадиган, болаларингизни бўлса ўз боласидай яхши кўриб ардоқлайдиган бирорта эркак ҳақида гапирдим холос, қоқиндик.

— Ўша манжалақини ўлдирсамчи, Тўлғоной опа! — Зебонинг қўллари мушт бўлиб тугилди.

— Йўқ, йўқ, асло бундай қила кўрманг! Тағин сиз камалиб кетиб қизингиз етим бўлиб қолмасин, ўргилай!

Кейин у бирор чорасини излаётгандай бир оз жим турди-да, сўнг қўшиб қўйди. — Эрингиздан ажрашинг қоқиндик. Ундай номарднинг боридан йўғи яхши.

Зебохон бўлса жимгина бир нуқтага тикилганича ўтирарди.

Сукут ризолик аломати деб ўйлаган Тўлғоной уни бутунлай ўз измига солиб олиш ниятида аврай бошлади:

— Фақат эрингизнинг бор-йўғини тортиб олишингиз керак айланай. Ана ўшанда унинг ҳеч кимга кераги бўлмай қолади ўргилай. Кейин кўрамиз ўша бузуқи ҳам иккита бармоғини бурнига тиқиб борган эрингизни уйига кирдирмай қўйгач, унинг ўзи хор бўлиб оёғингизга бош уриб келишини, қоқиндик.

Зебо олдин қандай ҳолатда ўтирган бўлса ҳамон шу ҳолатда ўтирар, гўё у Тўлғонойнинг гапларини эшитмаётгандай эди.

— Гапларимга нима дейсиз, ўргилай, — деди Тўлғоной. У энди Зебони синчиклаб кузата бошлади.

— Билмадим... Билмадим, опа! — деди Зебо хорфин нафас олиб. — У бузуқ эримни хайдаб солиш ўрнига кучоғини очиб кутиб олсачи? — Энди унинг кўзлари совуқ йилтиллаб кетди.

Зебонинг кўзларидаги бу совуқ қахрни кўрган Тўлғоной уни аврашдан тўхтаб бошқача йўл тутди:

— У десам, бу дейсиз... Бу десам, у дейсиз. Менга нима кил дейсиз, ўргилай? — Тўлғоной аразлаб зарда қилди. — Сизнинг аҳволингизни кўриб эзилиб кетдимку, ахир, қоқиндик!

Орадан кўп ўтмай Зебохоннинг кўзларидаги қахр унинг юзларида ҳам муҳрлана бошлади.

— Айланай нега менинг гапларимга жавоб бермайсиз? Агар менинг гапларим ёқмаётган бўлса уйимга кетганим бўлсин, ўргилай, — Тўлғоной яна аразини давом эттирди. — Мени бунчалар эзганингиздан кўра бир йўла ўлдириб қўя қолинг, қоқиндик. Ёки бўлмаса шу қуриб кетгур эрингизни ўлдирсангиз ҳаммасидан қутуласиз қўясиз. — У шундай дея кўча эшиги томонга қараб юрди.

— Бўлди, бас. Шундай қиламан! Ҳақиқатдан ҳам эримни ўлдирганим яхши. Шундагина у ҳеч кимга тегишли бўлмайди, — деди Зебохон шивирлаб.

Тўлғоной унинг бу сўзларини эшитди, лекин орқасига қайтмади. Кўча эшигини очиқ қолдирганича зинапойни бирма-бир босиб тез-тез юриб бораркан: — Ҳали сенларга кўрадиганингни кўрсатиб, кулларилингни кўкка совурмасам отамнинг қизи эмасман! — деди Тўлғоной ҳам оҳиста шивирлаб. Лекин унинг бу сўзларини ҳеч ким эшитмади.

* * *

Алижон Жасурбекнинг жазмани бор ёки йўқлигини билиш учун режа туза бошлади. “Қандай режа тузишимдан қатъи назар укам тўғрисида таниш билишлардан сўраб-суриштириб унинг шанига доғ тушириб қўймасдан бу ишни охирига етказиш менинг асосий мақсадим бўлиши керак. Бунинг учун нима қилишим керак”.

Мана шу ўй бир неча кунлардан буён Алижонга тинчлик бермасди. У ишга борса ҳам ётса ҳам, турса ҳам бу фикр миясидан чиқмасди. Алижон детектив китоблар

ўқиди. Жосуслар тўғрисидаги киноларни кўрди. Ниҳоят ниятини амалга ошириш учун бир кинодаги сюжет унга ёқиб тушди. Шу фильмдаги жосусни қўлга олиш учун унинг кетига тушишади, охир-оқибат қўлга олишади. У ҳам такси ёллаб укасининг кетига хуфёна тушишни кўнглига тугади.

Алижон биринчи навбатда кўпинча Жасурбекнинг қайси кунлари уйига келмаётганини ўрганиб чиқди. Кейин унинг шу кунлари ишдан қайси вақтларда кетишини аниқлади. Энди такси ёллаб укасининг кетига тушиш қолди холос. Бунинг учун у эпчил такси ҳайдовчиси топишни мақсад қилиб бир-икки кун вақтини сарфлади.

Ниҳоят шундай йигитни ҳам топди. Алижон у йигит билан шанба куни Жасурбекнинг доимий ишдан кетадиган вақтидан икки соат олдин учрашишга келишиб қўйди. Такси ҳайдовчиси ҳам бу ишга қизиқиб қолган шекилли ундан олдинроқ келишилган жойга келиб пойлаб турди.

Алижон ҳам белгиланган вақтда етиб келиб такси ҳайдовчиси билан сўрашди:

— Тинчмисиз ука? Ишларингиз яхшими?

— Ҳаммаси жойида... Ўзингизчи?

— Меники ҳам бир маромида кетаяпти.

— Ҳаммаси жойида бўлса Штирлиц операциясини бошларканмизда?!

— Шундай деса ҳам бўлаверади. Фақат айтганларим эсингиздан чиқмасин. Унинг машинасига яқинлашмасдан, жуда узоқлашиб ҳам кетмай кузатиб борамиз. Асосийси назардан қочирмаслик. Тушундингизми, ука?

— Мени бу ишга ёллаган кунингиз бу гапларни сиздан эшитавериб ёд бўлиб кетди, — дея такси ҳайдовчиси бу қандай эзма одам дегандай бурнани жийириб қўйди.

Одатдаги вақтидан сал кечикиброқ Жасурбекнинг машинаси кўринди. Такси ҳайдовчиси секин ўз машинасини юргизиб унинг изидан ҳайдади. Алижон орқа ўриндиққа ётиб олди.

Жасурбек Қорасув даҳасига кириб кўп қаватли уйлардан бирининг олдида автоуловини тўхтатиб ундан тушди. Кейин шу уйга кириб кетди. Энди қолган иш такси ҳайдовчисининг зиммасида эди. У ҳам автоуловдан тушиб Жасурбек изидан хуфёна бориб унинг қайси хонадонга кирганини аниқлаб чиқди. “Балки укам иши юзасидан юргандир”, деб ўйлади Алижон. У бир соатдан

ошиқроқ вақт кутиб ўтирди. Жасурбек қайтиб чиқавермагач унинг укасига бўлган барча ишончи чилпарчин бўлди. Бироқ Алижон қалбининг аллақаеридандир бўлиши мумкин эмас, деган нидо отилиб чиқаверди.

— Сиз кетаверинг ука, — Алижон чўнтагидан пул чиқариб такси ҳайдовчисига узатди.

Такси ҳайдовчиси ундан келишилган пулни оларкан сўради:

— Сиз шу ерда қолмоқчимисиз?

— Ҳа... Ҳали менинг бу ерда қиладиган ишларим бор.

— Мабодо ёрдам керак бўлса тортинмай айтаверинг, — дея такси ҳайдовчиси унга еб қўйгудай бўлиб тикилди.

Алижоннинг назарида бутун бадани илма-тешик бўлиб кетгандай бўлди. Кейин у:

— Йўк, ёрдамингиз керак эмас. Бу ёғини ўзим эплайман, — деди.

— Ака, мен бундай ишларни жуда яхши кўраман. Агар бундан кейин қандай ишингиз бўлса тортинмай айтаверинг. У чўнтагидан бир парча қоғозни олиб узатди. — Мана бу ерда менинг телефон рақамим ёзилган.

Алижон ундан қоғозни оларкан:

— Раҳмат ука! Ҳозирча хайр, соғ бўлинг, — деди.

Такси ҳайдовчиси шитоб билан автоуловини ҳайдаб жойидан силжитди. “Хайр” дегандай бошини қимирлатиб қўйди.

Алижон қўлидаги қоғозни чўнтагига жойлади-да, кўп қаватли уйлар оралаб кетди. У юз метрларча юрганидан кейин худди бир нарса эсига тушгандай кетаётган йўлидан тўхтаб атрофга кўз югуртирди. Шунда кўзи гаплашиб турган уч-тўрт эркакка тушди ва уларга яқинлашиб:

— Ассалому алайкум акалар! Маҳаллангизнинг коммунал хизмати қаерда жойлашган, — деди.

Эркаклар Алижон билан навбатма-навбат қўл бериб сўрашар экан, улардан биттаси кўп қаватли уйлар орасида жойлашган бир қаватли уйни кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб кўрсатди. — Хув анови оппоқ қилиб оҳанланган бино.

— Раҳмат ака! — Алижон ҳурмат юзасидан ўнг қўлини кўксига қўйди ва оқ бино томонга қараб юраркан, ортидан “арзимаиди ука” деган товушни эшитди. Алижон излаган идорасига кириб борди. Унча катта бўлма-

ган хонада шахмат ўйнаб ўтирган бир нечта эркак унга эътибор ҳам қилмади.

Шунда Алижон уларнинг диққатини ўзига тортиш учун бир йўталиб олдида:

— Ассалому алайкум, — деди.

Ўтирганлардан бир-иккитаси сўзсиз қўлини узатиб сўрашган бўлди. Қолганлари сўрашишни ҳам лозим топмади шекилли, шахмат ўйини билан овора эди.

— Ичларингда катталаринг борми? — деди Алижон тоқатсизланиб.

— Бор... — деди қийиқ кўз лўппа семиз бақалоқ бир эркак.

— Менман... хўш хизмат ука? — У энди сўрашиш учун қўлини узатди.

Алижон семиз эркакнинг қўлини оларкан:

— Сиз билан чеккароққа чиқиб гаплашсак бўладими, ака? — деди.

— Нега бўлмас экан? — бақалоқ ўтирган ўрнидан туриб қўли билан кўксига шапатилаб урди. — Қандай хизматингиз бўлса мана биз тайёرمىз-да, ука! — Калта бўйли, семириб кетганидан қирқиб қўйилган ғўлага ўхшаб кетадиган бу эркак лапанглаб юрганича хонадан даҳлизга чиқиб сўради:

— Хўш, хизмат ука?

— Менга Жасурбек аканинг уйи керак эди. — Алижон унинг ўзига ука эканлигини яширди.

— Мен катталарнинг яшаш манзилини тўғри келган одамга беролмайман, — деди бақалоқ эркак қийиқ кўзларини янада қисиб.

— Улар менга жудаям зарур эдида, ака! Мен ҳам бу яхшилигингизнинг тагида қолиб кетмасдим.

— Қуруқ қошиқ оғиз йиртади, деган гапни ҳеч эшитганмисиз, ука! — деди семиз эркак безрайиб.

— Тушундим, тушундим, — Алижон чўнтагидан пул чиқариб уч-тўртта минг сўмликни унинг чўнтагига солиб қўйди.

— Кам-ку! Бу пулингиз учун мушук ҳам офтобга чиқмайди. Мен бўлсам сизни тушунган одам экан, тушунган одамнинг садағаси кетса ҳам арзийди, деб ўйлагандим, ука!

Энди Алижон чўнтагидан бир даста минг сўмлик пулларни чиқарди-да, шундан уч-тўрттасини санаб ажратиб олмоқчи бўлган пайт ҳамсухбати унга сўз қотди.

— Хасис бўлманг ука! Бу яхши эмас! У одамларга ҳамманинг ҳам қўли етавермайди. Хеч бўлмаганда шундан яна ўн-ўн бештасини қўшинг, — деди бақалоқ кўзи билан Алижоннинг қўлидаги пулларга ишора қилиб, қошини учирди-да, бошини сарак-сарак қимирлатди. Унинг семизлигидан бўйни кўринмай қолган эди.

Алижон яна ўнтача минг сўмликни санаб узатди.

— Кечирасиз-у, биз бундай нарсани қўлимиз билан ушламаймиз, — деди бақалоқ қўли билан чўнтагини ишора қилиб кўрсатиб. — Ўзингиз солиб қўйинг!

Алижон пулни унинг чўнтагига солиб қўйди.

— Жуда хасис одам экансиз, — семиз эркак бошини чайқади. — Мен бу яхшиликни сиз учун эмас, яратган эгам учун қиламан. Сиздай хасис одамга катта аканинг манзили тугул яшаш жойининг “м” ҳарфини ҳам айтмасдим. Ёзиб оласизми ёки ёдингизда сақлаб қоласизми?

— Ўзингиз ёзиб бера қолинг, — деди Алижон.

— Астофрулло, — бақалоқ сапчиб тушди. — Қанақа одамсиз ўзи? Мен ҳеч қачон ҳеч кимга ўзининг фош бўлиб қолишимни исботловчи ҳужжат бермаганман ва бундан кейин ҳам бермайман. Менинг бошим битта, иккита эмас ука! — У қийик кўзларини янада қисиб:

— Керак бўлса ўзингиз ёзиб олинг. Мен яшаш жойини айтиб тураман. Уларга нима деб баҳона топсангиз топингу, фақат манзилларини мендан олганингизни ҳеч ҳам айта кўрманг. Хўпми, жон ука!

— Бу томондан хавотирланмасангиз ҳам бўлади, — деди Алижон уни хотиржам қилиш ниятида. Сўнг Жасурбекнинг манзилини ёзиб олди.

Алижон бу одамдан нафратланишини ҳам, нафратланмаслигини ҳам билмай кетаётган йўлидан тўхтаб орқасига ўгирилди. Кейин яна менда қандай гапингиз бор дегандай унга тикилиб қолди.

— Агар катта акада ишингиз бўлса, яхшиси унинг хотинлари билан гаплашганингиз маъқул. Сабаби катта ака ҳеч кимни яқинларига йўлатмайдилар — деди бақалоқ бошини сарак-сарак қилиб. — Мен уларнинг хотинларини яхши танийман. Исмлари Лобар. Уларга бу уйни ҳам ўзим топиб берганман. — У яна нималардир деб мақтаниб сўзларди.

Бақалоқнинг гаплари Алижоннинг қулоғига кирмади.

Унинг нафаси сиқилгандай бўлиб ўзини кўчага урди. Алижон кўчага чиқиб тез-тез юрганича кўп қаватли уйларни оралаб бораркан, унинг кулоғи остида бақалоқнинг “уларга бу уйни ҳам ўзим топиб берганман” дегани эшитилгандай бўлди.

Алижон шоша-пиша орқасига ўтирилди. Лекин унинг кўзига ҳеч ким кўринмади.

* * *

Зебохон кундан-кунга сўлиб борарди. Тўлғонойнинг “шу қуриб кетгур эрингни ўлдирсанг ҳаммасидан қутулсан кўясан” дегани унинг фикр-хаёлига маҳкам ўрнашиб қолди. “Ҳақиқатдан ҳам уларни ўлдирсам бутунлай ҳамма ташвишдан қутулардим. Шунда у бузукдан ҳам қизганиб ўтирмасдим. Энди нима қилсам экан? Бу юмушни қандай қилиб амалга ошираман”.

Зебохон миясига ўрнашиб олган бу саволларга жавоб тополмай қийналарди. “Тўлғоной опадан ёрдам сўрасамчи? Унинг танишлари кўпку... Уруғ-аймоғи Тожикистонда. Балки у ёқдаги танишлари ёрдам берар. Агар улар ёрдам берса жиноятнинг ҳам изи ёпилиб кетарди. Чет эл фуқаросига кимнинг ҳам кучи етарди”.

Зебохон қўлини ёнгинасида турган телефон гўшагига узатди. У телефон гўшагини кўтариб рақамларни тера бошлаганда, “Йўқ... Йўқ... яхши ният билан бир ёстиққа бош қўйган эримни ўлдирмоқчи бўлаяпманми. Наҳотки... наҳотки мен шунчалар тубанлашиб кетиб, бир маҳлуққа айланиб қолган бўлсам. Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Бу қандай тубанлик! Бу қандай ваҳшийлик” деб фикрларкан, Зебохоннинг танасида титроқ туриб, гўшакни жойига зарб билан қўйди-да, қўллари билан юзини ёпганича йиғлаб юборди. У ўксиб-ўксиб йиғларди, қон қақшаб йиғларди. Гўё бу йиғининг адоғи йўқдай эди. Унинг юз-қўллари аралаш оқиб тушаётган кўз ёшларидан эғнидаги хон атласининг ёқалари жикқа хўл бўлиб кетди. Лекин ҳамма нарсанинг чегараси бўлганидай бора-бора Зебохоннинг кўзларидан ёш ҳам чикмай қолди. Аммо у ҳануз силкиниб-силкиниб йиғларди. Вақт ўтган сари аста-секин унинг сўлиғи босилиб, юзу кўзларида қолган охирги ёшларни ҳам артиб қаддини ростлади-да, бир нуқтага тикилганича узоқ ўтириб қолди. Кейин унинг лаблари оҳиста шивирлади:

— Мен энди ўзимни-ўзим ўлдираман... Унда Холидахонни кимга ташлаб кетаман? Ўша фохишагами? Йўқ. Ҳеч қачон бундай қилмайман. Эримни ҳам, қизимни ҳам кўчадаги бир бузуқ манжалақига бериб қўймайман. Яхшиси ўша фохишани ўлдираман. Ҳа, ўша бузуқни йўқотаман. — Зебохон аниқ бир қарорга келолмай унинг фикрлари тез-тез ўзгариб турарди. Яна унинг хаёлига Тўлғонойнинг “Шу қуриб кетгур эрингни ўлдирсанг ҳаммасидан кутуласан кўясан” дегани келди-да, қўлларини юзига босганича ҳўнграб йиғлаб юборди.

* * *

Тўлғоной пиёлага чой қуйиб хонтахтанинг нариги та-рафида ўтирган эркакка узатаркан:

— Олинг, мана чойингиз, — деди.

Унинг қўлидан пиёлани олган эркак:

— Ошни ҳеч ўхшатмадинг, ўхшатмадингда, — деди.

— Бизнинг ош сизга ҳеч ёқмади, ёқмадида, — зарда қилди Тўлғоной. — Шунинг учун ҳам сўйиладиган буқага ўхшаб семириб кетгансиз.

— Мен халқ ҳурмат қиладиган одамман. Бутун бир бошли даҳанинг эгаси бўлганимдан кейин мен семирмай сен семирармидинг. — Эркак бармоқларидаги ошнинг ёғини бирма-бир чапиллатиб ялади-да, қўлларини сочиққа артди.

Тўлғоной ўз гавдасига бир назар ташлади-да, деди:

— Туф-у-туф-у, кўз тегмасин, мен ҳам ёмон эмасман. Ҳаддан ошиқ тиррақи ҳам, ҳаддан ошиқ семиз ҳам эмасман. Ўртача семизликдаги дўмбоққина аёлман. Ҳамма нарсанинг ўртачаси яхши.

— Сени дўмбоққина қилиб қўйган мана менда, — эркак қўли билан кўкрагига шапатилаб урди. — Сенга жарақ-жарақ пулларни топиб келиб бермаганимда озиб-тўзиб адои тамом бўлган бўлардинг. Шуни биласанми?

— Нималар деб валдираяпсиз? Мен ҳамиша ўзимни-ўзим боқиб келганман. Пешонам шўр бўлмаса сиздай қурумсоққа эрга тегармидим, — Тўлғоной йиғламсиради. — Сизни учратган кунимга лаънатлар бўлсин.

— Мен ҳам сени деб ўлиб турганим йўқ эди, — эркак сочиққа пешона терларини артди, — ўзинг-ку ўламан саттор деб бўйнимга ёпишиб олган.

— Ҳо-о-о, ўзингиз эмасмиди тўйгача менга ялиниб

кетимдан юравериб тинчлик бермаган. Энди керак бўлмай қолдимми? — Тўлғоной туюқди. — Ажрашамиз, эртагаёқ судга ариза беринг.

— Агар ажрашмоқчи бўлсанг аризани сен берасан. Мендай бутун бир бошли даҳанинг эгаси ажрашаман деб ариза бериши уят.

— Бераман беравераман, нима бўпти, — Тўлғоной беҳаёларча эрига тикилди. — Агар сиздан қутулсам худойи қилиб берардим. Билдингизми?

— Бўлди... менинг ҳам жонимга тегиб кетдинг. — Эр ўтирган ўрнидаё турди-да, хонанинг эшиги томонга қараб юраркан, қўшиб қўйди: — Сен билан ажрашмаган ҳам аҳмоқ!

У хонадан чиқиб кетгач, Тўлғоной ўзига-ўзи гапираётгандай сўзлай бошлади.

— Кетганим бўлсин! Бу ерларни энди елкамнинг чуқури кўрсин. Лекин кетишимдан олдин Жасурдан ҳам, сиздан ҳам ўчимни олиб кетаман. Агар ўчимни олиб кетмасам отамнинг қизи эмасман! — Энди у хонада ҳеч ким бўлмаса ҳам қўлини мушт қилиб тугиб ҳавода сил-китганича ўдағайлади.

* * *

Жасурбек иши тугагандан сўнг ўз “Ласетти”сида уйдан унча узоқ бўлмаган автомашиналарни сақлаш жойига келиб тўхтади. У автомашинани қоровулга топшириб бир нечта юз сўмлик пул ҳам берди. Кейин яёв юриб келиб муюлишдаги дўконга кирди. У ердан у-бу нарса харид қилиб кўп қаватли уйлардан биттасига кириб кўк рангга бўялган эшикнинг қўнғироқ тугмасини босди. Унга эшикни очган Зебохон:

— Яхши келдингизми, дадаси, — деб кутиб олди.

Жасурбек унинг саволига жавоб ҳам бермай ётоқхонага кириб кетди. Орадан кўп вақт ўтмай у уй кийимларини кийиб чиқиб юз-қўлини ювди-да, тўғри ошхонага кириб юмшоқ ўриндикдан жой олди.

— Холидахон қани? — сўради Жасурбек.

— Ухлаб қолди.

— Қорнини тўйғазиб ётқиздингми?

— Ҳа дадаси, овқатлантириб ётқиздим.

— Яхши қилибсан.

— Овқатни сузаверайми, дадаси.

— Қанақа овқат қилдинг?

— Димлама.

— Менга камроқ сузақол, иштахам йўқ.

Зебохон жимгина овқатни сузиб келиб хонтахтага қўйди. Кейин чойнакдаги чойни қайтариб бир зум кутиб турди-да, пиёлага қуйиб Жасурбекка узатди.

— Мана олинг.

Жасурбек худди тилдан қолган одамдай сўзсиз унинг қўлидан пиёлани олиб ўз олдига қўйди. Шундан кейин иккаласи ҳам жим ўтирганча овқат ея бошлади. Кўп ўтмай Зебохон овқатдан қўлини тортди.

— Нега овқат емаяпсан, — сўради Жасурбек.

— Иштахам йўқ.

Жасурбек ҳам сочикка қўлини артиб фотиҳага қўл очди.

— Оллоҳим, барча орзу-умидларимизга ўзинг етказиб, ўтганларнинг охиратини обод қил. Омин, оллоҳу акбар. Жасурбек ўтирган ўрнидан туришга чоғланди.

— Дадаси, сизда гапим бор эди, — деди Зебохон айбдорлардай бошини қуйи эгиб.

— Гапир! Икки қуловим сенда, — дея Жасурбек яна жойига ўрнашиб ўтириб олди.

— Сиздан илтимос, қизингизнинг ҳаққи-хурмати, шу йўлингиздан қайтинг, — деди Зебохон йиғлагудай бўлиб.

— Қайси йўлни айтаяпсан?

— Ўша билан орангизни очик қилинг, жон дадаси.

— Кимни айтаяпсан? — Жасурбек зарда қилди. — Мундоқ тушунтириброқ гапирсанг-чи?

— Ўйнашингизни. — Зебохоннинг кўзларидан оққан ёшлар ёноқлари узра из қолдириб эғнидаги кийимига тушди.

— Нималар деб валдираяпсан? — деди Жасурбек тутоқиб. — Йиғиштир шу йиғи-сигингни, жонимга тегиб кетди.

— Мен ўзимга-ўзим сиз билан йиғламасдан жанжал-сиз очикчасига гаплашиб оламан деб ўйлаган эдим. — Зебохон қўллари билан кўз ёшларини артди. Кейин ўзини қўлга олишга ҳаракат қилиб оҳиста сўз бошлади. — Фақат тўғриси айтинг, Лобар деган аёл сизга ким бўлади?

— Ҳар хил бўлмағур саволларинг билан бошимни оғритма. — Жасурбек ўзига тикилиб ўтирган хотинидан

кўзларини олиб қочди. — Мен ишдан чарчаб келдим. Бирпас дам олишга қўйасанми йўқми?

— Шу гўдагингизнинг ҳаққи-хурмати, фақат шу саволимга тўғри жавоб беринг, илтимос.

Жасурбек ўзини қўйгани жой тополмай қолди. У хотинининг саволига жавоб бермай ўтирган ўрнидан туриб эшик томонга қараб юрди.

— Қизингизнинг ҳаққи-хурмати, Лобар дегани ким ўзи? Фақат тўғриси айтинг. Энди унинг овози сокин, тиниқ ва жаранглаб эшитилди.

Жасурбек Зебохонга ўтирилиб қаради. Уларнинг кўзлари бир зумгина тўқнашди. Кейин кўзларини хотинининг кўзларидан олиб қочди.

— Хоҳласанг шу, хоҳламасанг ажраш, — деди Жасурбек паст овозда. — Шаҳар аҳолисининг ҳар иккитасидан биттаси ажрашиб кетган. Биз ҳам ажрашсак ҳеч нарсга ўзгармайди.

— Тўлғоной опанинг гаплари тўғри экан-да, — Зебохон айтган бу сўз билан бирга унинг қалбидаги бутун қайғу ҳасратлари отилиб чиққандай бўлди. Жасурбек унинг бу саволини жавобсиз қолдирганича хонадан чиқиб кетди.

* * *

Бугун Алижон Жасурбекка қўнғироқ қилиб ишдан кейин уйга келишини сўради. У қоронғи туша бошлаган сари укаси билан бўладиган суҳбат тўғрисида ўйлаб безовталана бошлади.

Жасурбек ҳам иши тугагач, тўғри акасиникига кириб келди. Алижон укаси билан сўрашиб уни меҳмонхонага бошлади.

Жасурбек хонанинг юқорисига қўйилган юмшоқ ўриндикка жойлашиб ўтириб олгач сўз бошлади:

— Кеннойимлар қўринмайдилар?

— Зебохондан хабар олиб келинглр деб, болалар билан бирга сеникига жўнатгандим.

Жасурбек ўзи билан акасининг ёлғиз гаплашишини мўлжаллаганини англаб акасининг беҳудага чақирмаганлигини сезиб жимиб қолди.

— Ишларинг жойига тушиб кетдимиз? — Алижон укасига синчиклаб тикилганича сўради. — Бошлиғинг билан ярашиб олдингми?

— Раҳмат Алижон ака, ҳаммаси жойига тушиб кетди. Фақат ўртоқларимдан озгина қарздор бўлиб қолдим.

— Тан-жонинг соғ бўлса қарздан қутулиб кетарсан. Бош омон бўлса дўппи топилади дейишади-ку! — Алижон Лобар тўғрисида сўраш учун гапни нимадан бошлашини билмай қийналарди. — Бу сен учун бир сабоқ бўлди. Энди бундан кейин тилингга эҳтиёт бўлиб гапирасан.

— Худди шундай ака! — Жасурбек кўз тагидан акасининг хатти-ҳаракатларини кузатиб олгач, тилёғламлиқ билан яна сўзини давом эттирди. — Бундан буён сиз кўрсатган йўл-йўриқларингиздан ҳеч ҳам четга чиқмайман.

Энди Алижоннинг жаҳли чиқиб кетди. Лекин у ўзини босишга ҳаракат қилиб сўз бошлади.

— Битта айб қилиб қўйибсан деб юрсам ҳамма ишинг расво-ку!

— Нима қилибман ака? — Жасурбек ялт этиб акасига қаради. Уларнинг нигоҳлари тўқнашди.

— Лобар деганлари ким?

Жасурбек кўзларини акасининг кўзларидан олиб қочди:

— Қайси Лобар ҳақида гапираяпсиз ака?

— Ўйнашинг Лобар ҳақида, — деди Алижон укасига еб қўйгудай бўлиб тикилганича. Жасурбек индамади. У бошини қуйи эганича ўтирарди.

— Нега индамайсан? Ёки у ҳаромини танимайсанми?

Жасурбек тилдан қолган одамдай пинагини бузмай жим ўтирарди.

Гапирсанг-чи, нега гапирмайсан? — деди Алижон — Ёки тилингни еб қўйганмисан?

— Шундай бўлиб қолди Алижон ака, — Жасурбек бошини янада қуйи эгди.

— Шундай бўлиб қолдими? — Алижон туюқиб кетди. — Ёки шундай қилиб қўйдингми?

— Шундай қилиб қўйдим, — Жасурбек бу сўзни шу даражада секин айтдики, ҳатто ўзининг гапи ўзига ҳам зўрға эшитилгандай бўлди.

— Сени нима қилсам экан? — Укасининг ўтиришига ич-ичидан ачинган Алижон ўйланиб қолди. Бир оздан кейин у яна тилга кирди. — Зебохонни ўзинг яхши кўриб уйландинг. Агар унга зўрлаб уйлантирганимизда

сенинг бу қилмишингни оқламасам ҳам тушунган бўлардим. Мен ҳозир сенинг бу қилаётган ишларингга ҳеч ҳам тушунолмаёйман. Фарзанд керак десанг, гулдай фарзандинг бор. Яна нима керак сенга?

Жасурбек ҳамон индамай жим ўтирар эди.

— Бу уйингни мен олиб берганман-а? — сўради Алижон. Жасурбек “ха” дегандай бошини қимирлатди.

— Қайси қулоғинг билан эшитсанг ҳам, эшитиб ол, — Алижон кўрсаткич бармоғини бигиз қилганича ўдағайлади. — Сенга бир ой муҳлат. Агар шу бир ой ичида Лобар дегани билан орангни очик қилмасанг кейин ўзингдан кўр. Мен сенга келин билан қизингни хўрлатиб қўймайман. Гапларимга тушундингми?

Жасурбек “тушундим” дегандай бошини қимирлатди.

— Бор энди, уйингга бориб қилган қилиқларингнинг оқибатини яхшилаб ўйлаб кўр. Кейин ўзингга керакли хулосаларни чиқариб оларсан.

Жасурбек акасининг бу гапларидан кейин ўрнидан турди.

Алижон уни кузатиб кўчага чиққанида бир гап эсига тушиб қолгандай тўсатдан сўради: — Лобарга Қорасув даҳасидаги уйни сен сотиб олиб бердингми?

— Йўқ... — Жасурбек бир сапчиб тушди. Кейин айби очилиб қолишидан кўрқиб ёлғон сўзлади. — У уйни Лобарнинг ота-онаси сотиб олиб унга совға қилишди.

— Майли, хайр, соғ бўл, — деди Алижон. — Менинг гапларим эсингдан чиқмасин. У билан орангни очик қилиб олишинг учун сенга бир ой муҳлат.

Жасурбек “хўп” дегандай бошини қимирлатди-да, автомашинага ўтириб жўнаб кетди.

* * *

Тўлғоной кичик меҳмонхонадаги қават-қават кўрпача устида ўтирганича лаби-лабига тегмай Зебохонга гапирарди.

— Мен ахмоқ бўлмасам шу мақтанчоққа эрга тегаманми? Синфдошим Қаҳрамон мактабда ўқиб юрганимдаёқ менинг ҳар бир сўзимга илҳақ бўлиб турарди. Қачон қарамай кетимда юргани-юрган эди. Ҳатто бизникига бир неча марта совчи ҳам жўнатганди. Ҳозир бўлса кимсан бутун бир мамлакатга донғи кетган тадбиркор.

Минглаб одамлар қўлини кўксига қўйиб “лаббай ака” деб хизматида туради. Бу бир лапашанг мактанчоқнинг хотини бўлиб ўтиб кетганимдан кўра, Қахрамоннинг юзинчи хотини бўлиб юрганам минг марта афзал эмасми? Еганим олдимда, емаганим кетимда. Қанчадан-қанча одамлар хизматимда бўларди. Ҳозир ҳам Қахрамон менинг ҳар бир сўзимга илҳақ. Қишлоғимга борадиган бўлиб кўнғироқ қилсам чегарада машинаси билан кутиб олади. Уйимга қайтадиган бўлсам совға-саломлар билан чегарагача кузатиб қўяди. Ана ҳаёту — мана ҳаёт! Агар хоҳласангиз сизни ҳам қишлоғимга меҳмонга олиб бораман, бир кўриб келасиз айланай, — дея Тўлғоной Зебохонга қаради. — Нима дедингиз ўргилай?

— Қандай бўларкин, Тўлғоной опа? — деб Зебохон ўйланиб қолди.

— Вой, нимага ўйланасиз, қоқиндик, — Тўлғоной Зебохонни туртиб хо..хо...холаб қолди. — Зўр бўлади-да, ўргилай. Жуда зўр бўлади. Қахрамоннинг шахсан ўзлари кутиб олади-да, қоқиндик.

— Гап-сўз деганларидай, — Зебохон чайналди.

— Чумчуқдан кўрққан тарик экмайди. Бу дунёга бир марта келамиз айланай. — Тўлғоной қўллари билан тиззасига шапатилаб урди-да, яна сўзини давом эттирди. — Бу дунёда ўйнаб кулганимиз қолади ўргилай.

Зебохон Тўлғонойнинг қишлоғига бориб ўзига ёрдами тегадиган одам топишдай кўнғлига тугиб қўйган режасини амалга ошириш пайти келганидан қувонди. Лекин хурсандлигини ҳозир шеригига сездирмади.

— Гап-сўзга қолиб кетмасмикинман, Тўлғоной опа? — деди Зебохон иккилангандай бўлиб. “Жасурдан ўчимни олмагунимча қўймайман. Аввало унинг хотинини йўлдан уриб оиласини бузиб хонавайрон қиламан. Кейин Жасурнинг ҳолига маймунлар йиғлайдиган қилмасам отамнинг қизи эмасман”, ўйларди Тўлғоной.

Зебохон ўз саволига жавоб ололмай унинг жиддий киёфага кириб ўйланиб қолганини кўргач “мени қишлоғига олиб бориш ниятидан қайтди, шекилли деган фикр миясига урилди. Тўлғонойни бу қароридан қайтариш ниятида у шоша-пиша яна унга савол билан мурожаат қилди. — Тўлғоной опа, нега ўйланиб қолдингиз. Ёки мени қишлоғингизга олиб борсангиз гап-сўзга қолиб кетишимдан кўрқдингизми?

— Нега ундай дейсиз, ўйчи ўйини ўйлагунча таваккалчи ишини битқазибди, қоқиндик? — деди Тўлғоной ўзини ўнглаб олиб. Энди унинг юзига сохта табассум югурди. — Сиз қаёқдаги гийбатчиларни айтасиз, керак бўлса сиз учун жонимни ҳам беришга тайёрман, айланай.

— Раҳмат, опа! — Зебохон ўнг қўлини кўксига қўйди. — Бу яхшиликларингизни яхши кунларингизда қайтариш менга ҳам насиб қилсин.

— Шанба кунини эрингиз уйга келмайди-я, шундайми, ўргилай? — Тўлғоной айёрона кулиб Зебохонга қаради.

— Ҳа — деди Зебохон ерга қараб.

— Биз бундан фойдаланиб, Тожикистонга бориб келамиз, қоқиндик — дея Тўлғоной қўллари билан тиззасига шапатилаб уриб беҳаёларча хахолаб кулди.

— Сиз нима десангиз шу, — деди Зебохон бошини ерга эгганича.

* * *

Хонадаги юмшоқ ўриндикда ўтирган Жасурбек билан Лобар суҳбати қизгин тус ола бошлади.

— Сиз тўғрингизда Алижон акам ҳаммасини билиб олибди, — деди Жасурбек хоргин бир қиёфада.

— Нима қилибди, билса билар. Бир кунмас-бир кун менинг уларга келин эканлигимни билишлари керак-ку, ахир, — дея Лобар мамнун жилмайиб қўйди.

— Шундайку-я... Лекин ҳозирча билмай тургани маъқул эди-да!

— Қачонгача яшириб юрамиз, Жасурбек ака?

Шу дам Лобарнинг хаёлига “Жасурбекнинг қариндош-уруғлари менинг уларга келинлигимни билишгани яхши бўлибди. Энди бундан кейин улар орасида ўз мавқеимни тиклаб улар орасида ўз ўрнимни эгаллашим лозим” деган ўй келди.

— Мен уларнинг келинлариманку, ахир. Қариндошларингиз шунини тан олишлари шарт.

Лобарнинг бу гаплари Жасурбекка ёқмай унинг юзи жиддий қиёфага кириб қошлари чимирилди.

— Нега сиз мени тушунишни хоҳламайсиз?

— Нега, сизни жуда яхши тушунаман, жоним! Керак бўлса сиз учун жонимни ҳам беришга тайёрман, — Лобар айёрона жилмайди. — Лекин мен сизнинг ўйнашин-

гиз эмас, хотинингизман-ку ахир! Буни қариндошларингиз ҳам тан олса нимаси ёмон?

— Мен ҳамма нарсанинг силлиқ, жанжалсиз ҳал бўлишини хоҳлайман.

— Мен жанжал қилаётганим йўқ-ку, жоним! Сизнинг қариндошларингиз тирноқ тагидан кир қидиришса мен айбдор эмасман-ку, ахир!

— Нима бўлган тақдирда ҳам сиз менинг айтганимни қилишингиз керак.

— Мен сизга айтдим-ку, керак бўлса сиз учун жонимни ҳам беришга тайёрман деб. Ёки менинг гапларимга ишонмайсизми?

— Ишонаман асалим! — Жасурбек майин жилмайди. — Мабодо бирорта одам бу уй тўғрисида сўраб-суриштириб қолса, бу уйни адам билан ойим сотиб олишиб менга совға қилишди денг! Хўпми!

— Агар сиз шуни хоҳласангиз, албатта шундай дейман, жоним! — Энди Лобар сохта жилмайди. “Нима бўлганда ҳам уй ўз номимда-ку, қариндошларингиз нима ҳам қила олишарди” деб ўйлади-да, яна сўзини давом эттирди. — Шунча ваҳима қилганингиздаги илтимосингиз шу бўлди-ми?

Жасурбек унинг саволига жавоб бериш ўрнига жимгина ерга қараб ўтирарди.

— Бугун сизга нима бўлди, жоним? Хаёлингиз парижон, — деди Лобар ва ўтирган ўрнидан туриб Жасурбекнинг тиззасига бориб ўтирди.

— Ҳеч нима бўлгани йўқ. Чарчадим... Шу сабабдан бугун кайфиятим йўқроқ. — Жасурбек тиззасида ўтирган Лобарни қучоғига олди.

* * *

Ўзларига зеб бериб кийиниб олган иккита аёл билан ёш қизалоқ катта кўчага чиқиб таксига ўтиришди. Улар шу автомашина билан Тожикистон чегарасидаги чегарачиларнинг хизмат масканига келиб тўхташди. Таксидан тушишган аёллар Ўзбекистон чегарасидан яёв юришганларича чегара масканидан ўтиб Тожикистон чегарасига яқинлашганларида уларга новча бўйли тўладан келган хушбичим, дид билан кийинган норғил йигит пешвоз чиқди.

У аёлларнинг бири билан қучоқлашиб, ўпишиб сўрашди. Кейин иккинчи аёл билан қўл бериб сўрашиб бўлгач,

ёш қизалокқа ҳам қўл чўзди. Нотаниш норғил йигит билан сўрашишни хоҳламаган қизалок аёллардан бирининг ортига яширинди.

— Бу қизча намуноча ширин бўлмаса, — деган норғил йигит сўрашиш учун узатган қўлини тортди. — Қани кетдик, — дея унинг ўзи йўл бошлади.

— Қахрамон ака, анчадан буён кўринмай соғинтириб кўйдингиз-ку! — деган аёллардан бири норғил йигитга кўз тагидан маъноли қараш қилиб кулиб кўйди.

— Тўлғоной қачон келаркин деб йўлларингизга тикилавериб кўзларим тўрт бўлиб кетди, азиз дўстим! — деган норғил йигит мийиғида кулиб кўйди-да, яна сўзини давом эттирди. — Олиб келган меҳмонингиз билан таништирмадингиз ҳам...

— Вой эсим курсин, сизни кўрганимдан кейин мени хаяжон босиб сизларни таништириш ҳам эсимдан чиқибди, — дея Тўлғоной сохта жилмайиб норғил йигитга нозли қараш қилди-да, сўзини давом эттирди. — Булар Зебохон, қўшним бўлади, — деб у ёнидаги аёлни норғил йигитга таништириб бўлгач ўз навбатида аёлга норғил йигитни таништирди. — Булар синфдошим Қахрамон акам бўладилар.

— Танишганимдан хурсандман! — дея Қахрамон Зебохонга суқланиб тикилганича қўлини чўзди. Зебохон унинг қўлини оларкан:

— Мен ҳам, — деди у кўзларини ерга тикиб.

— Тўлғоной дўстим, дугонангиз сизга ўхшамаган, бунчалар уятчанг, ҳуркак экан-а? — дея Қахрамон кўз тагидан Тўлғонойга маъноли қараш қилди. Шу пайт уларнинг нигоҳи тўқнашди.

— Кўяверинг, ўрганиб кетади, — деб Тўлғоной Қахрамонга кўзини қисиб кўйдида, хи-хи-хилаб кулиб юборди.

Қахрамон ҳам ясама жилмайганича Зебохонга суқланиб боқди. Уларнинг нигоҳи бир зумгагина тўқнашди. Бу ҳолатдан ўзини кўйишга жой тополмай қолган Зебохон ундан кўзларини олиб қочиш ниятида бошини ерга эгди.

* * *

Ушоккина Гулчехра момо турмуш ўртоғи Мардон отадан ажраб қолганидан кейин унинг юзидаги ажин чизиқлар кўпайиб қўлларининг гўштсиз терисидан томирлари

бўртиб-бўртиб кўриниб қолди. Ўзини бир оз олдириб қўйган Гулчеҳра момонинг кичик жуссаси янада кичрайиб қолгандай эди. Олдингига нисбатан энди у сал эгилиброқ юрганича ҳовлидаги сув тўла мосламадан юзқўлини ювди-да, катта гужум дарахтига илиниб турган сочиқни олиб артди. Шу пайт уй ичкарисидан чиққан келинчак:

— Ассалому алайкум ойи! — дея унга эгилиб таъзим қилди.

— Ваалайкум ассалом. Бахтли бўлинг. Кўп яшанг, қизим! — деди Гулчеҳра момо.

— Раҳмат ойижон. Бизларнинг бахтимизга ҳамиша соғу саломат бўлиб юринг, — дея келинчак пилдираб юриб бориб ҳовлининг бир бурчагига жойлашган сўридаги хонтахта устига дастурхон ёза бошлади.

— Алишержон турдими, қизим? — сўради Гулчеҳра момо.

— Ҳа ойижон, китоб варақлаб ўтирувдилар.

— Шу болажонимнинг хулқ-атвори худди раҳматли дадажонисининг ўзларига қўйиб қўйгандай ўхшайди. — Гулчеҳра момо ниманидир хотирлаётгандай бир зум сўзидан тўхталдида, яна қўшиб қўйди. — Улар ўтадиган дарсига кечки пайт тайёрланиб қўйсаларда, эрталаб яна бир марта кўз югуртириб чиқмаса кўнгиллари тинчимас эди.

— Алишержон акамлар ҳам ҳар бир ишга масъулият билан ёндашадилар. Шунинг учун ҳам уларни кўпчилик ҳурмат қилишади, ойижон.

— Барака топсин, — деди Гулчеҳра момо. — Раҳматли отажонингизни ҳам туманимизда танимаган одам йўқ эди, қизим. Улар ҳам кўпчиликнинг назарига тушган инсон эдилар. Худонинг ўзи раҳматига олган бўлсин, Омин, оллоҳу акбар.

— Айтганингиз келсин, ойижон, — дея келинчак ҳам момога қўшилиб фотиҳа қилиб бўлгач, сўзида давом этиб сўради:

— Чойни дамлайверайми, ойижон?

— Дамлаб келаверинг, қизим!

— Хўп бўлади, ойижон, — деб келинчак пилдираб юрганича уй ичига кириб кетди.

Орадан кўп ўтмай ичкари уйдан чиққан Алишержон ҳам Гулчеҳра момо билан сўрашиб сўридан жой олди.

— Болам тушимда Алижон акангни кўриб чиқдим. “Ойижон” дейди-ю бошқа сўз айтмай менга термулиб тураверди. Гапир болажоним, нима бўлди, десам ҳам гапирмайди. Шу дейман, болажоним, акангнинг бошига бир ташвиш тушганга ўхшайди. Телефон оркали бўлсада, улар билан бир гаплашиб қўй. Минг қилсада, аканг билан уканг бегона шаҳарда мусофирда, хўпми болажоним!

— Хўп бўлади, ойижон! — деди Алишержон.

Унинг сўзидан сўнг ўртага жимлик чўкиб ҳамма ноушта қилишга тутинди.

• • •

“Қахрамон” номли ҳашаматли рестораннынг алоҳида хонасида безатилган дастурхон устида кийик гўштидан тортиб куш сутигача ҳамма нарса муҳайё. Бу хонада ўтирган норғил йигит билан иккита аёлга бир хил кийим кийиб олган икки-учта қиз хизмат қилиш билан овора.

Бу қизларнинг биттаси чет эл коньягини қўлига олган заҳоти норғил йигит “тегма” деган ишорани қилди. Шунда хизматкор қиз қўлини худди бир нарса чакиб олгандай чакқонлик билан шишадан қўлини тортди. Кейин норғил йигитнинг ўзи коньяк шишасини қўлига олиб овзини очдида, фужерларга қўйди.

— Сўз сизга, азиз дўстим Тўлғоной, — дея норғил йигит фужер тўла коньякни аёлларнинг каттароғига узатди.

— Қахрамон ака, бахтимизга хамиша соғу саломат бўлинг! Бизнинг ҳам омадимизни берсин! — Тўлғоной фужердаги коньякни охиригача сипқорди.

Унинг қадах сўзидан сўнг коньяк ичмаган ёшроқ аёлга Қахрамон сўз қотди.

— Зебохон, бизни ҳурмат қилмасангиз ҳам опангизнинг яхши ниятларини ерда қолдирманг. — У аёлнинг дастурхон бурчагига қўйган коньяк тўла фужерини қўлига олиб яна унга узатди.

— Олинг қоқиндик, Қахрамон акангиз ҳамма-ҳаммага ҳам коньяк узатавермайди, — дея Тўлғоной шеригига юзланди. — Қолаверса мендай опангизни ҳам хафа қилаяпсиз-а, ўргилай.

Ноилож қолган Зебохон фужерни олиб лабига теккизганида Тўлғоной фужер тагидан кўтариб турди.

Зебохон бир неча култим коньяк ичишга мажбур бўлди.

Ўз навбатида норғил йигит яна фужерларни тўлатди. Бу сафар сўз Зебохонга берилди.

— Ҳаммамиз соғу саломат бўлайлик! — деди у.

— Энди, ниятингизнинг холислигини исботланг, айланай. Бўлмаса биз ичмаймиз! — деб туриб олди Тўлғоной.

Яна ноилож қолган Зебохон коньякдан фужер яримлагунча ичди.

Шу пайт хизматкор қизлардан бири Қахрамонга яқинлашиб унинг қулоғига бир нима деди. Унинг гапларини эшитиб бўлган норғил йигит қизни менсимамай бурнини жийирганича қўли билан “сен кетавер” дегандай ишора қилди.

Хизматкор қиз хонадан чиқиб кетди.

— Мен ҳозир келаман, Тўлғоной дўстим, — деди норғил йигит.

— Тинчликми, Қахрамон ака? — деди Тўлғоной унга кўзларини сузиб қараганича.

— Юқоридан азиз меҳмонлар ресторанимда овқатланиш учун келишибди. Сизлар бемалол ўтириб туринглар. Мен улар билан сўрашиб тезда қайтиб келаман, — деди Қахрамон. Кейин у Зебохонга юзланиб сўзини давом эттирди. — Зебохон, сиз менинг узримни қабул қиласиз деган умиддаман.

— Бемалол бориб келаверинг, — энди бу даврага анча-мунча ўрганиб қолган Зебохон бу сафар унга кулиб қаради.

— Раҳмат Зебохон, — деди Қахрамон. — Қизлар, сизлар зерикмай ўтириб туринглар, мен тезда қайтаман.

— Тез келмасангиз бизлар сизни соғиниб қоламиз, — дея илмоқли сўз қотиб Тўлғоной хи-хи-ҳилаб кулиб қўйди.

— Сизларни соғинтириб қўймайман, — дея Қахрамон хонадан чиқиб кетди.

— Қахрамон акамлар мен сизга таърифлаб берганимдан ҳам зўр эканларми, айланай, — деди Тўлғоной керилиб.

— Жудаям ажойиб инсон эканлар — кулди Зебохон. — Бундай инсонлар ҳаётда камдан-кам учрайди.

— Юз йилда бир келади деяверинг, ўргилай.

— Ҳа опагон, гапларингиз жудаям тўғри, — деди

Зебохон, — Холидахон мени йўқотиб хархаша қилмаётганмикин? Негадир безовта бўлаяпман.

— Қизингизга жин ҳам урмайди. Жиянларим билан ўйнаб ўтиради, қоқиндик.

Тўлғонойнинг сўзларидан сўнг даврага жимлик чўкди. Энди у дастурхондаги ноз-неъматлардан очофатлардай тикиштириб ея бошлади.

Зебохон унинг бу қилигидан бир оз хижолат чекиб бир қараб қўйди-да, хаёлга берилди. “Эримни ўлдиришим учун Қахрамон акани тўримга илинтиришим керак. Унга кўпчиликнинг қўли етмайди. Қолаверса чет эл фуқароси, қандай бўлмасин қўлга олишим керак.”

— Намунча хўмрайиб ўтирибсиз, айланай, — деди Тўлғоной унинг хаёлини бўлиб, — еб-ичиб ўтирсангизчи.

— Еб ичаяпман, — деди Зебохон ўзини оклаган бўлиб.

— Тортинмай еб-ичаверинг. Бу замонда ўйнаб кулганимиз қолади, қоқиндик. — Тўлғоной шарбат тўла идишни бир кўтаришда бўшатди.

— Тўғри айтасиз, — Зебохон яна хаёл уммонига шўнғиди.

* * *

Телефон жиринглади. Алижон ўқиб ўтирган китобини қўлида ушлаганича бориб гўшакни кўтарди.

— Алло, эшитаман.

— Ассалому алайкум Алижон ака!

— Ваалайкум ассалом, кимсиз? — сўради Алижон.

— Мен Алишерман... Танимадингизми, ака?

— Ойим, келин, Нурбек, Нодира билан Наргизахонлар соғу саломат юришибдими? — Алижон укасининг саволига жавоб бериш ўрнига уни саволга қўмиб ташлади.

— Ҳаммалари соғу саломат юришибди. Кеннойим, жиянларим соғу саломатми?

— Худога шукур, ҳаммамиз яхшимиз! Ўзингчи? Ўзингнинг соғлигинг, ишларинг яхшими?

— Менинг соғлигим ҳам, ишларим ҳам жойида. Жасурбек акамларни кўриб турасизми? Кеннойим, Холидахонлар яхши юришибдими?

— Улар ҳам яхши юришибди. Бир-икки кун олдин Жасурбек бизникига келиб кетувди.

— Соғу саломат юрган бўлсангизлар бўлди, акажон. Ойим сизни тушларида кўриб чиққан эканлар. Эрталаб мендан сизга кўнғироқ қилиб қўйишимни сўраган эди.

Алижон укасининг бу сўзларини гўшакдан эшитар экан, одамлар “Қари билганини пари билмас” деб бежиз айтишмаган эканда, деган фикр хаёлидан ўтди. Онажонимлар жудаям сезгирларда, Жасурбекникидаги нотинчликни сезибдилар.

— Нега жимиб қолдингиз Алижон ака? — гўшакдан эшитилган бу савол Алижонни ўзига келтирди.

— Ойижонимни соғиндим. — Алижоннинг бу гапидан кейин телефоннинг ҳар иккала тарафи ҳам бир зум жимиб қолди.

— Ойимни олдингизга жўнатиб юборайми?

— Йўқ ука, йўлда бир ўзлари қийналиб қоладилар. Тез кунлар ичида қишлоққа бораман. Шунда ойижонимларни ўзим билан бирга олиб келаман.

— Хўп бўлади ака! Қишлоққа келишингиздан олдин менга кўнғироқ қилинг. Сизни ўзим кутиб оламан.

— Раҳмат ука! — деди Алижон. — Бизнинг номимиздан қариндош-уруғ, таниш-билишларга саломимизни етказиб қўясан.

— Хўп бўлади. Сиз ҳам Жасурбек акамларнинг оиласига саломимизни айтиб қўйинг.

— Албатта етказаман, — деди Алижон. — Кўришгунча хайр ука.

— Соғ бўлинглар! Яхши кунларда кўришайлик!.. Хайр!

— Айтганинг келсин. Хайр ука! — деб гўшакни жойига қўяр экан Алижон хаёлга толди.

* * *

Соат ўнларда уйқудан уйғонган Зебохоннинг боши кечаги коньяк таъсиридан бўлса керак зирқираб оғрирди. У нижимланиб қолган тўшакдан туриб тош ойнадаги ўз қиёфасига боқди. Томоғи остидаги бир неча қизариб қолган доғларни кўрди-да, ўзидан-ўзи жирканиб кетиб тош ойнани зарб билан бир урди. Зарб таъсиридан тош ойнага ҳеч нарса бўлмади-ю, лекин унинг мушт қилиб тугилган ўнг қўли зирқираб оғриди. Шунда у тош ойнадаги ўзига боқиб турган аксига қараб беҳаёларча хиринглаб қулди. Кечаги ярим тунгача ичилган ичкилик таъси-

ридан ҳали бутунлай халос бўлмаган эди. Шу боис мажолсиз юрганича қайтиб келиб тўшагига ётди. Шу пайт у оғзи қақшаб-қуриб сувсаганини сизди. Энди олазарак қараш қилиб атрофдан ниманидир излади. Ётоқ жой ёнидаги кичик столчадаги яримлаб қолган коньяк шишаси ва ҳар хил ичимликлар-у, егуликларга кўзи тушди. Столдан шарбат тўла идишни олиб охиригача ичди. Энди чанқоғи босилгандай бўлиб ўзини бир оз яхши ҳис қилди. Лекин ундаги бу ҳолат узоққа чўзилмай яна боши зирқираб оғриб кўзига хона чирпирак бўлиб айлангандай бўлиб кўринди-ю, кўнгли беҳузур бўлиб ўқчиди. Лекин қусмади. У қўли билан оғзини артди. Шу пайт не учундир Холидахонни эслади. “Қизимни Тўлғонойнинг келини яхши қараган бўлсинда. Қизим кечаси билан мени йўқотиб йиғлаб чиққан бўлса-чи? Йўқ... Йўқ... Бундай бўлиши мумкин эмас. Холидахон йиғламаган. Тўлғоной опанинг жиянлари билан ўйнаб-ўйнаб ухлаб қолган бўлса керак”.

Зебохон ўзини-ўзи овутиб, қўлларини икки ёнига ёйиб ётганича кўзларини чирт юмди.

* * *

Тушлик қилиб бўлишгач, дастурхонни йиғиштирган Нилуфарнинг эсига эрининг “Бугун вақт топиб укамларникидан хабар олиб кел, қандай қилиб бўлмасин бу оилани бузилиб кетишидан сақлаб — Холидахонни етим бўлиб қолишининг олдини олишимиз керак”, деган гапи келди.

— Дадаси, — Нилуфар китоб ўқиб ўтирган эрига юзланди.

— Гапиравер, нима демоқчисан, — Алижон китобдан кўзини олиб хотинига тикилди.

— Жасурбекларникига бориб Зебохондан хабар олиб келмоқчи эдим.

— Болаларга ўзим кўз-қулоқ бўлиб тураман. Сен бемалол бориб келавер. Кечки овқатга ҳам ўзим бирор егулик тайёрлаб қўярман. Бу ёнидан ҳам ҳеч хавотир олма. Сен Зебохон билан бемалол суҳбатлашиб келавер, хўпми?

— Хўп бўлади.

Нилуфар кўчага отланди. Орадан бир соатларча вақт ўтиб-ўтмай уйга қайтиб келди.

— Нима бўлди, — Алижон ҳайрон бўлиб хотинига тикилди. — Зебохон уйига кирдирмай изингизга ит солиб ҳайдаб юбордими?

— Йўқ, — Нилуфар халлослаб тез-тез нафас олганича сўзини давом эттирди. — Мен Зебохонларни уйдан тополмай қайтиб келдим. Кўшниларидан сўраб-суриштирсам кеча Тўлғоной опа билан Холидахонларнинг қаергадир кетишганликларини кўришибди.

— Меҳмонга кетишгандирда, — деди Алижон хотинини овутиш ниятида.

— Меҳмонга боришган бўлса, бегоналарникида қолиб кетишмайдику.

— Ваҳима қилаверма. Мен ҳозир Жасурбекка кўнғироқ қилиб ҳаммасини аниқлайман. Алижон телефон турган хонага чиқиб гўшакни кўтарди. У бир неча марта қаерларгадир кўнғироқ қилди. Лекин унинг кўнғироғига ҳеч ким жавоб бермади шекилли, гўшакни жаҳл билан жойига қўйди.

— Жасурбек ҳам ишда йўқ, гўшакни ҳеч ким кўтармади.

— Жасурбек ишда бўлмаса хавотирланмасангиз ҳам бўлаверди, — деди Нилуфар эрига далда бериб. — Бугун укангизнинг дам олиш куни, эр-хотин қизларини ўйнатиб келиш учун болалар ўйингоҳига кетишгандир-да!

Хотинининг бу гапларидан кейин Алижоннинг ҳам хавотири сал босилди.

— Қани эди шундай бўлса онаси! — деди Алижон. — Барибир кечки пайт уларникидан ўзим бир хабар олиб қўяман.

— Тўғри қиласиз дадаси, — деди Нилуфар. Унинг гапидан кейин ўртага жимлик чўқди.

* * *

Хонада Қахрамон билан Тўлғонойнинг суҳбати борган сари жонли тус ола бошлади.

— Зебо мендан қалтис бир ишга ёрдам беришимни сўради, — деди Қахрамон Тўлғонойнинг кўзларига тикилиб. — Агар бу ишнинг миси чиқиб қолса орқасини ёпишга бу аёлнинг пули етармикин?

— У эрини ўлдиришга ёрдам сўрадимми? — сўради Тўлғоной ҳам томдан тараша тушгандай унинг саволига жавоб бериш ўрнига.

— Ха... — Сиз бу аёлнинг илтимосига нима дейсиз?

— Сиздан нима кетарди. Пулини олинг-у, ёрдам беринг. Мабодо миси чиқиб қолгудек бўлса бу хотиннинг пули бундай ишнинг ўнтасининг кетини ёпишга ҳам етиб ортади.

— Агар оиласи шунчалик бой бўлса нима учун у эрини ўлдиришдай тубан ишга қўл ураяпти.

— Бу хотин камбағал бўлганида эрини ўлдириш у ёқда турсин, бундай фикр хаёлига ҳам келмаган бўларди. Сабаби унинг хаёли бола-чақа ташвишидан ортмасди-да. Энди у мана шу бойликларни тўлалигича фақат ўзи эгаллаш ниятида бу ишга қўл ураяпти. — Тўлғоной Қахрамоннинг кўзига тик боқди. Кейин у қўшиб қўйди. — Қахрамон ака, наҳотки сиздай инсон бу ишнинг шу томонини ўйлаб кўрмаган бўлса?

— Бу ажаб дунё экан! — деди Қахрамон Тўлғонойнинг ҳар бир хатти-ҳаракатларини назаридан четда қолдирмай. — Эҳ сиз аёлларга ҳеч тушунмадим-тушунмадим-да.

— Қахрамон ака, сизга нима фарқи бор? Жарақ-жарақ пулини олиб икки-учта хизматкор шотирларингизга бир оғиз буйруқ берсангиз бас, олам гулистон. Шунинг учун ҳам ота гўри қозихонами?

— Бу ишнинг мен учун қийин жойи йўқ, — дея Қахрамон бир нуқтага тикилганча хаёл сураятгандай бир киёфада сўзини давом эттирди. — Бола-чақам, оилам деб елиб-югуриб шунча пул топган турмуш ўртоғини ўлимга буюриш бу тубанлик-ку, ахир! Шу ёшга чиқиб менинг қулоғим бунданга тубан, жирканчли илтимосни шу пайтгача эшитмаган эди.

— Қахрамон ака, бу ишни унинг учун эмас, менинг учун қилаяпсиз-ку. Хуллас, мен сизни бирор марта ҳам уялтириб қўйганим йўқ. Шундай экан иккиланишга не ҳожат, — деди Тўлғоной.

Энди унинг миясида ҳар хил ўйлар тугён ура бошлади. “Қахрамон ёрдам беришдан бош тортиб қолса мен Жасурдан қандай қилиб ўчимни оламан. Бундан ташқари ҳеч бўлмаганда унинг бойлигининг ярмини ўзлаштиришим шарт” деган ўйда Тўлғоной отни қамчилади.

— Қолаверса жарақ-жарақ пул ишлаб оласиз. Бу ёғига мана мен кафилман! — у ўз кўксига шапатилаб урди.

“Арзимаган пулга ор-номусини сотиб юрган аёлнинг кафиллиги нима бўларди. Бу мени аҳмоқ деб ўйлайди, шекилли. Аммо Зебо бой бўлса жарақ-жарақ пул ишлаб олишим аниқ”. Ҳозир Қахрамон ана шуларни ўйларди.

— Майли, сиз учун шу ишларни қиламан. Лекин пул учун эмас. Шунини яхши билиб қўйишингизни истардим, дўстим, — Қахрамон ичидагини юзага чиқармади. — Лекин бу аёл харажатларни олдиндан тўлаши шарт.

— Илтимосимни ерда қолдирмаганингиз учун раҳмат сизга, Қахрамон ака! — дея Тўлғоной ўтирган ўрнидан туриб Қахрамонга яқинлашдида, уни кучоқлаб ўпди. — Мени яхши кўришингизни билардим.

— “Жон куйдирмагунча жонона қайда, тоққа чикмагунча дўлана қайда” деб бежиз айтишмаган, — Қахрамон сохта жилмайган кўйи Тўлғоной оғзидан келаётган коньяк хидидан кўнгли алағда бўлиб уни ўзидан нари итарди. — Бу ишнинг харажати кафиллигини ҳам сиз ўз зиммангизга оласиз!

— Бу ёғидан хавотирланманг Қахрамон ака, — Тўлғоной яна ўз кўксига шапатилаб урди. — Шу ишга тегишли барча кафилликни мен ўз бўйнимга оламан.

Тўлғонойдан жирканган Қахрамон сохта табассум билан унга қараб қўйдида, хаёлга берилди. “Ўзбекистонга молларни ўтказиб савдосида сендан фойдаланмаганимда аллақачонлар баҳрингдан ўтган бўлардим. Ёшлигимда бунинг нимасини ёктириб биринчи муҳаббатимни бағишлаган эканман-а? У пайтлар жудаям гўр эканман. Шу аёл менинг турмуш ўртоғим бўлмагани учун ҳам худога шукроналар айтишим керак”.

— Қахрамон ака, нега бунча хаёлга берилиб кетдингиз? — Тўлғоной столдан коньяк шишасини олиб оғзини очдида иккита фужерга қўйди. — Битимни ювмаймизми?

— Ювамиз, азиз дўстим! — Қахрамон коньяк тўла фужерни кўлига олди. — Мақсадимизга етишишимиз учун.

Фужерларни уриштирган Тўлғоной билан Қахрамон идишдаги коньякни охиригача ичишди.

* * *

Қуёш ботган бўлсада, ғарб томонда ер билан осмон оралигини қонталаш қизғиш шуъла эгаллаб турарди.

Кўчада бир-икки одамдан бошқа ҳеч зот йўқ. Шундай бир пайтда Алижон ҳам тез-тез юрганича шошиб борарди. У катта кўчани кесиб ўтиб кўп қаватли уйлар томонга қараб бурилди. Алижон чамаси уч юз қадамларча юргач озиқ-овқат дўконидан ўтиб кўп қаватли уйлардан бирига кирди. У зинапояни бирма-бир босиб юқорига кўтарилдида, бир эшик олдида тўхтаб қўнғироқ тугмасини босди. Алижонни кўп кутдирмай боши билан томонини рўмол билан боғлаб олган Зебо эшикни очди.

— Ассалому алайкум, Алижон ака!

— Ваалайкум ассалом. Зебохон нима бўлди, мазангиз қочдимми?

— Шамоллаб қолдим шекилли, бошим билан томоним оғрияпти, — Зебохон юзини буриштирганича қўшиб қўйди. — Алижон ака, уйга кириг. Нега остонада турибсиз?

Алижон остона хатлаб уйга кираркан:

— Жасурбек уйдаими? — деб сўради.

— Йў-ў-ў-ўқ... — деди Зебохон. — Икки кундан бери уйга келгани йўқ!

— Уйга келиши билан менга қўнғироқ қилсин! — деб Алижон ташқари эшикдан йўлакка чиқди. — Унга айтиг, яхшиси, уйга келиши билан бизникига ўтсин!

— Хўп бўлади, айтаман...

— Ҳозир уйга бориб Нилуфарни жўнатаман. Сизга у-бу нарса пишириб беради.

— Йўқ, йўқ. Керак эмас, — деди Зебохон шоша-пиша қўлини ҳавода силкитиб. — Уларни безовта қилманг. Ҳозиргина Холидахон билан овқатлангандик.

— Жасурбек келса бизникига ўтсин! Сизга ҳам худонинг ўзи шифо берсин! — Алижон зинапояни бир-бир босиб пастга туша бошлади.

— Лифтда туша қолинг, — деди Зебохон унинг яёв кетаётганидан ҳайрон бўлиб.

— Лифтларинг ишламаётган экан!

— Боя ишлаб турувдику... — дея Зебохон юриб бордида, лифтнинг чақирув тугмасини босди. У лифтнинг ишламаётганига амин бўлди шекилли, яна гапира кетди. — Шу лифти ҳам қуриб кетсин, ишлаганидан ишламагани кўп. Овсинимни сўраб қўярсиз...

— Нилуфарга айтаман, бугун бўлмаса эртага унинг ўзи олдингизга келади.

— Овора бўлиб юрмасинлар.

— Одам-одам билан тирик, овораси бор эканми? — деди Алижон.

Зебохоннинг эшикни қарсиллатиб ёпгани эшитилди. Алижон кўчага чиққанида қоронғи туша бошлаган эди. Қушларнинг чурқиллаши унинг эътиборини ўзига тортди. Худонинг қудратининг чегараси йўқ. Шу қушлар ҳам бир-бири билан дардлашади-я, — дея ўйлади Алижон ўзига-ўзи. Кейин у яна алланималарнидир ўйлаб кетди.

* * *

Тўлғоной эрининг ишдан келишини пойлаб хонадаги юмшоқ ўриндикда ўтирган кўйи хаёлга берилди. “Мен нима қилсам ҳам уйимни Зебо орқали Жасурга икки баравар нархга сотишим керак. Ана шунда уй пулининг ярмини эмас, йигирма беш фоизини эримга бериб ажрашаману, қолган пулларни олиб Тожикистонга, Қахрамон акамнинг олдига кетаман. Эрим ҳам битта-яримтасини топган, бўлмаса ажрашамиз деганимда дарров кўна қолмасди. Топса-топиб ўлиб кетмайдими? Менга нима? Ҳозир эрим билан жанжаллашадиган вақт эмас. У билан тинчгина ажрашиб олишим керак. Акс ҳолда, кўп нарсани ютқазиб қўяман. Мен ҳозир Зебони ишга солиб уйимни икки бараварига сотишим керак. Уни Тожикистонга олиб борганим яхши бўлди. Энди Зебонинг тили менинг олдимда қисик. Агар йўриғимга юрмаса бундан кейин унинг ҳолига маймунлар йиғлайди”. Шу пайт эшик қўнғироғи жиринглаб, Тўлғонойнинг хаёлини бўлди. У бориб эшикни очди. Шунда кўзи остонада турган эрига тушди.

— Келдингизми, бутун бир бошли мавзенинг бошлиғи? — деди Тўлғоной кесатиб. У кесатмоқчи эмасди. Лекин бу сўз хаёли паришонлигидан бўлса керак, оғзидан чиқиб кетди. Кейин ялтоқланиб сўзини давом этди.

— Сиз боп иш қилиб қўйгандим. Тез кийимларингизни алмаштириб чиқинг.

— Сен доимо шундай муаммо қилганимда мендай бутун бошли мавзенинг эгаси соясида давру даврон сурардинг. Оиламиз бузилиб биз ажрашиб ўтирмасдик... — деди эр ўз кўксига шапатилаб уриб. — Менинг исмимни Лочинбек дейдилар. Лочин очдан ўлса-ўладики, лекин у

қуш ўлакса емайди. Яшаш макони ҳам юксак-юксакларда — тоғларнинг тепасида бўлади. Шунинг учун ҳаммаси наханг лаққага ўхшаб катта-катта ўлжаларни овлайман. Арзимаганларини назарга илмайман.

Тўлғоной индамади. Лекин унинг кўнглидан, “Сендай мактанчоқ лочинми, лаққами Қахрамон акамнинг олдидаги югурдакларидан ҳам паст эканлигинини билганинда аллақачонлар ўзингнинг қарға ёки қузғун эканингни англаган бўлардинг” деган фикр кечаркан лабида сохта табассум пайдо бўлди. Шундан кейин Тўлғонойнинг тили қичиб яна гап бошлади.

— Лочин ака, биз ажрашмасак бўлмайди... Сабаби, дунёқарашимиз ҳеч ҳам бир-биримизникига мос тушмайди. Мен боғдан келсам сиз тоғдан келасиз.

— Маъқул, — деди Лочинбек. — Мен сенинг кўйлагингнинг этагига осилиб кетма ёр, деяётганим йўқ-ку?

— Бугундан бошлаб уйга харидор излайвер. Нархи менинг кўнглимдагидай бўлса сотамиз. Кейин пулини арра қиламизда, эркин қушлардай ҳар биримиз хоҳлаган томонимизга учиб кетаверамиз.

— Мен харидор топганимдан кейин сўзингиздан тониб ўтирмайсизми, Лочин ака? — Тўлғоной ўзи хоҳламаган ҳолда яна кесатди.

— Бундай писмиқи гапингни менга қилма. Мен сўзи бутун йигит бўлмаганимда бутун бир бошли мавзе аҳолисининг тинчлигини давлатимиз менга ишониб топшириб қўярмиди? — Лочинбек ўшқирди.

— Бўпти... Ўзингизни босиб олинг. Мен ҳам алақанинг итидай у ёқдан-бу ёққа югуриб ўзимни ўққа-чўққа уриб харидор топганимдан кейин сўзингиздан тониб юрманг деяпман холос... Бошқа сиз ўшқирадиган сўз айтганим йўқ шекилли... — деди Тўлғоной эрининг ваъдасини олиб битимни мустаҳкамлаш ниятида.

— Мени Лочинбек дейдилар! — Йигит сўзидан арслон изидан қайтмас дейишади. Менинг айтган сўзим — отилган ўқ. Ҳеч қачон туфлаган туфугимни қайтиб олмаганман ва бундан кейин ҳам қайтиб олмайман. Қўрқмасдан харидор излайвер.

Тўлғонойга ҳам Лочинбекнинг мана шу сўзи керак эди.

— Бугундан бошлаб уйга харидор излайман — деди Тўлғоной.

— Излайвер... Фақат уйнинг нархине мен билан келишган ҳолда савдолашасан. Мана шу гапимни унутма!

— Бу ёғидан ҳеч ҳам хавотир олманг. Уйнинг нархи сизга маъқул бўлгандагина уйни сотамиз.

— Келишдик, — деб Лочинбек битимга яқун ясаганича ичкари хонага кириб кетди.

Тўлғоной бўлса эри билан битим тузганидан ўзида йўқ хурсанд бўлган ҳолда “Мана энди Зебони ишга солиш вақти етди” деган фикрни кўнглига тугиб қўйди.

* * *

Жасурбек тунги соат ўн бирлардан ошганда уйга кириб келди. Эшикни очган Зебохон унга Алижоннинг гапларини етказди.

— Акангиз сизни сўраб келган эдилар, — деди Зебохон. — Уйга келиши билан бизникига ўтсин деб кетдилар.

— Қачон келдилар, — Жасурбек сўради.

— Кечки пайт келган эдилар.

— Менда қандай ишлари бор экан, айтмадиларми?

— Акангиз сизга тааллуқли гапни қачон менга айтганини эшитгансиз?

— Майли, сен уйга кириб ётавер. Мен акамларникига бориб келаман. — Жасурбек шахдам қадамлар билан зинапоядан пастга туша бошлади.

У кўчага чиқиб кўп қаватли уйлар олдида турган автоуловининг эшигини очиб унга ўтирдида, ўт олдирди. Жасурбек автоуловни секин ҳайдаганича бошқариб бораркан унинг миясидаги, “акам мени нега чақирди экан? Агар Лобар тўғрисида чақирган бўлса, у билан муносабатларимни узишим учун ўзлари менга бир ой муҳлат берган эдилар. Бу масала бўйича ҳали менинг ихтиёримда вақт бор. Нима учун чақирган бўлишлари мумкин? Нима учун? У саволлар жавобини тополмай қийналган кўйи Алижонникига етиб келганини ҳам сезмай қолди.

Алижон ҳам укасини кутиб ўтирган шекилли, Жасурбек эшикнинг қўнғироқ тугмасини босиши билан дарров эшикни очди.

— Ассалому алайкум, — Жасурбек сўрашиш учун қўлини узатди. — Чақиртирган экансиз?.. Шунинг учун кеч бўлса-да, олдингизга келавердим.

— Яхши қилибсан, — дея Алижон Жасурбекнинг

сўрашиш учун узатган қўлини олди. — Кир уйга. Унинг гапидан сўнг ака-ука олдинма-кейин ошхонага кириб хон-тахта атрофидан жой олишди.

— Уйдагилар қани, — Жасурбек сўради.

— Вақт алламаҳал бўлди-ку. Улар аллақачон ухлаб қолишди.

Жасурбек ўзининг ноўрин савол берганини сезиб бир оз хижолат чекди.

— Овқат ейсанми? — Алижон сўради.

— Раҳмат! Бугун бирга ишлайдиган ҳамкасбимизнинг туфилган куни бўлди. Ҳозир шу ўтиришдан келаяпман, қорним тўқ.

— Сен бола қачон одам бўласан? — Алижон укасига ўқрайиб ёмон кўз билан қаради.

— У билан муносабатларимни узишим учун ўзингиз бир ой муҳлат бердингизку!? Шунгача бу масалани бир ёқли қиламан, Алижон ака.

— Майли, бу масалани ҳал қилишинг учун ҳали ихтиёрингда вақт бор экан... — Алижон тутоқиб кетди. — Нега сен бутунлай оилангни ташлаб қўйдинг? Мана шунга жавоб бер!

— Оиламни ташлаб қўйганим йўқ.

— Уйингга келмаганингга неча кун бўлди?

“Зебо мени акамга ёмонлабдида”, ўйлади Жасурбек.

— Хотинингнинг аҳволини кўрдингми?

— Унга нима қилибди?

— Зебохон касалланиб қолибдику!? Сенинг бундан хабаринг ҳам йўққа ўхшайди.

Энди Жасурбекнинг кўз олдига боя уйига борганида Зебохоннинг боши билан томоғини боғлаб олгани келди-ю, шунда хотинидан ҳол-аҳвол сўрамагани учун ҳам ўзини айбдордай ҳис қилди.

— Нега индамайсан? Уч кундан бери қаерларда санқиб юрибсан? Гапир... — Алижон жаҳл устида укасини хафа қилиб қўймаслик учун ўзини қўлга олишга уриниб гапирарди. — Тез кунлар ичида ўша бузукни бир ёқли қилсанг-қилдинг, бўлмаса сен билан бошқача гаплашаман, гапларимга тушундингми?

— Тушундим, Алижон ака! Тушундим...

— Эркак одам ҳам оиласи олдидаги ўз бурчини уни-тиши мумкинми, ахир!? Хотининг касалланиб ётсаю, сен ялло қилиб кўчадан бери келмасанг... У пуштикамаринг-

дан бўлган қизингнинг онаси-ку!? Одамлар бегоналарга ёрдам қўлини чўзади. Сен бўлсанг ўз оилангга қарамай хор қилиб қўйибсан. Бу нима деган гап, — Алижон кўрсаткич бармоғини чўччайтириб ўдағайлади. — Ҳов бола, нимани хор қилсанг шунга зор бўласан! Халқимизнинг шу мақолини унутма!

— Алижон ака, озгина сабр қилиб турунг, ҳамма-ҳаммасини жой-жойига қўяман.

— Вақт борида эсингни йиғиб ол, кейин кеч бўлади, — деди Алижон. Кейин яна алланималар деб укасига насихат қила кетди.

Жасурбек бўлса бошини қуйи эгган кўйи ўзи хохламаган ҳолда унинг сўзларини тинглаб ўтирар эди.

* * *

Тўлғоной Зебохонни телефон орқали уйига чакириб олиб, “қоқиндиқ, ўргилай, айланай”ни хатосиз, навбатма-навбат айтиб аврай бошлади.

— Қахрамон акамлар “сизга ёрдам берсаммикин” деб мендан сўради. — Тўлғонойнинг лаби-лабига тегмай гапирарди. — Мен сизнинг кафиллигингизни ўз зиммамага олдим, ўргилай!

— Раҳмат опажон! Бу яхшилигингизни ўла-ўлгунимча эсимдан чиқармайман, — деди Зебохон.

— Қахрамон акам сизнинг илтимос қилган ишингизни тез кунлар ичида ҳал қилиб берадилар. Икки-уч кун ичида уларнинг ёрдамчилари бизникига келиб яшай бошлайди. У бу ерда эрингизнинг кундалиқ ҳаётини кузатади ва уни бир ёқли қилишнинг чорасини излаб топади. Шунгача сиз уларнинг харажат қиладиган пулларини тайёрлаб қўяверинг, айланай!

— Хўп бўлади, опажон! Сиз нима десангиз шуни қиламан. Фақат улар ишни чала қилиб мен шарманда бўлиб қолмасам бўлгани!

— Нималар деяпсиз, қоқиндиқ? Қахрамон акамнинг қандай одамлигини ўзингиз кўриб-билдингизку, ахир!? Улар ушлаган жойини кесиб олмагунча қўймайдилар. Қахрамон акамлар Тожикистондан Ўзбекистонга ҳар хил моллар олиб келадилар. Ана шу нарсаларни сотишга менинг ҳам ёрдам беришимни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Бизнинг оиланинг барча харажатлари уларнинг зиммасида. Қахрамон акамлар кейинчалик сизни ҳам шу

ишга жалб қилиб пул ишлаб олишингизга ёрдам бермоқчилар, ўргилай.

— Айтганингиз келиб ўйлаган ниятларимиз амалга ошсин, опажон!

— Бу томонидан ҳеч ҳам хавотирланманг. Ҳаммаси жойида бўлади. Айтмоқчи, сўраш хаёлимдан кўтарилаёзибди. Эсим қурсин... Ўша куни Қахрамон акам сизни қийнаб қўймадими, айланай. — Тўлғоной Зебонинг тиззасига қўли билан туртиб унга маъноли қараш қилдида, гурра кулиб юборди. — Ха-ха-ха-ха.

Зебохон уялганидан шолғомдай қизариб ерга қаради.

— Қўрқманг... бу сирни ҳеч ким билмайди, қоқиндик. Мен бу гапни ўзим билан бирга нариги дунёга олиб кетаман. “Сичқон ўрага тушди, гулдир-гуп”, — дея Тўлғоной иккала қўли билан оғзини ёпди.

— Мени тушунганингиз учун ҳам раҳмат сизга опажон, — деди Зебохон секингина қилиб эшитилар-эшитилмас товушда.

— Сизни тушунмай ўлибманми!? Керак бўлса мен сиз учун жонимни ҳам беришга тайёрман дегандим-ку!? Ёки бу гапим эсингиздан чиқиб кетдими, ўргилай.

— Йў-ў-ўқ!

— Нега бунча уяласиз? Бу беш кунлик дунёда ўйнаб-кулганимиз қолади, айланай.

Зебохон индамади.

— Мен сизга бир гапни айтайми-айтмайми деб турибман, қоқиндик, — деди Тўлғоной худди бир нарса эсига тушиб қолгандай.

— Қулоғим сизда, айтаверинг, опажон!

— Жасурни аспалисопинга жўнатмай туриб унинг бор-йўқ пулини топишингиз керак, ўргилай. Бўлмаса икки бармоғингизни бурнингизга тикиб қолаверасиз.

— Бу ёғидан хавотирланманг, пулларнинг қаердалигини биламан, опажон!

— Уйдаги пулларингиздан ташқари бу писмиқнинг ўйнашиникида ҳам жамғармаси бўлиши керак. Айниқса, юристлар ўз жамғармаларини иш хоналаридаги сейфида сақлашади деб эшитганман. Мабодо яна кимгадир қарзга пул берган бўлса ана ўша пулларни уйга опкелтиришингиз керак, айланай.

— Уларнинг пул яширадиган одатлари йўқ. — Зебохон ҳар доимги одатига кўра эрини “улар” деди.

— Агар Жасурнинг пул яширадиган одати бўлмаса ўйнаши Лобарга қайси пулига уй олиб ичини жиҳозга тўлдириб берди. Лочинбек акангизнинг гапларига қараганда Лобар деганлари мавзенинг бой хотинларидан бири эмиш, қоқиндик!

Унинг гапларидан кейин “ҳақиқатдан ҳам у бузукқа уйни қайси пулига олиб берди экан-а?” деган фикр Зебохон миясига яшин тезлигида урилди-ю қони кўпириб кўзлари совуқ йилтиради ва унинг юзида қахнинг аломатлари кўрина бошлади.

— Унинг яшириб қўйган пулларини топтиришингиз учун, “Хўжайин тирик жонмиз, қўлимизда пул борида Холидахонга уй олиб қўйсақ яхши бўларди, денг. Қизимиз вояга етганида унга совға қилардик. Қўшнимиз уйни сотаяпти. Қиз бола нарса, узоққа юборсак унинг ҳолаҳволидан қандай хабар олиб турамыз? Ёнимизда яшаса Холидахонга кўз-қулоқ бўлиб турардик, деб қўярда-қўймай Жасурни бизнинг уйни сотиб олишга мажбур қиласиз. Ҳақиқатдан ҳам қизингиз олдингизда бўлса кейинчалик бир-бирингизга суянчиқ бўлиб яшайверасизлар! Мабодо уй керак бўлмай қолгудай бўлса хоҳлаган пайтингизда сотсангиз жарақ-жарақ пул бўлади, ўргилай.

— Сизлар уйингизни сотмоқчимисизлар? — Зебохон хайратини яширолмай сўради.

— Поччангиз билан ажрашмоқчимиз деб сизга айтгандим-ку. Шунинг учун ҳам поччангиз билан бу уйни сотиб пулини тенг иккига бўлиб олишимиз керак, айланай.

— Мен сизни ҳазиллашди деб ўйлагандим, опажон.

— Бундай нарсалар билан ҳазиллашиб бўлмайди, қоқиндик.

Зебохон хаёлга берилди. “Ҳақиқатдан ҳам Тўлғоной опанинг гапларида жон бор! Холидахон вояга етиб турмуш қурганида мен билан бирга яшаса жудаям яхши, агар алоҳида яшагиси келса бир-биримизга суяниб ён қўшни-жон қўшни бўлиб яшайверамиз. Энди нима қилиб бўлсада буларнинг уйини сотиб олишимиз керак”.

— Нега ўйланиб қолдингиз? Ёки менинг гапларим сизга ёқмадими, ўргилай?

— Йўк! Нега энди бундай деяпсиз? Сиз менга ҳеч қачон нотўғри йўл-йўриқ кўрсатмагансиз, опажон! — деди Зебохон. — Нима қилиб бўлсада, уларга сизнинг уйингизни сотиб олдиртираман.

— Тўғри қиласиз. Жасурнинг пуллари қайсидир бузукда қолиб кетганидан кўра қизингизга уй олдириб қолганингиз минг марта яхши эмасми, айланай?

— Тўғри айтасиз, опагон! Сизнинг уйни сотиб олганим бўлсин!

— Гапингиз-гапми, қоқиндиқ! Тагин мен поччангизга уйга харидор топдим деб қўйганимдан кейин яна сиз айниб юрманг-а ўргилай.

— Гапим — гап! Сиз шунча яхшиликлар қиляяпсизу, мен сизнинг шу яхшиликларингизга яхшилик билан жавоб бериш ўрнига субутсизлик қилсам нонкўрлик қилган бўламанку, ахир, опагон!

— Худо бор эканку!? Менинг яхшиликларимга ҳеч қачон яхшилик қайтмаган, айланай, — деди Тўлғоной ёлғондан йиғламсираб. — Гапингиз гап бўлса, ташланг қўлингизни, қоқиндиқ.

— Тўлғоной опа, яхшиликларингизга яхшилик ҳеч кимдан қайтмаган бўлса мана мендан қайтади, опагон, — дея Зебохон қўлини узатди.

— Раҳмат сизга, яхшиликларимнинг қадрига етганингиз учун ҳам ўргилай, — дея Тўлғоной унинг қўлини олиб қўли билан сиқиб силтаганича битимга яқун ясадида, хаёлга берилди.

“Ўла бу кунингдан. Олдинлари эрим фалон жойда ишлайди деб бурнинг осмонга етгунча кеккайиб юрадиган хотин эдинг. Энди сирим фаш бўлмасин деб опагонлаб қолибсанми? Ҳали сенга бу холва! Эринг ёрдам бермай “таможний” молларимни мусодара қилгани учун ҳам сендай бир аҳмоқ хотин сабабли ҳолингга маймунларни йиғлатаман! Мана энди жиловинг қўлимда. Бундан кейин мен сенларни хоҳлаган қўйимга соламан”. Тўлғоной шуларни ўйларкан ўзича кеккайиб қўйди.

* * *

Тун. Ҳаво дим. Қилт этган шамол йўқ. Осмонда сонаноқсиз юлдузлар чарақлаб турибди. Самода сузиб юрган оймомо ўз нурларини аямай ерга сочаётган бир пайтда нима сабабандир, Қорасув мавзеларининг бирида электр чироғи ўчди. Кўп қаватли уйларда яшайдиган одамларнинг кўпчилиги “нима бўлди” дейишгандай деразадан ташқарига мўралашди. Баъзилари қаергадир кўнғироқ қила бошлашди. Айримлари шағам ёқиш билан овора эди.

Ошхонада ўтирган эр-хотин электр чироғи ўчганига ҳам парво қилишмай суҳбатлашиб ўтирардилар. Оймомо бўлса уларга раҳм қилганиданми ёки эркак билан келинчакнинг суҳбатига қулоқ тутиш ниятидами дераза оша ошхонага мўралаб уларни ўз нурлари билан чўмилтириб турарди.

— Бундан кейин сиз билан вақтинча учрашмай туришимиз керак, асалим! — деди Жасурбек хотинини сизлаб.

— Нега энди, Жасурбек ака!?

— Лобар, шу пайтгача сиздан бирор нарса илтимос қилганманми? — дея Жасурбек унинг кўзларига тик боқди.

— Йўқ! — деди Лобар Жасурбекнинг жиддий нарсаларни ҳал қилишида ўзининг исмини айтиб мурожаат қилишини билгани учун ҳам ҳозир у сергак тортди. — Нима учун бундай деяпсиз?

— Сабабини сўрама! — деди Жасурбек гапни чўрткесиб. — Бизнинг вақтинча учрашмай туришимиз мен учун ҳозир жудаям зарур.

“Мени ташлаб кетиш ниятида Жасурбек акамлар шу йўлни тутаяптилар. Аввалига бир-икки ойда, кейинчалик уч-тўрт ойда бир марта мендан йироқлашиб бутунлай келмай қўймоқчи. Унинг бундай қилишига асло йўл қўймайман. “Камбағалнинг оғзи ошга етганида бурни қонайди” деганлари тўғри эканда? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас” дея ўйлай бошлади Лобар.

— Нега ўйланиб қолдингиз? — сўради Жасурбек.

— Мени ташлаб кетмоқчимисиз? — деди Лобар ҳазин бир синиқ товушда.

— Йўқ, асалим! Сизни ташлаб кетиб бўларканми?

— Фақат тўғриси айтинг... мени ташлаб кетмайсиз-а? — Лобар ялинган кўйи мунғайиб сўради.

— Йўқ асалим, сизни ташлаб кетмайман! — деди Жасурбек унинг мунгли кўзларига боқиб.

Жасурбекнинг гапларидан сўнг Лобар ўтирган ўрнидан туриб бориб унинг тиззасига ўтирди.

Жасурбек уни кучоғига олди.

— Сиз мени ҳеч қачон ташлаб кетмайсиз-а? — эркаланди Лобар.

— Менга ишонаверинг асалим, сизни ҳеч қачон ташлаб кетмайман!

— Сўз берасиз-а?

— Сизни ҳеч қачон ташлаб кетмасликка сўз берман! — Жасурбек Лобарни бағрига қаттиқ босиб кучоқлаганича унинг юзу кўзларидан ўпа бошлади. Шу пайт Лобар ҳам унинг бағрига сингиб кетгандай бўлди. Иккаласи шу алфозда оймомо нурларига чўмилган кўйи узок ўтириб қолишди.

* * *

Ўрта бўйли, чўзинчоқ юзли, қарашлари ўткир, қотмадан келган бир йигит Тўлғоной билан суҳбатлашиб ўтирибди.

— Бу аёл ишончлими, Тўлғоной опа?

— Мен бу аёлнинг кафиллигини олганман, — деди Тўлғоной — Қахрамон акангиз айтмадиларми?

— Улар ҳамма гапни менга тушунтириб юборди. Лекин мен бу ишга тааллуқли ҳамма нарсани яхши ўрганиб, барча тўсиқларни бартараф қилган ҳолда вазифани силлиқ ва аниқ бажаришим шарт. Менинг вазифам жуда нозик. Сал хатога йўл қўйдимми, тамом... Ҳамма нарса остин-устин бўлиб кетади. Кейин бу даҳмазалардан қутилиш учун эса катталардан илтимос қилиш керак бўлади. Улардан илтимос қилиш учун жуда катта миқдорда доллар керак. Тушундингизми, опа!

— Тушундим ука... ишингиз жуда нозик экан.

— Шунинг учун ҳам мени “Тулки” деб чақиривади.

— “Тулки”... — Тўлғоной хайратини яширолмайд сўради.

— Ҳа... мени “Тулки” деб чақиривади.

— Менга асл исмингизни айтинг ука! Ҳарҳолда мен сизни “Тулки” деб айтолмайманку!

— Нега энди, айтаверинг! Ҳамма мени “Тулки” деб чақирганидан кейин сиз ҳам айтаверасизда!

— Ахир, ота-онангиз қўйган исмингиз бордир ука?

— Менинг ота-онам йўқ. Мени кимдир ахлат ташлайдиган жойдан топиб олиб болалар уйига топширган экан. Эсимни танибманки менинг исмим ўша-ўша — “Тулки”.

Тўлғоной индамади-ю, “ота-онанг ҳам носоз бўлган экан. Ҳеч иложи бўлмаган тақдирда ҳам сени туғруқхонада қолдирарди, ахлатхонага ташлаб кетмасди. Қонинг бузук бўлганидан кейин “тулки” деб ўзингга мос исм қўйган экан-да, сенга “тулковой” деб ўйлади.

— Менга ич-ичингиздан ачиняпсизми? — “Тулки” тўсатдан сўради.

— Ҳа, — деди Тўлғоной ёлғон сўзлаб. — Ҳақиқатдан ҳам ўтмишингиз аянчли экан.

— Қўяверинг, мен ўтмишимдан ҳеч ҳам нолимайман. Сабаби мен фаришта билан тенг одамман.

— Қанақасига? — Бу сўз тўсатдан Тўлғоной оғзидан чиқиб кетди. У нотўғри гапириб қўйдим деб ўйлаб бир оз хижолат чекиб, сўзини давом эттирди. — Сиз қайси фаришта билан тенгсиз?

— Азроил билан тенгман?

— У фаришта одам жонини оладику, ахир?

— Мен ҳам одамни ўлимга ҳукм қиламан. Демак, азроилдан кам жойим борми? У одамнинг жонини олади. Мен эса уни ўлдираман! — “Тулки”нинг кўзлари совуқ йилтираб кетди.

Унинг гапларидан Тўлғонойнинг бадани жунжикди. “Ўйламай сўзлаган оғримай ўлар” дейишган. Нега мен ундан ота-онаси қўйган исмини сўраб ўтирибман!? “Тулки” бўлса, “тулки”да... Менга нима? Тезроқ ишини битказса-ю, бунинг совуқ турқини бошқа кўрмасам” ўйлади у.

• • •

— Қўшнимизнинг уйини сотиб олайлик! — деди Зебохон.

— Уйимиз борку, ахир!? Яна уй сотиб олиб нима қиламиз? — Жасурбек таажжубланди.

— Ўзингиз учун эмас, қизимизга ниятлаб олиб қўйсак. Фарзандимиз вояга етиб турмуш қурганида унга совға сифатида уйнинг калитини берардик. Ана шунда Холидахон ҳамиша кўз олдимизда бўларди.

— Қайси қўшни уйини сотаётган экан?

— Тўлғоной опалар.

— Нима сабабдан уйларини сотишаётган экан?

— Лочинбек ака билан ажрашиш учун судга ариза берибди. Шунинг учун ҳам уйини сотиб пулини иккала-си бўлишиб олишаркан.

Жасурбек индамади.

— Ўзимизга қўшни бўлган уйни сотиб олиш ҳамиша ҳам насиб этавермайди. Бошқа жойдан уй топиш осон... лекин сотиладиган қўшни уйни топиш анқонинг уруғини

излаш билан баробар. Бундай қулайлик ҳамisha ҳам тўғри келавермайди. Шунинг учун ҳам шу уйни сотиб олайлик! — Зебохон ялинди. — Шундай қилсак қизимиз доимо кўз олдимизда бўларди.

— Мен яхшилаб ўйлаб кўраман, кейин сенга жавобини айтаман, — деди Жасурбек гап тамом дегандай.

— Сиз ҳам одамларга ўхшаб мундоғ қизингизнинг эртанги кунини ўйласангизчи!

— Ҳозирча бу гапни қўя тур. Эртага жавобини айтаман дедим-ку!

— Қўшнинг уйини биров сотиб олганидан кейин сизнинг ўйлаганингиздан фарзандимизга нима фойда? Ўйчи ўйлагунча таваккалчи ишини битқазган экан. Нега энди сиз яккаю ягона қизингизнинг эртанги кунини ўйламайсиз? Қандай отасиз ўзи!?

— Ҳали мен сенга қўшнинг уйини сотиб олмаймиз деганим йўқку ахир! Нега бунча дийдиё қиласан!?

— Бундан бошқа шундай шароит бўладими, йўқми ким билади. Мен фақат фарзандимизни ўйлаб шундай қилаяпман!

— Эртага сен ҳар эҳтимолга қарши уйнинг нархини билиб қўй. Мен у ёқ-бу ёғимга қараб ҳаммасини чамалаб кўраман! Кейин бир гап бўлар.

— Нимани чамалаб кўрасиз? Нима қилсак ҳам шу уйни олишимиз керак.

— Бошлиғим уч қаватли ҳовли сотиб олганида мендан қарз сўраган эди. Улар учун Алижон акамдан пул сўрадим. Акам савдодаги пулларини йиғиб олгунича ордан уч-тўрт кун ўтиб кетди. Шу вақт ичида бошлиғим бошқа бировдан пул олиб ҳовлини сотиб олибди. Алижон акамдан олган пул керак, бўлмай қолгач, уларга бўш вақтимда қайтиб олиб бориб берарман деб сейғимга солиб қўйувдим. Жасурбек бўлиб ўтган воқеани бошқа-чароқ қилиб айтди.

— Ана шу пулга Холидахонга ниятлаб уй сотиб олиб қўямиз. Алижон акамлар ҳар куни дўконларидан жарақ-жарақ пул топаяпти. Улар шунча пулни нима қилади?

— Сен эртагаёқ уйнинг нархини билиб қўй. Мен сейғимдаги акамдан олган пулларни олиб келаман. Уйдаги пулларга тегмаймиз. Одам бошига нималар тушмайди, дейсан. Ҳар эҳтимолга қарши уйда озгина жамғарма тургани яхши.

— Бирам ақллисизда хўжайин, — Зебохон эрига ялтоқланди.

* * *

Гулчехра момо ётоғида ухлаб ётибди. У туш кўрди. Тушида Жасурбек автоҳалокатга учради. Гулчехра момо кўча тўла одамлардан қўлларини чўзган кўйи ёрдам сўраб ёлворарди. Йўловчилар бўлса унинг илтижоларига парво ҳам қилишмай ўз йўлларида кетишаверди. Гулчехра момо “эй одамлар, ўғлим ўлим билан олишаяпти... ёрдам беринглар! Уни дўхтирга олиб борайлик” деб бақирганича зор-зор йиғларди. Унинг бу илтижоларига ҳеч ким парво ҳам қилмасди. Охир оқибат Гулчехра момо йўловчиларнинг эғнидаги кийимларидан тортиб ёрдам сўрай бошлади. Бунинг ҳам фойдаси бўлмади. Бир пайт одамлар ичидан бир ушоққина йигит чиқиб келиб, “буви, сиз кўпам куйинаверманг, мен тез ёрдам чақирдим. Ҳозир етиб келади”, деди.

— Раҳмат болажоним, умрингдан барака топ! — деди Гулчехра момо. — Қани, юр болажоним, тез ёрдам келгунича Жасурбекнинг ҳолидан хабар олайлик.

Шу пайт аллақаердандир тез ёрдам автоулови етиб келиб ундан иккита оқ халатли аёл тушдида, автоҳалокатга учраганларни унга чиқазишди.

— Мени ҳам болам билан бирга олиб кетинглар, қизларим! — дея Гулчехра момо уларга илтижо қилибди.

— Йўқ, сиз машинага сизмайсиз! — дермиш оқ халатли аёлларнинг ёши каттароғи.

— Ўтиришга жой бўлмаса ҳам майли... машинангизга миндирсангиз бўлди. Бир амаллаб кетаман қизим, — Гулчехра момо автоуловнинг эшигига осилармиш.

— Бу кампир жинни-пинни бўлганми? Нима бало, гапга ҳам тушунмайди, — деди ёшроқ оқ халатли аёл.

— Вей, қўлингни торт машинадан эй, эзма кампир, — деб ёши каттароқ оқ халатли аёл Гулчехра момони итариб юборибди.

У гандираклаб кетди, лекин йиқилмади. Шу пайт тез ёрдам автоулови устидаги қизил чироғини ёқиб, сирена чалганича шитоб билан юриб кетди. Энди Гулчехра момо бор кучини йиғиб тез ёрдам кетидан югура бошлади. У узоқ югурди. Бир пайт оёғи қоқилиб кетиб йиқилди. Гулчехра момо ўрnidан туриб адоғи кўринмаётган йўлга

термулди. Энди тез ёрдам автоулови кўздан ғойиб бўлган эди. Шунда ҳам у йўлда югуришни давом эттирди. Гулчехра момо югураверди-югураверди...

Бир пайт чарчаганидан ҳаво етишмай унинг ўпкаси бўғзига тикилиб қолгандай бўлди. Гулчехра момо нафас ололмай уйғониб кетди. Қараса усти очилиб кўрпаси оғзи-бурнига ёпилиб қолибди. Кўзларидан оққан қайноқ ёшлар юзларини ювиб, қулоқларининг ичига ҳам кирибди. У юзидаги ёшларни артаркан:

— Худойим яхшиликка бўлсинда, — деб қўйди. Шундан сўнг яна ўрнига ётди. Бироқ энди уйқуси келмади.

— Эртага чолларни чақириб худойи бериб юбораман, — деди Гулчехра момо ўзига-ўзи товуш чиқариб.

Шу пайт аллақаердадир ит увлади. Кейин унга эшакнинг ханграгани, хўрознинг қичқириви жўр бўлди. Бу ҳол узоққа чўзилмай табиатда яна жимжитлик ўз ҳукмонлигини эгаллади.

* * *

— Кеча улар менга уйингизнинг нархини билиб қўйишимни тайинлади, опажон, — Зебохон ҳар доимги ода-тига кўра эрим дейиш ўрнига “улар” деди. У ҳозир очилиб-сочилиб хурсанд бўлиб гапирарди. — Уйингизни қанчага сотмоқчисиз, опажон?

— Йигирма мингга қоқиндиқ, — Тўлғоной жавоб берди.

— Қиммат айтмаяпсизми, опажон? — Зебохон ўйла-ниб қолди.

— Нимаси қиммат? Бутун бир бошли уйни йигирма мингга сотиб олсангиз қимматми, ўргилай? — Тўлғоной “Зебо билан яхши гаплашмасам у сири фош бўлишидан ҳам кўрқиб уйимни мен айтган нархда олади” деб ўйлади. Шунинг учун ҳам ҳозир у тўнини тескари кийиб олган эди.

— Етти қаватли уйнинг биринчи қаватидаги беш хонали уйни бир корейс хотин олти минг долларга сотиб олибди. Сиз уч хонали уйингизни йигирма минг доллар деяпсиз, опажон! — деди Зебохон хафсаласи пир бўлиб.

— Мен сиз учун ўзимни ўтга-чўкка уряпман. “Сизнинг яхшиликларингиз тагида қолиб кетмайман” деб берган ваъдангиз қани!? Мана энди сизнинг ҳам мени қўллаб юборадиган вақтингиз келди, айланай.

— Мен қанча десангиз ҳам беришга тайёрман, лекин улар ҳам кўчадаги нарх-навони биледи-да, опажон!

— Жасур бу пулларни бели овғриб топгани йўқ! У бир имо-ишора қилса бас, шу билан олам гулистон. Бировдан келган харом пулларни ҳам мандан қизғанаяп-сизми, қоқиндиқ?

— Уларнинг пора олмаслигини ўзингиз ҳам яхши биласизку, опажон!

— Қўйинг, менинг қулоғимга лағмон османг. Жасур пора олмаса қўша-қўша хотин, қўша-қўша уй-жойларни ва тагидаги машинани қайси пулларига олди, ўргилай.

— Буларнинг ҳаммасини акалари Алижон ака олиб берганлар.

— Акасининг қоп-қоп долларлари бўлганида ҳам ука-сига шунча нарса қилиб берди деб мени ишонтирмоқчимисиз, айланай?

— Шу пайтгача мен сиздан бирор нарсани яширганимни сезганмисиз, опажон!? — Зебохон зорланиб сўради.

— Йўқ! — Тўлғоной тан олди. — Аммо лекин менга ҳам ёрдам беришингиз керак-да, қоқиндиқ.

— Мен сизга қўлимдан келганича ёрдам беришга тайёрман, опажон. Уйингизни сиз айтган нархга олишимиз учун мен уларни кўндиришим керак бўлади. Бунинг уддасидан чиқолмай қоламанми деб кўрқаяпман... Сабаби улар ҳам кўчадаги нарх-навони биледи-ку ахир!?

— Нега уддасидан чиқолмас экансиз? Эрингизни кўндиришининг иложини топинг. Аёл киши илондай бўлиши керак! У эркакка чирмашиб олиб унинг кўйлагининг ёқасидан кириб шимининг поччасидан чиқиб кетмоғи лозим, ўргилай!

— ... Шундай қилишга ҳаракат қиламан, опажон!

— Ҳаракат қилишни қўйинг. Нима қилиб бўлсада шу ишнинг уддасидан чиқинг, айланай.

— Мабодо бу ишнинг уддасидан чиқолмасам кейин нима қиламан, опажон? — Зебохон ички бир дард билан гапирарди.

— Уйингиздаги пулингиздан бериб турасиз, қоқиндиқ.

— Уйимиздаги пулнинг бир қисмини ўзингизга берганман-ку, ахир! Ҳали улар уйдаги пулнинг камайганлигини билсалар кейин менинг ҳолимга маймунлар йиғлайди, опажон!

— Вей, энди у пул тўғрисида асло гапира кўрманг. Бу гапингиз битта-яримга одам орқали Қахрамон акангизнинг қулоғига етгудай бўлса борми, кизингиз Холидани ўфирлаттириб чет элга “запчаст” қилиб соттириб юборадия! Ўзингизни бўлса эрингизга суиқасд қилганликда айблаб қаматтириб юборадия, ўргилай.

— “Запчаст” деганингиз нима у, опажон? — Зебохон хайрон бўлиб сўради.

— Одамни сўйиб ички аъзоларини “запчас” сифатида сотишадида, худди машиналарга “запчас” сотиб олгандай, айланай. — Тўлғоной бу гапларни оддий бир ҳолдай хотиржам айтарди.

— Хали бу томони ҳам бормиди, опажон, — деди Зебохоннинг кўзлари косасидан чиқиб кетгудай бўлиб.

— Сиз нима деб ўйлавудингиз, қоқиндиқ?

— Энди нима қилишим керак опажон? — Зебохон хўнграб йиғлаб юборди.

— Бу йўлга кирдингизми, тамом! Энди орқага қайтишга йўл йўқ!!! — Тўлғоной кўзларини лўқ қилиб яна қўшиб қўйди: — Мабодо битимни бузмоқчи бўлсангиз хонавайрон бўласиз, ўргилай.

— Мабодо аҳдимни бузмай ваъдамнинг устидан чиқсам, кейин мени тинч қўйишадими, опажон!

Тўлғоной ичидан, “ўл бу кунингдан қанжиқ” деб қўйди. Кейин пинагини ҳам бузмай деди:

— Тинч қўйишади. Ҳозир йиғи-сигини бас қилинг. Жасурдан қанча ундирсангиз — ундиринг, қолганига уйингиздаги доллардан берарсиз, айланай.

— Улардан олган долларларимни сизга бериб қолганини кейинроқ берсам-чи, опажон?

— Қарз деганлари ёмон, қоқиндиқ, — деди Тўлғоной товушига бир оз майинлик бериб. — Сиз етмаганига уйингиздаги пулингиздан бераверинг. Бошқа томонидан кўркманг, Жасурнинг яшашига саноқли дамлар қолди, ўргилай.

— Қахрамон акадан янгилик борми опажон? — деди Зебохон ваҳима аралаш.

— Қахрамон акамларнинг сизнинг иш билан шуғулланадиган одами шу ерда. Ҳозир у эрингизнинг кетига тушиб илтимосингизни бажаришнинг чорасини изляпти, — деди Тўлғоной гердайиб. — Бу ишнинг харажати ни тўладингизми? Энди сабр қилинг, қолгани бизнинг ишимиз, айланай.

— Хўп бўлади, опажон, — деди Зебохон. Кейин у зорланиб гапира бошлади. — Фақат бу иш чўзилиб кетиб мен шарманда бўлиб қолмайин дейман-да, опажон!

— Сабр қилинг, қоқиндиқ. Сабрнинг таги сарик олтин дейишади, — деди Тўлғоной гап тамом дегандай қилиб.

— Энди мен бораё опажон, қизим ҳам кутиб қолгандир, — деди Зебохон ўтирган ўрнидан тураркан. “Тўлғоной опа шунчалар ўзгариб кетдимиз, ёки менга шундай туюлаяптими” деб ўйлади у.

— Майли борақолинг, лекин уй масаласини бир-икки кун ичида ҳал қилинг, хўпми ўргилай, — Тўлғоной ҳам ўрнидан туриб эшик томонга қараб юрди.

— Бирор чорасини топишга уриниб кўраман, опажон!

— Уриниб кўраман деганингиз нимаси? Чорасини топаман денг айланай, — Тўлғоной гапни лўнда қилди.

Зебохон у билан хайрлашиб йўлакка чиққанида қотмадан келган йигитга дуч келди-ю, сесканиб кетди. “Намунча турки совуқ бўлмаса” деб ўйлади у. Кейин Зебохон тез-тез юрганича ўзларининг эшиги олдига бориб орқасига ўтирилди. Шунда у йигитнинг Тўлғонойларни кига кириб кетаётганига кўзи тушди. “Бу йигит ким бўлди, экан? Қаҳрамон ака юборган йигит шу бўлса керак” деб ўйлади у. Шу пайт Зебохоннинг хаёлига “Нотўғри қилмаяпманмикин?” деган ўй келди-ю, у яна “нима бўлса бўлди, энди орқага қайтишга йўл йўқ” деб уйига кириб кетди.

* * *

Худойига келган чоллар кетишганидан кейин Алишержон билан ёлғиз қолган Гулчехра момо сўрида суҳбатлашиб ўтиришибди.

— Болажоним, Жасурбек аканг билан телефонда гаплашдингми? — Гулчехра момо сўради.

— Ҳа... гаплашдим ойижон! Акамнинг соғлиқлари ҳам, ишлари ҳам жуда яхши экан, — деди Алишержон. — Кеннойим билан Холидахон ҳам соғу саломат юришган эканлар!

— Кўл-у кўзинг дард кўрмасин, умрингдан барака топ болажоним! — Гулчехра момо дуо қилди. Кейин у яна сўради — Алижон акангнинг уйидагиларичи, улар ҳам эсон-омон юришган эканми?

— Жасурбек акам кеча Алижон акамларникига борган эканлар, “уларнинг уйидагилар ҳам соғ-у саломат юришибди” дедилар.

— Яхши. Мен учун болаларим эсон-омон бўлиб юришса бас. Нима бўлганидаям у ёқлар бегона юртда, болажоним. Қани эди шу аканглар ҳам кўз олдимда бўлишса...

— Ойижон, намунча акамларга қайғураверасиз? Мундоғ ўзингизни ўйласангизчи!

— Ўзимни ўйлайдиган даражада менга нима қилибди болажоним?

— Акамларни ўйлайвериб-ўйлайвериб бирор касалликни орттириб олманг дейманда, ойижон!

— Акангларга қайғурганим нима учун сенга ёқмаяпти, болажоним?

— Қайғурганингиз яхши ойижон, аммо акамларни ўйлайвериб кечалари ҳам тинч оромингизни ололмаясизда.

— Нега бундай деяпсан, болажоним? — Гулчеҳра момо ўглининг гапини бўлди. — Кечалари тинч ухлаяпман, ёки уйқусизликдан сенга бирор марта нолидимми?

— Нолимасангиз ҳам сезаяпман-да, ойижон. Деярли ҳар куни акамларни тушингизда кўриб чиқаяпсиз, — деди Алишержон ҳадик аралаш. — Асабларингиз чарчаб касалланиб қолишингиздан кўрқаяпман.

— Нега дўхтирлар уйимизда ўралашиб қолди десам, ҳали бу сенинг ишингиди? — Гулчеҳра момо ўғлига танбеҳ бера бошлади. — Прокурорман деб мансабингдан фойдаланма демаганмидим сенга болажоним!?

— Шифокорларга мен айтмаганман, уларнинг ўзлари сиздан хабар олиш учун келишгандир ойижон!

— Сен айтмасанг улар келишмасди. Дўхтирларнинг мени текширишдан бошқа қиладиган ишлари йўқ дейсанми?

— Уларни Абдусаттор жўнатгандир ойижон. У ҳам сизга ўз ўғлингиздай бўлиб қолганку, ахир!

— Ҳа-а-а, — Гулчеҳра момо бирор нарсани хотирлаётгандай қиёфага кирди. Сўнг у яна сўзини давом эттирди. — Кечадан олдинги куни унинг ўзи ҳам “сизни кўриб кетгани келдим” деб келиб кетувди.

— Ана кўрдингизми?.. Сиз бўлсангиз мени уришганингиз уришган. У дўстим ёшлигида ҳам бизникига меҳ-

монга келиб бир-икки кун туриб кетарди. Эсингиздами, ойижон?

— Ҳа, эсимда, — Гулчехра момо ўйланиб турдида, бир оздан сўнг у яна қўшиб қўйди. — Абдусаттор синфдошинг бош дўхтир бўлиб ишлайди, шекилли-а?

— Ҳа, туманимиз касалхонасининг бош шифокори.

— Ҳали у синфдошинг олдимга келсин, мансабидан фойдаланиб бошқа дўхтирларни ишларидан қолдириб сарсон-саргардон қилгани учун ўзим Абдусаттор болажоним билан ҳам гаплашиб қўяман.

“Ўлдинг дўстим, қош қўяман деб кўз чиқариб қўйибман-ку!?” деб ўйлади Алишер..

— Унда айб йўқ ойижон. Анаву куни Абдусаттор мендан сизнинг соғлигингизни сўраганди. Мен кўп туш кўриб чиқаяптилар, тинч ухлай олмаяпти шекилли дегандим. Шунинг учун ҳам у сиздан хабар олгани келганда ойижон.

— Ҳали бу ишни иккаламиз маслаҳатлашиб қилдик дегин, — Гулчехра момо ўғлига тикилиб қаради.

Алишержон Гулчехра момонинг кўзларидан кўзларини олиб қочиб ерга қадади.

— Абдусаттор болажоним ҳам мендан хабар олгани иши тугагандан кейин келсин. Бундан кейин бошқа дўхтирларни ҳам сарсон-саргардон қилмасин. Хўпми, болажоним?

— Хўп бўлади ойижон.

— Мана энди ўзингга келдинг, болажоним. Агар мен сизларнинг хато қилишингизга йўл қўйсам раҳматли дадажонларингизнинг руҳини чирқиратган бўламан, — Гулчехра момо кўзига ёш олди.

— Йиғламанг ойижон! Бир қошиқ қонимдан кечинг! Бошқа бундай қилмайман. Сизнинг касал бўлиб қолишингиздан кўрқиб Абдусаттор ўртоғим сизни сўраганда, кўп туш кўриб чиқаяптилар. Тинч ухлай олмаяптилар шекилли, дегандимда ойижон! — Алишержон пушаймон бўлиб гапирарди. — Абдусатторда айб йўқ. Уни уришманг ойижон!

Гулчехра момо бошига боғланган рўмолининг учи билан кўз ёшларини артиб олдида, дадил гапира кетди.

— Хо! Нега уришмас эканман. Синфдошинг мен учун мансабидан фойдаланди деб уришмаслигим керакми? Айбнинг катта-кичиги бўлмайди. Ёмонликнинг олди олинмаса болалаб кетади, болажоним!

Алишержон ҳамон ерга қараб жим ўтирарди.

Гулчеҳра момо “ҳаддан ортиқ қаттиқ гапириб юбордим шекилли” деб ўйлаб бир оз майин товушда сўз бошлади.

— Мен сизларга ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмайман! Кимнингдир кўнглини оламан деб хато қилиб қўйиб ўзларингизга гап тегиб қоладими деб кўрқаман-да, болажоним! — Гулчеҳра момо яна кўзига ёш олди. — Ана шундай бўлиб қолса дадажонингизнинг ҳам руҳи чиркираб қолади-да.

— Мени кечиринг ойижон, бошқа бундай қилмайман! — деди Алишержон тавбасига таяниб.

— Мени кўявер болам, менинг хафалигим қаерга ҳам борарди. Бир томчи кўз ёшим билан қўшилиб қалбимдан чиқиб кетади. — Гулчеҳра момо рўмолининг учи билан кўз ёшларини артиб жиддий гапира кетди. — Агар ота-онангга лаънат олиб келадиган иш қилсанг ана унда сени асло кечирмайман! Шунинг учун ҳам ҳар бир қадмингни ўйлаб бос. Мана шу гапим ҳеч эсингдан чикмасин болажоним!

— Бу гапларингизни ҳеч қачон эсимдан чиқармайман. Икки дунёда ҳам сизларга лаънат олиб келадиган иш қилмайман. Бу томонидан кўнглингиз тўқ бўлаверсин, ойижон.

Раҳмат болажоним! — деди Гулчеҳра момо. Кейин у бир зум ниманидир хотирлаётгандай ўйланиб турдида, яна қўшиб қўйди. — Дадажонларингиз билан мен сизларга ҳеч қачон ҳаромдан егизиб боқмаганмиз. Ҳамиша пешона теримиз билан сизларни боқиб катта қилдик. Лекин бировдан кам жойимиз йўқ болажоним!

— Биламан, ойижон! — деди Алишержон. У ҳозир ўзининг имон-эътиқоди бутун, умр бўйи виждон амрига бўйсуниб яшаган, сабр-қаноатли ҳамда ғурури баланд ор-номусли ота-онанинг фарзанди эканлигидан ғурурланиб кетди.

* * *

Қўшнилар уйининг нарҳини қанча дейишяпти? — Жасурбек сўради.

— Йигирма минг дейишяпти, — Зебохон жавоб берди.

— Вой-вуй! Жуда қиммат-ку!

— Уйи пулига ярашада...
— Уйининг бошқаларникидан ортиқ жойи борми?
— Мени уйининг таъмири кизиктираётгани йўқ. Уйимиз билан ёнма-ёнлиги учун ҳам шу уйни қўлдан чиқаргим келмаяпти.

— Уйи хонадонимизга яқин бўлгани билан уч-тўртта уйининг нархига сотиб олмаймизку, ахир!

— Уйини ичидаги бор-йўқ нарсалари билан бизга ташлаб кетар экан! Бу томонини ҳам ҳисобга олингда.

— Уларнинг эски тақир-туқирлари бизга керак эмас. Тўлғоной опага айт, уйини саккиз мингга сотса оламиз, ундан бир доллар ҳам ошиқ бермайман.

— Ундай деманг дадаси... биз олмасак бошқа биров илиб кетади. Биз уй олаётганимиз йўқ... қизимизга бахт олаяпмиз! Фарзандимиз кўз олдимизда бўлса, хамиша унинг хол-аҳволидан хабардор бўлиб турардик!

Сиз, мана шу томонини ҳеч ўйламаяпсиз-да.

— Майли, қизимиз учун ўн минг бераман.

— Ўн беш минг денг. Тўлғоной опани шунга кўндирсам ҳам катта гап!

— Уйни сен сотаяпсанми ёки қўшнилар сотишяптими? Нега энди нархини тушириш ўрнига кўтараверасан?

— Хали мен Лочинбек ака билан ҳам, Тўлғоной опа билан ҳам уйининг нархини тушириш учун тортишаман. ...Ҳозир сиз билан тортишаётганим йўқ! ... Маслаҳатлашяпман, холос! — деди Зебохон эрига тушунтирган бўлиб. — Шу уйни биров илиб кетишидан кўрқаяпман. Кейин фарзандимиз учун шундай ёнма-ён хонадон тополмаймиз-ку ахир!

— Майли, Тўлғоной опа билан ўн икки минг долларгача савдолашавер. Лекин шуни билиб қўйгинки, ундан бир доллар ҳам ортиққа олмаймиз. Уйини шу нархга сотса-сотди, сотмаса бошқаларга сотаверсин.

Энди Зебохон Жасурбек билан тортишишнинг фойдаси йўқлигини билиб индамади. — Ҳайронман... Қўшнилар уйини сотишадими-сотишмайдими менга фарқи йўқ! Сиз бўлсангиз уйни сен сотаяпсанми дейсиз!? Мен шу яккаю-ягона қизимизнинг бахтини ўйлаб, куйиб-пишяпман, холос! — Зебохон ёлғондан аразлаган бўлди.

— Хали кўрасан, қўшниларимизнинг уйини ўн икки мингга ҳам ҳеч ким сотиб олмайди. Шунинг учун ҳам Холидахонни ўйлаб битта уйига иккита уйининг пулини бераман деяпман-ку ахир! Яна нима қил дейсан?

— Мабодо Тўлғоной опа ўн икки мингга кўнмаса ўн беш мингга ҳам оламизми?

— Йўқ! — деди Жасурбек. — Кўпам бошимни қотиравермасдан менинг сумкачамни бу ерга олиб кел.

Зебохон индамай хонадан чиқиб кетди. Орадан кўп ўтмай у қайтиб келиб. — Манг деб эрига кичик сумкачани узатди.

Жасурбек уни очиб, ичидан бир нечта бўлакка бўлиб тахланган долларларни олиб хотинига узатди.

— Вой-вуй, бунча долларни қаердан олдингиз? — Зебохоннинг кўзлари яшнаб кетди.

— Нима бало дарров эсингдан чиқиб кетдимиз? Кеча мен сенга Алижон акамдан доллар олганимни айтгандим-ку, ахир! Мана шундан ўн икки мингни олиб қолганини уйдаги пулларга қўшиб қўй.

— Ҳақиқатдан ҳам Алижон акам шунча доллар бердиларми?

— Бўлмаса мен бу долларларни қаердан ҳам олардим. Сенингча ўғирлик қилибманда-а?

— Бундай деяётганим йўқ. Уларнинг шунча долларларни сизга беришга қандай қилиб кўзлари қийди экан? Ана шуни ўйлаяпман!

— Алижон акамнинг соддалигини билмайсанми?

— Агар улар содда бўлганларида шунча дўконларида ўнлаб ишчиларни ишлатиб жарақ-жарақ пул топа олармидилар?

— Нима бўлганда ҳам менга шу долларларни Алижон акам бердилар. Сенга нима? Узумини егин-у боғини суриштириб нима қиласан? — Жасурбек тўнғиллади.

— Узр дадаси, айб мендан ўтибди, — дея Зебо кўлидаги долларларга махлиё бўлиб боққанича хонадан чиқиб кетди.

У ётоқхонадаги сейфга долларларни солиб қўяркан, “Ана энди улардан қутулсам кўша-қўша уй-жойларим, шунча долларларим, тагимда машинам бўлади. Шундай катта шаҳарнинг бой хотинларидан бири бўлиб жаннат боғидаги парилардай давру даврон суриб яшайвераман!” деб ўйлаганича ширин хаёлларга берилди.

* * *

— Улар, — дея гап бошлади Зебохон, у турмуш ўртоғим ёки эрим дейиш ўрнига ҳар доимги одатига

кўра улар деб гапирарди, — саккиз минг бераман дедилар.

— Қолган ўн икки мингини уйингиздан кўшасизда, қоқиндик, — деди Тўлғоной унинг гапини шартта бўлиб.

— Инсоф қилинг опагон! — деди Зебохон, — ўн минг берамиз. Шунга рози бўла қолинг.

— Инсоф қилмай нима қилдим? — Тўлғоной куйибпишиб гапира кетди. — Мабодо эрингизни йўқ қилишда аралашганим очилиб қолгудай бўлса борми, қолган умримиз турмада чирийдия. Ана шунда сизнинг қоп-қоп долларларингиз ҳам ёрдам беролмайди, ўргилай.

Зебохон индамай ерга қараганича ўтирарди.

— Мен сиз учун қолган бутун умримни гаровга тикиб ўтирибман-ку! — Тўлғоной сўзидан бир оз тўхталиб Зебохонга разм солиб олдида, ичидан “ўл бу кунингдан қанжиқ. “Таможний” молларимни мусодара қилганида Жасур ёрдам қилмадими, мана энди мендан кўрадиганингни кўрасизлар. Мусодара бўлган молларимнинг қийматини ўн баробар қилиб сизлардан ундириб олмасам отамнинг қизи эмасман” деб ўйлади. Кейин у яна сўзида давом этди.

— Сиз бўлсангиз қаёқдаги қоғоздан бўлган долларларни мендан аяяпсиз! Тан-жон соғ бўлса қуриб кеткур доллар дегани топилади. Пул дегани бу қўлнинг кири, келади-кетади, айланай.

— Мен сиздан долларни аяётганим йўқ. Иложи борица харажат қилаяпман опагон, — зорланди Зебохон.

— Ҳаракат қилишингизнинг ҳеч ҳам кераги йўқ. Уйингизда босилиб турган доллардан берасиз, тамом васалом. Шу билан олам гулистон, қоқиндик.

— Сиз учун, ана боринг, ўн икки минг бераман. Энди бўлдими опагон?

— Боядан бери мен сизнинг қулоғингизга танбур чалаяпманми? Инсон ҳаётини қаёқдаги долларга тенглаб бўлмайди-ку, ўргилай!

— Ўн икки минг ҳам оз пул эмас. Бу иккита уйнинг нархи-ку ахир!

— Йигирма мингдан бир доллар ҳам кам бермайсиз? Гапимга тушундингиз-ми айланай? — Тўлғоной Зебохонга еб қўйгудай бўлиб тикилди.

— Ҳеч бўлмаса озгина тушинг опагон, — деди Зебохон ўксик бир овозда.

— Яхшиликни тушунмайдиган хотин экансан, — деди Тўлғоной Зебохонни сенсираб, — қизинг чет элга “зап-часть” бўлиб, ўзингинг бир умрга қамалиб кетишингни хоҳлаяпсан шекилик-а? Кейин бир дунё долларингинг ҳам сенга фойдаси бўлмайди. Жасур ўйнашларига-ча уй олиб бериб қўйибди-ю, сен бўлсанг, ҳаётини сен учун гаровга қўйган инсонларга ҳам ёрдам беришни хоҳламаяпсан! Одам бунчалар тубан бўлмаслиги керак қоқиндик.

“Ҳақиқатдан ҳам Тўлғоной опа мен учун ҳаётини гаровга қўйган-ку! Ўйлади, Зебо. Бу томонини ҳеч ҳам ўйлаб кўрмабман. Худо кўрсатмасину, мабодо бу иш тескарисига айланиб кетгудай бўлса Қахрамон акаларга ҳеч нарса бўлмаслиги кундай равшан. Лекин мен билан Тўлғоной опанинг қамалиб кетишимиз аниқ! Агар Тўлғоной опа ҳам чет элга кетишга улгурса унда бир ўзимнинг қамалишим тайин. Тўлғоной опа Лочинбек ака билан ажрашиб кетганидан кейин ўз ҳаётини қуриши учун уларга ҳам пул керак-ку, ахир! Эртанги тинч ҳаётим учун булар билан ўртани бузмай яхши муомала билан ажрашишим керак. Масаланинг яна бир томони нега энди мен фақат ўзимни ўйлаяпман. Кемага тушганинг жони бир-ку! Ҳозир буларнинг оғзини пул билан ёпмасам қизим билан менинг ҳаётим ҳам хавф остида қолади. Масаланинг иккинчи томони кимдир мен учун ўз ҳаётини гаровга қўйиб менга ёрдам берса-ю, мен бўлсам унга ёрдам беришдан қочсам, бу қандай номардлик!.. Бу қандай тубанлик. Пул жигардан бўлган деганлари тўғри экан. Пул учун мен паст кетмаслигим керак. Тубанлик қилганим билан улар мендан ўз ҳаққини ундириб олишади. Шунинг учун ҳам булардан яхшилиқ билан ажрашганим маъқул. Бу одамлар билан ўртани бузсам мени хонавайрон қилишади. Ҳатто улар ҳам ўйнашига пул сарфлаб уй олиб бериб қўйибди-ку. Мен шуларча йўқманми?”

Тўлғоной бир зумлик сукунатни бузишга қарор қилгандай сўз бошлади.

— Нега ўйланиб қолдингиз, ўргилай?

— Узр, опажон! Эртагаёқ сиз айтган долларларни тайёрлаб қўяман, — деди Зебохон ички бир дард аралаш.

— Мана энди ўзингизга келдингиз айланай. Мендан

угина сиздан бугина, қўл-қўлни ювади, қоқиндик, — Тўлғоной ўтирган жойида бир қўзғалиб олдида, қаддини янада тик тутиб қўлларини биқинига тираганича жойлашиб ўтирди.

— Қахрамон ака анаву ишни тезлаштирсинлар. Улардан шуни илтимос қилинг, опажон! — деди Зебохон. — Мабодо улар уйдаги пуллар йўқолганини билиб қолса мен хонавайрон бўламан!

— Бу томонидан ҳеч ҳам хавотирланманг, ўргилай. Сизнинг илтимосингиз ҳам пишиб қолди. Тез кунлар ичида амалга ошади, — деди Тўлғоной. Кейин у яна бирор нарса эсига тушиб қолгандай шоша-пиша сўради:

— Жасур ўйнаши билан уришиб қолибди. Шу кунларда у ҳар куни уйингизда кўринади айланай.

— Сиз билан Тожикистондан келганимизнинг иккинчи куни Алижон акаси уйимизга келганида уларнинг уйга келмаётганини айтгандим. Шундан кейин улар акасиникига бир бориб келди-ю, ҳар куни иши тугаши билан тўғри уйга келадиган бўлди-қолди.

— Демак, Жасур шу йўлни танлабдими, акаси уни қаттиқ сиқувга олган кўринади, қоқиндик, — деди Тўлғоной. — Бу вақтинчалик бир ҳолат. Барибир Жасур ўша бузуқнинг олдига кетади ўргилай.

— Менга энди бунинг кизиғи йўқ, — Зебохон бир зум хаёлга берилди. Кейин у фикрларини жамлаб олди шекилли, яна сўзида давом этди. — Фақат бу даҳмазалардан тезроқ қутилиб тинч ҳаёт кечиришни хоҳлайман, опажон!

— Сиз нолинмасангиз ҳам бўлади. Бундан кейин менинг ҳаётим дўзахга айлангани аниқ, айланай.

— Нега бундай деяпсиз, опажон?

— Биринчидан, бундан кейинги ҳаётим гаровга қўйилган. Иккинчидан турмушим бузилиб кетаяпти, қоқиндик.

— Қахрамон аканинг сояларида юрганингиздан кейин сизнинг тинчлигингизни бузишга кимнинг ҳам журъати етарди? Қолаверса тез кунлар ичида бошқа бир давлатнинг фуқароси бўласиз. Шундан сўнг бошқа бир давлат идоралари сизга нима ҳам қила олишарди, опажон? — Зебохон Тўлғонойга далда берган бўлди. — Керак бўлса уйингиз учун тўлашим керак бўлган долларларни шу бугуноқ олиб келиб қўлингизга бераман опажон!

Унинг гапларини тинглаётган Тўлғоной хаёлга берилган эди. “Бу писмиқнинг ақли балогаям етади. Аммо оиласини асраб қолишга келганда фаҳм-фаросати етмади. Мен унинг ўрнида бўлганимда шундай эрни қўлимдан чиқармасдим. Бир марта эмас, менинг устимга ўн марта уйланмайдими? Менга нима? Жарақ-жарақ пул топиб келса бўлди эди. Ана шундай эр учун тиш-тирноғим билан курашган бўлардим. Бу қанжикнинг соддалиги менинг жарақ-жарақ пул ишлашим учун қўл келди. Ундан долларларни ундириб оламану бу писмиққа билдирмай уйни яна бировга сотиб ўзим Тожикистонга қочиб кетаман. Кейин Қаҳрамон акамнинг сояларида давру даврон сураман” деб ўйлаган Тўлғоной ширин хаёллар уммонида сузарди. Шу пайт Зебохоннинг охириги сўзидан у сергак тортди.

— Уйнинг пулини ҳозир бериб қўяман деяпсизми, ўргилай? — Тўлғоной сўради.

— Ҳа, опажон, — деди Зебохон, — уйингизнинг пулини шу бугуноқ сизга бериб қўяман.

— Уйни сизнинг номингизга нотариал идора орқали расмийлаштирганда берарсиз айланай!

— Сиз мени бирор марта ҳам алдамагансиз-ку, ахир опажон, — Зебохон ийиб кетди. — Долларларни олиб қўяверасиз, уйни бўлса кейинчалик менинг номимга расмийлаштириб берасиз.

— Бу бошқа гап синглим! Ёрдамингизни мендан аямаслигингизни билганим учун ҳам сизни деб ҳаётимни гаровга тикканман.

— Энди, бундан кейин бу қилмишимдан ҳеч ҳам афсусланмайман қоқиндик, — Тўлғоной қўлини узатди. — Ташланг бешни, ўргилай!

Зебохон ҳам майин жилмайганича унинг қўлини олди.

Шу тариқа бу иккала аёл бир-бирининг қўлини сиқиб битимга яқун ясашди.

* * *

Қаҳрамон хашаматли айвоннинг юқорисига тўшалган қават-қават кўрпача устида ёстикқа ёнбошлаб ётганича пастда ўтирган қотмадан келган йигитга нималарнидир тушунтириб, қандайдир топшириқлар берарди. — Ҳамма ишни пухта режалаштирдингми, тулки? — сўради у.

— Етти марта эмас, етмиш марта қайта-қайта режа-

лаштириб кўрдим, Қахрамон ака, — “Тулки” жавоб берди.

— Яхши... — деди Қахрамон — Энди бу ишни қачон амалга ошироқчисан?

— Сизнинг буйруғингизни кутиб турибман.

— Бу ишни қандай қилиб амалга ошироқчилигинг тўғрисида қисқача ҳисобот берчи!

— У одам деярли ҳар куни уйига ичиб келаркан.

— Мен у йигитни нуфузли давлат идорасида ишлайди деб эшитгандим, — Қахрамон “Тулки”нинг гапини бўлиб сўради. — Ҳар куни ичиб юрадиган бўлса иши нима бўлади.

— Менимча, у одам ўз ишига жудаям пишиқ, — “Тулки” тушунтира бошлади. — Айниқса, мансабдорлар учун ҳар куни бирор ерга тўйгами ёки тузилган кунгами бориш учун сабаб топилишини ўзингиз ҳам яхши биласиз. Бу тоифадаги одамларнинг аксарияти деярли ишдан сўнг бундай жойларга боришади. Уларга алоҳида эътибор беришиб, егизиб-ичкизишади. Бу одам айниқса, шанба ва якшанба кунлари мана шундай жойларда туннинг ярмигача маишатда бўлади. Унинг ичкилик ичиши бизнинг ишимизни енгиллаштиради. Шунинг учун ҳам бу ишни бажариш учун шанба кунини мўлжалладим.

— Бу ишни қандай бажармоқчисан?

— У одам кайф ҳолда уйига келади. Кейин ётиб ухлаб қолгач хотини бизга хабар беради. Кайф ҳолда ухлаб ётган одамни бир ёқлик қилиш “Қоплон” учун хамирдан қил суғургандай бир гап.

— Бу томони яхши, — Қахрамон бир зум ўйланиб турди-да яна сўради. — У йигитнинг хотини сизларга қандай хабар беради?

— Бунинг учун у хотинга ўзимнинг қўл телефонларимдан бирини бериб қўйдим. Шу телефон орқали бизга қўнғироқ қилиб хабар беради.

— Яхши, — деди Қахрамон, — иложи борица у ерда одамларнинг кўзига кўринмаганинг маъқул. Айниқса, Тўлғоной билан танишлигингни ҳеч ким билмаслиги шарт.

— Уларникидан икки даҳа нарида жойлашган бир хонадонни бир ой муддатга ижарага олиб қўйдим. Мен сизга таниш аёлниқига бор-йўғи икки марта бордим ҳолос. Борганимниям ҳеч ким кўрмади.

— Мен сенга Тўлғонойникига умуман борма демаганмидим.

— У аёлга кўчадан бир неча кун кўнғироқ қилдим, телефонини олавермагач, уйига боришга мажбур бўлдим.

— Мана шу ишинг яхши бўлмабди, — деди Қахрамон. У ўта жиддий қиёфага кириб салобат билан салмоқли гапира бошлади. — Сен ўз номингга яраша иш қилмабсан.

“Тулки” индамади.

— Тўлғоной нега телефонни олмаган экан.

— Телефоннинг абонент пули тугаганидан сўнг узиб қўйишган экан.

— Э-э-э, хотин зотининг... — Қахрамон бўралатиб сўқди. — Мен унга телефонинг доимо ишлаб турсин дегандим-а.

— Хотин халқи бурни бўлмаса, ейишни биласиз-ку Қахрамон ака.

— Қўявер энди, бўлар иш бўлибди, — деди Қахрамон кўлини силтаб. — Мабодо кўзлаган режангда бошқа кутилмаган тўсиқлар бўлиб қолса-чи?

— Агар у одамнинг уйига мехмон келиб қолгудай бўлса биз учун қулай фурсатни кутишимизга тўғри келади. Кутилмаганда чикиб қоладиган майда-чуйда тўсиқларни ўша ернинг ўзида шароитга қараб чорасини кўра-миз.

— Яхши, Тўлғонойга ҳам қўл телефони бериб қўйдингми?

— Ҳа, — деди “Тулки”, — сизга таниш аёлга ҳам, унга қўшни аёлга ҳам мабодо телефонни кимдир топиб олиб кимники бу деб сўраса кўчадан топиб олдик денг, деб тайинладим.

— Яхши, — деди Қахрамон. Кейин яна сўроғини давом эттирди. — Телефоннинг сим картасини ўша ерлик мардикорлар номига расмийлаштирдингми?

— Худди шундай қилдим.

— Буни қандай бажардинг?

— Мардикор бозорига бориб бир йигитни топдим. Унга мен Россиядаги бир қурилиш корхонасининг раҳбари бўлиб ишлайман. Менга бешта гишт терадиган уста йигит керак. Шундай йигитлардан топиб берсанг сенга ҳам юз минг сўм бераман. Бунинг учун аввало, унинг хужжатларини менга олиб келиб кўрсатасан дедим. Мен хужжатлар билан яхшилаб танишиб чиқаман. Агар уларнинг кети тоза бўлсагина йигитларнинг ҳар бири билан

Россияда ишлашлари учун шартнома тузаман дедим. “Хужжатларни олиб кетиб келмай кетсангизчи”, деб сўради у йигит. Мен бировнинг хужжатини нима қиламан... пишириб ейманми? хоҳласанг ҳар бир хужжат учун эллик минг сўмдан “Залог” бераман хужжатларни қайтариб олиб келганимдан кейин “Залог”ни қайтиб берасан дедим. У йигит рози бўлди. Ана шу йигитларнинг номига сим карта олиб қўл телефонларига жойладим. Шу телефонлардан сизга таниш аёлга ва унга қўшни аёлга ҳамда “Қоплон”га бердим. Мана буниси сизга. — “Тулки” чиройли ва бежирим қўл телефонига қўшиб бир парча қоғозни ҳам Қахрамонга узатди. Кейин у қоғозга имо-ишора қилиб сўзини давом эттирди. — Ўша ерда кимга қайси телефон тегишли экани ёзилган.

— Яхши... Бу томонини қойил қилибсан, — деб Қахрамон ундан олган қўл телефонини эгнидаги оппоқ кўйлагининг кўкрак чўнтагига солиб қўйди.

* * *

Қўшнилари уйини савдолашиб кўрдингми? — Жасурбек сўради.

— Ҳа, Тўлғоной опа билан гаплашдим, — деди Зебохон. Кейин у ёлғон гаплар билан сўзини давом эттирди. — Ҳозирча ўн беш мингдан пастга тушмаяпти. Орадан бир-икки кун ўтсин, кейин яна савдолашиб кўраман.

— Тўғри қилибсан, уларнинг уйини ўн мингга ҳам ҳеч ким олмайди. Мен бугун уйларнинг нархини суриштириб кўрдим. Ҳа айтмоқчи, — деди Жасурбек муҳим бир нарсани эслагандай, — уч-тўрт кун ичида уста олиб келиб уйни яхшилаб таъмирлаттираман. Шунгача сен ижарага берадиган бирор хонадонни топиб қўй.

— Энди ижарада яшаймиз, демоқчимисиз? — Зебохон ҳайрон бўлиб сўради.

— Уйимиз таъмирдан чикқунича, вақтинча ижарада яшаб турсак нима қилибди.

— Бир-икки кун ичида ижарага берадиган хонадонни қаердан топамиз.

— Қўшнилари сўраб суриштира, қиммат бўлса ҳам майли. Бир-икки ой ижарада турсак ҳеч нарса қилмайди.

— Майли, ҳаракат қилиб кўраман.

— Мабодо кўшниларининг уйини сотиб олсак мушкул-лимиз янада осонлашарди, — деди Жасурбек.

Шу пайт Зебохоннинг ёдига Тўлғонойнинг гапи тушди.

— Бировларнинг ёш болаларини ўғирлаб чет элга сотишаётганмиш? Шу гаплар ростми? — деб Зебохон сўради. У Тўлғонойнинг “запчаст” деган гапини айтмади.

— Буни хаёт деб қўйибди. Хаётда бўлса ҳамма нарса бўлиши мумкин — деди Жасурбек. — Қўй, шу бўлар-бўлмас гапларингни.

Шу пайт Холидахон қўллари билан кўзларини ишқалаганича ётоқхонадан чиқиб келди.

— Дада, қачон ишдан келдингиз, — сўради у.

— Ҳозиргина ишдан келдим, она қизим, — дея Жасурбек Холидахонни кўтариб юзидан ўпди.

— Юринг дада, сиз билан ухлагим келаяпти, — эркаланди Холида.

— Майли, қизим, фақат овқатланиб олайлик.

— Йўқ дада, менинг қорним тўқ. — Фақат сиз билан ухлагим келаяпти.

— Майли она қизим, — Жасурбек ётоқхона томонга қараб юрди.

— Овқатланиб олинглар, кейин ётаверасизлар, — деди ота-бола муносабатини кузатиб турган Зебохон.

— Сен овқатингни сузавер, мен қизимизни ухлатиб чиқаман — дея Жасурбек ётоқхонага кириб кетди.

— Сиз мени ухлатиб ойимларнинг олдига кетиб қолмоқчимисиз, — деди Холидахон аразлаб.

— Йўқ, она қизим, бугун иккаламиз ухлаймиз, — Жасурбек қизининг юзидан ўпиб эркалади.

— Биламан... анави куни мени ухлатиб ойимларнинг ёнига кетиб қолибсиз. Шунинг учун ҳам бугун ухламай ётаман, — деди Холидахон.

Жасурбек қизи билан ўрнига ётди.

Зебохон ошхонада анча вақт эрини кутиб ўтирди. Лекин ундан дарак бўлавермагач ётоқхонага кирди. Шунда унинг кўзи ширин уйқуда ётган ота-болага тушди. Оймомо бўлса дераза оша ўзининг оппоқ нурлари билан уларни кучоғига олиб аллалаётгандай эди. Шу пайт Зебохоннинг ичидан бир нарса тошиб келиб бўғзига тикилгандай бўлди. Орадан кўп ўтмай, унинг димоғи ачи-

шиб кўзларида ёш қалкиди. У оҳиста юриб деразага яқинлашди ва оймомога тикилиб унга дардини тўкиб солди. “Эй оймоможон, ўзинг менга тўғри йўлни кўрсат. Балки ўша бузуқ бўлмаганида тинчгина ширин ҳаёт кечирармидик. Улар ўша манжалақи билан ўрталари бузилиб бутунлай уйга қайтиб келган бўлсаларчи? Оймоможон, наҳотки энди менга орқага қайтиш учун имкон бўлмаса? Ёки Тўлғоной опага шу иш учун берган долларларнинг ҳаммаси ўзингизда қолаверсин, фақат эримга тегманглар деб ялиниб-ёлворсаммикин? Йўқ...йўқ... энди улар бунга кўнмайди! Мабодо Тўлғоной опа пулларни ўзида олиб қолиб уларни тинч қўйишга рози бўлган тақдирда ҳам эримнинг ўша бузуқ олдига кетиб қолишлари аниқ. Наҳотки, бизларнинг бирга яшашимизнинг чораси бўлмаса? Эй оймоможон, нега ҳаёт бунчалар мурраккаб яралган? “Нега?” Зебохон хаёлга берилганича дераза олдида узоқ туриб қолди. Кейин у кўзларидан оқиб ёноқларини ювган қайноқ кўз ёшларини қўллари билан артди. Осмонда сузиб юрган оймомо бўлса гўё Зебохоннинг дардларига шерик бўлгандай мунғайганича дераза оша унинг ҳолига ачингандай термилиб турарди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

Ярим тун. Шахар аҳолиси осуда уйқуда. Шундай бир пайтда кўча эшигини қўлидаги калити билан очиб ичкарига кирган ушоққина аёл тўғри ётоқхонага қараб юрди.

Орадан кўп ўтмай кулфланмай қолган эшикдан новча бўйли тўладан келган, гавдали йигит билан бирга ўрта бўйли қотмадан келган бир йигит ҳам ичкарига кирди.

Ошхонадан йўлакка чиққан Жасурнинг кўзи бегона йигитларга тушди.

— Нега девордаги бўёқларни тозалаб кўчирмадинлар, дея у йигитлар томонга қараб юраркан гандираклар кетди. Эшикдан кирган йигитлар унинг шира кайфлигини сезишиб хотиржам тортиб бир-бирига қараб қўйишди.

— Агар ишни менинг кўнглимдагидек қилмасаларинг сенларни ҳайдаб юбораман, — деди Жасур кўрсаткич бармоғини бигиз қилганича йигитларга қарата силтаб. — Кейин эса, бошқа уста топиб келаман.

Иккала йигит “бу нималар деб валдираяпти” дегандек, бир-бири билан кўз уриштириб олишди.

— Нега индамайсанлар? Тилларинг борми? Гапирсанларчи... — Жасур гандираклар йигитларга яқинлашди.

— Ўзингдан-ўзинг нималар деб валдираяпсан? — деди боядан бери уни кузатиб турган гавдали йигит. — Нега хотинингни хафа қилдинг?

Энди ҳеч нарсага тушунмаган Жасур йигитларга разм сола бошлади. Шунда унинг кўзи гавдали йигит қўлига кийилган махсус одам уруш учун тайёрланган темир мосламага тушди. У нима бўлаётганини англаб улгурмасиданоқ гавдали йигит қўлига кийиб олган махсус мослама билан Жасурнинг пешонасига мушт туширди. Шу пайт унинг оғиз-бурнидан қип-қизил қон отилиб чиқди. Жасур мувозанатни йўқотиб йиқилаётган пайтида гавдали йигит унинг ўнг қулоғи ёнига яна бир марта урди. Шундан сўнг Жасур ерга зарб билан йиқилди. Бошидан тирқираб қон оқа бошлади.

Йигитлар унга бир зум тикилиб қолишди. Кейин озгин йигит ёнбошлаб ётган эркакни бир тепган эди унинг юзи тепага қараб кесилиб кетган бош териси орасидан синган бош суяклари аниқ кўриниб қолди.

— Текшириш учун яна бир марта урмайсанми, Қоплон, — деди озгин йигит.

— Қоплон ўлжасини тирик ёки ўликлигини аниқ билади. Мен учун уни текшириб ўтириш шарт эмас. Бу, — деди ёмон хид келаётгандай бурнини жийирган гавдали йигит ерда ётган ўлжасини тепиб, — аллақачон асфала-софинга жўнади.

— Яна ўзинг биласан, мен айтдим — қўйдим, — деди озгин йигит. Кейин у кўча эшиги томонга қараб юрди. — Ишимиз битган бўлса кетдик энди.

Гавдали йигит унга эргашди. Орадан кўп ўтмай кўп қаватли уйлар оралаб сой бўйига чиқиб олган бу йигитлар қоронғилик қўйнига сингиб кетишди.

* * *

Йигитлар чиқиб кетишгач, Зебохон қонига беланиб ётган Жасурнинг тепасига келиб унга тантанавор нигоҳ билан қаради. “Мана энди ҳеч қанақанги бузукнинг олдига бора олмайсан! Мен ҳам рашк ўтида ёнишдан бутунлай қутулиб шоҳона ҳаёт кечираман” деган фикр унинг хаёлидан ўтди.

Кейин Зебо ошхонага оҳиста юриб бордида, эскича ўқиттириб, олдиндан ўзи тайёрлаб матога тугиб қўйган қумни беркитиб қўйган жойидан олиб чиқиб кўча эшиги остонасига ярмини сепди. Қолган ярмини қонига беланиб ётган Жасурнинг ёрилиб ётган бошига тўкди. Энди унинг кесилиб кетган бош терисининг ораси қумга тўлиб, синган бош суяклари кўринмай қолди.

Бу ишларни у шошмай бажариб бўлгач, кўча эшигини ёпиб Тўлғонойникига тушди.

У ҳам воқеа нима билан тугаганини кутиб эшик тагида турган шекилли, Зебохон эшикнинг қўнғироқ тугмасини босишга улгурмасиданоқ эшик очилди.

— Ҳаммаси жойидами қоқиндиқ? — деди Тўлғонойнинг кўзлари косасидан чиқиб кетгудай катта-катта очилиб. — Ёки ҳалигача иш битмадими? Нега бунча хотиржамсиз? Гапирсангизчи, нега индамайсиз?

— Ўзингиз мени саволларга қўмиб ташлаб гапиргани

қўймаяпсиз-ку ахир опажон, мен қандай гапирай? — Зебохон хотиржам гапирарди. Кейин у майин жилмайганича қўшиб қўйди. — Ҳаммаси жойида.

— Хайрият-ей! — деб юборди Тўлғоной. — Нега остонада турибсиз? Юринг уйга кирайлик, ўргилай!

— Лочинбек акамлар уйда йўқмилар?

— Йўқ, улар бугун бутун бир бошли даҳа аҳолисининг тинчлигини қўриқлаб навбатчилик қиляптилар, айланай.

— Ҳа... — деб қўйди Зебохон Тўлғонойнинг шамасини тушунгандай.

Улар ошхонага кириб стулга ўтириб олишди.

— Мана энди ниятингизга етиб эркин қуш бўлдингиз қоқиндик.

— Опажон, бу кунни қанчалар орзиқиб кутганимни билсангиз эди, — деди Зебохон. — Шунча йилдан буён мана шундай азим шаҳарда мен учрамаган табибу дуохон қолмади. Улар билан қўшилиб эплай олмаган ишимни Тулки билан Қоплон акалар бирпасда бажариб қўйишди. Айниқса, Қоплон ака ўз ишига пишиқ кўринади.

— Ундай юзта қоплон ҳам битта тулки акангиз қилган ишини эплай олмайди ўргилай.

— Нега ундай деяпсиз, опажон?

— Сабаби “Тулки” акангиз ишни ҳар тарафлама пишиқ режалаштириб тўсиқларни бартараф қилиш чораларини қўриб қўяди. Қоплон акангизнинг қиладиган иши дамга қўйилган ошни сузишдай бир гап! Унинг буқадай кучи бору ақли йўқ. Қоплон акангиз Тулки акангизнинг топширигини бажаради, холос. У ур деса уради, қўй деса, қўяди. Ана шундай гаплар айланай.

— Нима қилган тақдиримда ҳам бу ишни сизсиз эплай олмасдим — Зебохон мамнун бўлиб гапирарди. — Бу қилган яхшилигингиз учун ҳам мен сиздан умрбод қарздорман.

— Куруқ қошиқ оғиз йиртади, қоқиндик, — деди Тўлғоной. Кейин ўнг қўлини столдан хиёл кўтариб бош бармоғи билан кўрсаткич бармоғини бир-бирига ишқадди. — Мукофотини бермайсизми, ўргилай?

— Айтинг опажон, кўнглингиз нимани хоҳлайди. — Зебохоннинг ийиб кетадиган одати тутиб қолди.

— Барибир сиз мен сўраган нарсани бермайсизда айланай, — Тўлғонойнинг кўзлари унга айёрлик билан боқди.

— Керак бўлса ҳозир сиз учун жонимни ҳам беришга тайёрман, — деди Зебохон. — Етса молим, етмаса жоним сиз учун қурбон бўлсин опажон!

— Гапингиз — гапми қоқиндиқ? — Тўлғоной унга жилмайиб боқди. Гўёки унинг юзларидаги табассум кўзларидаги айёрлик аломатларини яшириб юборгандай эди.

— Гапим — гап, опажон! — деди Зебохон. — Мен шу пайтгача бирор марта ҳам сўзимдан қайтмадим, шекилли...

— Ташланг бешни ўргилай, — Тўлғоной ўнг қўлини чўзди.

Зебохон унинг қўлини олдида, — Тилагингизни айтмадингиз-ку опажон, — деди.

— Сиздан сандифингиздаги тилла соатни тиладим айланай, — деди Тўлғоной унинг қўлини қўйиб юбормай.

Зебохон тилдан қолгандай жимиб қолди.

Шунда Тўлғоной ўз қўлини унинг қўлидан силтаб олди.

— Барибир бермайсиз деб айтмаганмидим қоқиндиқ.

— Шу тилла соатдан бошқа нимани тиласангиз ҳам бераман. Уни қизимга ниятлаб олиб қўйгандим, опажон.

— Эҳ, хе-е-е, ҳали муштдай қизингиз вояга етгунча бундай соатларнинг нечтасини олиб берарсиз. Бунисини менга берсангиз сиздай синглимдан менга эсдалиқ бўлиб қоларди-да, ўргилай.

— Майли опажон, сизнинг айтганингизча бўла қолсин.

— Мана бу бошқа гап. Боринг ҳозироқ олиб чиқинг айланай.

— Хўп бўлади, опажон, — ноилож қолган Зебохон ўтирган ўрнидан туриб ошхонадан чиқиб кетди.

Шундан сўнг Тўлғоной ширин хаёлларга берилди. “Жасурни аспаласофинга жўнатиб, улишимни олдим. Уйимни сотаман деб тўртта уйнинг пулини шилдим. Худо хоҳласа, ҳозир тилла соатни ҳам қўлга киритаман. Мана энди кечаги келишиб қўйган одамга шу бугуноқ уйимни сотиб пулини оламану, Қахрамон акамларнинг олдига қараб жуфтакни ростлайман”.

* * *

Бир маҳал ўзига келган Жасурбек ётган еридан тураётиб гандираклаб кетдию, яна йиқилиб хушини йўқот-

ди. У шу ахволда узок ётди. Бир пайт яна Жасурбек ўзига келди. Энди у деворга суяниб аста-секин ўрнидан турди-да, атрофга олазарак кўз ташлади.

— Зебо-о-о-о, — деди зўрға Жасурбек.

Ҳеч ким жавоб бермади. Шунда у деворга суянганича секин юриб бориб кўча эшигини итарди. Эшик ланг очилиб кетди.

Шу пайт лифтнинг эшиги олдида турган татар аёлнинг кўзи унга тушди-ю, “вой-дод” деб қичкириб юборди.

Жасурбек нима бўлганини тушунмай атрофга олазарак бўлиб қаради.

Татар аёл ерда турган сумкасини ҳам унутиб шошапиша уйига кириб кетди.

Орадан кўп ўтмай уч-тўртта милиционер пайдо бўлди. Улардан бири Жасурбеклар яшайдиган уйнинг эшик қўнғирогини бетўхтов босарди. Лекин ичкаридан садо бўлмасди. Шу пайт эгнига оқ халат кийиб олган йигит билан бир аёл лифтан чиқиб келишди.

— Бир фалокат юз берганга ўхшайди. Эшикни бузамизми? — деди ички ишлар кийимидаги йигитлардан бири.

— Яна озгина сабр қилайлик, шунда ҳам эшикни очишмаса кейин эшикни бузишдан бошқа чорамиз қолмайди, — дея яна бир милиционер эшикни муштлаб ура бошлади. Бир пайт ичкаридан “шарақ”лаган товуш эшитилиб эшик очилди.

— Тинчликми? — деди Жасурбек деворга суяниб турган ҳолда. У бошига ўраб олган сочиқ кип-кизил қонга беланган эди.

— Нима бўлди ака? — деди ички ишлар кийимидаги эркаклардан бири.

— Мени уриб... — деди-ю Жасурбек бошқа гап айтолмай хушидан кетди.

Ички ишлар кийимидаги икки эркак уни ушлаб қолди. Уларнинг ёнидаги шериклари ҳам дарров ёрдам беришга шошилиб Жасурбекни суяб олишди. Шундан сўнг шу эркаклар уни кўтариб олишганича лифтга киришди. Орадан кўп вақт ўтмай Жасурбекни тез ёрдам машинасининг ётоқ ўрнига ётқизишди. У ҳамон хушсиз эди.

— Тўлғоной опа, тилла соат сизга жудаям ярашаркан, — деди Зебохон, хазин бир товушда. — Яхши кунларингизга буюрсин.

— Раҳмат, қоқиндик, — Тўлғоной қўлидаги тилла соатни силаб қўйди. — Мен ўзим асл тилла аёл бўлганимдан кейин тилла ҳам ярашади-да, ўргилай.

Бу икки аёлнинг шу тарзда бўлаётган суҳбати чўзилгандан-чўзилди. Бир пайт Зебохоннинг қулоғига галаговур товушлар эшитилди.

— Ташқаридаги тўс-тўполонни сиз ҳам эшитаяпсизми, — Зебохон шеригидан сўради.

— Қани, жим турингчи, — Тўлғоной ўтирган ўрнидан туриб кўча эшиги олдига борди-да, қулоғини тутди.

— Сизнинг уйингизда кимлардир юришганга ўхшайди, айланай.

— Шу пайтда бизникида ким ҳам юрарди? — Зебохоннинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

— Балки қизингиз Холида овсинингизни жон-ҳолига қўймай хархаша қилаверган бўлса уни қайноғанинг олиб келгандир, қоқиндик.

— Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Мабодо Алижон ака кизимни олиб келганида ҳам тонгга яқин нажот келмайди-ку, ахир. — Зебохоннинг бизларни безовта қилиб излаган кўзлари Тўлғонойга қадалди.

— Билмадим ўргилай, билмадим...

— Тўлғоной опа, улар ким бўлсада, лифт билан пастга тушиб кетишаяпти.

— Қани, юринг айланай, деразадан қараб кимлигини билиб оламиз!

Иккаласи ҳам олдинма-кейин югуриб дераза олдига боришди. Шунда Жасурбекни кўтариб кетишаётган ички ишлар кийимидаги эркакларга ва уларнинг кетидан бораётган оқ халатли шифокор аёлга Зебохоннинг кўзи тушди.

— Во-о-о-ой шўрим қуриб қолди, опажон, — Зебохоннинг юзи докадай оппоқ бўлиб турган жойида ўтириб қолди.

— Энди нима қиламан? — у қўллари билан бошини чангаллади.

— Кўпам ваҳима қилаверманг қоқиндик, — деди Тўлғоной. — Ўзим унинг ёрилиб ётган бошига қум солдим дегандингиз-ку ахир?

— Шундай қилгандим, яна тагин билмасам...

Докторлар ўликни ҳам сўйиб керакли аъзоларини олишади деб эшитгандим ўргилай. Балки Жасурни шунинг учун ҳам олиб кетишаётгандир.

— Қани эди шундай бўлса, опажон.

Тўлғоной хонадан чиқиб кетиб, қўлида сув солинган пиёлани кўтариб қайтиб келди.

— Мана бу сувни ичиб олинг, айланай, — Тўлғоной пиёлани унга узатди.

Зебохон пиёладаги сувни охиригача ичди.

— Энди менинг бир-иккита жойимга уриб кўкартинг, опажон!

— Сизни қандай ураман қоқиндиқ?

— Ураверинг, олдин келишганимиздай ўхлов билан урақолинг.

— Урсам хафа бўлмайсизми ўргилай?

— Нега хафа бўламан. Ўзимиз олдин шунга келишганимизку- ахир.

— Майли айланай... мен ҳозир, — деб хонадан чиқиб кетган Тўлғоной ўхлов кўтариб қайтиб келди.

— Ураверайми қоқиндиқ?

— Ураверинг, фақат аямасдан қаттиқроқ уринг. Бошим билан юзимнинг бир-икки жойи ғурра бўлиши керак.

— Мана сенга, ўргилай — Тўлғоной бор кучи билан Зебохоннинг бошига бир-икки марта урди.

— Вой-вой, — оғриқ зарбидан ерга йиқилган Зебохон қўллари билан бошини чангаллаб ётарди.

— Қаттиқ тегдими, айланай? — деб Тўлғоной уни бир зум кузатиб турди. Шунда унинг хаёлидан “ўхлов” қўлига ҳам тегибди-да ана шишиб чиқибди деган фикр ўтди.

Зебохон индамади. Лекин у бошини кўтариб ўрнидан турди. Энди Тўлғоной Зебохоннинг юзи аралаш теккан ўхлов зарбидан унинг юзи ҳам шишиб момоталоқ бўлганини кўрди.

— Ёмон тегибди қоқиндиқ, — Тўлғоной Зебохоннинг юзидаги шишни ушлаб кўрди.

— Вой опажон, тегманг! Бошим бирам лўққиллаб оғрияпти.

— Тўхтанг, яна қаерингизда ғурра бор экан, ушлаб кўрай ўргилай, — Тўлғоной Зебохоннинг бошини ушлаб кўра бошлади.

— Вой опажон, тегманг, — Зебохон зорланди.

— Мана бу ерингизда ҳам гурра бор экан. Бу шишни сочларингизнинг беркитиб тургани чакки бўлди, айланай.

Зебохон индамади.

— Пешонангизга ўхлов билан яна бир урайми, қоқиндик, — деб Тўлғоной ўхловни унинг боши узра кўтарди.

— Йўқ, йўқ, опажон, бошқа урманг, — Зебохон кўллари билан бошини чангаллади. — Шу урганингиз ҳам етарли бўлди шекилли.

— Мен сизнинг оёгингизга зирапча кирса ҳам чидамайман-у... — деди Тўлғоной — Ҳозир сизни ўлган кунимдан ураяпман. Пешонангизга яна бир урсам сизга фойдаси тегармиди деб ўйлаяпманда ўргилай.

— Йўқ, йўқ. Энди урманг, — деди Зебохон. У яна уриб кўймасин деб ўйлади шекилли, бошини кўллари билан чангаллади. — Шундай ҳам бошим тарс ёрилиб кетай деяпти.

— Ҳаммага кўриниб турадиган пешонангизга ҳам бир урсам сизга ёрдами тегармиди, яна ўзингиз биласиз, айланай.

— Етарли бўлди, опажон, — деди Зебохон. — Энди мен уйимга чиқиб тез ёрдам чақираман. Олдиндан сиз билан келишганимиздай, уйимизга учта эркак келиб эрим билан мени уриб кетишди деб касалхонага ётиб оламан.

— Шифокорлардан пулни аяманг, қоқиндик. Ана шунда кўпроқ вақт касалхонада ётишга эришасиз. Қанча кўп вақт касалхонада ётсангиз яна шунча шубҳадан узоқда бўласиз. Мана шу гапимни унутманг! Ҳа, айтгандай, эсим курсин, — деди Тўлғоной. Унинг ёдига муҳим бир нарса тушиб қолди шекилли, кўшиб кўйди. — Энди сизга “Тулки” акангизнинг телефони керак эмас, ташлаб кета қолинг, ўргилай.

— Хўп бўлади, опажон, — Зебохон халатининг чўнтагидан қўл телефонини олиб Тўлғонойга узатди. — Ҳозирча хайр.

— Ишларингизда худонинг ўзи сизга ёр бўлсин. Омон бўлинг, айланай.

• • •

Энди тонг ота бошлаган бир пайтда телефоннинг жиринглаган товушидан уйғониб кетган Алижон шоша-пиша ўрнидан туриб бордида, гўшакни кулоғига тутди.

- Эшитаман!
- Алижон акамисиз? — гўшакдан эркак кишининг овози эшитилди.
- Ҳа, менман... сиз ўзингиз кимсиз?
- Ассалому алайкум!
- Ваалайкум ассалом!
- Мен Жасурбек ака яшайдиган мавзеда участка нозири бўлиб ишлайман.
- Ҳўш, хизмат ака? — Алижон унинг гапини бўлди. — Тонг саҳардан кўнғироқ қиляяпсиз, тинчликми?
- Тинчликмас-да ака, шунинг учун кўнғироқ қилаёт-гандим.
- Нима бўлди? — Алижон қўли билан уйқули кўзларини ишқади.
- Укангиз хотини билан уришиб касалхонага тушди.
- Нега уришади. — Алижон ноўрин савол бериб қўйганини тушунди шекилли дарров сўзини тўғрилаб сўради:
- Жароҳат олибдими?
- Ҳа, Жасурбек ака хушсиз ётибди. Ҳозиргина уларни жарроҳлик хонасига олиб кириб кетишди. Бир побоним сизни таниркан. Ундан телефон рақамингизни олиб сизга кўнғироқ қилиб қўйишни лозим топдим.
- Алижон оёқларининг мадори кочиб у ерга ўтириб қолди.
- Нега жимиб қолдингиз, Алижон ака?
- Укамга нима қилибди?
- Бошига урибди.
- Келин қаерда?
- У ҳам касалхонада.
- Улар қайси касалхонада?
- Янги ТошМИда. Иложи бўлса тез етиб келинг!
- Ҳозир етиб бораман, — деди Алижон.
- Унинг гапидан кейин телефон гўшагидан “ту...ту...ту” деган қисқа-қисқа товуш эшитилди. Алижоннинг хаёлидан, “нима сабабдан улар уришишган экан. Нега келин укамни уради? Эркак одам ҳам хотин кишидан калтак ейдими? Укангиз хушсиз ётибди дедими?.. Жасурбек хушидан кетгудай даражада келиндан калтак еб қараб тураверибдими? Ҳеч бўлмаса ўзини-ўзи химоя қилолмабдими, деган фикр ўтди.

— Тинчликми дадаси? — деди Нилуфар. У эрининг хаёли паришон бўлиб ўтиришидан бирор фалокат юз берганини ички бир туйғу билан сезиб турарди.

— Тинчлик онаси, тинчлик, — Алижон хотинининг гапидан кейин фикрларини жамлаб олишга уринди.

Шунда у ҳалигача телефон гўшагини кўлида ушлаб турганини сезиб гўшакни жойига қўйди.

— Ким қўнғироқ қилди? Очиғини айтаверинг, тинчликми дадаси? — сўради Нилуфар.

— Жасурбек касалхонага тушиб қолибди, — Алижон ўтирган ўрнидан турди. Шунда боши айланиб кўз олди қоп-қоронғи бўлиб деворга суяниб қолди.

— Вой ўлай дадаси, сизга нима бўлди? — Нилуфар эрининг қўлига осилди.

— Қўйвор онаси, бунча ваҳима қиласан? Болаларни кўрқитиб юборасанку, — Алижон хотинини жеркиб берди.

— Тинчликми дадаси? Жасурбекка нима қипти?

— Келин билан уришиб иккаласи ҳам касалхонага тушибди.

— Бу жанжалга ўша бузуқ сабабчи. Қани эди, ҳудойим ер юзидаги ҳамма бузуқларнинг жонини олса... Шунда қанчадан-қанча болаларнинг етим бўлиб қолишининг олдини олган бўлармиди.

— Онаси, кўп гапиравермасдан кўчага киядиган кийимларимни тайёрла, — буюрди Алижон. — Мен юз қўлимни ювиб чиқаман.

Нилуфар индамай ётоқхонага кириб кетди.

Ювиниб бўлган Алижон апил-тапил кўча кийимларини кийиб йўлга отланди.

— Тўхтаг дадаси, мен ҳам кийиниб олай, сиз билан бирга бораман.

— Йўк, сен болаларга қараб ўтир. Айниқса, Холидахонга кўпроқ эътибор бер. Ота-онасини соғиниб ичикиб қолмасин, тағин.

— Дадаси, мен ҳам сиз билан бирга борсаммикин дегандим.

— У ердан кўра сен бу ерда кўпроқ кераксан, онаси, — дея Алижон кўча эшигидан чиқиб лифтни ҳам кутишга тоқати етмай чопганича зинапоядан пастга тушиб кетди.

Тўлғоной Зебохондан олган қўл телефониға қараб, ўйлади. “Бу ҳам ҳеч бўлмаганда йўл пулини кўтарадик-ку”. Кейин телефон тугмачаларини босиб қаергадир қўнғироқ қилди.

— Қахрамон ака, сизмисиз? — деди у салом-аликни ҳам унутиб. “Тулки” нгиз ишни чала қилганга ўхшайди. Ҳозиргина анову қанжикнинг эрини тез ёрдам машинаси келиб олиб кетди.

— Менга “Тулки” ҳаммаси режадагидай амалга ошди деб айтганди-ку!? — Телефондан Қахрамоннинг салобати ва айни дамда хотиржам товуши эшитилди.

— Унингиз нима деганини билмайману, менимча чала қилганга ўхшайди. Мен анову қанжикнинг бошига уч-тўрт марта ўхлов билан урдим. Ҳозиргина уни ҳам тез ёрдам машинаси келиб олиб кетди.

— У бизни сотиб қўймайдими?

— Менимча, сотмайди. Агар бизни сотадиган бўлсанг қизинг Холидани ўғирлаб чет элга “запчаст” сифатида сотиб, ўзингни эринга суиқасд қилганликда айблатиб бутун умрга қаматтириб юборамиз деб оғзига қулф солиб қўйдим.

— Ҳа-ха-ха, — Қахрамоннинг гурра кулгани эшитилди.

— Нега куласиз, Қахрамон ака?

— Сиз бир оғиз гап билан унинг оғзига қулф солиб қўйдим деб ўйлаяпсизми?

— Сиз нима деб ўйлаяпсиз, у мenden ўлгудай қўркади.

— Майли, бўлар иш бўлибди. Сиз бугуноқ вазиятни аниқлаб бу ёққа қайтинг.

— Хўп бўлади, Қахрамон ака!

— Ҳа, айтгандай, уйингизни сотдингизми?

— Эртага ... э-э-э, кечирасиз — деди Тўлғоной. Кейин у кўчага қараб сутдай оппоқ тонг отганини кўрди-да, сўзини тўғрилаб гапини давом эттирди. — Шу бугуноқ уйимни сотаман. Бир-икки соатлар ичида харидор ҳам келиб қолади.

— Яхши. Бошқа гап-сўзингиз йўқми?

— Йўқ! — деди Тўлғоной. — Мен уйни сотиб тўғри олдингизга бораверайми?

— Келаверинг.

Алижон янги ТошМИ касалхонасига етиб келиб таксидан тушганда тонг отиб уфқни куёшнинг қизғиш шуъласи эгаллаб турарди. У кўп қаватли бинолар томонга қараб юраркан совуқ тер босган юзига салқин шабада урилиб баданини жунжиктирди. Йўлакчанинг ҳар икки тарафидаги тераклар япроқлари шабадада оҳиста тебраниб гўё бир-бири билан шивирлашиб гаплашаётгандай товуш чиқарарди. Алижон буларнинг ҳеч бирига эътибор бермай тез-тез юриб бораркан рўпарасидан чиккан оқ халатли эркак билан сўрашди. Кейини ундан ўзига керакли бинонинг қаерда жойлашганлигини сўраб-суриштириб билиб олди. Шундан сўнг кўп қаватли бинонинг бирига кириб иккинчи қаватга кўтарилди. У ерда ёпик эшик олдидаги кичгинагина майдончада чамаси ўн-ўн бешта одам тик оёқда турибди. Уларнинг сўлғин ва ҳорғин юзларида ғам-андух аломатлари муҳрланиб қолгандай эди. Шу одамлар ичидаги чамаси ёши олтмишларга бориб қолган бир аёлнинг йиғлайверганидан бўлса керак қовоқлари шишиб кўзлари қизариб кетибди. Алижон эшикнинг ёпиклигини кўриб хайрон бўлди. Шунда шу ерда турганлардан кимдир:

— Эшикни тақиллатинг, очишади, — деди.

Алижон кўрсаткич бармоғини букиб эшикни оҳиста чертди.

— Кўркманг, қаттиқроқ ураверинг, — деди халиги одам.

Энди Алижон қўлини мушт қилиб эшикни урди. Шундан сўнг эшик ўртасига жойлаштирилган дарча очилди. У туйнукдан мўралаган эди чамаси эллик ёшлардаги тўладан келган аёлга кўзи тушди.

— Сизга ким керак ука?

— Менга Мардонов Жасурбек керак эди, — деди Алижон.

— Мен ҳозир билиб чиқаман — аёл яна дарчани ёпиб қўйди. У Алижонни кўп куттирмай яна дарчани очиб: — Уларни жарроҳлик хонасига олиб кириб кетишганига бир соатдан ошибди. Бош суяги синиб кетган экан. Жарроҳларнинг иши ҳали-бери тугамайдиганга ўхшайди. Сизнинг бу ерда сиқилиб туришингиздан фойда йўқ. Шунинг учун кўчага чикиб бир оз айланиб келинг, ука, — деди.

Алижон ноилож яна зинапоядан пастга тушди. Шу пайт унинг қўл телефони жиринглаб қолди. Алижон телефонни чўнтагидан олиб қуловига тутди.

— Дадаси, тез етиб келинг! Нодира қишлоқдан келиб тўғри Жасурбекларникига борган экан. Улар эшигини очавермагач, “акам билан кеннойим тонг сахарлаб қаерга кетишди экан? Балки уларнинг бирор иши чиқиб қолгандир. Уйчилик-ку ахир, келиб қолар”, деб ўйлаб уларни пойлаб ўтираверибди. Шунда тўрт-бешта эркак келиб “бизлар устамиз, кеча эрталаб акангиз уйнинг таъмирини бошланг деб уйларига жўнатган эдилар. Биз келиб кун бўйи девордаги бўёқларни кўчириб таъмирга тайёрлай бошладик. Қоронғи туша бошлагач, кеннойингиз энди сизлар кетаверинглар, эртага эрталаб келасизлар деб бизни ҳайдаб юборди” дейишибди. Усталар бўлса “Жасурбек акамлар уйнинг таъмирини тугатгунигизча шу уй сизларники, шу ерда ётиб-туриб ишлайверасизлар деганди”, дейишса ҳам кеннойингиз “бугунча қаерда ётсангиз ётаверинг, эртадан бошлаб бу ерда ётаверасизлар деб бизларни ҳайдаб юборди” дейишибди. Шундан кейин Нодира нима гаплигига тушунмай бизникига келибди. Сиз ҳам тез етиб келинг, бошқа гаплар ҳам борга ўхшайди дадаси, — деди Нилуфар.

Хотинининг гапларидан кейин Алижоннинг хаёлига “Жасурбек жарроҳлик хонасидан чикқунича уйга бориб вазиятни билиб келаман”, деган фикр келди.

— Хўп бўлади. Ҳозир етиб бораман, — Алижон қўл телефонини кўйлагининг кўкрак чўнтагига солди, кейин у касалларни қабул қиладиган бўлимга кириб каравотда ётган Зебохоннинг олдига борди.

— Уйимизга учта эркак келиб бизларни уриб кетишди, — деди Зебохон йиғлаб.

У Алижон билан сўрашишни ҳам унутиб ўз дардини айтиб кетди. — Укангизнинг иши нозиклигини биласиз-ку? Балки душманлари уюштиргандир.

— Уларнинг бирортасини ҳам олдин кўрмаганмидингиз? — Алижон сўради.

— Йўқ, кўрмаганман.

— Сизнинг жароҳатингиз оғир эмасми?

— Шифокорлар бошингни “операция” қиламиз дейишяпти.

Шу пайт новча бўйли тўладан келган қулча юзли

йигит уларнинг олдига келиб, — сиз Алижон аками-сиз? — деб сўради.

— Ҳа, нима эди?

— Мен жинойт қидирув бўлимадан Қодировман, — деди ҳалиги йигит. — Сизни бир дақиқага мумкинми?

— Ҳа! Бемалол...

Улар бинодан ташқарига чиқишди.

— Келинингиз минг хил гапираяпти. Бу ерда гап кўпга ўхшайди, — деди жинойт қидирув бўлимининг ходими. — Менга бўлса эр-хотин уришдик деб ёзиб берди.

— Агар иложи бўлса ҳозирча бу гапларни қўя турайлик, кўнглимга сиғмаяпти. Укам жарроҳлик хонасидан чиқсин, кейин менинг ўзим олдингизга ўтаман.

— Майли, сизга икки-уч соат муҳлат. Укангизнинг аҳволини билганингиздан сўнг дарров олдимга ўтинг. Гапларимга тушундингизми?

— Тушундим, — деди Алижон. — Бугун, албатта, олдингизга бораман.

— Мен сизга бир кун муҳлат берганим йўқ. Икки-уч соатгагина муҳлат бераяпман, холос.

— Хўп бўлади. Уларнинг аҳволини биламану, олдингизга ўтаман.

— Бўлди, энди сиз бораверинг, — деди жинойт қидирув бўлимининг ходими.

Алижон касалларни қабул қилиш бўлимига қайтиб кираркан унинг миясига “бу жинойт қидирув бўлимининг ходими намунча кўрс бўлмаса” деган ўй келди. Кейин Алижон касалларни қабул қилиш бўлимининг навбатчи шифокори билан учрашиб сўрашди. Ушоққина қотмадан келган ўттиз ёшлар атрофидаги йигит у билан қўл бериб сўрашди. Кейин сўради:

— Хўш, хизмат?

— Мардоновнинг акаси эдим. Укамнинг аҳволини сиздан сўраб билмоқчи эдим, — деди Алижон.

— Ўтириб олинг, — шифокор йигит унга ўтириш учун қўли билан жой кўрсатди. — Исмингиз нима ака?

— Алижон.

— Алижон ака, хафа бўлмайсиз-у, мен тўғриси айтимаман, укангизнинг аҳволи оғир. Бош суягининг бир қисми синиб майдаланиб кетган. Бунинг устига синган суяклар орасидан бошига қум ҳам қуйишган. Жарроҳлик хонасидан чиққунича бир нарса дейишга ожизман.

Унинг гапларини эшитган Алижоннинг тили калимага келмай нафаси бўғзига тикилиб турган жойида қотиб қолди.

— Келинингизга келсак, унинг жароҳати ҳеч нарса қилмайди, — деди шифокор йигит. Уларга сиз уйингизга кетишингиз мумкин десам “мени касалхонага ётқизинг”, деб менга пул бермоқчи бўлди. Алижон ака, мен бу аёлнинг тутган йўлига ҳеч ҳам тушуна олмаяпман.

— Узр ука, — деди Алижон, — келинни ҳозир менинг ўзим уйга олиб кетаман. Фақат сиздан илтимос, укамнинг ҳолидан хабар олиб қўлингиздан келган ёрдамнингизни берсангиз, савоб иш қилган бўлардингиз, укажон.

— Бўлди ака. Ҳозир сиз келинингизни уйингизга олиб бориб келаверинг шунгача мен укангиздан хабар олиб келаман, келишдикми? — деди шифокор йигит.

— Раҳмат сизга, ука! Менга исмингизни айтсангиз, қайтиб келганимда сизни топишим осонроқ бўлармиди... — чайналди Алижон. — Ишингиз тугаб уйингизга кетиб қолмайсизми?

— Мени Ғайрат деб сўрайсиз акажон, — деди шифокор йигит. — Навбатчилигим соат тўққизда тугайди. Лекин тушгача бу ерда қиладиган ишим бор.

— Раҳмат ука, — дея Алижон йўлга отланди.

— Яхши бориб келинг, — деб қолди унинг кетидан шифокор йигит.

* * *

“Тошкентга боришинг билан биринчи навбатда Жасурбек акангникига бор, шу болани тушимда кўп кўраяпман, нотинчга ўхшайди. Унинг соғлиги ва оиласининг тинчлигини ўз кўзинг билан кўриб, кейин менга кўнғироқ қил”, деб Гулчеҳра момо қаттиқ тайинлаб юборгани учун ҳам Нодира тўғри Жасурбек акасиникига борган эди. Уларни уйдан тополмай эшиги тагида пойлаб ўтирганида уйни таъмирлаётган усталар келишиб бу вазиятдан хайрон бўлишди.

— Кеннойингиз кеча бизни кун бўйи ишлатиб кечки пайт эртага келинглар деб хайдаб юбордилар, — дейишди улар бараварига чулдирашиб. Улар ичидан бир йигит эшикнинг кўнғироқ тугмасини қайта-қайта босди. Кейин у эшикни муштлаб урди. Лекин ичкаридан садо бўлмади.

Шу пайт қаердандир пайдо бўлган бир эркак йигитларга синчиклаб разм соларкан. — Тинчликми укалар? — деб сўради.

— Биз усталармиз. Кеча Жасурбек аканинг уйини таъмирлаш учун келган эдик, — деди боя эшикнинг кўнғироқ тугмасини босган йигит.

— Хозир уларнинг уйида ҳеч ким йўқ. Эрталаб тез ёрдам машинаси келиб эр-хотин иккаласини ҳам касалхонага олиб кетди, — деди боя қаердандир пайдо бўлган эркак.

— Уларга нима қилибди? — уста йигитлар ичидан кимдир сўради.

— Эр-хотин уришиб қолибди. Яна ким билсин...

— Қайси касалхонага олиб кетишибди, — деди уста йигитлардан яна бири.

— Мен қаёқдан билай. Уларни тез ёрдам машинаси келиб олиб кетган бўлса. Шунинг учун нол учга кўнғироқ қилиб биласизлар, — деди ҳалиги эркак. Кейин чўнтагидан калитини олиб Жасурбекларнинг хонадонига рўпара бўлган хонадоннинг эшигини очиб ичкарига кириб кетди.

Унинг гапларини эшитган Нодиранинг кўнғлига ғула-ғула тушиб қўлига ерда турган сумкасини олди-да, зина-поядан пастга тушиб шу уйнинг олдида жойлашган бекат ёнида турна қатор тизилиб турган такси автоуловларидан бирига ўтирди. У ўтирган автоулов жойидан қўзғалиб йўлдан ўтиб турган машиналар оқимига шўнғиб кетди.

* * *

Алижон такси ёллаб Зебохон билан бирга уйига етиб келди. Уларни Нилуфар билан Нодира ваҳимали бир қиёфада кутиб олди.

— Жасурбек акамларга нима қилди? — сўради Нодира.

— Уни жарроҳлик хонасига олиб кириб кетибди, — жавоб берди Алижон.

Нега? — деди Нилуфар. Кейин у Зебохонга юзланиб сўради. — Овсин нима бўлди? Мундоқ тушунтириб берсангизчи?

— Тун ярмидан ошганда улар қаердандир ичкилик ичиб маст ҳолда уйга келди. Кейин Холидахонни сўра-

дилар. Мен қизимнинг сизларникидалигини айтдим. — Бор, акамларникидан Холидахонни олиб кел, — дедилар.

Вақт алламаҳал бўлиб қолди, қизингизни эрталаб уйга олиб келаман дегандим улар менинг юзимга бир тарсаки туширди, — деди Зебохон. Кейин ёлғон-яшиқ сўзларни тўқиб гапира бошлади. — Сўнг мен калтакдан кўрқиб ўзимни кўчага урдим. Сизларникига келаётиб қоронғиликдан кўрққаним учун такси билан келиш ниятида чўнтагимни қарадим. Шунда ёнимда пул йўқлигини билиб, уйдан пул олиб чиқиш учун яна орқамга қайтдим. Энди ётоқхонага кириб сумкамдан пул олаётганимда даҳлизда ғала-ғовур овоз эшитилиб бир нарса ерга қулаб тушгандай бўлди. Мен нима бўлди деб ётоқхонадан шошиб даҳлизга чиқсам не кўз билан кўрай, улар ерда қонига беланиб ётибди. Атрофини ўраб турган учта эркакка кўзим тушди-ю, мен кўшнилардан ёрдам сўраш ниятида ўзимни эшикка урдим. Йўлакка чиқиб юқори қаватга кўтарилганимни биламан изимдан келган эркак нима биландир бошимга урди. Мен ҳушимни йўқотдим. Ўзимга келгач, ерда йиқилиб ётганимни билдим. Ўрнимдан турмоқчи бўлдим. Ўрнимдан туриш учун ҳолим етмади. Шунда ётган жойимда қўшни хонадоннинг эшигига бир аҳволда эмаклаб етдим, қўлим билан эшигини уриб ёрдам сўрамоқчи бўлдим. Шу пайт қаердандир тез ёрдам кўрсатиш ходимлари ҳам келиб қолишди. Улар мени касалхонага обориб ётқизишди. Шифокорлар бошимни операция қилишмоқчи эди... Алижон ака мени кўярда-қўймай уйга олиб келди. Менинг кўрган-билганим мана шу.

— Безорилар ярим тунда қаёқдан пайдо бўлишди? — сўради Нодира.

— Акангизнинг машинасининг кетидан келишгандир, — Зебохон жавоб берди.

— Улар Жасурбек изига тушиб келишган бўлса нега уларга кўчада хужум қилмай айнан сиз кўчага чиқиб, яна қайтиб келиб эшикни очик ҳолда қолдирган пайтингизда бу иш содир бўлди, — деди Нилуфар.

— Мен қаёқдан билай, — йиғлаб юборди Зебохон. — Сизлар мендан гумон қилаяпсизларми?

— Сизни айблаётганимиз йўқ, — деди Нилуфар. — Лекин ҳақиқатни ҳам билишимиз керак-ку, ахир!

— Мен ҳамма нарсани очик-ойдин айтиб бердимку,

ахир! Мендан яна нима истайсизлар? — Зебохон ўксиб-ўксиб йиғлай бошлади.

— Акамнинг душмани борлигини билармидингиз, — деди Нодира.

— Акангизнинг ишини биласизку! Бу соҳа ходимларининг душманлари мана бу ердан келади. — Зебохон кўлини равоқ қилиб пешонасига текизиб кўрсатди. — Қолаверса, менинг Лобар деган ўйнашидан ҳам гумоним бор. Акангиз охириги пайтларда у бузукнинг олдига бормай кўйганди. Шунинг учун ҳам ундайлардан ҳар нарса кутса бўлади.

— Нега Холидахонни Алижон акамларникига жўнатдингиз, — деди Нодира тўсатдан.

— Уйимизда усталар бор эди. Шунинг учун ҳам қизимизни овсинимларникига жўнатгандим. Бу уй Холидахон учун ҳам бегона эмаску, ахир, — деди Зебохон ҳамон йиғидан тўхтамай.

— Сизлар сиққан жойга муштдай қизингиз сиғмадими? — деб Нодира савол беришини давом эттирди.

— Уйда усталар ишлашаётган эди, уларга Холидахон халақит қилмай қўя қолсин дегандим. Қолаверса, қиз бола нарса бегона эркаклар орасида ўралашиб юрмай қўя қолсин.

— Мен касалхонага бориб Жасурбекдан хабар оламан, — дея Алижон ўтирган ўрнидан турди.

— Мен ҳам сиз билан бирга бораман, — деди Нилуфар билан Нодира баробарига.

— Йўк, йўк. Сизлар уйда ўтира туринглар, Алижон уларга қаршилик қилди. Кейин у хонадан чиқиб кетди.

Нилуфар билан Нодира Алижонга эргашди.

Зебохон бўлса юмшоқ ўриндикда ўтирганича хонада қолиб кетди.

— Майли, Нодира мен билан бораман деса борақолсин. Лекин онаси сен шу ерда уйга ва болаларга кўз-қулоқ бўлиб тур, — деб Алижон хотинига маъноли қараш қилиб қараб кўйди.

Нилуфар эрининг нима демоқчилигини тушунди шекилли, бошқа қаршилик қилмай уларни кузатиб қолди.

* * *

Эрталаб соат саккизларда Лочинбек новча бўйли тепакал бир йигит билан уйига кириб келди. Бу нимжонгина одам кўринишидан касалга ўхшарди.

Тўлғоной эри ва унинг ёнидаги йигит билан сўрашди. Кейин у эри билан келган бегона одамга сездирмай “ким бу” дегандай уни эрига имлаб кўрсатди.

— Бу йигит бизнинг мавзеда яшайди. Бизнинг уйни сотиб олиш ниятида келди, — деди Лочинбек қийик кўзларини сузиб.

— Кеча мен билан гаплашиб кетган одам уйни ўз номига расмийлаштириб олиш учун ҳозир келиб қолиши керак, — кулди Тўлғоной. — Лафзсизлик қилсак қандай бўларкин?

— Югурганга эмас, буюрганга дейишади-ку, — деди тепакал йигит. — Сизга доллар бўлса бўлдимиз? Кимнинг доллари эканлигининг нима фарқи бор опа? Улар берган долларни мен ҳам бераман.

— Бу йигитни мен кўп йиллардан бери танийман, — гапга аралашди Лочинбек, — у одам бизга нотаниш бўлса нега иккиланасан? Нархини келишсак, танишга сотганимиз маъқул. Ошнангда бўлса ўзинг ҳам бир бурчагида ўтирасан дейишади-ку ахир!

— Уйингизни қанчага сотмоқчисиз опа? — тепакал йигит сўради.

— Савдолашамизми ёки бўладиганини айтаверайми?

— Бўладиганини айтаверинг опа, — деди тепакал йигитнинг кўзлари олма териб.

— Олти минг, — деди Тўлғоной.

— Қиммат айтаяпсиз опа.

— Қиммат, қиммат. Бутун бир бошли уйимизни олапсизку, яна қиммат дейишингизни қаранг.

— Уйингизни кўриб чиқсам майлими?

— Бемалол кўраверинг, уйимиз яқиндагина таъмирдан чиққан. — Тўлғоной уч-тўрт йил олдин таъмирланган уйини “яқиндагина таъмирдан чиққан” деб ёлғон сўзлади.

Тепакал йигит уйни бошдан-оёқ шошилмай кўриб чиқди. Шундан кейин у:

— Опа, уйингизга тўрт ярим минг бераман, — деди.

— Нималар деяпсиз ука. Кечаси келган одам беш минг бераман деди. Ҳозир у келса ўз қулоғингиз билан эшитасиз, — деди Тўлғоной ёлғон сўзлаб. Кечаси келган харидор билан ҳам савдолаша-савдолаша тўрт ярим мингга келишган эдик.

— Таниш бегонадан яхши-ку ахир, опа. Уйингизни

менга тўрт ярим мингга бера қолинг!? Ўзларингиз ҳам бир бурчагида ўтирасизлар!!!

— Акангизнинг ҳамма танишлари ана шундай. Фақат ўзларини ўйлашади. Шунинг учун ҳам буларнинг танишларидан менга бегона яхши укам, — деди Тўлғоной эрини кесатган киши бўлиб.

— Жа-а... сиз ҳам ерга ураверманг, ҳеч бўлмаса шу бегона сўраган нархга ола қолинг! — Лочинбек яна уларнинг гапига аралашди.

— Беш мингга сотиб нима ютмоқчисиз? — сўради Тўлғоной. — Фақат лафзсизлик қилганингиз қолади, холос.

— Боя айтдим-ку, танишга берсанг ўзинг ҳам бир бурчагида ўтирасан деб, — деди Лочинбек тепакалга сездирмай Тўлғонойга кўз қисиб қўйди.

— Опа, нархидан озгина бўлса-да, тушмайсизми? — тепакал сўради.

Сизни танишимиз деб биз бировга берган ваъдамиздан тониб ўтирса-гу, сиз бўлсангиз бегона бераман деган нархни ҳам бермасангиз, бу нима деган гап ука? — Тўлғоной хужумга ўтди.

— Бўпти опа, ўша бегонага сотаман деган нархингизга оламан, — деди тепакал йигит. У Лочинбекка юзланиб мурожаат қилди: — Ташланг қўлингизни бошлиқ.

Иккала эркак қўл ташлашди.

“Бу одам кечаги харидор келиб қолмай кета қолса эди” деб ўйлади Тўлғоной. — Долларларингиз қани? — сўради у.

— Ҳозир Лочинбек акам билан бизникига кириб долларларни олиб чиқамиз, — деди тепакал йигит.

— Мен сизларни муюлишдаги нотариал идорасида кутиб ўтираман, — кулди Тўлғоной.

— Бизлар ҳам тез етиб борамиз, — дея Лочинбек тепакал эркакни эргаштириб уйдан чиқиб кетди. Шундан сўнг Тўлғоной ҳам апил-тапил кийиниб кўчага отилди.

* * *

Алижон Нодирани эргаштириб тўғри касалларни қабул қилиш бўлимига борди. Қараса Ғайратжон ҳам ўз хонасида қандайдир қоғозларни титиб ўтирган экан. У шифокор хонасининг очиқ эшигини кўрсаткич бармоғини ярим букканича секингина чертди.

Файратжон қоғоздан бошини кўтариб, келинг ака, — деди.

— Укамни жарроҳлик хонасидан олиб чиқишдими? — Алижон шоша-пиша сўради. — Аҳволи яхшими?

— Ҳали Жасурбек акани жарроҳлик хонасидан олиб чиқишмабди, — Файратжон ўтирган ўрнидан турди. — Мен яна бир марта бориб хабар олиб келай. Сиз даҳлизда мени кутиб туринг.

— Хўп бўлади, — деди Алижон. Кейин у Файратжонга эргашиб даҳлизга чиқди.

Даҳлизда акасини кутиб турган Нодира, — Жасурбек акамларнинг аҳволи яхши эканми? — деб сўради.

— Яхши, — деди Алижон сингисини бир оз бўлсада, хотиржам қилиш ниятида. — Ҳозир шифокор яна Жасурбекдан хабар олиш учун кетди.

— Акамни жарроҳлик хонасидан олиб чиқишибдими?

— Ҳозир Файратжон келсин, ундан Жасурбекнинг аҳволини билиб оламиз.

Энди кутишдан бошқа иложи йўқлигини билган Нодира индамади.

Алижоннинг бир ерда туришга сабри чидамади шеклли у уёқдан-бу ёққа юра бошлади. Ўтаётган дақиқалар ҳам унинг учун гўё соатлардай туюларди. Нодира бўлса даҳлиздаги бўш ўриндикқа бориб ўтирди.

Уларни кўп куттирмай йўлакнинг у бошида Файратжон кўринди. Алижон унинг истиқболига қараб юрганида, айвон тугаб йўлак бошланишидаги эшик олдида турган кўк кийимдаги иккита йигитдан бири — мускул мушаклари бўртиб чиқиб кишининг кўзига яққол ташланиб турадиган йигит: — Бу ёққа кириш мумкин эмас, — деди.

Ноилож қолган Алижон Файратни эшик олдида пойлаб турди.

Файрат етиб келиб, деди.

— Эндигина жарроҳлар ўз ишларини тугатиб жароҳатини тикишаётган экан.

— Файрат, укамнинг аҳволи яхши эканми?

— Ҳозирча бирор нарса дейиш кийин, — дея Файрат соатига қараб олди. — Укангиз олти ярим соатдан буён жарроҳлик столида ётибди. Бош суягининг бир қисми синиб майдаланиб кетган, баъзи майда суяклар мияга

санчилиб қолган. Бунинг устига уларнинг бошига қум ҳам қуйишган. Миянинг қум ёпишган қисмини олиб ташлашга тўғри келибди. Энди фақат нажот Оллоҳдан, ака. Алижон руҳан синиб бошини ерга эгганича нима қилишини билмай туриб қолди.

— Кўп ҳам сиқилаверманг ака, — Ғайратжон унга далда берган бўлди. — Мен бирпасдан кейин яна укангизнинг холидан хабар олиб келаман.

Раҳмат, Ғайратжон ука. Бу яхшиликларингиз мендан қайтмаса худодан қайтсин! — деб Алижон ҳам унга эргашди.

Акасининг шифокор йигит билан сўзлашиб бўлганини кўрган Нодира ўтирган ўрнидан туриб улар томонга қараб юрди. У Алижонга рўпара келиб сўради:

— Жасурбек акамларнинг аҳволи яхши эканми?

— Яхши экан, — деди Алижон синглисини хотиржам қилиш ниятида ёлғон сўзлаб. Ҳозир у хали-бери укасининг олдига киролмаслигини ички бир туйғу билан сезиб турарди. “Нодиранинг уйга кетгани маъқул. Жасурбекнинг аҳволини сўрайвериб мени ҳам, ўзини ҳам қон қилиб юборадиганга ўхшайди. Ҳозир бирор баҳона топиб уни уйга жўнатаман”, деган хаёлга борган Алижон:

— Ҳозир Жасурбекни бизларга кўрсатмас экан! Шунинг учун сен уйга кетавер, — деди.

— Й-ў-ў-ў-қ! Мен ҳеч қаерга кетмайман, — деди Нодира. — Ёғ ютганда ёт яхши, қон ютганда қариндош яхши деганлар, ака!

— Сен уйга бориб тузукроқ овқат қил. Бир оздан кейин мен ҳам уйга бораман. Овқатланиб бирга келамиз.

— Уйда овқат қиладиган одамлар бор-ку!? — Нодира кеннойимлар дейиш ўрнига “одамлар” борку деди.

— Сен тайёрлаган овқат ширин бўлади. Балким Жасурбекка ҳам шундан олиб келармиз.

Энди Нодира жимиб қолди.

— Қани юр, мен сени машинагача кузатиб келаман.

Алижон йўл бошлади. Ноилож қолган Нодира ҳам сўзсиз унга эргашди. Алижон синглисини кузатиб дарров изига қайтди. У яна касалларни қабул қилиш бўлимига келиб даҳлизда у ёқдан-бу ёққа бориб кела бошлади. Орадан чамаси ярим соатлар ўтиб-ўтмай, Ғайратжон яна Жасурбекдан хабар олиб келди.

— Укангизни жарроҳлик хонасидан олиб чиқишиб-

ди. Ҳозир улар жонлантириш бўлимида ётибди. Аҳволлари ҳамон ўша-ўша. Бўлим мудир Фуркат Содиқович жуда билимдон инсон. Укангизнинг омади бор экан, шуларнинг бўлимига тушди. Энди Жасурбек ака ўзларига келса уларнинг кейинги аҳволи қандай бўлишини айтишимиз мумкин. Ҳозирча ҳеч ким ҳеч нарса айтолмайди.

— Нега энди, — деб юборди Алижон. Кейин хаяжонини босишга уриниб сўзлай бошлади:

— Укамнинг аҳволи шу даражада оғирми?

— Сабаби, укангизнинг эслаш қобилияти тикланмаслиги ҳам мумкин. Агар шундай бўлса бундан кейин ўтмишини ва қариндош-уруғ, таниш-билишларини танимайди. Энг хатарлиси комадан чиқмай ҳушсиз йиллаб тўшакда ётиб қолишлари ҳам мумкин. Яна ким билади, ўзларига келсинлар-чи, ҳамма гапни кейин айтаман, — дея Гайратжон хонасига кириб кетди.

Даҳлизда турган Алижоннинг кўз олди коронфилашиб боши айлангандай бўлди. “Биров сезиб қолмасин”, деб ўйлаб у секингина деворга суяндида ёнгинасидаги ўриндикқа ўтирди. “Хайриятки девор ҳам, ўриндик ҳам яқин экан” ўйлади у. Кейин Алижоннинг қулоғи шангиллаб ҳеч нарса эшитмай қолди. Унинг бутун баданини совуқ тер босди. Алижон шу аҳволда қанча ўтирганини билмайди. Бир пайт унинг кўзлари кўриб қулоғи яна эшита бошлади. “Худо, ўзингга шукур шарманда қилмадинг”, деб ўйлаган Алижон ўтирган ўрнидан туриб секин юрганича кўчага чиқиб ҳовлидаги бўш ўриндиқлардан бирига ўтирди. Шу вақт унга бурнидан иссиқ бир нарса оққандай бўлиб туюлди. Алижон бурнини ушлаб кўрди. Қараса қўли кип-қизил кон бўлибди. У чўнтагидан дастрўмолини олиб бурнига босди.

* * *

Зебохон билан ёлғиз қолган Нилуфар уни яна саволга тута бошлади.

— Ҳеч нарсани яширмай тўғриси айтиверинг овсин, нима бўлди, ўзи?

— Мен ҳеч нарсани яширмай ҳаммасини очик-ойдин айтиб бердим-ку, ахир, — деди Зебохон кўзига ёш олиб. — Ҳеч бўлмаса сиз мени тўғри тушунинг.

— Мен ҳамиша сизни тўғри тушуниб келганман. Ле-

кин мана шу сафар сизни тушуна олмаяпман. Мен қандай ўйламайин барибир барча далиллар сизга қарши чиқаяпти.

— Ўзим ҳам шунга ҳайронман. Бу ишнинг бошида ким турган бўлсада, бизларнинг яшаш тарзимизни жуда яхши биладиганга ўхшайди. Уларнинг жазмани борлигини билганим учун ҳам бу ишда мени айблашларини биллиб ҳамма ишни шунга мослаб қилган.

— Қўйинг бу чўпчакларингизни. Ҳали кўрасиз, дадаси бу ишни шундайлигича қолдирмайди. Олдинига улар индамай юрадиларда, ҳамма нарсага ойдинлик киритгач, дунёни остин-устин қилиб ташлайдилар. Бу томонидан ўзингизнинг ҳам хабарингиз бўлса керак? Шунинг учун ҳам дадаси кавлаштиришни бошламасидан олдин эр бермоқ жон бермоқ экан, рашк ўтида ёниб кечириб бўлмас шу ишни қилиб қўйдим, энди мени кечирсангиз ҳам, ўлдирсангиз ҳам ўзингиз биласиз деб тўғриси айтиб уэр сўрасангиз улар кечириши мумкин. Акс ҳолда айбдорнинг холига маймунлар йиғлайди. Шунинг учун ҳам ҳозир фурсат борида яхшилаб ўйлаб кўринг кейин ўзингизга жабр қилиб ўтирманг, овсин, — дея Нилуфар хонадан чиқиб кета бошлади.

— Бу ишда менинг алоқам йўқ, нега ишонмайсиз! — деди Зебохон кўз ёшларини артиб. — Холидахон қизим кўринмайди, овсин.

— Холида қўшни қизлар билан ховлида ўйнаб юрибди, — дея Нилуфар хонадан чиқиб кетди.

* * *

Алижон касалхона олдида тоқатсизланиб у ёқдан-бу ёққа бориб келиб турганида, унинг олдига эрталаб ўзини жиноят қидирув бўлимидаги Қодировман деб таништирган йигит келди.

— Нега олдимга бормадингиз? Менинг сизни қидириб юришдан ҳам бошқа ишларим кўп, — деди у.

— Укам хушсиз, реанимация бўлимида ётибди. Унинг ўзига келишини кутиб турувдим, — деди Алижон.

— Қани кетдик. Юринг мен билан, — дея Қодиров юриб кета бошлади.

— Ҳозир қаерга борамиз?

— Ички ишлар бўлимига, — деди Қодиров. — Укангизга нима бўлган ўзи?

— Укамга нима бўлганлигини мен ҳам аниқ билолма-
яшман.

— Нега билмайсиз ёки укангиз билан ораларингиз
яхши эмасми?

— Бу гапни қаердан олдингиз?

— Хатто баъзи ота-боланинг ҳам ўртаси бузилиб кет-
ганини биламан, шунинг учун ҳам сўрадим. Бўлмаса
нега укангизнинг бу аҳволга тушганини билмайман деяп-
сиз?

Алижон нима дейишини билмай ўйланиб қолди.

— Очиғини айтаверинг, қулогим сизда, — деди Қо-
диров унга зимдан разм солиб.

— Мен укам билан ҳеч ҳам арашлашмаганман. Ле-
кин қандай қилиб бу аҳволга тушганини ҳам билмайман.

— Ёш болага ўхшаб чўпчак айтишни йиғиштиринг, —
деди Қодиров. Кейин хужумга ўтди. — Бу ишда сиз-
нинг ҳам қўлингиз бор.

Алижон “қандай қилиб”, деб юборганини ўзи ҳам
сезмай қолди.

Қодиров энди унинг ҳолатини очиқ-ойдин кузата бош-
лади.

Алижон назарида унинг нигоҳи ўзининг бутун тана-
сини рентген нурларига ўхшаб илма тешик қилиб юбор-
гандай бўлди.

— Сиз беркитганингиз билан барибир биз билиб ола-
миз, — деди Қодиров ҳамон ундан кўзларини узмай. —
Сизга маслаҳатим, айбингизни тан олиб терговга ёрдам
берсангиз оладиган жазоингиз ҳам енгиллашади.

— Менинг бу воқеада алоқам йўқ, қўлингиздан кел-
ганини қилаверинглар.

— Кеча тунда қаерда эдингиз?

— Уйда эдим.

— Гувоҳлар борми?

— Оила аъзоларимнинг ҳаммаси сўзимни тасдиқла-
шади. — Уйингиздагиларга ўргатиб қўйгандирсизда.

— Нега бундай деяпсиз? — энди Алижоннинг жаҳли
чикди. — Хукуким бор деб тўғри келган нарсани гапи-
раверманг.

— Майли, хозирча сиз шошмай туринг. Биз ҳаммаси-
ни аниқлаб далиллаб берганимиздан кейин нима деб ба-
хона топаркансиз?

— Ҳаракатингизни қилаверинг, мен розиман, — деди
Алижон бўш келмай. Кейин яна қўшиб қўйди:

— Кўрамиз, ким ҳақ экан. Энди бу томонини ҳаёт кўрсатади.

— Ҳаётмас, мана биз аниқлаб берамиз, — деди Қодиров кўрсаткич бармоғи билан ўз кўксига нуқтаб кўрсатганича.

— Аниқланг, бу сизнинг ишингиз, — деди Алижон. Аниқлаганингиздан кейин бу тўғрида гаплашсак бўлади-ми?

— Бўлади, нега бўлмас экан? Ҳали укангиз ўзига келса ҳаммасини айтиб беради. — Қодиров ҳамон Алижоннинг хатти-ҳаракатларини кузатиб борарди. — Балким биз укангиз ўзига келгунича бу ишга аниқлик киритиб нуқта қўярмиз.

— Қани энди шундай бўлса...

— Биз аниқлагандан кейин бу ишнинг тепасида ким турганлигини билсангиз нима қилардингиз?

Алижон индамади.

— Нега индамайсиз?

— Билмасам, — елкасини қисди Алижон.

* * *

Тўлғоной билан Лочинбек ўз уйини тепакал йигитга муюлишда жойлашган нотариал идораси орқали расмийлаштириб беришганидан кейин кўчага чиқишди. Шунда Лочинбек тепакал йигитга деди:

— Янги уйингиз муборак бўлсин, олган уйингизда фақат тўйлар бўлсин.

— Сизларга ҳам олган пулларингизни яхши кунларингизда ишлатиш насиб қилсин!

— Олдин келишганимиздек, энди мен уй олиб кўчиб ўтгунимгача безовта қилмай турасиз. Хўпми, укажон? — деди Лочинбек.

— Келишганимиздай бир ойгача сизни безовта қилмайман бошлиқ, хи-хи-хи — тепакал йигит кулди.

— Шунисига ҳам раҳмат ука, — деди Лочинбек. Кейин у ичидан “бу йигит хотинчалишга ўхшаб қулишини ҳеч қўймади-қўймади-да” деб ўйлади.

— Хўп хайр, — деди тепакал йигит Лочинбекнинг хаёлларини пардай тўзитиб.

— Омон бўл ука, — Лочинбек у билан хайрлашгач Тўлғонойга юзланди:

— Улишимни бермайсанми?

— Қанақа улишни айтаяпсиз?

— Уйнинг пулидан менга тегишли бўлган қисмини айтаяпманда.

— Биринчидан, уйнинг пули эмас, доллар, иккинчидан, ҳамма ажрашган эркаклар уйини оиласига ташлаб эғнидаги кийими билан кўчага чиқиб кетишади-ку, ахир. Ёки сиз улардан каммисиз?

— Нималар деб валдираяпсан? — Лочинбекнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

— Тавба! Мен сизга ортиқча ҳеч нарса демадим шекилли?

“Наҳотки мен уйнинг пулларидаан айрилиб иккала бармоғимни бурнимга тикиб қолаверсам? Йўқ, бундай бўлиши асло мумкин эмас”, деган хаёл Лочинбекнинг миясида айланарди.

— Нега индамайсиз ёки бурро тилингиз калимага келмай қолдимиз, бутун мавзенинг бошлиғи?

— А!

— Шунақа!

— Бу билан нима демоқчисан? — Менга улишимни бермасанг кунингни кўрсатаман!

— Мен сизнинг арпангизни хом ўрдими, элимизда юриб турган урф-одатга асосланиб айтаяпман.

— Биламан, Зебо билан нималарни мўлжаллаб шивирлашиб юрганларингни. Сен мени мажбурлаб кеча ишхонамда навбатчи бўлиб қолишимга кўндирдинг. Шуни билиб қўй, мен сен учун эмас, бу нега айнан шу бугун менинг навбатчиликда қолишимни хохлаб қолди деб ўйлаб сабабини билиш учун ҳам кеча навбатчиликда қолишга рози бўлгандим. Мана оқибати — Жасур ўлим тўшагида ётибди. Ҳозироқ прокурорга кўнғироқ қиламан. — Лочинбек чўнтагидан қўл телефонини олдида, яна сўзида давом этди.

— Зебога ҳам уйни сотиб пулини чўнтакка урдинг! Уйни бўлса менинг мавземда яшайдиган йигитга сотдинг. Мен ҳамма нарсадан хабардорман. Ҳатто қишлоқдан келган қилтириқ йигитни ҳам кўрдим. Сен уни “қишлоқдан мол олиб келибди” деб мени алдадинг. Сен мени тентак деб ўйлайсан шекилли... Мен сен ўйлаганча тентак эмасман. Беҳудага мени бутун бир бошли мавзегга бошлиқ қилиб қўйгани йўқ.

— Тўхтаганг, хўжайин. Ҳазилни ҳам билмайсизми? — Тўлғоной Лочинбекнинг қўлидаги телефонга ёпишди.

— Мен сенинг хўжайининг эмасман. Қани, гапни кўпайтиравермасдан улушимни бер.

— Мана ҳозир, Лочинбек ака, — деб Тўлғоной сумкасидадан бир қисм доллар олиб санашга тушди.

“Ҳа, кўркмас экансана, ўзинг бошладингми, энди бу ёғига ҳам чида”, — ўйлади Лочинбек.

— Мана икки минг беш юз доллар, — Тўлғоной кўлидаги долларларни унга узатди. Лочинбек шошилмасдан санаб чиқди:

— Бу ерда кам-ку?

— Кам бўлиши мумкин эмас. Ҳозиргина менинг ўзим кўз олдингизда санадим-ку. Қани менга берингчи, яна санаб кўрай. — Тўлғоной кўлини чўзди.

— Нимасини санайсан? — Лочинбек пулни шимининг чўнтагига солиб қўйди. — Тинчгина ажрашиб кетиш ниятинг бўлса фирромлик қилмай менга тегишли бўлган беш юз долларни бу ёққа чўз!

— Ўлай агар, фирромлик қилганим йўқ, — Тўлғонойнинг кўзлари катта-катта очиб турган ерида қотиб қолди.

— Фирромлик қилмасанг икки минг етти юз эллик доллар беришинг керак-ку, ахир!

— Нега энди? — деди Тўлғоной хайрон бўлиб.

— Биз уйни кечаси харидорга тўрт минг беш юз долларга сотишга келишганмидик?

— Ҳа?

— Ҳозир қанчага сотдик?

— Кимнинг шарофати билан беш мингга сотдик?

— Сизнинг ёрдамингиз билан Лочинбек ака.

— Демак, беш юз доллар менга тегишли бўлиши керакми?

— Нега энди сизга тегишли бўларкан? Уйнинг пулини иккаламиз тенг бўлиб олишга келишганмиз-ку!

— Уйимизни тўрт ярим минг доллардан ортиққа ҳеч ким сотиб олмайди. Шунинг учун ҳам беш юз долларни яхшиликча берсанг бердинг, бермасанг мен ҳозир прокурорга қўнғироқ қиламан. Кейин ўзингдан кўр. Бутун топган-тутганингни бериб ҳам қамокдан қутулиб қололмайсан! — деб Лочинбек чўнтагидан кўл телефонини олиб жажжи тугмачаларини боса бошлади.

Тўлғоной яна унинг кўлига ёпишди. — Лочинбек ака,

бераман ўша беш юз долларингизни, кўйинг, телефон қилманг!

— Мен сенга айтгандай яхшиликча берсанг-бердинг, агар бермасанг ундан ҳам кўпроқ ундириб олишга қурбим етади. — Лочинбек кўли билан ўзининг кўксига муштлади. — Мени Лочинбек дейдилар. Лочин ҳеч қачон ўлакка емайди. У баланд-баланд юксакликларда яшайди.

“Ўл бу кунингдан, кучинг келиб-келиб хотин кишига етдими? Ҳамма нарса босди-босди бўлиб кетсин, кейин сендай Лочин билан ўзим ҳисоблашаман”, деб ўйлади Тўлғоной:

— Мени кўрққанимдан беш юз долларларни сизга бераётганим йўқ, шунча йил сиз билан бир ёстикқа бош кўйганимнинг ҳурмати юзасидан бераяпман, — деди Тўлғоной ўзини оқлаган бўлиб.

* * *

Қоронғи тушиб осмонда юлдузлар милтиллаб турган бир пайтда Алижон уйига кириб келди.

— Келинг дадаси, Жасурбекнинг аҳволи яхшими? — дея Нилуфар уни кутиб олди.

— Ҳалигача хушсиз ётибди. Энди умидимиз фақат Оллоҳдан.

— Шукур қилинг дадаси, — деди Нилуфар, — сал бўлмаса укангиздан ажралиб қолардингиз! Дардини берган худо шифосини ҳам берар.

— Қани эди укамни шу кўйга солган аблаҳларни топиб мажақлаб ташласам, — тутоқиб кетди Алижон.

— Худога солиб қўяверинг дадаси. Яратганнинг ўзи ҳар кимнинг қилмишига яраша жазосини беради.

Шу пайт Нодира ошхонадан чиқиб уларнинг гапига аралашди.

— Алижон ака, товуқ гўштидан қайнатма шўрва қилиб сизни роса кутдик. Келавермаганингиздан кейин Нилуфар кенойим билан иккаламиз Жасурбек акамлар учун касалхонага овқат олиб бордик. Бизлар у ердан сизни ҳам, таниш шифокорингизни ҳам тополмадик. Кейин Жасурбек акамларнинг аҳволини у ердаги шифокорлардан сўраб суриштирдик. Улар акангиз хушсиз, комада ётибди дейишди. — Нодира кўзига ёш олди. — Сиз қаерларда юрибсиз, Алижон ака?

— Туман жинойт қидирув бўлимининг ходими касал-

хонага келиб мени туман ички ишлар бўлимига олиб кетди.

— Улар сизни безовта қилиш ўрнига жинойтчиларни топишсин! — Нодиранинг шаддодлиги тутди. — Ҳозир Алишер акамга қўнғироқ қилиб чақирайми? Улар ички ишлар ходимларининг кўзларини очиб қўядилар.

— Йўқ, йўқ! Ҳозирча бу ишларни қишлоқдагиларнинг билмай тургани маъқул, — деди Алижон. — Агар ойим Жасур билан бўлган воқеани билиб қолсалар, бунга уларнинг юраги бардош бера олмайди.

Энди Нодира ҳам турган ерида ўйланиб қолди.

— Ички ишлар ходимларига келсак, уларни тўғри тушунишимиз керак. Ҳозир ички ишлар ходимларининг ҳар кимдан шубҳаланишлари менимча энг тўғри йўл, деб ўйлайман. Сабаби Жасурбекнинг яшаш тарзини бегоналар қаердан ҳам билишади. Жинойтчилар оила аъзоларимиздан кимнидир, қандай қилиб бўлмасин қўлга олганга ўхшайди.

— Анаву ер юткурдан бошқа ким ҳам бундай ишга қўл урарди. — Нодира анову деб Зебохонни назарда тутаятган эди.

— Гумон иймондан айиради, синглим. Зебохон Жасурбек акангнинг турмуш ўртоғи эканлигини унутма. Аввало, ҳамма саволларга жавоб топиб аниқлик киритайлик, кейин бир гап бўлар.

— Алижон ака, нега сиз унинг ёнини олаяпсиз? — Нодира зарда қилди.

— Мен Зебохоннинг ёнини олаётганим йўқ! Агар у айбдор бўлмасачи? Кейин қандай қилиб келиннинг кўзига қараймиз?

— Акажон, ахир ҳамма далиллар унга қарши-ку? Нега мени тушунишни истамаяпсиз?

— Ана ўша келинга қарши далилларни исботлаб беришимиз керак. Гапларимга тушундингми, синглим?

Шу пайт Алижоннинг бурнидан иссиқ бир нарса оққандай бўлди. У кафтини бурнига босганича ювиниш хонасига кириб кетди. Бир неча дақиқалардан кейин ювиниб чиққач, ётоқхонага кирди-ю, ўзини каравотга ташлади. Унинг орқасидан хонага кирган Нилуфар:

— Овқатланиб олинг. Бугун туз тотмаган кўринасиз, — деди.

— Боя кўчадан у-бу нарса еб олдим, — Алижон

хотинини алдади. У кўчада бир-икки марта чанқовини босиш учун шарбат ичганди, холос. Ҳақиқатдан ҳам бугун Алижон ўзининг оч бўлганини сезмади. Ҳозир ҳам унинг иштаҳаси йўқ эди.

— Соғлигингиз жойидами, дадаси? — Нилуфарнинг унга ичи ачиб сўради.

Алижон бошини ирғади.

— Ундай бўлса, жойингизга ўтиб ёта қолинг.

— Бирпас дам олай, кейин Жасурбекнинг олдига — касалхонага кетаман, — деди Алижон хўрсиниб.

* * *

“Қахрамон” ресторанининг ҳашаматли безатилган хонасида Қахрамон билан Тўлғоной суҳбатлашиб ўтиришибди.

— Энди у ёқларда ишингиз йўқми? — сўради Қахрамон.

— Йўқ, хўжайин. Эрим билан ҳам қонуний ажрашиб у ёқдаги ишларимнинг ҳаммасини битказиб нуқта қўйдим-у ёнингизга бутунлай учиб келдим, — деди Тўлғоной кўзларини сузиб.

— Мени хўжайин деманг, эшитган кулоққа яхши эмас.

— Менинг қўрқадиган жойим йўқ! Бугундан бошлаб эркин қушман, хўжайин! — деди Тўлғоной яна “хўжайин” сўзини ишлатиб.

Унинг бу қилиғи Қахрамонга ёқмади. Лекин у ичидагини юзига чиқармай илжайиб сўз бошлади:

— Менинг оилам борлигини унутманг, азиз дўстим.

— Бизларнинг бу ерда нималар тўғрисида гаплашиб ўтирганимизни оила аъзоларингиз қаердан ҳам билишарди.

— Бундан кейин эҳтиёт бўлишимиз шарт! Олдинлари қишоғимизга меҳмонга келардингиз. Шунинг учун ҳам мен сизни бемалол меҳмон қилардим. Қолаверса у ёқлардаги савдо-сотик ишларимга ёрдам бериб турардингиз. Шу сабабли ҳеч ким биздан шубҳаланмасди. Энди ҳамиша шу ерда яшайсиз. Демак, энди мен сизни ҳар куни меҳмон қилолмайман, азиз дўстим Тўлғоной, — деди Қахрамон. — Мен учун оилам қаба қаби муқаддас. Буни асло эсингиздан чиқармаслигингизни истардим.

Шунинг учун ҳам бундан кейин ўта эҳтиёт бўлишимиз шарт. Деворнинг ҳам қулоғи бор дейишадику.

Тўлғоной “тушундим” дегандай бошини ирғади.

— Энди сиз чўнтагингиздаги пулингизга яраша бирор уйни сотиб олинг. Шунгача мен сизга мос бирор иш излаб топаман.

— Раҳмат, Қахрамон ака, — деди Тўлғонойнинг тарвузи қўлтигидан тушиб.

— Энди сиз бора қолинг! Менинг ҳам ишларим бошимдан ошиб ётибди.

Тўлғоной ўтирган ўрнидан турди. Шу вақт унинг хаёлидан “қолган умримни сиз билан роҳат-фароғатда ўтказаман”, деб ўйлаб чучварани хом санаган эканман. “Ўйнашмагин арбоб билан арбоб урар ҳар боб билан” деганлари шу эканда, деган фикр ўтди.

— Хўп хайр, Қахрамон ака! — деди Тўлғоной. У бу сўзни ички бир титроқ билан ҳазин товушда айтди.

— Кўришгунча хайр, азиз дўстим Тўлғоной, — дея Қахрамон унинг орқасидан илжайиб қолди. Кейин стол устида турган қўл телефонини олдида қаергадир қўнғироқ қилиб, “тез етиб кел” деб буюрди.

Орадан кўп ўтмай Қахрамоннинг олдида “Тулки” пайдо бўлди.

— Қандай янгилик бор? — Қахрамон ундан сўради.

— Суриштириб кўрдим. У одам ҳушсиз комада ётибди. — “Тулки” жавоб берди.

— Яхши, — деб Қахрамон совуқ нафас олди. — Энди нима қилмоқчисан?

— Қандай қилиб бўлсада уни йўқотишимиз керак.

— Энди бу ёғига шошмай тур. У қонун устуворлигини таъминлайдиган идорада ишлайди. Аллақачон ҳукумат уни ўз химоясига олиб бўлди. Ҳозирча бу ишни ўз холига ташлаб қўйганимиз маъқул. Тушундингми Тулки?

— Ҳамма гапларингизга тушундим!

— Уни йўқотмай қилган хатоларингиз учун бундан кейин чиқадиغان харажатлар Қоплон билан сенинг зимманга тушади.

— Ҳар қандай буйруғингизга тайёрман! — деди Тулки ўнг қўлини кўксига қўйиб.

— Яхши, — деди Қахрамон. Сўнг бир зум хаёлга толди-да, сўзини давом эттирди. — Тўлғонойга кўз-қулоқ

бўлиб тур. Мабодо органнинг одамлари изига тушгудай бўлса дарров уни йўқотасан.

— Кейин ҳамма ишлар тинчиб кетгунича ўзингнинг ҳам чет элга бориб дам олиб келишингга тўғри келади.

— Сиз нима десангиз шу, — деди Тулки. — Менга яна қандай топшириқларингиз бор?

— Боравер, ҳозирча бўшсан.

Тулки кўлини кўксига қўйганича хонадан чиқиб кетди.

* * *

Зебохон ҳамма ухлаганидан кейин ётган ўрнидан турди-да, оҳиста юриб телефоннинг олдига борди. Сўнг товуш чиқармасликка уришиб Тўлғонойнинг қўл телефони-га қўнғироқ қилди. Гўшакдан “нотўғри рақам терилган, илтимос, текшириб қайтадан теринг” деган жавоб эшитилди. Зебохон қайта-қайта қўнғироқ қилди. Лекин фойдаси бўлмади. Гўшакдан “Рақам нотўғри терилган. Илтимос, текшириб қайтадан теринг” деган гапидан бошқа нарса эшитилмасди. У ноилож қолгач, Тўлғонойнинг уйига қўнғироқ қилди. Зебохон гўшакни кулоғига тутганича узоқ кутди.

Бир пайт: — Ким бу? — деган эркак кишининг товуши эшитилди.

Мен Зебохонман, Лочинбек ака. Илтимос, Тўлғоной опамни чақириб юборинг, — деди Зебохон салом-аликни ҳам насия қилиб гўшакка шивирлаганича.

— Бизнинг ажрашиб кетганимизни биласизми? — деди Лочинбек томдан тараша тушгандай.

— Ҳа, биламан Лочинбек ака, фақат опамларни тезроқ чақириб бера қолинг, — Зебохон ялинди.

— Опангиз ўз юртига кўчиб кетган. Энди уни бу ерлардан тополмайсиз. Мабодо опангиз керак бўлса ўзингиз бир пайтлари у билан бирга борган кишлоққа боришингизга тўғри келади. Бошқа мени безовта қилиб бу ерга қўнғироқ қилманг. Сизга маслаҳатим, яхшиси бу телефон рақамини унутинг! Агар яна бир марта мени безовта қилиб бу ерга қўнғироқ қилсангиз керакли жойларга арз қилишга мажбур бўламан, — гўшакдан Лочинбекнинг ваҳимали гаплари эшитилди.

Зебохон: — Лочинбек ака, — дейишга улгурмай,

гўшакдан «ту-ту-ту-ту» деган қисқа-қисқа товуш қулоғига чалинди.

Энди Зебохон чув тушганини билиб, “Вой ўлмасам, энди нима қиламан?”, дея шивирлаганича бўшашиб турган жойида ўтириб қолди.

* * *

Бекатда турган Лобарга автомашинадан тушган Лочинбекнинг кўзи тушди-ю, кесилган ғўладай лапанглаб унинг олдига борди.

— Яхшимисиз Лобархон, — деди Лочинбек илмоқли гап ташлаб — Жасур яхшими?

— Сиз сўрагандан бери, — деди Лобар ҳам ундан қолишмай.

— Севгилингизнинг ҳолидан хабарингиз борми, ахир? — деди Лочинбек Лобарнинг жиғига атай тегаётгандай.

Олдинлари бу одам Жасурбек акамларнинг исмларини ҳеч айтмасди. Нукул “катта ака, акахон” деб сояларига салом бериб юрарди. Энди уларнинг исмларини ҳам тўлиқ айтгиси келмай Жасурбек ўрнига Жасур деб қолибдими? — Лобар кўнглидан ўтказди.

— Худога минг қатра шукур, Жасурбек акамлар соғу саломат юрибдилар — деди Лобар ҳам унга ҳисоб беришни хоҳламай.

— Ёлғон сўзлаш сизга ярашмас экан, Лобархон.

Энди Лобар, “сен нега ҳамманинг ишига бурун тикаверасан”, деган маънода унга ўкрайиб қаради.

Буни сезган Лочинбек, — бундай қараманг Лобархон! Мен сизнинг фойдангизни кўзлаб айтаяпман, — деди.

— Жасурбек акамларга нима қилибди?

— Ҳали эшитмадингизми?

— Нимани эшитишим керак, айта қолсангиз-чи!?

— Тўрт-бешта эркак Жасурнинг уйига бостириб кириб ўласи қилиб уриб кетганмиш. У ҳозир комада ётганмиш... Энди Жасур шу аҳволда йиллаб ётармиш... Эй худо, шу бандангнинг гуноҳларини кечириб, бу азоблардан уни қутқаргин-у, жонини олақолсанг-чи, — деб Лочинбек иккала кўлини осмонга кўтарди.

Унинг бу гапларидан сўнг Лобарнинг бутун танасида чумоли юргандай бўлиб бадани сесканди.

— Қайси касалхонада ётибдилар? Хайратланиб ўзи ҳам билмаган ҳолда сўради Лобар.

— Янги ТошМИнинг реанимация бўлимида ётибди, — деди Лочинбек. — Энди Жасурни ака деманг. Бундан кейин сизга ундан фойда йўқ! Мана мени ака десангиз арзийди. Яқинда хотиним билан қонуний ажрашиб бўйдоқлар сафига қўшилдим.

Лобар “кўпам валдирайверманг”, дегандай унга ўқрайиб қаради.

— Менга бундай қараманг, Лобархон. Бутун бир бошли мавзенинг эгасиман-а!? Агар менга хўп десангиз, еганингиз олдингизда, емаганингиз ортингизда бўлади!

Лобар ҳеч нарса демай ундан сал нари кетиб йўловчи машиналарга қўл кўтарди. Оқ рангли такси келиб тўхтади.

— Янги ТошМИ касалхонасига, — деди Лобар такси ойнасидан мўралаб.

— Ўтиринг, обориб қўяман, — деди ҳайдовчи.

Лобар Лочинбекдан тезроқ қутулиш ниятида ҳайдовчи билан йўл ҳаққини ҳам тортишмай таксига ўтирди-ю, жўнаб кетди.

Буни кузатиб турган Лочинбек “Жасурнинг анча-мунча пули бунда ҳам борга ўхшайди. Такси ҳайдовчи билан йўл ҳаққини ҳам тортишиб ўтирмади-я”, деб ўйлади. “Ҳали қўлимга тушсин пулнинг қадрига етишни ўргатиб қўяман бунга. Оҳ-оҳ-оҳ, бу қандай офатижон, Жасур ҳам аноийилардан эмас экан. Бунинг олдин менга учрамаганини қаранг-а, ҳали ҳам кеч эмас. Барибир менга тенг келолмайсан Жасур қишлоқи. Чиранма хўроз, хунаринг оз”, — деб қўлларини бир-бирига ишқади.

* * *

— Алишержон, болажоним, Жасурбек аканг билан телефонда гаплашдингми? — сўради Гулчехра момо.

— Йўқ ойижон! — деди Алишер, — мен фақат Нилуфар кеннойим ва Нодира билан гаплашдим.

— Нега Нодирахоннинг ўзи менга қўнғироқ қилмабди.

— Ойижон, шаҳардан туриб қишлоқ телефонини олиш қийинлигини ўзингиз ҳам яхши биласизку, ахир!

— Керак ерингга тилпон қилолмасанг, бу қуриб кетгур қишлоқ телефонлари нимага керак?

— Бу телефон асосан туман ичида гаплашиш учун ўрнатилган, ойижон.

— Ишқилиб, Жасурбек боламнинг, оиласининг соғлиги яхшимикин?

— Яхши дейишди.

— Алижон боламникидагилар-чи?

— Уларникидагилар ҳам соғу саломат эканлар, ойижон.

— Иложи бўлса, Жасурбекнинг ўзи менга бир телефон қилишини илтимос қилмабсан-да, болажоним.

— Жасурбек акамларми ёки кеннойимларми қайси бири бўлса ҳам иложи бўлса ойимнинг ўзларига бир кўнғироқ қилиб қўйсинлар дедим.

— Яхши айтибсан, болажоним, — деди Гулчехра момо. Она боласи билан бўлаётган воқеаларни ички бир туйғу билан сезади. Негадир шу кунларда ўзимни қўйгани жой тополмай қолаяпман. Айниқса, Жасурбек кечалари тушларимга кириб чиқаяпти. Ишқилиб болаларим эсон-омон бўлиб тинч юришган бўлишсин. Эй худойим, шу болаларимнинг ёмон кунларини менга кўрсатма. Уларни ҳар қандай офат, кулфат ва тухматлардан ўзинг асра.

Алишер ойисининг нотинчлигидан касалланиб қолмаса эдилар, деб хавотирда эди.

— Сизга Нодира синглим билан бирга самолётга чипта олиб Тошкентга жўнатаман десам ўзингиз кўнмадингизку, ойижон. Яна нега бунчалар сиқилаверасиз?

— Акамлар яқинда қишлоққа келишаркан деб ўзинг айтгандинг-ку ахир, болажоним. Шундай бўлгач, мен қандай қилиб Тошкентга бораман. Агар улар бу ерга келишса ҳамма болаларим мана шу ҳовлига йиғилишиб байрам бўлиб кетарди. Ана шунда даданг раҳматлининг ҳам руҳлари шод бўларди-да, болажоним, — Гулчехра момо кўзига ёш олди.

— Қўйинг, йиғламанг ойижон! — деди Алишер. — Агар хоҳласангиз акамларни қишлоққа келиб кетинглар деб телефон орқали чақираман!

— Йўқ-йўқ, ундай қилма болам, — деди Гулчехра момо кўз ёшларини рўмолининг учи билан артиб. — Акаларингнинг тинчини бузма, ўзлари меҳнат таътилига чиқишса келиб қолишар.

— Хўп бўлади ойижон, — деди Алишер. — Фақат сиз ҳам сиқилаверманг.

— Эҳ, болажоним-а, болажоним! Сен билмаяпсан-да, шу Жасурбек акангнинг бошига бир ташвиш тушган.

— Эртага яна телефон орқали гаплашиб кўраман, сиз сиқилаверманг ойижон.

— Умрингдан барака топ, болажоним, — Гулчехра момо дуо қилди. — Ўзим ҳам биламан, охирги кунларда инжиқлик қилавериб сени ҳам холи-жонингга қўймайман.

— Ундай деманг, ойижон. Сиз соғу саломат юрсангиз бу бизнинг бахтимиз!

* * *

— Ғайратжон, сиздан илтимос, мени бир амаллаб Фурқат Содикович билан учраштиринг, — деди Алижон.

— Мен ҳозир Фурқат Содикович билан гаплашиб кўраман, — деди Ғайрат. — Сиз билан учрашишга рози бўлсалар ўзим сизни уларнинг олдига бошлаб бораман.

— Раҳмат ука! Қандай бўлмасин бир иложини қилинг.

Алижон у билан бирга иккита қоровул йигит турган эшик олдиғача борди.

— Сиз шу ерда кутиб туринг, — дея Ғайрат ичкарига кириб кетди. У Алижонни кўп куттирмай дарров қайтиб келди-да, “Кетдик ака”, дея қаергадир бошлади.

Улар иккинчи қаватга кўтарилди. Шунда Ғайрат бир очиқ эшик олдида тўхтаб йўталиб олдида, “Мумкинми домла, — дея ичкарига кирди.

— Келинлар, келинлар, — деди хонанинг юқорисидаги қора чарм қопланган юмшоқ ўриндикда ўтирган калта соқолли киши.

— Кириг, Алижон ака, — деди Ғайрат қўли билан унга йўл кўрсатиб.

Алижон хонага кирди. Соқолли эркак ўтирган ўрнидан туриб у билан қўл бериб сўрашди.

— Қани, марҳамат ўтиринг, — деди домла Алижонга ўтириш учун жой кўрсатиб.

— Раҳмат ака, — Алижон стулга ўтирди.

— Домла, булар боя мен сизга айтган одам — Алижон ака. Комада ётган Жасурбек аканинг акалари, — деди Ғайратжон. Кейин у Алижонга юзланиб сўзини давом эттирди. — Танишинг, булар Фурқат Содикович бўладилар.

- Танишганимдан хурсандман, — деди Алижон.
- Мен ҳам, — деди Фуркат Содиқович.
- Энди менга рухсат домла, қиладиган ишларим бор эди, — деди Ғайрат ўнг қўлини кўксига қўйиб.
- Агар зарур ишингиз бўлса бемалол бораверинг, — деди Фуркат Содиқович.
- Раҳмат домла, — Ғайратжон хонадан чиқиб кетди.

Шундан сўнг Алижон тарадудланиб сўз бошлади:

- Фуркат Содиқович, мен сизнинг олдингизга укам хақида гаплашиш учун келувдим.
- Эшитаман, гапираверинг.
- Укамнинг соғлиғини сиздан сўраб билмоқчи эдим.
- Жасурбек комада ётибди, ҳозирча бир нарса деёлмайман.

— Фуркат Содиқович, агар мумкин бўлса укамни бир кўрсам дегандим.

— Фақат бир дақиқагагина рухсат бераман. Аслида реанимация бўлимига бегонанинг кириши умуман мумкин эмас. Ғайратжон икки кундан бери илтимос қилавериб, холи-жонимга қўймагани учун ҳам сиз билан учрашишга рози бўлгандим.

— Раҳмат сизга, Фуркат Содиқович. Бу яхшиликларингизни яхши кунларингизда қайтариш менга ҳам насиб қилсин.

Алижон чўнтагидан бир бўлак минг сўмлик пулларни олиб стол устига қўйди.

— Бу нима? — Фуркат Содиқович ўтирган ўрнидан туриб кетди.

— Укамнинг муолажаси учун зарур бўлган доридармонларга ишлатарсиз.

— Бизнинг касалхонада оғир касаллар давлат ҳисобидан эмланади, ука, олинг пулларингизни.

— Ҳа-а, энди... — Алижон чайналди.

— Мен Ғайратнинг бундай ишларга аралашганини биринчи марта кўришим. Пулингизни олиб, чиқиб кетинг бу ердан.

— Майли, Фуркат Содиқович, — деди Алижон. Кейин у апил-тапил ўзи столга қўйган бир боғлам пулларни олиб чўнтагига солиб қўйди. — Сиздан илтимос, мени кечиринг, Фуркат Содиқович. Укам ҳушсиз ётгани

учун ҳам унга қандай ёрдам қилишимни билмай типир-чилаб қолдим.

Фурқат Содикович унга зимдан разм соларкан қовоқлари шишиб, кўзлари ичига ботиб киртайиб қолган, юзлари бўлса сўлғин бу йигитга ич-ичидан ачиниб кетди.

— Майли ука, бу воқеани мен ҳам, сиз ҳам эсимиздан чиқарайлик.

— Раҳмат ака, энди бундай воқеа иккинчи марта қайтарилмайди, — деди Алижон бир оз жонланиб. — Фурқат Содикович, Файратжонни ҳам уришмайсиз-а?

— Мен бу воқеани унутиб юборган бўлсам, қандай қилиб Файратжонни уришаман? — Фурқат Содикович майин жилмайди. Кейин у стол бурчагидаги тугмачани босиб кўйди.

— Раҳмат сизга, Фурқат Содикович, — деди Алижон. Орадан кўп ўтмай хонага кирган ҳамширага буюрди.

— Бу йигитга Мардонов ётган палатани кўрсатинг, укасини кўриш учун буларга икки дақиқагача вақт берман.

— Хўп бўлади, Фурқат Содикович, — деди оқ халатли қиз. Кейин Алижонга юзланиб мурожаат қилди. — Юринг мен билан.

— Раҳмат сизга, Фурқат Содикович, — деди Алижон ички бир энтикиш билан қандай қилиб уларга миннатдорчилик билдиришини билмай.

— Хайр! Омон бўлинг.

Алижон Фурқат Содикович билан хайрлашиб ҳамшира билан бирга хонадан чиқиб кетди.

* * *

Калта бўйли озғин йигит иккинчи қаватдан шошиб пастга тушди, кейин чап томонга қайрилиб ўн беш қадамларча юрганидан сўнг эшик олдида кутиб турган йигит билан қўл бериб сўрашдида:

— Мардонова қани? — деб чўнтагидан калитини олиб эшикни очди.

— Касал экан, Абдулла Илхомович, — деди кутиб турган йигит. — Ўрнимдан туrolмайман, бошим айланиб кўнглим беҳузур бўлаяпти. Эртагача сал тузалиб қолсам уларнинг олдига ўзим ўтаман. Сиз овора бўлиб юрманг, деди. Ноилож ўзим олдингизга келавердим.

— Яхши бўлмапти, лейтенант Қодиров, — деди Абдулла Илҳомович.

Улар олдинма-кейин хонага киришди.

— Қани ўтиринг, — деди Абдулла Илҳомович. Лейтенант Қодиров Т шаклида жойлашган столнинг паст тарафидаги стуллардан бирига ўтирди.

Абдулла Илҳомович юқорига ўз ўрнига ўтиб ўтирди.

— Сизга ҳамкасбимиз Жасурбек ака яшайдиган мавзе қарашли бўлгани учун ҳам у ерда содир бўлаётган барча ходисаларни икир-чикиригача биласиз деб ўйлайман.

— Албатта, — деди Қодиров, — лекин Жасурбек ака билан содир бўлган бу аянчли воқеа кимлар томонидан уюштирилганлигини аниқлашнинг ҳеч иложи бўлмаяпти.

— Изланг лейтенант Қодиров, изланг. Жиноят исиз содир этилмайди.

— Ҳа-а, албатта Абдулла Илҳомович, излаяпман.

— Вақт кетаяпти, лейтенант Қодиров. Қанча сушт ҳаракат қилсак, жиноятни очиш шунча қийин кечади. Кўп қаватли уйларда шунча одам истиқомат қилади-ю, нахотки ҳеч ким бу ишни содир этганларни кўрмаган бўлса? Бундай бўлиши мумкин эмас. Қўни-қўшнилардан яхшилаб сўраб-суриштириш керак, тушундингизми?

— Ҳаракат қилаяпман, Абдулла Илҳомович.

— Тўлғоной исмли қўшнисини ҳали ҳам тополмадингизми?

— Йўқ! Улар уйини сотиб эрига улушини бергану қаергадир ғойиб бўлган.

— Унинг кетига тушиб қаерга кетганлигини аниқлашимиз шарт.

— Аниқлайман, Абдулла Илҳомович.

— Нега энди айнан жиноят содир қилинган кун ғойиб бўлган — деди Абдулла Илҳомович хаёлга толиб. У бу саволни жиноят қидирув бўлимининг ходимига бердими ёки ўзидан ўзи сўрадимиз буни унинг ҳолатидан билиб бўлмасди.

Лейтенант Қодиров “Билмасам” дегандай елкасини қисди.

— Майли, бунга ўзимиз аниқлик киритамиз. Сизнинг асосий ишингиз Лочинбек бўлади. Бир-икки ой ичида уникага кимлар келиб кетганлигини ва кимлар билан

алоқаси борлигини аниқланг. Нима сабабдан Лочинбек хотини билан ажрашган? Балки улар номигагина ажрашгандир. Шуни ҳам билишимиз керак. У менга бу тўғрида ишонарли далиллар келтира олмади. Лекин Лочинбек изига тушганимизни сезмаслиги керак. У ўта эҳтиёткор туллак одамга ўхшайди.

— Хўп бўлади, — деди лейтенант Қодиров.

— Энди сиз бораверинг, бирор янгилик бўлиб қолгудай бўлса дарҳол мен билан боғланинг, — деди Абдулла Илҳомович суҳбатга яқун ясаб.

* * *

Ярим тунда уйига кириб келган Алижонни хотини билан синглиси кутиб олди.

— Жасурбек акам ўзларига келдими? — сўради Нодира.

— Йўқ, — деди Алижон, — ҳали ўзига келгани йўқ.

— Худонинг ўзи шифосини берсин. Сиз кийимларингизни алмаштириб юз-қўлингизни ювиб олинг. Мен ун-гача овқат сузиб келаман, — деди Нилуфар.

Алижон индамай ётоқхонага кириб кетди. Орадан кўп ўтмай юз-қўлини ювиб ошхонага кирганида дастурхон устида бир коса ошга кўзи тушди.

— Сизлар овқат емайсизларми? — сўради Алижон.

— Бизлар овқатландик, — Нилуфар жавоб берди.

— Зебохон-чи?

— У очофат икки коса ош еди, — тўнғиллади Нодира.

Алижон унга бир қараб қўйди-ю, индамади. Кейин у ош солинган косани олдига олиб ея бошлади.

Нилуфар чойни уч марта қайтарганидан сўнг пиёлага қўйиб, эрига узатди.

У хотинидан пиёлани олиб иссиқ-иссиқ хўплаб ичди. Сўнг ўртага жимлик чўқди. Алижон ошнинг ярмини жим ўтириб еди. Кейин, — Раҳмат онаси, мен бўлдим. Ош жуда ширин бўлибди, — деди.

— Дадаси, емадингизку? — астойдил куюниб деди Нилуфар.

— Хурмачамга сикқунича едим.

— Яна озгина енг!

— Ўзимга кераклигини едим дедим-ку, онаси, — деди Алижон.

Унинг гапидан сўнг ўртага бир зум жимлик чўкди. Бир пайт Нилуфар жимликни бузишга қарор қилгандай сўз бошлади:

— Қишлоқдан Алишержон қўнғироқ қилди. Ойижонимиз Жасурбекми ёки Зебохонми қайсисининг вақти бўлса менга қўнғироқ қилсин дебдилар. — Энди нима қиламиз дегандай Нилуфар эрига қаради.

Алижон ўйланиб қолди.

— Тўғриси айтиш керак, ойим келсалар, бу ер ютгурнинг кунини кўрсатарди. — Нодира яна гапга аралашди.

— Мен сенга ойимлар Жасурбекнинг ахволини билсалар буни уларнинг юраги кўтаролмайди деб айтгандим-ку, ахир, — деди Алижон. Кейин хотинига юзланиб қўшиб қўйди. — Онаси, сен бугун Зебохон билан яхшилаб гаплаш. Эртага у ойижонимизга қўнғироқ қилиб ҳаммамиз яхши ўтирибмиз десин.

— Хўп бўлади, дадаси.

— Мен барибир бу нонкўрни бир ёқлик қиламан, — деди Нодира яна тўнғиллаб.

Алижон сингисини хафа қилгиси келмади шекилли, бу сафар унга ҳеч нарса демади.

— Айтгандай, жинойт қидирув бўлимидан Қодиров дегани келиб кетди, — деди Нилуфар.

— Нега келибди? — Алижон ҳайрон бўлиб сўради. — Мен уларни кечагина кўргандим-ку!?

— Мардоновани прокуратурага олиб боришим керак, деди. Зебо бўлса ўрнидан туролмаслигини айтди. Шундан сўнг у қайтиб кетди, — деди Нилуфар.

— Қани эди, шу ифлосни бир умрга қамаб юборса? — жаҳл билан деди Нодира.

— Зебони эртага ўзим прокуратурага олиб бораман, — деди Алижон.

— Бор экансиз-ку, Алижон ака! Жасурбек акамларни бу кўйга солганидан кейин жазосини ҳам олсинда, — деди Нодиранинг юзи бир оз ёришиб.

* * *

Эрта-саҳарлаб “Тулки” шошиб-пишиб Қаҳрамоннинг уйига келди. Унга эшикни очган тан соқчи унинг рангини кўриб деди:

— Тулки, сенга нима бўлди? Сал ўпкангни босиб ол!

Осмон узилиб ерга тушгани йўғу. — У катта-катта кўзларини янада катта очиб сўлокмондай қўли билан сочи қиртишлаб олинган гўштдор бошини силади. — Ҳозир хожамни арзимаган иш учун уйғотишнинг иложи йўқлигини ўзинг ҳам яхши биласанку!

— Уларда жуда ҳам зарур ишим бор.

— Қанақа зарур иш?

— Тўлғонойга тегишли!

— Мен ҳозир. Сен шу ерда кутиб тур, — деди тан қўриқчи йигит. Кейин у Тулкини ташқарида қолдириб темир эшикни ёпиб қўйди. Орадан беш-ўн дақиқа ўтиб-ўтмай эшик очилиб, гўштдор боши кўринди.

— Тулки, сен роппа-роса соат ўнда ресторанга бораркансан, — деди у.

Тан қўриқчининг гапидан сўнг эшик ёпилиб қулфнинг шарақлаб илингани эшитилди. Шундан сўнг Тулки ноилож изига қайтди. “Соат ўнгача мўлжалдаги ишларимни битказишим шарт”, — кўнглидан ўтказди у.

У ўн бешта кам ўнда ресторанда пайдо бўлди. Дераза оша Қаҳрамоннинг кўзи унга тушди-ю, соатига қараб қўйди. Қаҳрамон ўтирадиган хонага кириш учун аввало катта хонага кирилади. Соат роппа-роса бешта кам ўнда ҳам Тулки шу хонага кирди. У ерда ҳар доимгидай иккита йигит ўтирибди. Бу йигитларнинг бири кураш бўйича, иккинчиси бокс бўйича чемпион бўлишганини у яхши биларди.

Тулки йигитлар билан қўл бериб сўрашди.

— Қаҳрамон акада ишим бор эди, — деди у.

— Сен шу ерда кутиб тур, — деди тан қўриқчилардан бири. Кейин у Қаҳрамон ўтирган хонанинг эшигини охишта чертди.

Ичкаридан “Киравер”, деган товуш эшитилди. Шундан сўнг тан қўриқчи ичкарига кирди-ю, у ерда қўп ушланиб қолмай яна қайтиб чиқди-да. — Киравер, — деди Тулкига.

Тулки хонага кириб кенг хонанинг юқорисидаги чарм қопланган юмшоқ ўриндикда ястаниб ўтирган Қаҳрамонга салом берди.

— Ке, ўтир, — деди Қаҳрамон. Бу хонага унинг муҳим масалаларни ҳал қилишдагина киришини, бошқа пайтларда тўкин-сочин дастурхон безатилиб турган хо-

нада ўтириб ойнаижаҳонни томоша қилишни хуш кўришини ҳам Тулки яхши биларди.

Тулки стулга омонатгина ўтирди.

— Нега тонг саҳарлаб ваҳима қилиб юрибсан, Тулки, — сўради Қаҳрамон. — Тўлғонойга нима қилибди?

— Сизнинг танишингизнинг Россияга кетаётганини уни кузатиб юрган одамим айтиб қолди. Шунинг учун сизга мурожаат қилишга мажбур бўлдим. — Тулки айбдордай бошини эгди.

— У нега Россияга кетаётган экан, билдингми?

— Ҳа билдим! Сизга таниш аёлнинг укасига кўшни аёл бор-у, Раҳима деган, у шу аёлга Россияда пул ишлаб келамиз деб бошини айлантирганга ўхшайди. Бугун улар тонг саҳарда поездга чиқиб кетишмоқчи бўлишди. Мен сиз билан учраша олмагач, ўғри болаларни ишга солиб иккаласининг ҳам ҳужжатларини ўғирлатдим. Ҳужжатларини йўқотишганларидан кейин улар ноилоҳ поезддан тушиб қолишга мажбур бўлишди. — Тулки чўнтагидан олиб иккита аёлга тегишли бўлган ҳужжатларни стол устига қўйди.

— Энди шундай қилгинки, Тўлғоной ҳужжатларини топиб олиб Россияга кетаверсин. У ёқларда уни аспаласофинга жўнатсак ҳеч ким биздан шубҳаланмайди. Фақат сенинг одаминг уларнинг кетидан қолмаслиги лозим. У бу аёлларнинг қаерга жойлашганлигидан, қандай иш билан шуғулланишаётганликларидан бизни хабардор қилиб турсин. Тўлғонойда анча-мунча пул бор, унинг жамғармасини ўзлаштириб олишимиз керак. Ҳарҳолда чиқимнинг бир қисмини қоплармиди?

— Тушундим, — деди Тулки. Кейин у стол устидаги ҳужжатларни олиб яна чўнтагига солиб қўйди.

— У ёқлардан қандай янгилик бор?

— Жасур ҳали хушсиз ётибди. Ҳозирча бошқа янгилик йўқ.

— Яхши, — деди Қаҳрамон. — Ҳар ҳафтанинг ўртасида Жасур билан Тўлғоной тўғрисида менга ҳисобот бериб турасан.

— Хўп бўлади!

— Яна хатога йўл қўйсанглар, қаттиқ жазолайман. Одамларингга ҳам айт, эҳтиёт бўлишсин. Гапларингга тушундингми?

— Ҳамма гапларингизга тушундим!

— Гапларимга тушунган бўлсанг энди сен боравер. Мабодо керак бўлиб қолсанг ўзим топиб оламан.

Тулки чиқиб кетгач, Қаҳрамон ўнг қўли билан пешонасини силаган қўйи хаёл уммонига шўнғиди.

* * *

Алижон тушга яқин Зебохонни прокуратурага бошлаб келди.

Эшик олдида девор билан ўралган бинонинг кираверишида қурилган кичгинагина хужрада ўтирган ички ишлар кийимидаги ходим дарчадан мўралаб сўради.

— Кимнинг олдига келдинглар, — деди у.

— Абдулла Илҳомовичнинг олдига келган эдик. Мардонова билан Алижон келибди денг.

Ички ишлар кийимидаги ходим қаергадир қўнғироқ қилиб ким биландир гаплашди. Кейин телефон гўшагини жойига қўйиб сўради:

— Хонасини биласизларми?

— Ҳа, биламан.

— Кираверинглар.

Алижон Зебохон билан бирга бино ичига кириб ўзига таниш бўлган эшик олдида тўхтадида, эшикни тақиллатди.

Ичкаридан “кираверинг”, деган товуш эшитилди.

Алижон ичкарига кириб салом берди.

Абдулла Илҳомович у билан қўл бериб сўрашди:

— Зебо Мардонова ҳам келдиларми?

— Ҳа, ташқарида кутиб турибди. — Алижон жавоб берди.

— Айтинг, кирсин.

Алижон эшикни очиб Зебохонни чақирди.

Зебохон ичкарига кириб салом берди.

— Яхшимисиз, ўтиринг, — Абдулла Илҳомович қўли билан Зебохонга ўтиришга жой кўрсатди. Кейин у Алижонга юзланиб мурожаат қилди.

— Сиз ташқарига чиқиб кутиб турсангиз. Менинг буларга берадиган саволларим бор.

Зебохон Алижонга мўлтиллаб ёрдам сўраган кўзларини қадади, сўнг майли, дегандай бошини ирғади. Алижон кўчага чиқиб кетганидан сўнг Абдулла Илҳомович сўз бошлади:

— Қани Мардонова, нима бўлганлигини бир бошидан гапириб берингчи!

— Нимани айтиб беришим керак?

— Эрингизга нима бўлганлигини, бу воқеанинг қандай содир бўлганлигини, нимани билсангиз ҳаммасини бир бошдан айтаверинг, — деди Абдулла Илҳомович. — У зимдан Зебохоннинг хатти-ҳаракатларини кузата бошлади.

— Эрим, — деб Зебохон сўз бошлади, — қаердан-дир ўта маст ҳолда тун ярмидан ошганда уйга кириб келди. Шунда улар Холидахонни сўради. Мен қизимизнинг Алижон акамларникидалигини айтдим. Кейин эрим менинг юзимга тарсаки туширдида, “бор Холидахонни уйга олиб кел, бегона уйда ётмасин” деди. Мен Алижон аканики қизимизга бегона эмаску дедим. Шунда улар “кўп валдирайвермай Холидахонни уйга олиб келасанми ёки йўқми?” деб мени уриш учун қўлини кўтарган эди. Мен калтакдан кўрқиб ўзимни кўчага урдим. Қизимни олиб келиш учун кўп қаватли уйларни оралаб кетаётиб тўсатдан бир нарсанинг шитирлаганини эшитдим-у, кўркувдан юрагим гуппиллаб уриб, турган жойимда қотиб қолдим. Бир пайт такси билан кетсамчи деган фикр миямга келди-ю, ўзимдан-ўзим хўрсанд бўлиб кетиб халатимнинг чўнтагини қарадим. Қарасам, пулим йўқ. Пул олиб чиқиш учун ноилож уйга кирдим. Ётоқхонада турган сумкамдан пул олаётганимда даҳлизда бир нарса гурсиллаб йиқилгандай бўлди. Эрим йиқилиб тушди шекилли деб хонадан чиқсам улар ерда қонига беланиб ётибди. Учта эркак бўлса қонга беланиб ётган эримнинг атрофида туришибди. Мен қўшнилardan ёрдам сўраш учун кўчага отилдим. Югурганимча юқориги қаватга чиққанимда бошимга нима биландир уришганини биламан-у, қолганини эслай олмайман. Сабаби калтак зарбидан хушимни йўқотган эдим. Қанча хушсиз ётганимни ҳам билмайман. Бир пайт ўзимга келиб ўрнимдан турмоқчи бўлдим. Ўрнимдан туришга кучим етмади. Шунда эмак-лаб судралганимча қўшни уйнинг эшигига етдим-у, қўшнилardan ёрдам сўраш ниятида ётган жойимда уларнинг эшигини қўлим билан ура бошладим. Шу пайт қаердан-дир оқ халатли одамлар пайдо бўлишиб касалхонага олиб боришди. У ерда мени шифокорлар кўришди. Эрта тонг-саҳарда Алижон ака касалхонага бориб мени уйла-

рига олиб кетдилар. Кўрган билганим мана шулар, — деди Зебохон сўзини тугатиб.

Кейин унга Абдулла Илҳомович бир қанча саволлар берди.

Зебохон жавоб берди.

— Энди мана шу сўзларингизни ёзма равишда ёзиб беринг, — деди Абдулла Илҳомович Зебохонга оқ қоғоз билан ручка узатиб. — Мана сизга қоғоз билан ручка.

— Хўп, — Зебохон ундан оқ қоғоз билан ручкани олиб хотиржам бир ҳолатда ёза бошлади.

“Мардонованинг ўта хотиржамлиги менга ёқмаяпти. Бу аёл ҳамма нарсага олдиндан тайёргарлик кўрганга ўхшайди” — Абдулла Илҳомович хаёлидан ўтказди.

— Мана, тушунтириш хатини ёзиб бўлдим, — деди Зебохон қоғозни узатиб.

Абдулла Илҳомович унинг қўлидан қоғозни олиб кўз югуртирди. “Менга қандай сўзлаб берган бўлса худди шундай қилиб ёзибди. Бирор сўзи ҳам алмашиб кетмаган. Бунинг устига имзо ва санасигача жой-жойига қўйилган. Бу тушунтириш хатини ҳам бир неча марта ёзиб тайёргарлик кўрганга ўхшайди. Майли, яна бир-икки кундан кейин яна бир марта тушунтириш хати ёздириб олиб иккаласини солиштириб кўраман, кейин бу аёлнинг тайёргарлик кўрган кўрмагани аён бўлади”, деб Абдулла Илҳомович ичидан ўйлади.

— Энди сизга рухсат, — деди Абдулла Илҳомович, — керак бўлиб қолсангиз яна чақиртирарман.

— Майли, чақиртирсангиз келаман, фақат эримга суиқасд қилганларни топиб жазога тортсангиз бас! — Зебохон ўрнидан туриб эшик томонга қараб юрди.

— Топамиз, — деди Абдулла Илҳомович, — жиноятчиларни албатта топиб жазога тортамыз!

* * *

Лобар касалхонага бориб Жасурбекнинг аҳволи оғирлигини билиб келганидан кейин бошқа унинг олдига бормади. Шундай кунларнинг бирида кетаётиб у яна Лочинбекни учратиб қолди.

— Яхшимисиз Лобархон? — деди Лочинбек ялтоқланиб.

— Сиз сўрагандан бери, — Лобар ерга қараб майин жилмайди.

“Воҳ, жонингдан ноз қилишини қара бунинг” — Лочинбек ичида ўйлади.

— Анавининг ҳол-аҳволини бориб кўриб келдингизми?

— Кимни айтаяпсиз?

— Жасурнингда, яна кимнинг бўларди.

— Мен ундай исмли одамни танимамайман.

“Ёғ ютганда ёғ яхши, қон ютганда қариндош яхши, деб бежиз айтишмаган эканда” — Лочинбек кўнглидан ўтказди.

— Тўғри қиласиз. Ўлгунича хушсиз ётган одамни нима ҳам қилардингиз?

— Бу тўғрида умуман гаплашишни хоҳламайман.

— Ана энди ўзингизга келдингиз, — деди Лочинбек. — Бу беш кунлик дунёда ўйнаб кулганингиз қолади.

Лобар уялгандай бўлиб ерга қаради-ю, ўйланиб қолди. “Менга етишиш осон эмас, бунинг учун жарақ-жарақ пул керак. Менга эришаман деб чотинг айрилиб кетмасин яна, бутун бир бошли мавзенинг бошлиғи” хаёлидан ўтказди у.

“— Оҳ-оҳ-оҳ, бунинг ноз қилиши ўзига бирам ярашиб турибди, садағаси кетсанг арзийди”, Лочинбек кўнглидан ўтказди.

— Менга хизмат-пизматингиз йўқми? — деди Лочинбек кўлини кўксига қўйганича бошини хиёл эгиб. — Мен сиз учун осмондаги ойни ҳам олиб беришга тайёрман!

— Ростданми? Яна алдаётган бўлманг?

— Агар сизни алдасам тил тортмай ўлай!

— Сизга ишонаману, лекин осмондаги ойни олиб беришингизга ишонқирамай турибман-да.

— Ҳа, энди ойни рамзий маънода айтдим-да, Лобархон. — Лочинбек ёш болалардай ийманиб бошини кашлади.

“Ҳа, боладимми? Ўл бу кунингдан шалвирамай”. Лобар ана шуларни кўнглидан ўтказаркан сўради:

— Рамзий маъно деганингиз нима дегани ўзи?

Энди Лочинбек гап тополмай довдираганича “рамзий маъно дегани ҳақиқатдан ҳам нима дегани ўзи? Ўйламай сўзлаган оғримай ўлар, деганлари шу бўлса керагов”, деб ўйланиб қолди.

— Нега индамайсиз? Оғзингизга келганини гапираверадиган ғирт алдоқчи экансиз! Менинг сизга ихлосим баланд эди, — Лобар гап билан чақиб олди.

— Ҳа энди Лобархон, ўл десангиз ўламан, бундан кейин жоним сизнинг қўлингизда!

“Сенинг бир тийинга қиммат жонингни нима ҳам қилардим” ўйлади Лобар.

— Менга бировнинг ўлими эмас, соғлиги керак, — деди у.

— Куллик Лобархон, куллик! — Лочинбек иккала қўлини кўксига қўйди. “Ҳозирча хунарингни кўрсатавер. Ҳали сен қўлимга тушасанку, ана шунда гард десам қўлимга қўнадиган қилиб қўяман”, — хаёлидан ўтказди у.

— Бошлиқ, сиз ўзи хотинингиз билан нега ажрашгансиз? — Лобар сўради. — Яна мени алдаб қулоғимга лағмон осган бўлманг-а?

— Йўқ, йўқ, — Лочинбек шоша-пиша чўнтагидан хужжатини олиб ичини очди. — Мана кўринг, Лобархон мухри ҳам бор.

— Сиздай бутун бир мавзенинг бошлиғига битта мухр бостириш нима деган гап. Уйингиздаги хотинингизга билдирмай қалбаки мухр бостириб мен бўйдоқман, деб ҳаммани алдаб юрган бўлманг тағин-а?

— Ўлай агар сизни алдаётган бўлсам! — деди Лочинбек. — Нима қилсам менга ишонасиз?

— Мабодо, хўп десам, мен билан никоҳдан ўтасизми?

— Нега ўтмас эканман? Ўл десангиз ўламан, қол десангиз қоламан деб ваъда бердимку, ахир.

— Бу гапингиз ҳам осмондаги ойни олиб бераман деган гапингиздай бўлмасин тағин?

— А? — Лочинбек нима деб жавоб беришини билмай серрайиб турарди.

— Шунақасиз-да, сиз эркаклар. Қилғилиқни қилиб қўйиб жим тураверасизлар.

— Тавба қилдим, Лобархон! Энди шуни юзимга солаверманг.

— Юзингизга солаётганим йўқ. Бир айтдим қўйдимда!

— Шунда уйингизга совчи юбораверайми? — деди Лочинбек дудуқлана-дудуқлана.

— Ҳали мен сизга ҳеч қандай ваъда берганим йўқ! — деб Лобархон ўз йўлига кета бошлади.

“Вой шайтоннинг урғочиси, бу мени лақиллатиб роса бошлаб кетди-ку. “Бир аёлнинг макри қирқ эшакка юк бўлади”, деганлари шу бўлса керак-да. Майли, ҳозирча ҳунарингни кўрсатавер. Қўлимга тушарсан ахири. Ана шунда сени мулла минган эшакдай ювош қилиб қўяман. Шу пайтгача мени ҳеч ким лақиллатиб кетмаган. Мен бутун бир бошли мавзенинг эгасиман-а? Йигит юрса йўли, аёл юрса этаги очилади, шуни билиб қўй ҳей хом калла”, деб Лочинбек ўйлаганича йўлакча четида узок туриб қолди.

* * *

— Файратжон Жасурбекни яна бир марта кўрсам яхши бўларди, — сўради Алижон илтижולי қараб. Ўтган сафар укамни кўрганимда унга қараб туриб индамасдан чиқиб кетаверибман. Баъзи шифокорларнинг сўзларига қараганда комада ётган одам яқин одамнинг товушини эшитиб ҳам ўзига келган ҳолатлари бўлган экан. Энди укамнинг олдига кирсам, унинг исмини айтиб чақирмоқчиман. Шунинг учун сиз яна бир марта укалик қилсангиз!?

— Алижон ака, реанимация бўлимига бегоналарнинг кириши мумкин эмаслигини биласиз-ку ахир! Қўйинг ака, илтимос, мени бошқа қийнаманг.

— Узр ука, илтимосларим билан сизни ҳам қийнаб қўйдим, — Алижон ўтирган ўрнидан турди.

— Хафа бўлманг Алижон ака, менинг ўзим укангиздан тез-тез хабар олиб тураман.

— Нега энди сиздан хафа бўлишим керак? Аксинча, қилган шунча яхшиликларингиз учун сиздан бир умрга миннатдорман, Файратжон ука! — деди Алижон самимий оҳангда. Кейин у Файратжоннинг хонасидан тўғри касалхона ҳовлисига чиқди. Шунда унинг кўзи институтда ўзини ўқитган профессорга тушди.

— Ассалому алайкум домла! — деди Алижон сўрашиш учун иккала қўлини узатиб.

— Ваалайкум ассалом, — профессор ўнг қўлини узатди.

Алижон домланинг қўлини олиб сўрашди.

— Сен болани сал танаймак турибман? — деди профессор.

— Мен олийгоҳда сиздан таҳсил олганман, домла.

— Тўхтанг, тўхтанг, — деди профессор хотирлаётгандай бўлиб, — фамилиянгиз Хожиевмиди?

— Хўжаевман.

— У пайтда сен мендан зўрға имтиҳон олгандинг-а?

— Ҳа, — деди Алижон бир оз ийманиб.

— Уялма бўтам. Бу дунёда ё заринг, ё зўринг бўлиши керак.

Алижон индамади.

Профессор унга бир зум тикилиб турди-да, деди:

— Сен қурган молхонада ҳали ҳам ҳўкиз-у, қўй-қўзиларни боқаяпмиз. У вақтда сан мендан имтиҳон олиб ўқишни давом эттирдинг. Мен эса қўйу қўзиларим учун молхоналик бўлиб қолдим. Мендан бугина, сендан угина деб донишмандлар бежиз айтишмаган, — кулди профессор.

Имтиҳон олиш учун Алижон мардикор бозорига тушиб фишт терадиган уста билан иккита мардикор топиб келиб улар билан бирга ўзи ҳам ишлаб профессорнинг молхонасини қуриб битказишганини, шунда йиғиб қўйган жамғармаси етмай ўртоқларидан қарз кўтариб уста билан иккита мардикор йигитларнинг иш ҳақини берганини ва бу профессорнинг исми Тилабхон ака эканлигини эслади.

— Касалхонада юрибсан, бўтам? — профессор кўзларини ўйнатиб сўради. — Кимингдир бу ерда ётибдими?

— Ҳа, укам реанимация бўлимида ётибди. Ҳеч олди-га киришнинг иложи бўлмапти.

Э, жавир бўлибдику, отам, — деди профессор. — Боя айтганимдай ё заринг, ё зўринг бўлиши керак бўтам.

— Пул бераман деб уятга қолдим домла. Ҳеч иложи бўлмапти!

— Ҳалиям одам бўлмабсан, сен бола. Дунёда пулни олмайдиган одам ҳали бор эканми-а? Ўшанда ҳам йўлини топиб пулини берганинда молхона қуриб юрмаган бўлардинг, хов бола! Қани бер, атаганингни, менинг ўзим сени уканг билан учраштираман, ҳи-ҳи-ҳи...

Алижон бир боғлам минг сўмликни сумкасидан олиб домлага узатди.

Профессор пулни олиб костюмининг ички чўнтагига

солиб қўйдида, ён чўнтагидан қўл телефонини олиб ракамларни тераркан деди:

— Пул юракка яқин тургани яхши бўтам, шунда бел бақувват бўлади. Телефон ўлгурнинг юракдан узоқроқда тургани маъкул, шунда соғлик ҳам жойида бўлади. Гапларимни укдингми, бўтам, ҳи-ҳи-ҳи, — профессор яна кулди.

Алижон тушундим дегандай бошини ирғади.

— Қодиржон, бу сенмисан, отам, — профессор қўл телефонини кулоғига тутиб гапира кетди. — Мен Тилабхон акангман, танидингми?

Алижон, “қани эди укамни яна бир марта кўриб, Жасурбек, Жасурбек деб чақирсаму одамлардан эшитганимдай укам ўзига келиб қолса” деган хаёлга берилди. Бир вақт профессор унинг кўйлаги енгидан тортиб ўзига келтирди.

— Хаёлинг паришон кўринади, гапларимни эшитаяпсанми ўзи?

— Ҳа, айтаверинг домла, эшитаман.

— Укангнинг касали оғирми бўтам?

— Ҳозир комада ҳушсиз ётибди.

— Э, сенга жавир бўлибди-ку, отам, — профессор чўнтагидан ташриф қоғозини олиб унга узатди. — Мана буни ол, агар ёрдам керак бўлиб қолса ҳеч тортинмай қўнғироқ қилавер.

— Раҳмат домлажон, — Алижон профессордан ташриф қоғозини олиб чўнтагига солиб қўйди.

— Ҳозир сен тўғри бориб касалхона бош шифокорининг ўринбосарига учрашасан. Уларга “мени Тилабхон ака юборди. Мен домланинг жиянлари бўламан” дейсан. Шу билан ишинг битади, бўтам, — ҳи-ҳи-ҳи.

— Раҳмат домлажон, дунё тургунча туринг.

Алижон касалхонанинг эшиги томонга қараб тез-тез юриб кетди.

Шу пайт орқадан профессорнинг:

— Қўнғироқ қилиш эсингдан чиқмасин бўтам, ҳи-ҳи-ҳи деб кулгани кулоғига чалинди.

* * *

Алишержон ишхонасида қандайдир қоғозларни текшириб ўтирган пайтда телефони жиринглаб қолди. У гўшакни кулоғига тутди: — Эшитаман.

— Ассалому алайкум, Алишер ака! — Нодиранинг товуши гўшакдан эшитилди.

— Ваалайкум ассалом, Нодира, яхши етиб бордингми? Нега шу пайтгача кўнғироқ қилмадинг?

— Алижон акам ҳозирча кўнғироқ қилмай тур, — дедилар.

— Нега энди? Тинчликми?

— Тинчликмасда, Алишер ака! — энди гўшакдан Нодиранинг йиғлаган товуши эшитилди.

— Гапирсангчи, нима бўлди, синглим?

— Жасур акамни уйда бировлар уриб бошини ёриб кетишибди! Ҳозир касалхонада ҳушсиз ётибдилар.

— Бу воқеа қачон бўлибди?

— Эрта-саҳарда мени самолётдан учириб юборган кунингиз. Бу ерга келиб Жасурбек акамларнинг касалхонага тушганликларини билдим. Бу воқеа мен Тошкентга келишимдан сал олдин бўлибди.

— Бу ишни кимлар қилгани аниқландими?

— Йўқ, ҳали аниқланмади. Бу ишда ер ютгур хотинининг қўли борга ўхшайди.

Нодиранинг бу гапларини эшитган Алишер ўйланиб турди-да:

— Нодира нега бундай деяпсан? — деб сўради.

— Биринчидан, шу куни Жасурбек акамлар уйини таъмирлатиш учун уйига, “уйда ётиб ишлайверасизлар”, деб усталарни юборган экан. Шу усталар кун бўйи акамларникида ишлаган. Кечки пайт, “бугун қаерда ётсанглар ётаверинглар, бу ерда эртадан бошлаб ётасизлар” деб хотини уларни кўчага ҳайдаган. Иккинчидан, Холидахонни Алижон акамларникига ташлаб кетган. Учунчидан, ярим тундан ошган бир пайтда кўча эшигини очик қолдирган! Тўртинчидан, у ер ютгурга ҳеч нарса бўлмагану, Жасурбек акамлар оғир тан жароҳати олган. Бешинчидан, Жасурбек акамлар касалхонага тушган кунининг эртасига жиноят қидирув бўлимининг ходими Алижон акамнинг уйига келиб “Мардонова Зебони прокуратурага олиб боришим керак”, деганида, “мен ўрнимдан туrolмайман, кўнглим беҳузур бўлиб бошим айланаяпти” деб алдаб жиноят қидирув бўлимининг ходими Алижон акамларнинг уйдан чиқиб кетганидан сўнғ бу нонқўр уйдаги ҳеч кимга билдирмай тўсатдан уч-тўрт соатга йўқ бўлиб кетди. Яна тагин Нилуфар кеннойим билан сал

нари кетсак дарров телефонда кимлар биландир гаплашади. Мабодо бизлардан биримиз олдига бориб қолгудай бўлсак у нияти бузуқ дарров телефон гўшагини жойига қўйиб қўяди. Сизга бу воқеаларнинг ҳаммаси шубҳали туюлмаётими, Алишер ака?

— Нега Алижон акам қишлоққа кўнғироқ қилмай тур дедилар?

— Ойимлар бу воқеани билиб қолсалар юраги кўтара олмайди. Шунинг учун қишлоқдагиларнинг ҳозирча билмай тургани яхши, деганди.

— Алижон акамнинг бу гаплари тўғри-куя, аммо бу гапларни менга айтишлари керак эди.

— Мен ҳам ҳеч бўлмаса Алишер акамга айтайлик, десам ҳам кўнмадилар. Анову куни жинойт кидирув бўлимидан Қодиров дегани Алижон акамни касалхонадан олиб кетиб сўроқ қилибди. Алишер акамни чақиртирайлик, улар ички ишлар ходимларининг кўзини мошдай очиб қўяди. Улар сизни тергаганларидан кўра жинойтчиларни топишсин десам, Алижон акамлар бўлса, “ички ишлар ходимлари тўғри йўл тутишяпти, бегона тўғридан-тўғри Жасурбекнинг уйига босқинчилик қилиб кириб бу ишни қилолмайди” дейдилар. Уларнинг фикрича, оила аъзоларимиздан кимдир жинойтчиларга шерикмиш.

— Майли, қўявер синглим! Мен бугуноқ самолётда учиб бораман. Менга кўнғироқ қилиб тўғри қилибсан!

Алишер телефон орқали синглиси билан гаплашиб бўлгандан сўнг вилоят прокурори билан боғланиб беш кунга ўз ҳисобидан таътил сўради. Вилоят прокурори унга уч кунга рухсат берди. Шундан кейин у уйига келиб йўлга ҳозирлик кўриб бўлгач, Гулчехра момо ўтирган хонага кирди.

— Ойижон, тўсатдан мени Тошкентга чақириб қолишди. Бугун учиб кетаяпман. Шу сабабли сизнинг олдингизга Тошкентга кетиш учун рухсат сўраб келдим, — деди Алишер.

Кўзларинг қайғули кўринади болажоним. Ишларингда камчилик йўқми?

— Йўқ, ҳамма ишларим яхши ойижон.

— Сени Тошкентга чақиртиргани бир томондан яхши бўлибди, болажоним. Аканларни ҳам ўз кўзинг билан кўриб келасан.

— Мен ҳам бундан жуда хурсандман, ойи.

— Умрингдан барака топ болам! Қани, қўлингни дуога кўтар, — деди Гулчехра момо.

Алишержон қўлини дуога очди.

Гулчехра момо ўглини узок дуо қилиб юзига фотиҳа тортди.

* * *

Алижон бош шифокорнинг ўринбосари ёрдамида яна Жасурбекнинг олдига кирди. Унча катта бўлмаган хонада укасининг бир ўзи ётибди. Унинг каравоти атрофидан қандайдир тиббиёт асбоб-ускуналари жой олган. Кароватда ётган Жасурбекка Алижоннинг назари тушиши билан унинг кўзларида ёш қалкиди. Алижон қанча ўзини босишга уринмасин, барибир у бунинг уддасидан чиқа олмади.

Алижонни бу ерга бошлаб келган ҳамшира қиз “вақт бўлди, чиқиб кетинг”, дегандай имо-ишора қилди.

Шунда Алижон, “Жасурбек” деб бир неча марта чакирди, лекин укаси гўё эшитмагандек, худди ухлаб ётган одамдай бўлиб ётаверди.

Муолажа қилаётган ҳамшира қиз: — Илтимос ака, чиқиб кетинг, — деди секингина.

Укасининг олдидан кетгиси келмаётган Алижон ноиллож қолиб хона эшиги томонга қараб юрди. У даҳлизга чиққанидан сўнг кўзёшларини артди. Шу пайт, “қани эди укамни шу кўйга солганларни топиб мана шу қўлларим билан бўғиб ўлдирсам”, деган фикр миясига урилди. У пастга тушиб Файратнинг хонасига кирди.

— Файратжон ука, менинг эшитганларим ҳам иш бермади, — деди Алижон хорғин бир овозда.

— Нима бўлди Алижон ака? — деди Файратжон унинг қизарган кўзларини-ю, тушкин бир ҳолатини кўриб.

— Укамнинг олдига яна киргандим!

— Хўш?

— Жасурбек, Жасурбек деб чақирсам ҳам ўзига келмади, — Алижоннинг кўзларида яна ёш қалкиди.

Энди нима бўлганлигини тушунган Файрат стол тортмасидан минерал сув солинган шишани олиб унинг оғзини очди-да, стол устида турган пиёлага қуйиб Алижонга узатди.

— Мана буни ичиб олинг.

Алижон пиёлани унинг қўлидан олиб худди қайнок чой ичаётгандай сувни секин-секин хўплаб ичди.

— Энди нима қиламан Ғайратжон? Шўрим куриб қолганга ўхшайди, — деди у бўғилиб.

— Ўзингизни босинг, Алижон ака, ноумид шайтон.

— Тўғри айтасиз, лекин сабрнинг ҳам чегараси бўларкан. Бу ёғига энди менинг бардошим етмаяпти.

— Алижон ака, мен сизни кучли, иродали инсон деб ўйлагандим.

— Мени яхши билмаганингиз учун ҳам адашгансизда ука! Бу айб эмас!

— Йўқ, бундай деманг. Бу даргоҳда ишлаб яхши ёмонни кўравериб кўзим пишиб кетган. Кимнинг қандайлигини бир кўришдаёқ биламан. Лекин сиз бошига иш тушганда довдираб қоладиган баъзи бир эркакларга асло ўхшамайсиз, — деди Ғайратжон. — Мен яна шуни яхши биламанки, сиз жуда олийжаноб одамсиз.

— Кўпам оширвордингиз, Ғайратжон ука.

— Йўқ. Мен ҳеч ошириб юборганим йўқ. Менинг ҳаётдан олган бир хулосам бор. Инсоннинг инсонлиги унинг бошига энг оғир кун тушганда билинади. Аслида энг оғир кунда ҳам инсонлик қиёфасини йўқотмаган инсон ҳақиқий инсон ҳисобланади! Ҳамма нарсаси етарли бўлиб гариллаб юрган одамларнинг ҳам бошига ташвиш тушган пайтларида шайтонга малайлик қилганликларини ҳам биламан ака!

— Ҳали ёшсизу, лекин очигини айтсам, ҳаёт тўғрисидаги хулосаларингиз мени ўйлантириб қўйди, Ғайратжон ука!

— Ҳаёт ўзи бир мактаб эмасми Алижон ака?

— Тўғри айтасиз ҳаёт ҳар кимни ўз ўрнига қўяди.

— Шундай экан муносиб яшалган ҳаёт йиллар билан эмас қилинган ишлар билан ўлчанмоғи керак деб ўйлайман!

— Ғайратжон ука, фикрларингиз менинг фикрларимга жуда ҳам ўхшаб кетаркан.

— Шунинг учун ҳам ана шундай инсонларни ҳам-фикр дейишади!

Алижон бош ирғади.

— Агар биз ҳаёт йўлида довдираб қолсак буни кўрган келажак авлод бизга бўлган ишончини йўқотмайдими?

— Йўқотади, Файратжон, йўқотади, — деди Алижон. — Шунинг учун ҳам иродали ва кучли бўлинг демокчисизда!

— Худди шундай, Алижон ака. Ана энди ўзингизга келдингиз. Бошимизга қандай кулфат тушишидан қатъи назар биз довдираб қолмаслигимиз керак.

— Маслаҳатингиз учун раҳмат ука.

— Арзимаёди.

* * *

Алишер самолётда учиб келди-ю, такси билан тўғри касалхонага борди. У бош шифокорга учрашиб Жасурбек акасини ўз кўзи билан кўрди. Шундан кейин касалхона биносидан чиқиб ҳовлидаги ўриндиқда ўтирганича энди қилиши керак бўлган ишларини режалаштира бошлади.

Шу пайт Алижон Файратжоннинг хонасидан чиқиб касалхона ҳовлисига ўрнатилган ўриндиқлар томонга қараб юраркан унинг кўзлари бўш ўриндиқ излади. Бирдан Алижоннинг нигоҳи Алишерга тушди. Шунда ўзининг, — Укажон! — деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Алишер ўзига таниш бўлган овозни эшитиб атрофга аланглади.

Уларнинг нигоҳлари тўқнашди-ю, ака-укалар бири-бирига қараб қандайдир ички бир энтиқиш билан талпинди. Улар бир-бирини бағирларига босиб олган кўйи узоқ туриб қолишди.

— Тинчмисан ука, — деди Алижон Алишержоннинг елкаларини силаб.

— Менку тинчман ака, Жасурбек акамларга нима қилди? — деди Алишер ичидан тўлиб-тошиб келаётган бир нарсани босишга ҳаракат қилиб.

Алижон укасини кучоғидан қўйиб юборар экан: — Бу ҳам худонинг бизга юборган бир синови, укажон, — деди. — Юр, анову бўш ўриндиқда бирпас ўтирамин.

Алижоннинг бу гапидан кейин улар бўш ўриндиққа бориб ўтиришди.

— Жиноятчилар топилмадимиз? — деди Алишержон.

— Ҳозирча топилгани йўқ.

— Алижон ака, кимдан гумонингиз бор?

— Айби исботини топмагунча бирор нарса дейишга ҳам ҳайронман, ука.

— Бу ишда Зебохон келинойимларнинг қўли борга ўхшайди.

— Сен буни қаёқдан биласан?

— Нодирахон синглимиз айтди.

— Барибир у ўз билганини қилибди-да! — деди Алижон. — Нодира қачон қўнғироқ қилди?

— Бугун у билан гаплашганимдан сўнг ўз ҳисобимдан таътилга ариза ёздим, рухсат олишим билан бу ёкка учдим. Яқиндагина самолётдан тушиб тўғри мана шу ерга келдим!

— Жасурбекни кўрдингми?

— Кўрдим!

Ака-укаларнинг суҳбати шу ерда узилиб ўртага жимлик чўкди. Орадан анча ўтиб Алижон сўз бошлади:

— Алишержон ука, Жасурбек тўғрисида ойижонимизга айтмадингми? — деди у.

— Йўқ, ойижонимга айтмадим.

— Яхши қилибсан. Бу воқеаларни эшитиб қолгудай бўлса ойимнинг юраклари кўтаролмайди.

Шу вақт атрофга қоронғилик туша бошлаганлиги сабабли касалхона ҳовлисида ўрнатилган электр чироқлари ёришиб атрофга ўз нурларини соча бошлади.

— Кеч ҳам бўлиб қолди ука. Қани энди уйга кетдик.

Алишер ўрнидан турди. Алижон укасини эргаштириб касалхона олдидан ўтган катта кўчага чиқди. Улар бекатда пойлаб турган таксилардан бирига ўтиришди. Йўлда елдай учиб кетаётган автоуловнинг орқа ўриндиғида ўтирган Алишер нималарнидир ўйлаб бораркан, автоулов акасининг уйига яқинлашганда:

— Алижон ака, сиз уйингизга бориб тураверинг, мен прокуратурага кириб Жасурбек акамнинг иши билан танишиб келаман, — деди.

— Ундай бўлса мен ҳам сен билан бирга бораман.

— Бизларни прокуратурага ташлаб қўйинг, — деди Алишер такси ҳайдовчисига мурожаат қилиб.

— Менга фарқи йўқ ака, ишимиз шу. Худо хоҳласа ҳозир айтган жойингизга ҳам обориб қўяман.

— Раҳмат ака, — деди Алижон ҳайдовчига миннатдорчилик билдириб.



Эрталаб вақтли уйронган Алижон ювиниш хонасига кириб юз-қўлини ювиб чикди. Қараса хотини ошхонада нонуштага тайёргарлик кўраётган бўлса керак нималардир қилиб қуймаланиб юрибди.

Алишер ҳам ювиниб бўлди-ю, Алижонга мурожаат қилди:

— Алижон ака, Жасур акамнинг уйини ҳали ҳеч ким ювиб тозаламадими?

— Йўқ! Бу тўғрида ўйлашга ҳам вақт бўлмади, — деди Алижон укасининг саволидан ҳайрон бўлиб.

— Мен билан юринг, жиноят содир бўлган жойни ўз кўзим билан кўрмоқчиман.

— Нонушта қилмаймизми?

— Жасурбек акамларникига бориб келгандан сўнг овқатлансакчи? Ёки жудаям оч қолдингизми?

— Мен-ку оч қолганим йўқ, сени ўйлаб айтаяпманда ука.

— Мен ҳар куни эрталаб югураман. Сўнг ювиниб овқатланаман! Шунинг учун менга қайғурмасангиз ҳам бўлади.

— Талабалик даврингдаги одатингни ҳалигача қўймаб-санда.

— Югуришни талабалик давридан анча — илгари мактабда ўқиб юрган пайтларимдаёқ бошлаганман!

— У пайтларда буқа боқишдан ортмасдинг шекилли?

— Нега энди? Новвосларни ҳам боқдим, мактабда ҳам ўқидим, бундан ташқари югуришга ҳам вақт топганман!

— Зўрсан ука, ҳозир ҳам ҳамма нарсага вақт топишинг йўлини биласан.

— Масъулиятни сезган ҳар бир одам жамият ва одамлар олдидаги ўз вазифасини ўташ учун вақт топа билиши шарт.

— Тўғри айтасан, ука, — деди Алижон, кейин у бўйинбоғини боғлади-да, даҳлиздаги кўзгуга қараб устидаги кийимларини тузатди.

Эрининг кўча кийимларини кийиб олганини кўрган Нилуфар ҳайрон бўлиб, — эрта-сахардан қаерга кетаяп-сизлар, — деб сўради.

— Алишер билан иккаламиз Жасурбекнинг уйидан хабар олиб келмоқчи эдик, — деди Алижон.

— Мен мастава пишираётгандим. Хозир тайёр бўлиб қолади — деди Нилуфар. — Аввал укангиз овқатланиб олсин, кейин борадиган ерингизга бораверасизлар.

— Онаси, аввало сен Зебохондан уйининг калитини олиб чиқиб бер, кейин овқатингни шошмай пиширавер. Бизлар Жасурбекникига бориб келганимиздан кейин овқатланамиз.

— Дадаси, сиз ҳам ўз айтганингиздан қолмайдиган одамсиз-да. Ўзингизни ўйламасангиз ҳам Алишержонни ўйланг. Аввал, нонушта қилиб олинглар, кейин бораверасизлар.

— Кеннойи, Алижон акамлардан аввал Жасурбек акамларникига бориб келайлик, сўнг овқатланаверамиз деб менинг ўзим илтимос қилдим! — деди Алишер.

Унинг гапларидан сўнг Нилуфар ётоқхонага кириб кетди. У кўп куттирмай кўлида занжирга биркитилган иккита калитни олиб чиқди.

— Кўп қолиб кетманглар, мен нонуштани тайёрлаб кутиб ўтираман, — деди Нилуфар калитлар шодасини эрига узатиб.

— Хўп бўлади, онаси, — деди Алижон хотинидан калитларни олиб. Шундан кейин ака-ука кўчага чиқиб кетишди.

Алижон йўлда кетаётиб Алишернинг кўлидаги фотоаппаратга кўзи тушди.

— Бунинг нима учун керак? — Алижон фотоаппаратни кўли билан кўрсатди.

— Жиноят содир этилган жойни суратга олишим керак.

— Ҳа-а, — деб қўйди Алижон.

Улар Жасурбекнинг хонадонига етиб келишганидан сўнг Алижон чўнтагидан калитни олиб эшикни очди. Ичкарига киришгач, Алишер эшикни ёпиб қўйди. Эшикдан кирган ерда қон кичгина кўлмакчага ўхшаб қотиб қолган. Жасурбекнинг кўлига қон теккан бўлса керак девордаги унинг қизил рангли панжа излари ва яна ошхонага кираверишдаги йўлакчанинг ҳам анча ери қонга бўялган. Бу ерда ҳам деворга қизил рангли панжа излари тушиб қолган. Шуларни кўрган Алижон мудҳиш воқеа содир этилган кунги Жасурбекнинг ҳолатини ўзича тасаввур этди. Шунда унинг ичидан бир нарса чирт этиб узилгандай бўлиб оёқларидан мадор қочиб ўтириб қол-

ди. Ранги ўчиб юзи докадай оқариб кетган Алижонга кўзи тушган Алишер ошхонадан пиёлада сув олиб чиқиб акасига ичирди. Кейин у Алижонни қўлтиқлаб кўчага олиб чиқиб ҳовлидаги ўриндикка ўтирттирди.

— Алижон ака, энди яхшимисиз? — деди Алишер акасидан кўзларини узмай.

— Яхшиман ука, — деди Алижон. — Укам бечора ўша куни азобман деганининг барини тортган эканда. Қани эди Жасурбекни шу кўйга солганларни топиб тилка-пора қилиб ташласам!

— Жиноятчиларни албатта топамиз! Топмагунча кўймайман! — деб Алишер кўлларини мушт қилиб тугди. У бу сўзни шу қадар вазоҳат билан айтдики, унда ишонч ва қатъийлик муҳрланиб қолгандай эди.

— Агар топмасак менинг бундан кейинги ҳаётим дўзахга айланади, ука!

— У ифлосларни албатта топаман! Менга ишонавринг, Алижон ака! — деди Алишер. — Сиз шу ерда ўтириб туринг. Мен ичкаридаги ишларимни охиригача битказиб чиқаман.

— Борақол.

Алишер Жасурбекнинг хонадонига кўтарилганида тепадаги қаватда бир корейс аёлнинг лифт бурчагида беркиниб кузатиб турганига кўзи тушди. “Бу аёл боя келганимизда ҳам бизларни кўриши билан ўзини панага олган эди. Нега энди у бизлардан беркинаяпти? Бу аёл шу жиноятга тегишли бирор нарсани биладиганга ўхшайди”. Алишер кўнглидан ўтказди. Кейин у Жасурбек хонадонига кириб ишларини битказиб чикди-да, кўча эшигини қулфлаётиб зимдан юқори қаватга кўз югуртирди. Шунда корейс аёли билан Алишернинг нигоҳи бир зумгагина тўқнашди-ю, сўнг корейс аёли бутунлай кўздан ғойиб бўлди. Эшикни қулфлаб бўлгач, у юқори қаватга кўтарилиб корейс аёл кириб кетган хонадоннинг эшик қўнғирогини босди. Ичкаридан садо бўлмади. Алишер яна бир неча марта эшик қўнғирогини босди. Ичкаридан жавоб бўлмагач, “Нега бу аёл куппа-кундуз пайтида мендан қочаяпти? Шу мавзегга беркитилган жиноят қидирув бўлимнинг ходимини топиб бу аёлни сўроқ қилишимиз керак. Ҳозир телефон тармоғига бориб уч ой мобайнида Алижон акам билан Жасурбек акамларнинг телефони билан қайси телефон-

лар боғланганлиги тўғрисида маълумотнома олишим керак”, ўйлади у.

* * *

Нонушта тайёрлаган Нилуфар Алижон билан Алишерни узоқ кутиб ўтирди.

— Дарров келамиз дейишган эди, — деди Нилуфар ошхонага кирган Нодирага. — Нега халигача дараклари йўқ, хайронман?

— Мен Алишержон акамларнинг одатларини жуда яхши биламан. Ҳозир улар машъум воқеа сабабчилари кимлигини аниқлаш учун ишга киришиб кетдилар!

— Ҳеч бўлмаса дадаси уйга телефон қилиб бир оғиз айтиб қўйсалар бўлардику!?

— Бунинг учун акамларни айбламанг, келинойи. Ҳаммамизнинг тинчлигимизни бузган анову нобакор бўлади. — Нодира кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб Зебохон ётган хонани кўрсатди. — Семизликни ҳам қўй кўтарди. Бу нонкўр кўтаролмади.

— Айб кимда бўлса ҳам яхши иш бўлмади.

— Мен Жасурбек акамникида яшаган талабалик йилларимда қариндош-уруғининг кети узилмасди. Қачон қараманг акамнинг уйлари Зебонинг қариндош-уруғларининг қайси бири пул қарз сўраб, бошқа бири бирор юмуши тушиб, ёрдам сўраб келганини кўрардим. Бунинг онасини-ку айтмасангиз ҳам бўлади. У бечора кампир учтўртта ўғиллариникига сизмай ҳар ўн икки ойнинг ўн ойини Жасурбек акамларникида ўтказди. Улар яна кувёникидан кетаётганида бошдан-оёқ сарпо кийиб кетганларига ўлайми!? Ҳали худо акамнинг мана шу яхшиликларини билмаган бу нонкўрга кўрсатади ҳали, — Нодиранинг кўзлари ёшланди. — Бу ифлос қаерда дуохон бор деб эшитса бўлди эди, дарров шу дуохонни излаб топиб Жасурбек акамларни ўзларига илитиш учун чойгами, шакаргами ўқитарди-да, дам урдириб келиб акамларга ичираверарди. Ҳа деб ўқитиб ҳар балони ичираверса ҳар қандай одам ҳам охир-оқибат жинни бўлиб кетади, деб эшитганман. Яна бу жувонмарг бўлгур менга ҳам “эрингни тез-тез дуохон эскича ирим-сирим қиладиганларга ўқитиб турсанг борми, гард десанг қўлингга қўнадиган бўлади қолади”, деб ўргатган. Во-ой ақл ўргатмай ҳар бало бўлгур!

— Нодирахон, ҳозирча шу гапларни қўя турайлик. Худонинг ўзи ҳар кимнинг феълига яраша жазосини беради! Энди аканглар келгунича кутиб ўтираверсак дамланган чойим совиб қолади-ку! — деди Нилуфар энди нима қиламиз дегандай Нодирага қараб.

— Дамлаган чойингизни ўзимиз ича қоламиз. Акамлар келгач, яна дамлаб бераверамиз.

— Бўпти! Шундай қиламиз, — деди Нилуфар. Кейин овозини баланд кўтариб чақирди:

— Ҳой болалар, бу ёққа чиқинглар, нонушта қиламиз.

— Кеннойи Зебони бу ерга чақирманг. Ҳар кунгидай бир ўзи ётоқхонада ичаверсин. Мабодо у кўзимга кўрингудай бўлса бир бало қилиб кўйишим мумкин, — деди Нодира атай Зебохонга эшиттириб.

* * *

Орадан икки кун ўтди. Алишернинг қишлоққа қайтадиган вақти ҳам бўлди. У кетиш олдидан Алижон билан холи гаплашиш учун овқатланиш баҳонасида ошхонага таклиф қилди.

Ака-ука ошхонанинг алоҳида хонасига кириб ўтиришди.

Шунда дўмбоққина қиз уларнинг олдига келиб, деди:

— Нима буюрасизлар?

— Айтинг, Алижон ака, нима еймиз? — сўради Алишер.

— Мен яримта қайнатма шўрва ичаман, сен ўз хоҳишингга қараб айтавер, — деди Алижон.

— Иккита яримта қайнатма шўрва. Битта патир ва кўк чой олиб келинг. — Алишер буюрди.

Дўмбоққина қиз кичкина дафтарчасига ёзиб олди: — Бошқа нарсa керак эмасми? — деди.

— Ҳозирча шуларни олиб келаверинг, унгача биз ўйлашиб кўрамиз, — деди Алижон.

— Хўп бўлади, — деб дўмбоққина официант қиз хонадан чиқиб кетди.

Жиноятнинг изи Зебохон кеннойимга бориб тақалаяпти, — деди Алишер. — Бу ёқда Жасурбек акам хушсиз ётибди. Мабодо менинг гумонларим тўғри чиқиб кеннойимларни ҳам қамоққа олишса, Холидахоннинг аҳволи нима кечади?

— Сен нимага асосланиб бу хулосага келдинг, — Алижон ажабланди.

— Жасурбек акамларнинг юқорисидаги хонадонда яшайдиган корейс аёл билан, Жасурбек акамларнинг рўпарасида яшайдиган татар аёлнинг кўрсатмалари ҳеч ҳам бир-бириникига тўғри келмаяпти. Корейс аёлнинг кўп нарсадан хабари борга ўхшайди. Лекин у ҳақиқатни айтмай нима учундир Зебохон кеннойимга ён босаётгандай. Бундан ташқари корейс аёл “Зебони тез ёрдам ходимлари келиб касалхонага олиб кетганидан кейин кўрган им йўқ, телефон орқали ҳам ҳеч гаплашмаганман” деди. Телефон тармоғидан олган маълумотномага қарасам унинг телефон рақами билан сизнинг телефон рақамингиз ҳар куни беш-олти марта беш-ўн дақиқагача боғланганлиги ҳақида маълумот бор. Ёки сизнинг оила аъзоларингиздан кимнингдир шу аёл билан танишлиги бормикин, деб ўйласам, олдин бу телефон рақамлари ҳеч ҳам бир-бири билан боғланмаган.

— Йўқ, йўқ! Менинг ҳам, кеннойингнинг ҳам Жасурбекнинг қўшнилари билан умуман алоқамиз йўқ. Буни аниқ биламан.

Агар у корейс аёл билан Нодиранинг алоқаси бўлмаса, тагин яна ким билсин!?

— Қандай қилиб синглимиз у аёлни таниши мумкин?

— Нодира олийгоҳда ўқиб юрган пайтлари Жасурбекникида турганди-ку ахир. Турмушга чиққанидан кейин ўқишини сиртқи бўлимга ўтказиб қишлоққа кетганди.

— Корейс аёл билан синглимизнинг телефонда гаплашган ёки гаплашмаганлигини билиб менга телефон орқали айтарсиз. Энди мен ҳар шанба куни кечки пайт бу ерга самолётда учиб келиб душанба куни ишимга кечикмай етиб бориш учун эрта-сахардан учиб кетаман.

— Қийналиб қоласанку, Алишер ука.

— Қийналмайман. Агар жинойтчилар топилмаса, ана унда бир умр виждон азобида қолиб кетаман.

— Мендан қандай ёрдам керак бўлса тортинмай айтавер! Сабаби менинг сизларчалик бу ишларга ақлим етмайди. Ҳар ким ўз ишининг устаси бўлиши керак деб ўйлайман. Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, дейишадику ахир!

— Тўғри айтасиз, Алижон ака. Шунинг учун ҳам

Жасурбек акамнинг бошига кулфат тушганида дарров мени чақиришингиз керак эди.

— Бу томонини ҳеч ҳам ўйламабман, мендай бир нодон акангни кечир ука, — Алижон бошини қуйи эгди.

— Кечирим сўрайдиган иш қилганингиз йўқ, Алижон ака! — деди Алишер. — Нодира келган куни Жасурбек акамларнинг эшиги олдида пойлаб турганида бир эркак чиқиб, “эр-хотин иккаласини тез ёрдам ходимлари келиб касалхонага олиб кетган” деган экан. Биринчидан, бу эркак акамларга қўшни бўлмаганида бу воқеадан хабарсиз бўларди. Иккинчидан, уни синглимиз таниганида исмини айтиб фалончи акани кўрдим, шулардан бу воқеани эшитдим, деган бўларди.

— У эркак сен айтаётган корейс аёлнинг эри бўлиши керак. Бир куни Жасурбек билан мен лифтга чиққанимизда бир йигит югуриб келиб иккаламиз билан ҳам сўрашиб биз билан бирга лифтда пастга тушган эди. У кетгач “бу ким” деб Жасурдан сўрасам, “Бу одамнинг олдинги турмуши бузилганидан сўнг юқоримизда яшайдиган корейсга уйланиб олибди. Ҳозир шу хотинникида яшайди” деганди. Шунда мен бу йигитнинг ажрашиб кетган турмуш ўртоғи ҳам шу атрофда яшайдими деб сўрасам, “Йўқ, бу одамнинг олдин қаерда яшаганини мен билмайман! Бу гапни келинингиз қўшнилардан эшитибди” деганди. Шунинг учун ҳам Нодиранинг бу йигитни танимаслиги турган гап.

— Шу эркакнинг кимлигини олдин қаерда яшаганлигини ҳам аниқлашимиз керак. Агар иложини қилолсангиз мен келгунимча сиз шунга ҳам аниқлик киритиб қўйсангиз яхши бўларди.

— Сен қишлоққа бориб келгунингча у йигит тўғрисида керакли маълумотларни йиғиб қўяман.

— Бугун ҳам Жасурбек акамни кўрдим. Ҳозирча ҳеч қандай ўзгариш йўқ. — деди Алишержон хаёл сураётгандай бўлиб. У бу гапни ўзи учун айтдимми ёки Алижон учунми ҳозир Алишержоннинг ҳолатидан бу гапни нима учун айтганлигини ҳам билиб бўлмасди. Кейин у бир зум жимиб қолди-да яна сўзида давом этди. — Мен бугун бош шифокор билан гаплашгандим. Улар “эртага Жасурбекни профессорлар кўради, сўнг улар билан маслаҳатлашиб бир қарорга келамиз” дедилар. Эртага мен бош шифокор билан телефон орқали боғланиб профес-

сорларнинг хулосасини биламан. Илоҳим Жасурбек акам тузалиб ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетсинлар!

— Айтганинг келсин, ука!

* * *

Алижон Алишерни самолётга кузатиб қўйди. Кейин кун бўйи касалхонада Файратжон орқали тез-тез укасининг аҳволини билиб турди. Кечки пайт Алижон уйига бориб тамадди қилди-да, яна дарров касалхонага қайтиб келди. Кечаси билан касалхона атрофида ўралашиб эндигина атрофга ёруғлик туша бошлаган бир пайтда у бино олдига ўрнатилган ўриндиклардан бирига дам олгани ўтирди. Шу пайт қаердандир кушларнинг чирқиллаши эшитилди. Касалхона олдидаги катта кўчадан гоҳ-гоҳида визиллаб ўтиб қоладиган автомашиналар сони бора-бора кўпая бошлади. Тонгги салқин шабада бўлса ахён-ахёнда эсиб қўяди. Орадан кўп вақт ўтмай сутдай оппоқ тонг отди. Энди машиналарнинг гуриллаши-ю серкатнов кўчалардаги одамларнинг ғала-ғовури бутун шаҳарни босиб кетгандай бўлди. Уфқдан чиққан қуёшнинг кучсиз заррин нурлари бўлса бутун оламга сочилиб бино олдидаги сув отиб турган фаввораларда камалак ҳосил қилди. Қуёш нурлари борган сари илиб Алижоннинг кўзларига уйқу олиб келди. Шу пайт ишга келаётган Файратнинг кўзи ўриндикда мудраб ўтирган акасига тушди.

— Ассалому алайкум Алижон ака, — деди Файрат. — Туни билан шу ерда бўлдингизми?

Апил-тапил ўтирган ўрнидан турган Алижон у билан қўл бериб сўрашди-да:

— Ҳа-а, энди — деб чайналди.

— Тушунарли, — деди Файрат. Кейин қовоқлари шишиб кўзлари киртайган юз кўринишлари сўлғин Алижонга бир зум тикилиб турди-да, сўзида давом этди. — Қани, мен билан юринг.

Алижон сўзсиз унга эргашди. Бино ичига кириб бир эшик олдида тўхтаган Файрат чўнтагидан калит олиб эшикни очди-да, хонага кирди.

— Сиз шу ерда ўтириб туринг, мен ҳозир укангиздан хабар олиб келаман, — дея кийим илгичдан оқ халатини олиб эгнига кийди.

— Ҳўп бўлади ука, — деди Алижон.

Файратжон хонадан чиқаётганида Алижон ҳар доим-ни одати бўйича яна унга эргашди.

— Сиз шу ерда — менинг хонамда ўтираверинг, — дея Файратжон соатига бир қараб олди. — Ҳали ишимни бошлашимга эллик дақиқа вақт бор. Ҳар кун ишим бошланишидан бир соат олдин келардим. Бугун ўн дақиқага кечикибман.

— Хонангизни қулфлаб кетмайсизми?

— Сиз акам бўласизу, мен сизни кўчага чиқариб хонамни қулфлаб кетсам уят бўлар ахир! — Файратжон Алижонга жилмайиб қаради.

— Ишончингиз учун катта раҳмат, ука. Лекин сиз эшигингизни қулфлаб кетганингиз яхши. Мен даҳлизда кутиб тураман.

— Сиз шу ерда ўтираверинг. Мабодо кимлар мени сўраб қолса ҳозир келади деб қўйсангиз, бас.

— Хўп бўлади.

Файратжон хонадан чиқиб кетиши билан Алижон, “ҳар куни Файратжон мени даҳлизга чиқариб хонасини қулфлаб кетарди. Бугун у нима учун ўз хонасини менга ишониб кетди” деб хаёлидан ўтказди.

Орадан бир оз вақт ўтиб юзлари ёришган Файратжон кувноқ кайфиятда хонага кириб келди.

— Суюнчи беринг ака! Укангиз ҳозиргина ўзига келди.

Унинг гапларини эшитган Алижон ўтирган ўрнидан сапчиб турди-ю, Файратни қучоқлаб бағрига босаркан, — Раҳмат сизга, Файратжон ука! — деди у кейин яна қўшиб қўйди: — Э худо, бор экансан-ку!

Алижон Файратжонни қучоқлаб узоқ туриб қолди. У ҳар замон-ҳар замон силкиниб-силкиниб қўярди. Файратжон Алижоннинг йиғлаётганини билсада, бемалол йиғлаб олсин дегандай жим турарди.

Орадан анча вақт ўтиб Файрат уни юпатди:

— Бўлди энди, Алижон ака. Ўзингизни босинг! Ҳамма қийинчилик ортда қолиб кетди. Ҳали бу кунларни кўрмагандай бўлиб кетасиз, — деди у.

— Айтганингиз келсин ука, — деб Алижон Файратжонни қучоғидан қўйиб юборар экан қўллари билан юзларидаги ёшларни артди.

— Укамнинг аҳволи қандай?

— Жуда яхши! Фақат яна бир марта Жасурбек ака-

нинг бошини ҳар тарафлама компьютерга тушириб мутахассисларнинг хулосасини олиб жароҳат олган жойида йиринг йўқлигига ишонч ҳосил қилсак янада яхши бўларди.

— Бунинг учун мендан қандай ёрдам керак?

— Ҳозирча ҳеч қандай. Жасурбек акам сал ўзларига келиб олганларидан кейин ҳам бу ишни амалга ошираверамиз, — деди Ғайрат. — Сиздан фақат битта илтимос бор!

— Айтаверинг, Ғайратжон, қандай илтимосингиз бўлса ҳам бажараман!

— Сиз ҳозир бозорга тушиб семиз товукдан уч-тўртта-сини сотиб олингда уйингизга оборинг.

— Товукни нима қиламиз? — деди Алижон шошапиша Ғайратнинг сўзини бўлиб.

— Вақтинча товук боқиб турадиган жойингиз борми? — Ғайратжон унинг саволига жавоб бериш ўрнига савол берди.

— Ҳа, бор.

— Ундай бўлса жуда яхши, — деди Ғайрат. — Ана шу товуклардан бирини ҳозир сўйиб қовурмасдан фақат сувга қайнатиб шўрва қилиб келасиз! Энди Жасурбек акамларнинг оёққа туриб кетишлари учун куч-қувват керак. Бугундан бошлаб ҳар кун ич-тўрт марта товук гўшти солинган суюқ овқат олиб келишингиз керак бўлади. Шу овқатдан ўзингиз ҳам ичиб турсангиз зарари бўлмасди.

— Бу томонини тўғрилайман! Фақат мен ҳозир укамнинг олдига кириб уни ўз кўзим билан бир кўрсам яхши бўларди.

— Йўқ. Ҳозирча Жасурбек акани безовта қилиб бўлмайди. Энди уларнинг уйқуси келиб уч-тўрт кун тинимсиз ухлайдилар. Сабаби танаси чарчаган, шунинг учун ҳам тани ўзига куч йиғиб олгунича Жасурбек акани уйку босаверади. Уларга ҳозир қувват керак, яхшиси сиз товук шўрвани тезлаштиринг.

— Хўп бўлади, — Алижон Ғайрат билан хайрлашишни ҳам насиа қилиб кўчага отилди.

* * *

Нилуфар билан Нодира ошхонада суҳбатлашиб ўтирибди. Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Нилуфар югурганича бориб гўшакни кўтариб қулоғига тутди.

— Алло, — деди у.

— Ассалому алайкум кеннойи, — гўшакдан Алишернинг овози эшитилди.

— Ваалайкум ассалом Алишержон! Яхши ўтирибсизларми? Овсиним Гулшодахон яхши юрибдиларми? Ойижонимнинг тану жонлари соғу саломатми? Нурбекжоннинг оила аъзолари ҳам яхши юришибдими? — Нилуфар Алишерни саволга кўмиб ташлади.

— Ҳаммамиз яхши юрибмиз. Ойижонимлар ҳамда Нурбек акамнинг оила аъзолари, Гулшодахон сизларга салом айтишди.

— Саломат бўлсинлар.

— Алижон акам уйдадиларми?

— Йўқ! Касалхонада, Жасурбекларнинг олдига кетувдилар.

— Жасурбек акамларнинг ўзларига келганларини эшитдингларми?

— Йўқ. Жасурбек ҳушига келибдими?

— Ҳа, ҳозиргина менга бош шифокор қўнғироқ қилиб айтдилар.

— Акангиз уйга келсалар сизга қўнғироқ қилсинми?

— Йўқ! Кечки пайт менинг ўзим сизларга яна қўнғироқ қиламан.

— Акангизга нима деб қўяй?

— Ҳеч нарса. Фақат менинг қўнғироқ қилганимни айтиб қўйинг!

— Ойижоним билан овсиним Гулшодахонга салом айтинг.

— Хайр, соғ бўлинглар.

Алишержон билан гаплашиб бўлиб телефон гўшагини жойига қўйган Нилуфар югурганича ошхонага кириб қувноқ овозда қичқирди.

— Ур-р-р-ре! Жасурбек ҳушига келибди! — деди у.

— Ростданми? — Нодира ўтирган ўрнидан сакраб туриб Нилуфарнинг юзларидан ўпди. — Шу гапларни айтган оғзингизга асал!

— Худога шукур, Нодирахон, — деди Нилуфар — Ана энди нима бўлганлигини Жасурбекнинг ўзлари айтиб беради.

— Шу пайтгача менинг гапларимга ҳеч ким ишонмаган эди. Лекин бу ишнинг бошида анову нонкўр Зебо турганлигига менинг ҳеч шубҳам йўқ. Мана энди Жа-

сурбек акамнинг ўзлари айтиб берганларидан сўнг ҳаммангиз менга тан берасизлар.

— Озгина сабр қилиб туриг, Нодирахон. Сабрнинг таги сариқ олтин дейишади.

— Шунинг учун ҳам ҳозирча бу аблахга индамаяпман. Агар гумонларим тасдиқланса, Зебонинг бошига ит кунини солмасам юрган эканман бу дунёда!

Шу пайт эшик кўнғироғи жиринглаб қолди.

— Акангиз келдилар шекилли, — деб Нилуфар кўча эшигига қараб югурди.

Нодира ҳам унга эргашди. Эшикни очган Нилуфарнинг кўзи остонада катта сумка кўтариб турган Алижонга тушди.

— Суюнчи беринг дадаси, Жасурбек хушига келибди, — деди у.

— Қаердан эшитдинг онаси, — деди Алижон кўлидаги сумкани хотинига узатиб.

— Бу нима? — деди Нилуфар эридан сумкани олиб.

— Товук.

— Шунча товукни нима қиламиз?

— Буларни сўйиб, — деди Алижон, — Жасурбекка шўрва пишириб борамиз.

— Ўзингиз Жасурбек билан гаплашдингизми?

— Йўқ. Ҳозир уларга тинчлик керак деб шифокорлар Жасурбекнинг олдига мени киритишмади.

— Жудаям бўшсиз-да, дадаси. Шифокорлар олдларига кириш мумкин эмас десалар, уларнинг гапларига ишониб дарров уйга қайтавердингизми?

— Бошқа нимаям қилардим, онаси?

— Бир иложини қилиб Жасурбекнинг олдларига киришингиз керак эди.

— Шифокорларнинг чўнтагига пул тикмадингизми? — Нодира уларнинг гапига аралашди.

— Бир марта пул бераман деб шарманда бўлишимга сал қолган. Жонлантириш бўлимининг бошлиғи Фурқат Содиқович деган одам умуман пул олмас эканлар. Мабодо ходимларидан кимдир бундай ишларга аралашиб қолганлигини сезиб қолгудай бўлсалар ишдан бўшаттириб юбораркан, — деди Алижон. Кейин у пешона терларини кўлининг кафти билан артиб яна сўзида давом этди. — Кеча тунда навбатчи шифокорга озгина пул бериб Жасурбекни икки марта кириб кўргандим. У ҳам

кундуз ҳеч ҳам ёрдам бера олмаслигини, фақат навбатчи бўлиб қолган куни тунда Жасурбекнинг олдига олиб кириши мумкинлигини айтганди.

— Ҳозирги замонда ҳам пул олмайдиган одам бормикин? — деди Нодиранинг шаддодлиги тутиб.

— Нодирахон синглим, шу бетга чопарлигинг қолмади-қолмадида! — деди Алижон.

— Тўғри гап тукқанингга ҳам ёқмайди деганлари жуда ҳам тўғри экан! — Нодира тўнғиллади.

— Худога шукур, Жасурбек ўзига келди! Энди озгина сабр қилсак касалхонадан ҳам чиқиб қолар, ана шунда ҳамиша кўз олдимизда бўлади! — деди Алижон. — Қани энди тез-тез шўрвани пиширинглар. Жасурбек шунча кундан бери туз ҳам тотгани йўқ!

— Дадаси, сиз товукни сўйиб берсангиз бизлар овқатни бирпасда пишириб ташлаймиз! — деди Нилуфар.

— Хўп бўлади, онаси! — дея Алижон хотинининг қўлидаги сумкадан бир товукни олиб ташқарига чиқиб кетди.

* * *

Ётоқхонанинг эшиги ортида туриб уйда бўлаётган гап-сўзларни эшитиб турган Зебохон Нилуфарнинг “Жасурбек ҳушига келибди” деганини эшитди-ю, ўзини қўйгани жой тополмай юраги тез-тез ура бошлади. “Энди қандай бўлмасин юқоримизда яшайдиган корейс хотин билан гаплашиб олишим керак” кўнглидан ўтказди. Алижон, Нилуфар ҳамда Нодира Жасурбекнинг олдига касалхонага кетганларидан сўнг уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланган Зебо, — эшикни мenden бошқа ҳеч кимга очма, мен бир жойга бориб тез қайтиб келаман, — деб Холидахонга эшикни ичкаридан қулфлатди-да ўзи кўчага қараб югурди. У ҳаллослаб корейс аёлниқига кириб борди.

Зебохонга эшикни очган корейс аёли: — Тинчликми, Зебо? — деди, кўзлари ўйнаб.

— Эрим ҳушига келибди, Женя хола, — деди Зебохон тез-тез нафас олганича.

— Эринг тузалаётган бўлса сен нимадан қўрқасан?

— Сиз билмайсизда, Женя хола!? Уларнинг қариндошлари мenden гумонсирашаяпти.

— Нега энди?

— Билмасам!

— Ҳақиқатдан ҳам бу ишга алоқанг бор! Бўлмаса нега эрингнинг қариндошлари сендан гумонсирашади?

— Йўқ, йўқ! Ўлай агар бу ишга алоқам бўлса!

— Алоқанг бўлмаса нега бунча қўрқасан?

— Бу воқеа содир бўлган куни эшигингиз олдида менинг хушсиз ётганимни кўриб тез ёрдам чақириб берганингизни терговчига айтгандим. Телефон орқали сиздан ҳам шу гапларимни тасдиқлашингизни илтимос қилгандим.

— Мен ҳам терговчига сен айтгандай қилиб ёзиб бердим. Аммо лекин жинойт қидирув бўлимининг бир ходими билан яна бир йигит, — деди Женя унга тушунтириб — анаву куни уни эрингнинг акаси Алижон билан ҳам уйингизга келганини кўргандим. Улар жинойтчиларнинг кетига тушишганга ўхшайди.

— У қайин укам, исми Алишер. У кечамиди ёки олдинги кунмиди қишлоққа қайтиб кетди, — деди Зебо. — Женя хола, бир пиёла сув беринг.

— Ҳа-а, — деб қўйди Женя. Кейин у стол устида турган чойнақдан пиёлага чой қуйиб узатди. — Мана, совуқ чой, ичиб ол.

Зебохон Женядан пиёлани олиб ичидаги чойни бир кўтаришда ичди.

— Яна қуйиб берайми?

— Майли, яна бир пиёла қуйиб беринг. Женя пиёлани лиммо-лим қилиб қуйиб берган чойни Зебохон яна бир кўтаришда ичиб қўйди.

— Зебо, тўғриси айт, бу ишда алоқанг борми йўқми?

— Ўлай агар бу ишда алоқам йўқ.

— Мен ўша воқеа содир бўлган куни сени кўрмагандим. Ярим тундан ошганда қаерда эдинг?

— Мени ҳам уйимизга бостириб кирган учта эркакнинг биттаси бошимга нима биландир урганини билман, шундан сўнг ҳушимни йўқотиб йиқилиб тушибман. Ҳушимга келиб қарасам эрим қонга беланиб ётибди. Уни ўлиб қолмасин деб ўйлаб ёрдам сўраш ниятида Тўлғоной опаникига чиққандим. Шу пайт тез ёрдам ходимлари билан ички ишлар кийимидаги одамлар келиб эримни олиб кетишди. Кейин мен уйга чиқиб тез ёрдам чақирдим. Менинг бу гапларимни тасдиқлайдиган Тўлғоной опа чет элга кўчиб кетибди. Шунинг учун ҳам сиздан гувоҳ бўлишингизни сўраб телефон қилгандим.

— Сенинг гапларингга ишонмаяпман.

— Нега энди?

— Сабаби, сен менга менинг айтганларимни тасдиқлаб гувоҳлик берсангиз қанчадирам доллар бераман дегандинг, қани ўша долларлар?

— Кейинроқ уйдан олиб чиқиб берарман!

— Йўқ, буниси кетмайди! — деди кампир кўрсаткич бармоғини чўччайтириб ҳавода силкитганича. — Мен сувни кўрмай этик ечадиганлардан эмасман.

— Мен ҳозир, — деб Зебохон ўтирган ўрнидан туриб хонадан чиқиб кетди. Орадан кўп ўтмай у дарров қайтиб келди.

— Мана, Женя хола, сизга ваъда қилган беш юз доллар.

Женя хола ундан долларларни олиб чўнтагига солди.

— Бу берганинг терговчининг ёнига қатнаш учун кетадиган такси харажатларимга ҳам етмайди.

Зебохон халатининг чўнтагидан яна юз доллар олиб узатди.

У Зебо узатган долларни олмади.

— Яна беш минг берасан, ана шундагина мен терговчига ёзиб берган кўрсатмамни ўзгартирмайман.

— Бунча пулим йўқ, Женя хола! Яна беш юз доллар бераман. Йўқ деманг, — Зебохон зорланди.

— Менинг сўраганимни бермасанг манову долларларни Зебо менга ёлғон гувоҳлик беришим учун берди деб терговчига топшираман. Бу ерда сенинг бармоқ изларинг ҳам борлигини унутма!

— Йўқ, ундай қилманг, Женя хола, — деди Зебохоннинг юзлари оқариб, ўнг қовоғи пирпираб учган бир ҳолатда. — Сиз мендан нима ёмонлик кўрдингиз? Нега мени бунча қийнайсиз, Женя хола?

— Сен олдинлари пулга зарур бўлиб қолганларимда қарз бериб кўп ёрдам қилиб тургансан. Шунинг учун ҳам майли уч минг бера қол! — деди Женя сал мулоқим тортиб.

— Женя хола, жон Женя хола, бир ярим минг бера қолай!? Ҳали ишларим жой-жойига тушиб кетса бундан кейин ҳам сиздан ёрдамимни аямайман.

— Уч мингга ҳам сен илтимос қилаётганинг учун рози бўлдим! Бундай ишни бошқа биров илтимос қилганида ўлсам ҳам рози бўлмасдим.

— Раҳмат сизга, Женя хола.
— Ҳозир ҳисоб-китоб қилиб ўртани очиб қўймайсизми?

— Мана ҳозир... — Зебохон чўнтагидан долларларни чиқариб санади-да, бир қисмини Женяга узатди.

У Зебохондан олган долларларни санаб кўрди-да, — Ердан топсанг ҳам санаб ол, дейишади, — деб халатининг чўнтагига солиб қўйди.

— Энди мен борай, қизимнинг ҳам бир ўзи қолган эди.

— Мен ҳам гап билан бўлиб ўтираверибман, — деди Женя хола. — Ҳозир енгилроқ бирор нарса пишираман. Кейин иккаламиз бирга овқатланардик.

— Раҳмат, бошқа сафар.

— Хўп майли, келиб тур. Ҳамиша сен учун эшигимиз очиқ.

* * *

“Қаҳрамон” ресторанининг алоҳида хонасида ўтирган Қаҳрамон билан Тулки тўкин-сочин дастурхондаги ноз-неъматлардан тановул қилиб ўтирган ҳолда суҳбатлашарди.

— Тулки, у ёқларда қандай янгиликлар бор? — сўради Қаҳрамон.

— Бугун Жасур ҳушига келибди.

— Яхши, — Қаҳрамон хаёлга толди. Орадан кўп ўтмай яна сўради. — Зебо нима қилаяпти?

— Жасурнинг акаси Алижонникида писиб ётибди.

— Тўлғонойни у ёқда ҳеч ким изламаяптими?

— Йўқ, ҳозирча тинчлик.

— Яхши, — Қаҳрамон Тулкига жилмайиб қаради. — Тўлғоной билан унинг ёнидаги хотин мен сенга айтгандай ҳужжатларини топиб олдими?

— Ҳа! Бир йигитим ҳужжатларингизни топиб олдим деб сизга таниш аёлга ҳужжатларни топшириб суюнчисини ҳам олди.

— Тўлғоной ҳужжатларини олган бўлса, нега энди у Россияга кетмаяпти?

— Билмасам? — Тулки елкасини қисди.

— Жудаям суст ишлаяпсан Тулки. Қорнинг тўйиб қолдими дейман.

— Йўқ, йўқ! Хатоимни тўғрилайман.

— Тўқлик не дедирмас, йўқлик неларни қилдирмас, деган ақиданг бор эди шекилли.

Тулки индамади. Лекин у “Қахрамон нега ҳозир олдинлари мен яхши кўриб айтиб юрадиган сўзларимни эслаб қолди”, деб ичидан ўйлади.

— Нега индамайсан? Мен сендан шундай ақиданг бормиди деб сўраяпман? — деди Қахрамон ўткир нигоҳини унга қадаб.

— Йўқ, у сал бошқачароқ эди.

— Ўша сўзларингни эслаб турганинг яхши, шунда хатога йўл қўймайсан! Ўша сўзлар қандай эди? Эшитайлик, қани айтчи!

— Тўқлик не дедирмас, йўқлик нени едирмас.

— Яхши, — деди Қахрамон. Кейин у салмоқланиб гап бошлади. — Ненидир егинг келиб қолдими-а?

— Йўқ! Бошқа хатога йўл қўймасликка ҳаракат қиламан.

— Яхши, — Қахрамон яна ўйланиб турдида, бир оздан сўнг қўшиб қўйди. — Ҳозир сен бориб Тўлғонойни бу ерга олиб келасан.

— Хўп бўлади! — деди Тулки. Кейин мен кетаверайми дегандай Қахрамонга қаради.

— Боравер, — деди Қахрамон.

Унинг гапидан кейин Тулки ташқарига чикдида, ховлида турган машинасига ўтириб хайдаб кетди. Орадан кўп ўтмай у Қахрамон ўтирган хонага Тўлғонойни бошлаб кирди.

— Ассалому алайкум Қахрамон ака, — деди Тўлғоной худди ўрталарида ҳеч гап бўлмагандай шўх қулиб. — Сизни кўрар кунимиз ҳам бор экан-ку!

— Келинг, келинг азиз дўстим Тўлғоной. — Қахрамон у билан ўпишиб сўрашди, кейин у Тулкига юзланиб боравер дегандай ишора қилиб қўйди. — Қани, марҳамат қилиб ўтиринг-чи.

— Раҳмат, Қахрамон ака. Нечук мени йўқлаб қолдингиз?

— Аразлаш сизга ярашмас экан.

— Сиздан нега аразлар эканман, Қахрамон ака? Менинг бошимдаги соябонимсизку ахир.

— Яхши, — деди Қахрамон жилмайиб. — Сизни Россияга кетмоқчи, — деб эшитдим!? Шу гаплар ростми?

— Сизга тўғри айтишибди. Уч-тўрт кун олдин укамнинг кўшниси Раҳима опа билан Россияга бориб пул ишлаб келиш ниятида поездга чиққан эдик. Нимадир бўлиб иккаламиз ҳам ҳужжатларимизни йўқотиб қўйдик. Шундан сўнг ноилож поезддан тушиб қолдик.

— Кўп ҳам сиқилаверманг, азиз дўстим Тўлғоной, қайта ҳужжат олишингизга ўзим қарашиб юбораман.

“Бунинг ўзи Жасурнинг иши босди-босди бўлиб кетгунича мени кўздан қочирмаслик учун ҳам ҳужжатларимизни ўғирлатган”, деган фикр Тўлғонойнинг хаёлидан ўтди.

— Раҳмат, Қаҳрамон ака! Яхши одамлар ҳам бор экан, ҳужжатларимизни топиб олган бир йигит бизларни топиб ҳужжатларимизни бердида, суюнчисини олиб кетди.

— Ишқилиб пулларингизни йўқотиб қўймадингизларми?

— Уч-тўрт сўмни айтмаганда йўқотмадик десак ҳам бўлади.

— Энди Россияга кетмоқчимасмиз?

— Агар сиз рухсат берсангиз пул ишлаб келиш баҳонасида Россиясини ҳам бир кўриб келмоқчиман.

— Нега энди мендан рухсат сўрашингиз керак, азиз дўстим Тўлғоной? Сиз эркин қушсиз, хоҳлаган томонингизга учиб кетишингиз мумкин.

— Куллуқ Қаҳрамон ака, — Тўлғоной иккала қўлини кўксига қўйди. — Агар иложи бўлганида эди, олдингиздан бир қадам ҳам жилмаган бўлардим.

— Бизлар бир-биримиздан узоқроқда бўлганимиз яхши. Ана шундагина бир-биримизга талпиниб яшаймиз. Менинг бу гапларимга нима дейсиз, азиз дўстим Тўлғоной?

— Сиз ҳеч қачон нотўғри айтмагансиз, Қаҳрамон ака. Қуйинг коньягингиздан, бугун бир яйраб-яшнайдик!

Қаҳрамон стол устида турган коньяк шишаларидан бирини олиб оғзини очдида, иккита фужерга тўлатиб қўйди.

— Қачон Россияга кетмоқчисиз, азиз дўстим Тўлғоной?

— Россияда савдо-сотик билан шуғулланадиган хо-

лам келганди, улар ўғилларини уйлантирмоқчи. Энди тўйни ўтказиб холам билан бирга кетмоқчиман.

— Яхши ўйлабсиз! — деди Қахрамон. — Мен бугун сиз учун ичмоқчиман, қани олдик!

Улар фужерларни бир-бири билан тўқнаштириб ичидаги коньякни бир кўтаришда ичиб қўйишди.

* * *

Алишернинг Тошкентга бориб келганлигини эшитган акаси билан синглиси меҳмонга келишди. Ҳовлидаги сўрининг юкорисида ўтирган Гулчеҳра момо ўзининг атрофида ўтирган фарзандларига боқиб ҳеч ҳам уларнинг дийдорига тўймасди.

— Наргиза қизим, анчадан бери келмай қўйдинг, тинч-мисан ўзи?

— Худога шукур, тинчман ойижон! Қайин синглимни турмушга узатадиган бўлиб қолдик! Бир томонда тўй ташвишлари, иккинчи томонда ўзимнинг ишим билан овра бўлиб сизни кўргани ҳам кела олмадим, узр ойижон! — деди Наргиза бир оз хижолат бўлиб.

— Майли қизим, мен учун тинч бўлсанг бўлди, — деди Гулчеҳра момо — ҳар бир она учун фарзандларининг соғу саломат бўлиб тинч-тотув яшашларини кўришдан ортиқ бахт йўқ бу дунёда, болажонларим!

— Наргизахон ҳозир ўқувчи болалар таътилдаку? Шундай бўлса-да, ўқитувчилар мактабга боришадиларми? — Нурбек хайрон бўлиб сўради.

— Ўқитувчиларга қирқ беш кун иш таътили беришадди. Иш таътили тугаши билан ҳар бир ўқитувчи дарс ўтиш учун ўзларига биркитилган хонани биринчи сентябргача бўёқ ва оҳакдан чиқариб стол-стул ва кўргазма қуролларини бир қатор кўздан кечириб камчиликларини тўғрилаши керак, — деди Наргиза.

— Ойижон, келинингиз билан маслаҳатлашиб Аброрингизни октябрь ойида суннат қилдириб юбормоқчи эдик. Шунга сиз нима дейсиз?

— Ҳозир Аброржон неча ёшда? — Гулчеҳра момо сўради.

— Беш ёшда, — жавоб берди Нурбек.

— Агар неварам беш ёшда бўлса қўлини ҳалоллаб юборсанглар бўлади, — деди Гулчеҳра момо. — Отабоболаримиз уч ёшда, беш ёшда ва етти ёшда боланинг

қўлини ҳалоллашган. Кекса одамларнинг ишларида ва гап-сўзларида ҳикмат кўп болажонларим!

— Дўхтирга олиб борсақмикин ёки суннат қиладиган устагами?

— Менимча, боланинг қўлини ҳалоллайдиган уста яхши. Тагин ўзларингиз яна бир марта ўйлашиб кўринглар, — деди Гулчехра момо. — Ака-укаларингга тўй қилмоқчиман десанг улар ҳам қараб туришмайдию, лекин тўйга ўзларингиз ҳам у-бу нарса жамғариб қўйдингизларми?

— Пул жамғариб қўйдик, ойижон! Оладиган нарсаларни сиз билан маслаҳатлашиб бозордан олаверамиз, — Саида гапга аралашди.

— Яхши ўйлабсизлар, болажонларим, — деди Гулчехра момо. У ҳар доим келинларига қизим ёки болажоним деб мурожаат қиларди. Ҳозир ҳам Гулчехра момо Саидага “қизим” деб мурожаат қилди. — Саидахон қизим, сиз ҳам ота-онангиз билан маслаҳатлашиб кўрдингизми?

— Олдин сиз билан маслаҳатлашиб олганимиздан сўнг ота-онам билан маслаҳатлашармиз деб ўйладим, ойижон, — деди Саида.

— Тўйдан олдин маҳалла кампирлари билан Аброржоннинг қўлини ҳалоллашимиз учун янги кўрпа-тўшак тикамиз, шунини ойижонингизга айтиб қўйинг, қизим!

— Хўп бўлади, ойижон! — деди Саида.

— Дадамлар бизларга уй-жой қилиб алоҳида чиқазганларида тикиб берган кўрпа-тўшакларингизнинг кўпчилиги ишлатилмай турибдику ойижон. Яна овора бўлиб кўрпа-тўшак тикиб нима қиласизлар!? — Нурбек хайрон бўлиб сўради.

— Бу кўрпа-тўшакни уйингда кўрпа-тўшак йўқлиги учун тикмаймиз, уни Аброржоннинг ўзи учун яхши ният қилиб тикамиз! — деди Гулчехра момо. — Ирими шундай бўлади. Буни билиб қўйсангизлар зарар қилмайди болажонларим!

Шу пайт ошхонадан чиқиб келган Гулшода: — Ўғлингизнинг ишлари чиқиб қолганга ўхшайди!? Кеч қолиб кетдилар, ошни сузаверайми ойижон!? — деди.

— Алишержонга телефон қилганмидингиз қизим? — Гулчехра момо ички бир ҳаяжон билан сўради.

— Ҳа ойижон, телефон қилиб Нурбекжон акамлар оила аъзолари билан яна Нарғизахон опамларнинг ҳам

келишганларини айтгандим. Ўғлингиз ишларим тугаши билан дарров етиб бораман дегандилар, — Гулшода жавоб берди.

— Шу болажонимнинг иши жуда оғир. Эрта-сахардан ишга кетиб одамлар ётадиган пайтда ишдан келади, — Гулчеҳра момо ўтирган ўрнида бир қўзғалиб қўйди. — Яна бир марта кўнғироқ қилиб кўринг қизим.

— Хўп бўлади ойижон, — деди Гулшода ўнг қўлини кўксига қўйиб. Кейин у уй ичига кириб кетди.

— Нодирахон қизим сал шаддод чиқиб қолди. Ишқилиб Тошкентдаги акаларининг кўнгилларига тегиб қўймасинда! — деб Гулчеҳра момо хаёлга берилиб.

— Акамларнинг ҳаммаси опамнинг бу одатига кўниқиб кетишганларидан улардан хафа ҳам бўлиб ўтиришмайди, — деди Наргиза.

— Раҳматли даданг ўғил болалардан кейин биринчи кўрган қизлари бўлгани учун ҳам Нодирахонни сал эркалатиб ўстирган эдилар, — деди Гулчеҳра момо.

Шу пайт кўчада машинанинг келиб тўхтаган товуши эшитилди.

— Ана, болажоним келди, — деди Гулчеҳра момо энтиқиб.

Сўрида ўтирганлар ўринларидан туришга чоғланишди. Кўчада тўхтаган машинанинг эшиги ёпилиб вазиллаганича юриб кетгани эшитилди. Шундан сўнг дарвозанинг ичига ўрнатилган эшик очилиб Алишер кўринди.

— Ассалому алайкум ойижон! Яхши ўтирибсизми? — деди у ҳар кунги одатини бузмай. Кейин у эшикни оҳиста ёпди.

— Ваалайкум ассалом, болажоним. Яхши етиб келдингми? — деди Гулчеҳра момо ўтирган жойида.

Алишер сўрини айланиб бориб елкасини онасига тутди.

— Умрингдан барака топ, болажоним, — Гулчеҳра момо ўғлининг елкасига қоқди. Энди сўрашиш навбати Нурбекка етди. У укаси билан кучоқлашиб сўрашди. Кейин Алишер қолганлар билан сўрашиб бўлиб уй ичига кириб кетди. Орадан кўп ўтмай ичкаридан уй кийимларини кийиб чиққан Алишер сўрида ўтирганлар даврасидан жой олди.

— Ҳаммангиз умрларингиздан барака топиб бахтли-

тахтли бўлинглар, болажонларим! — деб Гулчехра момо дуо қилди.

Даврадагилар ҳам унга қўшилиб юзларига фотиҳа тортишди.

— Тошкентга бориб келибсан деб эшитдим? — сўради Нурбек. — Алижон акам билан Жасурбек укамларнинг оила аъзолари яхши юришибдиларми?

— Ҳаммаси соғу саломат юришибди. Сизларга салом айтиб юборишди, — деди Алишер акасидан кўзларини олиб қочаркан. “Нурбек акамларни кузатиб қўяётган пайтимда ўзларига Жасурбек акам билан бўлиб ўтган воқеани ётиви билан тушунтириб айтарман”, деб ўйлади у.

Шу пайт ичкаридан чиқиб келган Гулшода: — “Ошни сузаверайми, ойижон?” — деб сўради.

Ана энди ошингизни сузаверинг, қизим, — деди Гулчехра момо, қувониб.

* * *

— Компьютердан олинган хулосалар яхши чикди. Энди худо хоҳласа укангиз минг йил яшайди, Алижон ака, — деди Ғайратжон.

— Хоҳласангиз бугун Жасурбекнинг олдларига олиб кираман.

— Раҳмат Ғайратжон ука, — деди Алижон унга қандай қилиб миннатдорчилик билдиришни билмай. — Укамнинг олдига ҳозир олиб кирасизми?

— Ҳа.

— Товуқ шўрва олиб келгандим, буни нима қилай?

— Ўзингиз билан бирга олинг. Бугун Жасурбекни ўзингиз овқатлантирасиз.

— Ростданми? — Алижоннинг қувончдан кўзлари яшнаб кетди.

— Ҳа!

— Шўрвадан бошқа яна нима олиб олай?

— Ҳозир улар кўпроқ суюқлик истеъмол қилиши керак.

— Шарбат ҳам олиб келганман.

— Ҳозирча шарбат керак эмас, кечаги олиб келган шарбатингиз ҳам турибди.

— Ошхонадан қовурилган жўжа олиб келсам-чи?

— Йўқ, ҳозирча фақат суюқ овқат ичишлари керак, — деди Ғайрат.

Шу пайт телефон жиринглаб уларнинг суҳбати бўлинди. Ғайрат телефонда ким биландир узоқ гаплашди. У гаплашиб бўлгач, гўшакни жойига қўйиб Алижонга тушунтира бошлади.

— Ўфиллари қайнотамни кеча касалхонага ётқизишибди. Турмуш ўртоғим ойим билан бирга касалхонага бориб адамларни кўриб келаман деганди. Ҳозир улар касалхонадан кўнғироқ қилишди.

— Қайнотангизга нима қилибди? /

— Сал товлари қочибди. Мен ҳам тушлик пайтимда бориб уларни кўриб келишни мўлжаллаб турибман.

— Яхши ўйлабсиз, Ғайратжон ука. Одам одамга ганимат. Бу дунёда яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам жавобсиз қолмайди. Агар йўқ демасангиз, мен ҳам сиз билан бирга бориб қайнотангизни кўриб келардим.

— Келишдик, Алижон ака. Уларнинг олдига бирга борамиз — деди Ғайрат. — Турмуш ўртоғимнинг кўнғироғини кутиб турганим учун ҳам хонадан чиқиб кета олмаётгандим. Қани, энди юринг, укангизнинг олдига борамиз.

— Менга сизнинг ишингиз жуда ёқиб қолди, Ғайрат ука. Нега десангиз шифокорлар бировларнинг дарди билан яшашаркан.

— Белда қувватимиз борида элга хизмат қилиб қўйсак, қариган пайтимизда гаштини суриб юрамизда, Алижон ака, — деди Ғайратжон жилмайиб. Кейин у хонадан Алижон билан бирга чиқиб эшикни қулфлади. Сўнг улар даҳлиздан ўтиб юқори қаватга кўтарилишиб Жасурбек ётган хонага киришди.

Акасига кўзи тушган Жасурбек дарров ётган ўрнидан туришга уринди.

— Уринмасдан бемалол ётавер, — деди Алижон укасининг елкасидан босиб.

— Тузукмисиз? — деб Ғайратжон унинг жароҳатини қўли билан ушлаб кўра бошлади.

Жасурбек бош ирғади.

— Яхши, анча битиб қолибди, — деди Ғайратжон. Кейин у Алижонга юзланиб, — Фурқат Содиқович беш дақиқага рухсат бердилар. Шунгача укангизга шўрва ичириб қўйсангиз ҳам бўлади.

— Хўп бўлади, Ғайратжон ука, — деб Алижон ука-

сини қандай қилиб овқатлантиришни билмай довдираб туриб қолди.

Буни сезган Файратжон:

— Сизга ҳар овқат олиб келганингизда шарбат ичадиган резина қувур ҳам олиб келинг деб айтгандимку, олиб келмадингизми? — деди.

— Олиб келдим!

— Қани ўша резина шлангингиз?

— Мана, — Алижон сумкадан ингичка шлангни олиб Файратжонга узатди.

— Шўрвани ҳам беринг.

Алижон сумкадан икки литрлик шиша идишни олиб Файратжонга берди.

У қувурнинг бир тарафини шўрва тўла шиша идиш ичига ботириб, бир тарафини Жасурбекнинг оғзига тутди.

Энди Жасурбек ётган ерида шланг орқали шўрва ича бошлади.

* * *

Зебохон Женьяникдан чиқиб ўзининг уйига кирди. Кейин у Холидахон қизимни узатганда сепига кўшиб берарман деб йиғиб юрган тиллолари билан қолган долларларни сейфдан олиб ўзи яшайдиган уйдан уч-тўрт уй наридаги дугонасиникига қараб югурди.

“Ишқилиб Ойжамол уйда бўлсинда! Бу тиллолар билан долларларни ишончли ерга қўйиб овсиним билан қайинсинглим касалхонадан келмасидан олдин уйга етиб олсам бўлди эди”. Хаёлга берилган Зебохон дугонаси яшайдиган уйга кириб зиналарни бир-бир босиб иккинчи қаватга қўтарила бошлади. Шу пайт ўрта бўйли тўладан келган кулча юзли бир аёл унга рўпара келиб, — Вой Зебохонмисиз? Бормисиз дугонажон? Қайси шамоллар учирди? Анчадан бери кўринмайсиз? — дея уни саволга кўмиб ташлади.

— Бир нави юрибман. Ўзингиз тузукмисиз Ойжамол? — деди Зебохон.

— Ҳа, яхшиман. Ишларим беш! Вилоятдан гуруч олиб келадиган уч-тўртта йигитлар билан танишиб қолдим. Аввалига улардан арзон нархда гуруч олиб сотдим. Кейинчалик бу йигитлар менга ишониб қолишди шекилли, энди олиб келган гуручини қарзга ҳам бериб

кетишаяпти. Улар яна гуруч олиб келишгунларича аввалги олиб келган гуручини сотиб пулларини тайёрлаб қўяман. Ҳозир пичоғим ёғ устида, Зебохон!

— Ойжамол, ишларингиз яхшилигидан хурсандман! Агар борадиган жойингиз зарур бўлмаса уйингизга кириб бафуржа гаплашардик!

— Вой дугонажон, иш қочиб кетмайди. Юринг уйга. Бирпас чақчақлашиб гаплашамиз! Учрашмаганимизга ҳам анча бўлди. Бирам гап кўп, бирам гап кўп қўяверасиз энди. — Ойжамолнинг лаби-лабига тегмай гапирарди. У эшиги олдига келганда чўнтагидан калитни олиб эшикни очди.

— Қани, уйга киринг Зебохон. Ҳозир памил чой дамлаб ичамиз, чанқоқни босади. Худога шукур, уйимда ҳамма нарсам бор. Кейин сиз яхши кўрадиган дўппидай ош дамлаб бераман. Ошдан сўнг мириқиб гаплашамиз.

— Ҳозир сиз билан гаплашиб оладиган муҳим гапларим бор эди. Ошни бўлса бошқа сафар ермиз, — деди Зебо тоқатсизланиб.

— Вой Зебохон, остонада туриб гаплашмаймизу ахир. Уят бўлади-я! Қани меҳмонхонага киринг, — Ойжамол Зебохонни меҳмонхонага бошлади.

Улар хонага киришди.

— Қани, Зебохон юқорига чиқинг, — дея Ойжамол унга ўтириш учун юмшоқ ўриндикдан жой кўрсатди.

Зебохон ўриндиққа омонатгина ўтирди.

— Сиз бемалол жойлашиб ўтиринг, мен ҳозир памил чой дамлаб келаман.

— Йўқ, йўқ овора бўлманг, мен шошиб турибман.

— Шошган қиз эрга ёлчимаслигини биласиз-а? Шунинг учун шошманг Зебохон. Бир пиёла чой ичмай ҳеч қаерга кетмайсиз, — дея Ойжамол хонадан чиқиб кетди. “Ўзи шалдур-шулдир бўлгани билан дугонам ёмон одам эмас. Ичимдагини топ деган писмиқлардан қўрқиш керак”, хаёлидан ўтказди Зебо.

— Ҳозир чой ҳам тайёр бўлади, — дея Ойжамол стол устига дастурхон ёза бошлади.

— Ойжамол, бирпас ўтиринг, сизга айтадиган зарур гапларим бор, — Зебохон зорланди,

— Нима бўлди дугонажон? Осмон узилиб ерга тушдими? Намунча оёғи куйган товукдай типирчиламасангиз.

— Сизнинг ёрдамингизга мухтож бўлиб қолдим, Ойжамол, — дея Зебохон бир лахза жим бўлиб, сўзини нимадан бошлашини ўйлаб олдида, кейин унга мурожаат этди. — Мен сизга бир нарса бериб кетсам вақтинча сақлаб тура оласизми?

— Сиз бир нарсани айтаяписизми? Мингта нарса ташлаб кетсангиз ҳам гард теккизмасдан асрайман! Мени ким деб ўйлаяписиз, Зебохон? Бир-биримизнинг кунимизга ярамасак нима қилиб юрибмиз дугона бўлиб? Ана, етти ёт бегоналар ҳам қоп-қоп гуручларини менга ишониб бериб кетишяпти-ку ахир.

— Ойжамол, сиз мени тушунмадингиз! Аввал гапларимни охиригача яхшилаб эшитинг, кейин хафа бўлсангиз ҳам жон устига.

— Ўзингиз ҳеч нарса демасангиз, мен қандай қилиб эшитаман? Тинчликми ўзи?

— Тинчликмас-да, Ойжамол. Шунинг учун ҳам сизнинг олдингизга ёрдам сўраб келдим.

Шу ерда Зебохоннинг сўзини бўлиб Ойжамол: — Вой эсим курсин-а, гап билан бўлиб сиздан сўраш эсимдан чикибди-ку! — дея қўллари билан оёқларига шапатаблаб урди.

— Маҳалладаги дув-дув гаплар тўғри эканда-а?

— Қайси дув-дув гапларни айтаяписиз?

— Сизлар тўғрингиздаги дув-дув гапларда. Нима, сиз эшитмадингизми? — Ойжамол катта кўзларини янада катта-катта очиб киприкларини пирпиратди.

— Сиз нима ҳақида айтаётганингизни билмасам? — деди Зебохон елкасини қисиб.

— Бўлмаса гапларимни эшитинг, Зебохон. Ҳозир одамлар оёғи билан эмас, тили билан юрадиган бўлиб кетишибди. Бир кун сиз эрингиз Жасурбекни уриб майиб қилиб қўйганмишсиз. Шунинг учун милиция сизни қамаб ташлаганмиш деб эшитсам. Иккинчи куни Зебохон жиноятчилар гуруҳига раҳбар эмиш, хотинининг бу қинғир ишларини Жасурбек сезиб қолгач уни ўлдиртириб жасадини йўқ қилдиртириб ташлабди. Ҳозир бутун милиция ходимлари оёққа туриб Жасурбекнинг жасадини излашаётганмиш деб эшитсам, яна бир кун Зебохон эрини ўйнаши билан ушлаб олиб аччиқ устида ундан ўч олиш учун ёлланма қотилларни ёллаб эрини ўлдиртириб юбормоқчи бўлган экан, топшириқни бажариш учун жи-

ноятчилар Жасурбекнинг уйига келиб уни таёқ билан роса савалашибди. Бу шовқин-суронни эшитган кўшниси уларникига чиққан экан, қотиллар уни ҳам бир мушт уриб қочиб қолибди. Ҳозир Жасурбек хушсиз касалхонада ётганмиш. Анаву кунни, оти тилимнинг учида турибди. Эсим курсин. Исми нима эди-я? Ановучи, ўзи кесилган гўлага ўхшаш семиз, кўзлари карисларникига ўхшанган писка борку? “Бутун бошли мавзенинг бошлиғиман” деб ўз кўксига шапатилаб уриб мақтаниб юрадиганчи, — деб Ойжамол у одамнинг отини тополмай сўзидан тўхталди.

— Лочинбек аками? — деди Зебохон.

— Уни ака деманг! У сизни ҳақорат қилди, — деди Ойжамол киприкларини пирпиратиб.

— Ўша одам, “Зебо яқинда ўйнашга ишониб эрсиз қолади” деди. Мен унга сиз қаердан биласиз, десам у нима дейди денг? — Ойжамол кўзларини катта-катта очиб Зебохонга тикилганича сўради.

Ичидан зил кетган Зебохон “айтаверинг” дегандай бош ирғади.

— Ўша одамнинг сўзларига қараганда, гўё сиз эрингизнинг бутун бойлигига эга бўлиш ниятида ўйнашингизга эрингизни ўлдиртириб юбормоқчи бўлганмишсиз. Уни худо бир асраб тирик қолганмиш. Ҳозир эрингиз касалхонада хушсиз ётганмиш. Мен унинг бу гапларига чидаб туrolмай, эй ифлос, хотинларга ўхшаб ғийбат қилганингдан кўра ҳар бало бўлганинг яхши эмасми? деб ёқасига ёпишдим. Шунда Лочин хотинчалишга ўхшаб мени тимдалаб ташласа бўладими? — Ойжамол бўйнидаги яра бўлган тирноқ изларини Зебохонга кўрсатди.

— Мен ҳам ундан панд еб қолмадим Зебохон, гап билан бошлаб узиб олдим. Ажаб қилдим, баттар бўлсин!

Бу гапларни эшитган Зебохон нима дейишини билмай жим бўлиб қолди.

— Гапнинг бу ёғини эшитинг, — деди Ойжамол. — Бу жанжални эшитган учасковой билан жиноят қидирув бўлиmidан бир йигит келиб, “нега Лочинбек билан жанжаллашдингиз” деб мени роса тергашди. Мен ҳеч ким билан жанжаллашмадим, деб туриб олдим, улар “ёлғон кўрсатма берганингиз учун қамалиб кетасиз” дейишса ҳам мен қамокдан кўрқмайман, қамасанглар қамайверинглар деб ўз сўзимда туриб олдим. Кейин улар “тўғри-

сини айтинг” деб ялинишсада, мен ҳеч ким билан жан-жаллашмадим, сизларга айтадиган бошқа гапим йўқ дедим. “Барибир сиз айтмасангиз ҳам сўраб-суриштириб тагига етамиз” дейишди улар, шунда мен анову Лочинбекингизга айтинглар, Ойжамол мени урди деб ёзса сизларга ёзиб берақолсин. Майли мен қамалиб кета қолай. Агар у эркак бўлиб хотиннинг ишини қилсаям, лекин мен хотин бўлсам ҳам бу ишни қилмайман дедим.

Шу пайт Зебохон бўйнини уқалаб деди: — Ойжамол, бир пиёла сув беринг.

— Вой Зебохон, сизга нима бўлди? Юзингиз докадай оқариб кетди-ку? — деб Ойжамол ошхонага югурди. Бир неча дақиқалардан сўнг яна Зебохоннинг қулоғига чалинди. — Вой шўрим қуриб қолибди-ку, мен шўрпешонанинг! човгумнинг суви қуриб уйим ёниб кетишига сал қолибди-я!

Ошхонада ниманингдир тақир-туқир овози эшитилди. Орадан кўп ўтмай Ойжамол бир пиёла сув кўтариб хонага кирди.

— Мана, Зебохон, муздай сув ичиб олинг, — деди Ойжамол — Мен сизнинг эс-хушли, ор-номусли аёл эканлигингизни била туриб бу гийбатларни сизга етказдим-а? Қандай ахмоқ хотинман, мен ўзи?

— Ҳечқиси йўқ, ойни этак билан ёпиб бўлмайдикун ахир! — деди Зебохон, кейин у сувни ичиб пиёлани дастурхон чеккасига қўйди.

— Тўғри айтасиз Зебохон! Ҳақиқат эгилиши мумкин, лекин синмайди! — дея Ойжамол жавонни титиб ниманидир олди. — Мана бу дорини тилингизнинг тагига ташлаб, шиминг!

— Қандай дори? — деб сўраган Зебохон Ойжамолнинг қўлидан дорини олди.

— Валидол!

Энди Зебохон ҳеч нарса демай дорини тилининг тагига ташлаб кўзларини юмганича юмшоқ ўриндикка суяниб жим ўтирарди. У шу ҳолатда узок ўтириб қолди. “Ҳозир тиллалар билан долларларни Ойжамолга берсам, у ҳақиқатдан ҳам Зебохоннинг жиноят олами билан алоқаси бор экан, деб ўйлаши турган гап! Агар буларни Ойжамолга бермасам долларлар билан тиллаларни қаерга ҳам беркитаман? Ҳозир менинг ортиқча вақтим ҳам йўқ! Бунинг устига бундан ишончлироқ одамим ҳам йўқ!

Шунинг учун ҳам Ойжамол ишонадиган бирор гап ўйлаб топишим шарт” деб Зебохон ичидан ўйларди.

— Энди тузукмисиз, Зебохон? — деди Ойжамол унинг сўлгин юзларига боқиб.

Зебохон секин кўзларини очиб қаддини ростлади.

— Ойжамол, одамларнинг гапларида озгина бўлсада жон бор! — деди у томдан тараша тушгандай қилиб.

Ойжамол Зебохоннинг гапларини нотўғри эшитдим шекилли деб ўйлаб, — нима дедингиз Зебохон? — деди у.

— Мен билан эримни учта эркак уйимизга бостириб кириб уриб кетишди. Ҳалиям бизнинг бахтимизга қўшниларимиз бор экан. Улар тез ёрдам чакиришиб бизни касалхонага жўнатишди.

— Йўғ-э!

— Ҳа, эр-хотин иккаламиз ҳам бир ўлимдан қолдик!

— Худо бир асради денг!

— Ойжамол, ҳақиқатдан ҳам бизларни худо бир асради, — деди Зебохон. — Жароҳатим енгилроқ бўлгани учун ҳам мени касалхонадан эримнинг акаси олиб чиқди.

— Жасурбек ака хушсиз ётибдими? — деди Ойжамол Зебохоннинг гапини бўлиб.

— Йўқ! Улар ҳам яқинда касалхонадан чиқиб қоладилар.

— Э, сизларга жабир бўлибдику, Зебохон!

— Ҳалиям иккаламизнинг ҳам жонимиз омон қолгани учун шукур қиламан. Мабодо эримга бир кор-хол бўлганида борми, тухматга қолиб кетарканман-да. Одамларнинг оғзига элак тутиб бўлмайди-ку ахир.

— Одамларни қўяверинг, Зебохон. Бой бўлсанг кўра олмайди, йўқ бўлсанг беролмайди.

— Агар менинг гапларимни сир тута олсангиз сизга бир гапни айтмоқчиман.

— Хафа қилаяпсиз Зебохон, қачон сизнинг сирингизни бировга айтганман?

— Мабодо бу сир қайноғамнинг қулоғига етиб боргудай бўлса менинг оиламнинг бузилиб кетиши турган гап.

— Алижон акани назарда тутаяпсизми?

— Ҳа.

— Агар бир-биримизнинг сиримизни сақлай билмасак, нима қилиб юрибмиз дугона бўлиб.

— Раҳмат сизга, Ойжамол. Оғир кунимда мени ёл-физлатиб қўймаслигингни билардим, — деди Зебохон. — Қайноғам Алижон аканинг беш-олтита дўкони ва ўн-ўн бешта ишчиси бор эканлигини ҳам биласизми?

— Билмай ўлибманми. Уларни маҳалламизда кўпчилик танишади-ку!

— Бизларнинг бошимизга тушган бу кулфат эримнинг ака-укаларини ҳам ташвишга қўйди.

— Уларга нима қилди?

— Терговчи йигит эримнинг ака-укаларидан ҳам гумонсираб уларни ҳам сиқувга олаяпти. Шунинг учун ҳам Алижон ака уйини тинтув қилиб бор-йўғидан айрилиб қолишдан қўрқиб топган-тутганини менга бериб ҳамма нарса жой-жойига тушиб кетгунича шу омонатни ишончли танишларингизникига қўйиб турунг деб илтимос қилди.

— Алижон акалар дўконидан ҳалол ишлаб топган пулларни нега энди яширишлари керак?

— Мен ҳам уларга шу саволни берсам, ҳеч бўлмаганда шунча пулни қаердан олдингиз деб савол-жавоб бўлади. Ўзимнинг ташвишим бошимдан ошиб турганида, бу менга ортиқчалик қилади. Ташвиш устига ташвиш қўшмасдан ортиқча пулларни ишончли танишингизникига беркитиб турганимиз яхши дедилар.

— Алижон ака тўғри айтибдилар. Беринг ўша омонатингизни, сиз сўрагунингизгача асраб қўяман.

— Раҳмат Ойжамол, — Зебохон қўлидаги тугунни унга узатди.

Ойжамол тугунни Зебохоннинг қўлидан олиб ётоқхонага беркитиб чиқди. Энди Зебохон Ойжамолнинг оғзини ёпиш учун олдиндан чўнтагига солиб қўйган битта узукни олиб унга узатди. — Алижон ака мана буни омонатимни қайси танишингиз сақлаб берса шу танишингизга совға сифатида беринг, деб илтимос қилдилар деди.

— Йўқ, йўқ, керак эмас. Яхши-ёмон кунимизда бир-биримизни суямасак нима қилиб юрибмиз дугона бўлиб.

— Олаверинг, қайноғам чин дилдан бердилар, — деди Зебохон қўлидаги узукни унга ҳамон узатиб турганича.

— Агар узукларини ўзларига обориб бермасангиз омонатларини сақлаб бермайман, — деди Ойжамол хафа бўлиб.

- Алижон акага нима дей?
- Менинг шу гапларимни етказинг.
- Хафа бўлмайсизми, Ойжамол.
- Мабодо тагин бирор нарса илтимос қилгудай бўлсангиз, яна шундай ҳолат такрорланса ана унда сиздан қаттиқ хафа бўламан Зебохон.
- Узр Ойжамол! Сизни хафа қилмоқчи эмасдим, иккинчи марта бундай қилмайман.
- Келишдик.

* * *

Нодира билан касалхонадан келган Нилуфар эшик ёнгинасида деворга ўрнатилган қўнғироқ тугмасини босди. Ичкаридан садо бўлмади. Шунда у жажжи оқ тугмачани устма-уст қайта-қайта босди, яна ичкаридан жавоб бўлмади. Кейин Нилуфар эшикни муштлаб урди. Бунинг ҳам фойдаси бўлмади.

— Зебохон уйда ётавериб зериккан шекилли, Холидахон билан кўча айланиб келиш учун ташқарига чиққан бўлса керак, — деди Нилуфар. — Юринг, Нодирахон, уларни излаб топамиз!

— Кеча Алижон акам дўконларидаги савдодан тушган пулларни уйга олиб келганини Зебо кўрган бўлса у ана шу пулларни олиб қишлоққа ака-сингилларининг ёнига қочиб кетворган бўлса нима қиласиз!? — деди Нодира ваҳима қилиб.

— Туз еган дастурхонга туфлаб ўлибдими? Зебохон шунчаликка бормас?

— “Эрим — пирим”, дейишади! Пирини ўлдирмоқчи бўлган одам туз еган жойини аяб ўтирармиди? Сиз ҳам жуда содасизда кеннойи!

— Қўйинг, ундай деманг, Нодирахон. Минг қилса ҳам кеннойингиз бўлади.

— Ундай кеннойининг боридан йўғи яхши.

— Ошириб юбордингиз, Нодирахон Зебохон унчалик ёмон аёл эмас!

— Уни яхши билмас экансиз?

— Зебохонни нега билмас эканман? Жасурбек билан энди турмуш қуришган пайтларида бизларникида яшардику ахир! Алижон акангиз уларга уй олиб берганларидан сўнгина алоҳида яшай бошлашди.

— Зебохон у пайтларда камбағал бир оиладан чиқ-

қан қишлоқнинг қизи эдида. Ҳозирги Зебо билан у пайтдаги Зебонинг осмон билан ерча фарқи бор.

— Жудаям ошириб юбордингиз, Нодирахон. Сиз унинг ёмонлигини қаердан била қолдингиз?

— Ҳеч ҳам бўрттириб юборганим йўқ! Сиз уни яхши билмас экансиз, кеннойи, — деди Нодира ўз фикрида қатъий туриб — Мен олийгоҳда ўқиб юрган пайтларимда Зебонинг хийла-найрангларини кўравериб кўзим пишиб кетган.

— Унинг қандай хийла-найрангини кўргансиз, Нодирахон?

— Ойим Тошкентга келганларида Жасурбек акамларниқига борган эдилар. Шунда Зебо бир кун Тўлғоний деган кўшнисиникига пишириқ пиширишни ўрганаман деб, бир кун Женя исмли кўшнисиникига чиқиб корейсча салатлар қилишни ўрганаман деб йўқ бўлиб кетарди. Ойим тушлик пайтида қуруқ нон билан чой ичиб очдан-оч ўтирардилар! Кечга яқин мен ўқишдан келиб уларга у-бу нарсани пишириб берардим. Жасурбек акам ишдан келиб Зебодан “ойимларга тушлик учун қандай овқат пишириб бердинг” деб бир неча марта сўраганининг гувоҳи бўлганман. У бўлса уялмай-нетмай акам бир сўраганларида “манпар” деб, яна бир сўраганларида “ойимларнинг тишларига мос қилиб юмшоққина шавла пишириб бердим” деб оғзи-бурни қийшаймай ёлғон сўзлаганди. Шунда мен унинг ёлғон сўзлаганини Жасурбек акамга айтиб таъзирини бердириб қўймоқчи эдим. Ойижоним бўлсалар мени тўхтатиб, “қўй қизим, одамнинг қорни бир бурда нонга тўяди. Лекин кўнгил қурғурнинг тўйиши қийин бўлади. Қаноатга-баракат дейишган эскилар. Қаноат қилишни ўргансанг ҳеч вақт хор бўлмайсан, қизим. Зебохон кеннойинг ҳам эрта-индин керак бўлиб қолади деб пишириқ ва ҳар хил салатларни ўрганаяпти. Агар билсанг бу ҳам акамнинг фойдаси, болажоним, дегандилар. Мен шунда унинг ўрганган нарсаларининг акамга қандай фойдаси бор, десам ойим рўзғор деганлари бир тубсиз ғорга ўхшайди. Қанча ташиб келсанг ҳам тўлмайди. Ҳали сенинг бошингга рўзғор ташвишлари тушмаган. Шунинг учун ҳам гапларимга тушунишинг қийин бўлаяпти қизим. Тайёрини сотиб олганингдан кўра бозордан керакли нарсаларни сотиб олиб ўзинг тайёрласанг анча арзон тушади. Тежаб-тергасанг-

гина уч-тўрт сўм пул орттириб фарзандларинг катта бўлганида орзу хавасларига ишлатасанда, болажоним. Шунинг учун ҳам ҳозир сен Зебохон кеннойингдан беҳудага хафа бўлаяпсан. Унинг ҳам фарзанди бор. Қизимга қиламан деб кўнглига тугиб қўйган орзу-хаваслари бор. Зебохонни ҳам тўғри тушунгинда! Яна шу гапларимни билиб қўйгинки, ҳа деб эр-хотин ўртасига тушиб гап югуртираверсанг аканг билан кеннойингнинг ўртаси бузилиб кетиши ҳеч гап эмас. Сен ҳали бу ерда ўқишинг тугагунча яшашинг керак. Шунинг учун ҳам мана шу гапларимни ҳеч эсингдан чиқарма, болажоним, дегандилар менга танбех бериб. Мен бир куни ойижонимдан, нега кеннойим ўзларининг ойиси келсалар ҳар кун уч-тўрт марта овқат пишириб уларнинг атрофида парвона бўладилар-у, сиз келсангиз пишириқ пишириш билан ёки салат тайёрлашни ўрганиш билан овора бўладилар деб сўрагандим. Улар бўлса кеннойингнинг онаси фарзандларини отасиз тарбиялаб вояга етказди. Мен даданг билан иккаламиз сизларни тарбиялаб вояга етказдик. Энди ўзинг ўйлаб кўр қизим, оилани икки одамнинг судрагани осонми ёки битта одамнинг судрагани осонми”, дедилар. Битта одамга қараганда, иккита одамнинг судрагани осонда ойижон дедим”. Ана кўрдингми, болам, Зебохон кеннойинг ўзларини боқиб вояга етказганича ойижонисининг қанчалар қийналиб азоб тортганини билади. Шунинг учун ҳам қудамнинг атрофида парвона бўлади, қизим. Бировнинг устидан ҳукм чиқариш учун аввал унинг яшаш муҳитини ҳамда бахтли ва бахтсиз дамларини билиш керак, дегандилар менга ўша пайтда. Шундан сўнг Жасур акамнинг оиласи мен сабабли бузилиб кетмасин деб ўйлаб Зебо билан бошқа ишим бўлмай қўйди. Мана, оқибатини ўзингиз кўриб турибсиз. Семизликни қўй кўтаради деб ким айтган бўлсада, у одам донишманд экан. У семизликни кўтара олмади. Нилуфар билан Нодира гаплашиб юриб кўп қаватли уйлар орасини ҳамда шу атрофдаги дўконларнинг ичларини қараб Зебохонни топиша олмади.

— Ҳақиқатан ҳам Зебо уйингиздаги бор-йўғингизни олиб онасининг олдига қочиб кетган, — деди Нодира. — Сизлар менга ишонмай нотўғри қилаяпсизлар. Бунинг учун ҳали кўп пушаймон бўласизлар.

— Энди нима қиламан? Бу кўргулик ҳам бошимда

бормиди? — Нилуфар йиғлаб юборай-йиғлаб юборай деб турарди.

Шу пайт унинг кўзи узоқда шоша-пиша келаятган Зебохонга тушди-ю, хурсанд бўлганидан: — Ана, Зебохон келаяпти, — деб юборди.

“Кеннойим у нонкўрни бунчалар сизламаса” деб хаёлидан ўтказган Нодира Нилуфарга ўқрайиб қараб қўйди.

Зебохон ҳаллослаганича уларнинг олдига етиб келиб:

— Қачон касалхонадан келдингизлар? — деди.

— Қаерда сандирақлаб юрибсан? — Нодира сенсирганича уни жеркди.

— Яқинда келдик, — деди Нилуфар Зебохоннинг саволига жавоб бериб.

— Уйда ўтиравериб эзилиб кетдим. Шунинг учун ҳам уй атрофини бирпас айланиб келай деб ташқарига чиққандим. — Зебохон мўлтираб Нилуфарга қаради.

— Уйнинг калити қани? — сўради Нодирахон.

— Уйда қолди. Эшикни Холидахон очмадими? — сўради Зебохон.

— Йўқ, эшикни мушт билан урсак ҳам ҳеч ким очмади.

— Йўғ-е, — деди Зебохон хаёлга толиб, кейин у қўшиб қўйди. — Холидахон ухлаб қолгандирда. Учало-си олдинма кейин уй ичига кириб эшик олдига боришди.

Энди Нодирахон эшикнинг қўнғироқ тугмасини босди.

Зебохон мушти билан эшикни секин урди-да, — Холидахон қизим эшикни оч, — деди. Ичкаридан эшик кулфининг шақиллаган товуши эшитилди.

Зебохон эшик очилиб ичкарига кириши билан Холидахонни кучоқлаб, ухлаб қолдингми қизим, — дея ётоқхонага қараб судради.

Шу пайт Нодирахон Нилуфарга, ана кўрдингизми, дегандай қараш қилди.

Ётоқхонага кириб ойиси билан ёлғиз қолганини кўрган Холидахон:

— Йўқ, ухламадим ойижон. Кимдир эшикнинг қўнғироғини роса чалди. Кейин эшикни урди. Сиз “мендан бошқа ҳеч кимга эшикни очма” деб кетганингиз учун ҳам эшикни очмай жим туравердим. Ҳозир сизнинг товушингизни эшитишим билан дарров эшикни очдим, — деди у.

— Тўғри қилибсан, — деди Зебохон қизини эркалатиб.

— Сиз дугонангизни топа олдингизми?

— Жим, қизим. Биров эшитиб қолмасин. Менинг дугонамникига бориб келганимни ҳеч кимга айтма, хўпми?

— Хўп бўлади, ойижон. Ҳеч кимга айтмайман. Ҳозир хонада ҳеч ким йўқ-ку! — деди Холидахон атрофга олазарак қараб. Дугонангизни кўриб келдингизми?

— Ҳа! Кўриб келдим қизим. Улар сенга кўп салом деб юбордилар!

— Майли ойижон!

* * *

— Алижон ака сизда гапим бор эди, — деди Зебохон эрталабки нонуштадан сўнг.

— Эшитаман айтаверинг, — деди Алижон.

— Бугун мен ҳам касалхонага бориб укангизни кўриб келсам дегандим, шунга сиз нима дейсиз?

— Тушлик қилиб олганларингиздан кейин касалхонага Нилуфар ёки Нодира билан ўтақолинглар.

— Мен у билан бирга кўчада юрмайман, — Нодирахоннинг ичкари хонадан тўнғиллаган овози эшитилди.

— Майли, тушдан кейин Нилуфар билан борарсизлар. Мен ҳам сизларни касалхонада кутиб тураман.

— Менга укангизни кўрсатишармикан? Ҳеч бўлмаса бир дақиқага кўрсатишса ҳам майли.

— Мен Фурқат Содиковичдан рухсат сўраб кўраман. Агар улар рухсат беришса уйга қўнғироқ қилиб айтаман, кейин бораверасизлар.

— Хўп бўлади, — деди Зебохон.

Нилуфар ошхонадан чиқиб деди: — Дадаси, Жасурбекка тушликка қандай овқат пишириб борайлик?

— Ҳар кунгидай товуқ шўрва пишириб бораверасизлар.

— Фақат шўрва Жасурбекнинг жонига ҳам тегиб кетгандир.

— Шифокорларнинг айтганини қилмасак бўлмайди. Улар сен билан мендан кўра яхшироқ билишади.

— Сиз нима десангиз шу, — деди Нилуфар. — Овқат соат нечага тайёр бўлсин?

— Қанча тез пишса шунча яхши. Кунда тўрт-беш марта овқат еб туриши керак. Ана шунда Жасурбек тезроқ оёққа туради.

— Эрталаб турганимдаёқ шўрвага қараб қўйгандим. Сиз кийимларингизни алмаштириб чиққунингизгача тайёр бўлади.

— Яхши қилибсан онаси, — деди Алижон. Кейин у кўча кийимларини кийиб чиққунича Нилуфар касалхонага бериб юборадиган нарсаларини сумкага жойлаб қўйди.

— Бугун дўконларга мол тарқатишим керак. Ҳозир тўғри касалхонага ўтиб Жасурбекнинг овқатини берман-у, кейин ишхонага ўтаман — деди Алижон хотинининг қўлидан сумкани олиб. — Хўп, майли онаси, мен кетдим.

— Яхши боринг, — деб қолди Нилуфар эрининг изидан.

Алижон касалхонага келиб касал учун олиб келган нарсаларини қабул қилиб оладиган жойга сумкасини топшириб изига қайтди. Кейин ишхонасига келиб янги келган молларни рўйхатига қараб текшириб чиқди. Шундан сўнг Алижон қайси дўконга қанча мол берилиши кераклигини айтиб назорат қилиб турди. У мана шу ишлар билан овора бўлиб тушлик пайти бўлганини ҳам билмай қолди. Алижон ишларини тугатиб шу атрофдаги ошхоналарнинг бирига кириб тамадди қилди. Кейин у тўғри касалхонага ўтиб Ғайратжон билан учрашди. У Фурқат Содиқовичдан Жасурбекнинг олдига кириш учун рухсат олиб берди. Кейин Алижон уйига қўнғироқ қилиб Нилуфарга Зебохон билан тез касалхонага етиб келишларини тайинлади. Сўнг у ҳовлидаги ўриндиқларнинг бўшига бориб ўтирди.

Орадан кўп ўтмай касалхона ҳовлисида Нилуфар, Зебохон ва Нодира пайдо бўлишди. Уларга кўзи тушган Алижон, “Нодира у билан кўчада юрмайман дегандику”, дея хаёлидан ўтказди.

Улар яқинлашгач Алижон ўтирган ўрнидан турди.

— Жасурбекнинг олдига кириш учун рухсат олдингизми? — сўради Нилуфар.

— Ҳа, рухсат олдим. Ғайрат деган дўхтирнинг ўзи Жасурбекнинг олдига олиб киради.

— Қани у одамингиз?

— Жуда қизиқсан-да онаси. Файратнинг бизларни кутиб ўтиришдан бошқа иши йўқми? Қани юринглар у йигитни топиб Жасурбекнинг олдига кирамиз.

Алижон Нилуфар, Зебохон ва Нодирани эргаштириб Файратнинг хонасига борди.

Файрат уларни очиқ чехра билан кутиб олиб сўрашди.

— Қани, ким Жасурбекнинг олдига кирадиган? — сўради Файрат Алижонга юзланиб.

— Агар иложи бўлса ҳаммамиз кирамиз.

— Бунинг ҳеч иложи йўқ, Алижон ака. Фақат битта одамни олиб кираман. Ким Жасурбекнинг олдига кириши кераклигини ўзларингиз ҳал қилинглар.

— Келинимиз касалхонага Жасурбекни кўриш учун биринчи марта келиши, шулар кира қолсин.

— Акамнинг олдига мен ҳам кираман, — жимгина қовоғини солиб турган Нодиранинг шаддотлиги тутиб қолди.

— Бўпти, бўпти. Иккалангиз ҳам кирасизлар — деди Файрат. Кейин у кийим илгичдан иккита халатни олиб уларга узатди. — Қани, мана бу халатларни елкангизга ташлаб олинглар.

Зебохон халатни елкасига ташлади, Нодира бўлса халатни эгнига кийиб олдида: — Зебо халатни устингга кийиб ол, тагин акамнинг жароҳатига инфекция тушириб ўтирма, — деб кеннойисини гап билан чақиб олди. Унинг гапларидан сўнг Зебохон халатни эгнига кийиб олди.

— Алижон ака, сизлар шу ерда ўтираверинглар, — деди Файратжон — Кимлар Жасурбекнинг олдига борадиган бўлса мен билан юрсин.

— Хўп бўлади, Файратжон. Жасурбекка мен билан келинойингиз номидан салом айтиб қўярсиз.

— Албатта, саломларингизни етказаман, — дея Файратжон Нодирахон билан Зебохонларни эргаштириб хонадан чиқиб кетди.

— Ишхонангизда тинчликмикин? Шунча кундан бери ишингизга бормагандингиз?

— Дўконлардаги молларни сотиб бўлишибди. Бугун яна дўконларни янги моллар билан тўлатиб келдим. Савдо бўлса пул бўладида онаси.

— Тўғри айтасиз, дадаси. Катта ўглингиз яқинда мактабни тугатади. Уни ўқитишимиз, кейинчалик уйлантиришимиз керак. Шунгача кичгинангиз ҳам балоғат ёшига етиб қолади. Хозирдан ҳаракат қилмасак кейинчалик қийналиб қоламиз.

— Кўявер онаси, худонинг ўзи фарзандларимизга ғойибдан етказди.

— Ўзимиз ҳам яхши ният қилиб ҳаракат қилишимиз керак-ку ахир.

— Ҳаракат қилаяпман онаси, яна нима қил дейсан?

— Жаҳлингиз чиқмасин-у дадаси, Жасурбек касалхонага тушганидан бери бугун биринчи марта ишга бордингиз.

— Жасурбекнинг аҳволини ўзинг кўрдинг-ку! Укамни шу аҳволда ташлаб қандай қилиб ишга бораман ахир?

Нилуфар индамай ерга қаради.

— Қўй, сиқилаверма онаси. Бировдан кам жойимиз йўқ-ку.

— Болаларимиз ўртоқларидан кам бўлмасин дейман. Мен топганларингизни гўримга олиб кетармидим.

— Фарзандларимизнинг бахти — уларнинг тўғри тарбия олиб илм ўрганишида, онаси.

— Болаларимизга тўғри тарбия бериб, илмли қилиб, арзигулик мерос қолдириб кетсак бунинг нимаси ёмон?

— Шундай қилолсак нур устига аъло нур бўларди.

— Мен ҳам шуни айтаман-да, дадаси.

Шу пайт Ғайратжон билан Зебохон ва Нодирахонлар хонага қайтиб келишди. Шундан сўнг Алижон билан Нилуфарнинг суҳбати бўлинди.

— Мени ҳеч ким сўрамадими? — сўради Ғайратжон.

— Йўқ, — жавоб берди Алижон. — Жасурбекнинг аҳволи яхшими?

— Зўр! Бир-икки кундан кейин Жасурбекни жонлантириш бўлиmidан чиқазиб умумий палатага ўтқазишади. Шундан кейин уларнинг олдига бемалол кираверасизлар.

— Хайрият, — Алижон ўтирган ўрнидан туриб кетди.

Шу пайт Нилуфар Зебохон билан Нодирахонларга кетдик дегандай ишора қилди-да, “Дадаси, бизлар ташқарида кутиб турамиз” деди.

— Майли, сизлар бораверинглар, мен ҳозир чиқаман, — деди Алижон.

Унинг гапидан сўнг Нилуфар, Зебохон ва Нодирахонлар ташқарига чиқиб кетишди.

— Ҳали бу кунларни кўрмагандай бўлиб кетасиз, Алижон ака, — деди Ғайратжон.

— Сизга катта раҳмат ука. Бу яхшиликларингизни яхши кунларингизда хизмат қилиб қайтариш менга ҳам насиб этсин, — деди Алижон, кейин у қўлини Ғайратжонга узатди. — Энди менга рухсат ука.

Ғайратжон унинг қўлини оларкан. — Сизга ҳам раҳмат, Алижон ака. Дунёда сиздай акалар борлигидан мен хурсандман, — деди.

Шу тариқа иккаласи бир-бирининг қўлини сиқиб хайрлашди.

Касалхона ҳовлисига чиққанларидан сўнг Нодира Нилуфарга юзланиб мурожаат қилди:

— Сизлар уйга бораверинглар. Менинг Алижон акам билан бир жойга бориб келадиган ишим бор, — деди у.

Нилуфар акангиз билан қаерга бориб келмоқчисизлар деб сўраш учун оғиз жуфтлаган эди, у Нодиранинг гап билан узиб оладиган одатидан кўрқиб фикридан қайтди. — Акангизга бир оғиз бизлар кетдик деб айтиб кетайлик, — деди у.

Шу пайт Алижон уларнинг олдига келди-да:

— Қани уйга кетдикми? — деди у.

— Нодирахоннинг сиз билан бир жойга бориб келадиган иши бор экан, — деди Нилуфар. — Уйда Холидахоннинг ёлғиз ўзи қолди. Бизлар уйга кетаверамиз.

Алижон чўнтагидан бир даста пул олиб Нилуфарга узатди.

— Мана буни керагича ишлатиб турарсан.

— Яхшиси, ўзингиз бозорга тушиб у-бу нарса олиб боринг.

— Сен буни олиб қўявер. Нодирахоннинг иши тугаши билан ўзим бозордан керакли нарсаларни олиб ўтаман.

— Бўпти, — дея Нилуфар Алижондан пулни олиб сумкасига солиб қўйди. — Бизлар кетдик.

— Яхши боринглар, — деб қолди Алижон. Кейин Нодирахонга юзланиб мурожаат этди: — Қаерга бориб келишимиз керак синглим?

— Ёлғиз сизга айтадиган гапим бор. Анову ерга ўтирайлик, — Нодирахон бўш ўриндиқни кўрсатди.

“Нодирахоннинг бунчалик шошилинич ва муҳим қан-

дай гапи бўлиши мумкин?”, деб хаёлидан ўтказган Алижон ўриндиққа бориб ўтирди.

— Жасурбек акамни бу кўйга солган Зебо экан, — деди Нодирахон тўсатдан.

— Сен қаердан билдинг?

— Ҳозир у билан Жасурбек акам гаплашган пайтида уларнинг суҳбатидан билиб олдим.

— Қани ҳаммасини бир бошдан айтиб берчи. Улар нима деб гаплашди.

— Жасурбек акамлар Зебога “ўша куни сен кўчадан кимларни эргаштириб келдинг?” деди. Зебо “ҳеч кимни эргаштириб келганим йўқ, Ўлай агар дадаси. Мен у эркакларни танимайман” деди. Шунда Жасурбек акамлар, “касалхонадан чиқишим билан сени қамокқа олдираман. Бундан кейинги умринг қамокда чирийди?” дедилар. “Менинг бу ишларга асло алоқам йўқ”, деб Зебо йиғлаб юборди. “Бу ишларда сенинг алоқанг борми, йўқми ўзим жуда яхши биламан. Иккинчи бу ерда қорангни кўрмай! Тур йўқол ифлос”, деб Жасурбек акам уни хайдаб солди, — деб Нодирахон сўзини тугатди.

— Бу воқеани анову шифокор йигит ҳам эшитдим? — деди Алижон ташвишли оҳангда.

— Йўқ, у бизларни Жасурбек акамнинг олдларига киритиб ўзлари хонадан чиқиб кетди. У ерда учаламиздан бошқа ҳеч ким йўқ эди, — деди Нодирахон.

* * *

“Ойжамолни танимайман деб туриб олсамчи” Лочинбек хаёлидан ўтказди.

— Лочинбек, Ойжамол билан нима сабабдан жанжаллашиб қолдингиз? — деди Абдулла Илҳомович.

— Қайси Ойжамолни айтаяпсиз, — деди Лочинбек қийиқ кўзларини каттароқ очиб — Агар кимда-ким ишхонага арз қилиб келган бўлса лаббай деб ишчиларим билан бирга дарров ёрдам қўлини чўзганмиз. Ҳозиргача мавзеимизда ҳеч ким биздан норози эмас.

— Мен ишхонангиз ёки ишингиз тўғрисида сўрама-япман. Яшаш жойингиздаги маҳалладошингиз бўлган Ойжамол билан уришиб қолганингизнинг сабабини сўра-япман. Энди гапларимга тушундингизми?

— Сизни тушунмай ўлибманми, катта ака. Бу воқеа

сал эсимдан чиқиб кетган экан, — деди Лочинбек хаёлга толиб.

— Хўш, Ойжамол билан жанжаллашишингизга ким сабаб бўлган эди?

— Киммас, нима сабаб бўлди, деб сўранг акахон.

— Хўш, нима сабаб бўлган эди? — Абдулла Илҳомович зимдан уни кузатиб ўтирар эди.

— Анову, нима эди? — деди Лочинбек довдираб. — Ха, эсимга тушди. Ойжамол пакетга солинган чиқиндини ариқ ичига ташлаётган экан. Мен озодалик ва ободончиликни яхши кўрганим учун ҳам унга Ойжамол нега чиқиндини ариқ ичига ташлаяпсиз. Махсус чиқинди ташлайдиган жойга ташласангиз бўлмайдими? Бу қилмишингиз билан ёшларнинг тарбиясини бузасизку ахир деганимни биламан. У менинг кўйлагимнинг ёқасига ёпишиб, сенинг нима ишинг бор, йўлингдан қолмай кетавермайсанми, деб ҳамма жойимни тимдалаб ташлади.

— Ёлфон сўзлаб бировга тухмат қилган одамнинг жиний жавобгарликка тортилишини биласизми?

— Мен ҳеч кимга тухмат қилганим йўқ катта ака.

— Айтган сўзларингизни тасдиқлайдиган гувоҳингиз борми?

— Йўқ! — деди Лочинбек.

— Ойжамолнинг айтишига қараганда, сизлар чиқинди учун эмас, умуман бошқа нарса устида уришгансизлар.

— Мен Ойжамол билан гаплашиб кўрсам бўладими, катта ака. Балки у жаҳл устида шундай дегандир?

— Агар тўғриси айтмасангиз устингиздан жиний иш кўзгашга тўғри келади. Кейин сиздай бир идоранинг бошлигини ишдан бўшатишади.

— Бу жанжалнинг ишимга алоқаси йўқ-ку ахир? Нега энди мени ишдан бўшатишаркан?

— Қаерда кўргансиз жиноятчининг раҳбар лавозида ишлаб юрганини?

— Тартиббузарларга танбеҳ берган одамни жиноятчи дейиш бу менимча тўғри эмасов.

— Аёл кишини калтаклашингиз жиноят эмасми?

— Мен Ойжамолни урмадим. Унинг ўзи мени урди.

— Шу гапларингизга ўзингиз ишонасизми, Лочинбек.

Лочинбек индамади.

— Нега индамайсиз?

— Бўлиб ўтган воқеани қандай бўлса шундайлигича айтиб берсам ҳам менга ишонмасангиз нима қилай, катта ака?

— Эртагингизни бошқа жойда айтинг, тушундингизми, Лочинбек? — деди Абдулла Илҳомович. — Агар тўғриси айтишни хоҳламангиз энди ўзингиздан кўринг! Гувоҳ топиб устингиздан жиноий иш қўзғайман! Ана шунда ёлғоннинг баҳоси қанчалигини биласиз!

— Менинг айбим нима, катта ака? — деди Лочинбек қизариб-бўзариб.

— Кетаверинг, бўшсиз. Менинг сиз билан беркинмачоқ ўйнашга вақтим йўқ, — деди Абдулла Илҳомович жаҳл билан.

— Хўп бўлади, катта ака! — дея Лочинбек қўлини кўксига қўйганича терговчи хонасидан чиқди. Кейин кўчага чиқиб такси ушлади-да, деҳқон бозоригача етиб олди. Лочинбек бозорга кириб гуруч сотаётган Ойжамолнинг олдига бориб. — Яхшимисиз, қўшнижон? — деб сўрашган бўлди.

Унинг бу қилиғидан Ойжамолнинг энсаси қотди.

— Нега индамайсиз, Ойжамол? Мусулмончиликда иккита мусулмон одамнинг уч кундан ортиқ аразлашиб юриши гуноҳ бўларкан!

— Мусулмончиликда бировни ғийбат қилиш мумкин эканда-а?

— Мен ўша куни меҳмондорчиликка боргандим, оғайним кўярда-қўймай зўрлагани учун анову қурғурдан озроқ ичиб олгандимда, қўшнижон. Бир маҳаллада яшаб аразлашиб юрсак уят бўлади, деб олдингизга узр сўраб келдим, — деди Лочинбек бошини эгиб.

— Ароқ ичиб олиб бировни ғийбат қилиш уят бўлмай-дими, Лочинбек ака? — деди Ойжамол ҳам сал жаҳлдан тушиб.

— Ойжамол, бир шундай бўлиб қолди-да, энди. Ўзингиз тушунган аёлсизку ахир! Мана шу сафар гуноҳимни кечиринг, — деди Лочинбек. “Буни ҳам эри ташлаб кетган, шунинг учун ҳам мени хотиним ташлаб кетди десам раҳми келганидан гуноҳимни кечириб юбормасмикин”, кўнглидан ўтказди у. — Ўша кунлари кеннойингиз мени

ташлаб юртига кетиб қолганлиги учун ҳам ҳаётдан аламзада бўлиб юргандим.

— Тўлғоной опа юртига кетган бўлсалар уч-тўрт кун ота-онасини кўриб яна қайтиб келадилар. Шунинг учун ҳам одам ҳаётдан аламзада бўладими?

— Тўлғоной опангиз бутунлай, қайтиб келмайдиган бўлиб суд орқали ажрашиб кетди.

— Йўғ-э?

— Ҳа.

— Мен кечирдим нима-ю, кечирмадим нима? Сизга барибир эмасми Лочинбек ака!

— Йўқ барибир эмас. Сизни хафа қилиб қўйганимдан бери нега мен аҳмоқ шундай тушунган олийжаноб бир аёлнинг кўнглига тегиб қўйдим деб кечалари ухлай олмай чиқаман.

— Бўпти, мени кечирди деб ўйлайверинг.

— Раҳмат, Ойжамолхон. Сиз мард, олижаноб, жуда яхши аёлсиз. Агар яна бир марта сизни хафа қилгудай бўлсам мени умуман кечирмай мелисага ёзиб берсангиз ҳам майли.

— Милиция? — Ойжамол турган ерида қотиб қолди.

— Қани милиса? — Лочинбек атрофга аланглади.

— Лочинбек билан нега жанжаллашдинглар деб уйга милициядан одам келганди.

— Уларга сиз нима дедингиз? — Лочинбек шоша-пиша сўради.

— Мен ҳеч ким билан жанжаллашмадим. Шунинг учун ҳам сизларга ҳеч нарса ёзиб бера олмайман дедим.

— Тўғри қилибсиз. Сиз андишали, жудаям ақлли аёлсиз, — деди Лочинбек ёлтоқланиб. — Улар ҳар хил уйдирма гаплар билан мени ҳам сиқувга олишди. Сизга Лочинбек айтди деб ҳар хил бўлар-бўлмас гапларни айтиб сўраб суриштирса ҳам уларга ишонманг ва ҳеч нарса ёзиб берманг. Бир маҳаллада яшаб милисалашиб юрсак уят бўлади.

— Энди улар менинг олдимга келишмаса керак, — деди Ойжамол.

— Ҳар эҳтимолга қарши айтдим-қўйдим-да, — Лочинбек қўлидаги соатига қараб қўйди. — Сиз менинг гуноҳимни кечирганингиз учун ҳам елкамдан тоғ афдарилгандай бўлди. Энди мен борай, — деб Лочинбек бозорнинг дарвозаси томонга қараб юрди.

— Яхши боринг, — деди Ойжамол унинг ортидан.

Лочинбек йўлида кетиб бораркан хаёлга берилди, “Бу хотиннинг оғзини ёпганим яхши бўлди. Ўзи бу халқнинг сочи узун, ақли калта бўлади. Тузик бўлганида буни эри ташлаб кетармиди?”

* * *

Нилуфар билан бирга уйга келган Зебохон ювиниш хонасига кириб эшикни ёпди. Кейин ерга ўтириб олиб соқол оладиган устара билан қўлини панжасининг юқори-роғидан кесди.

Орадан кўп ўтмай Алижон билан Нодирахонлар ҳам уйга кириб келишди.

— Зебохон қани? — сўради Алижон.

— Ювиниш хонасида, — деди Нилуфар.

— Тинчликми дадаси, — деди Нилуфар эри билан Нодиранинг дарров келишганидан ҳайрон бўлиб. — Нодирахоннинг борадиган жойига бордингизларми?

— Онаси, гапни чувалайвермасдан Зебохонни бу ёққа чақир.

— Намунча жаҳлингиз бурнингизнинг учида турмаса, — дея Нилуфар ювиниш хонасига бориб эшикни тақиллатди. Ичкаридан жавоб бўлавермагач, эшикка қуловини тутиб тинглади. Сувнинг шилдираган товушини эшитмай ҳайрон бўлди. Кейин Нилуфар эшикни очган эди унинг кўзи девор бурчагига суяниб ётган Зебохонга тушди. Қараса унинг қўлидан қон сизиб оқаяпти.

— Вой-до-до-д! Вой-до-о-од, дадаси, Зебохон қўлини кесибди! — Нилуфар нима қилишини билмай турган ерида қотиб қолди.

Унинг ваҳимали товушини эшитган Алижон билан Нодира ювиниш хонасига югуриб келишди.

— Ана, кўрдингизларми, сизларнинг гумонларингиз жонига текканидан у ўзининг жонига қасд қилибди. Қани, дарров тез ёрдам чақиринг! — деди Нилуфар ваҳима қилиб.

— Намунча ваҳима қилмасанг. Сен ваҳима қиладиган даражада қон оқмаганку!? Қўлини сал кесган холос! — деди Алижон

— У нега хушсиз ётибди бўлмаса?

— Кўп гапиравермасдан қўлини бинт билан боғлагин-

да, Нодирахон билан кўтариб ётоқхонага олиб бориб ётқизинглар.

Нилуфар бинт олиб келиб Зебохоннинг кўлини боғлади. Кейин уни Нодира билан Нилуфар кўтариб олишди. Шу пайт Зебохон қош-қовоғини қимирлатиб қўйди. Буни кўрган Алижон унинг хуши ўзидалигини сезди. У ҳар эҳтимолга қарши кичкина шишачадаги спиртдан пахтага шимдириб Нилуфарга узатди.

— Мана буни бурнига тут, — деди Алижон.

Нилуфар шошганидан пахтани Зебохоннинг бурнига босиб олди. Жикқа хўл бўлган пахтадан унинг бурнига спирт кириб кетди. Шунда Зебохон бурнига кирган спирт таъсиридан бошини чайқаб кўзини очди-да, ўрнидан туриб ўтирди. У хушини йўқотмаганини энди Алижон аниқ билди.

— Зебохон, нега бундай килдингиз? — деди Нилуфар.

— Ҳамма мендан гумонсирайверишганидан кейин ўзимни-ўзим ўлдирсам кутуламанмикан деб ўйлагандим.

— Ҳеч бўлмаса Холидахонни ўйламадингизми?

— Жонимдан тўйиб кетганимдан қизим ҳам кўзимга кўринмай қолди, — деди Зебохон. — Алижон ака, сиздан бир илтимосим бор эди.

— Қанақа илтимос?

— Мен қишлоққа — ойимларнинг олдига бориб даволаниб келсам дегандим.

— Жинойтчилар топилиб тергов ишлари тугамагунича қандай қилиб қишлоққа кетмоқчисиз? Мабодо сизни терговчи сўраб қолса унга нима деймиз?

— Керак бўлиб қолсам шошиличнома юборсангиз дарров етиб келаман.

— Эртага Жасурбекдан сўраб кўрайликчи? Агар у рухсат берса кейин кетаверасиз!

— Ҳозир укангизнинг мени қишлоққа кетмасин дейиши аниқ. Улар ҳам мендан гумонсираб турган бир пайтда жahl устида бир-биримизга бир нарса қилиб қўямизми деб кўрқаяпман. Агар мен вақтинча қишлоққа кетсам укангиз сал бўлса-да, ўзини босиб олармиди? Яна шунгача жинойтчилар топилиб қолса ҳамма нарсага ойдинлик киритилиб жой-жойига тушиб кетармиди деб ўйлаяпман.

— Майли, мен ўйлаб кўриб жавобини эртага айтсам бўладими?

— Бўлади, агар хўп десангиз Холидахонни ўзим билан бирга олиб эртага эрталаб йўлга чиқиб кетардим.

Шу пайт ошхонадан Нодирахоннинг, “Келинлар, чой дамладим”, — деган товуши эшитилди.

— Ҳозир борамиз, — деди Нилуфар. — Қани, юринг Зебохон, чой ичамиз.

— Сизлар ичаверинлар. Мен бирпас ётаман, бошим айланаяпти, — деди Зебохон.

Алижон билан Нилуфар хонадан чиққанларидан кейин у эрига мен билан юринг дегандай қилиб имлади-да, Алижонни меҳмонхонага бошлаб кирди.

— Дадаси, Зебохон қишлоққа — онасиникига кетаверсин. Уйимизда ўзига бир нарса қилиб қўйса, бошимиз балога қолиб кетади.

— Жасурбекдан сўрамай мен қандай қилиб қишлоққа кетавер дейман, — Алижон бошини қашлади.

— Ҳозир Зебохон оёғи куйган товукдай типирчилаб қолган. Қўрққанидан ўзига бир нарса қилиб қўямасин дейман, дадаси.

— Бошим қотиб қолди, онаси. Терговчи сўраб қолса нима қиламиз?

— Шошилинома юборсангиз дарров етиб келаман деяпти-ку ахир. Яна нимани ўйлаяпсиз?

— Эрталабгача ўйлаб кўрайлик, кейин бир гап бўлар!

Шу пайт хонага Нодира кириб уларнинг суҳбати бўлинди.

— Юринлар, чой дамлаганимга бир соат бўлди — деди Нодирахон зарда қилиб.

— Мана ҳозир, Нодирахон, — деди Нилуфар.

* * *

— Алижон ака Женянинг эри ҳақида сўраб-суриштирдингизми? — деди Алишер.

— Ҳа, — деди Алижон, — сўраб-суриштирдим.

— Хўш, хўш. Қани эшитайлик-чи!

— У одам асли Фарғонадан экан. Отчопар бозоридан у-бу нарса кўтарасига харид қилиб Фарғонага олиб бориб сотар экан. Шундай қилиб у савдо-сотик билан тирикчилик қиларкан. Кунларнинг бирида Женя билан танишиб қолибди.

- Жения билан қандай қилиб танишиб қолибди?
- У ҳам отчопар бозорида савдо-сотик билан шу-
ғилланади. У одам Жениядан бир-икки марта савдо қил-
ган. Шу тариқа улар танишиб қолибди. Шундан сўнг у
одам Женияга уйланиб олган экан.
- У одам олдин уйланмаган эканми?
- Олдин уйланган экан. Лекин у одамнинг турмуши
бузилиб кетган экан.
- Унинг олдинги турмушидан фарзандлари борми-
кин?
- Ҳа, иккита фарзанди бор экан, битта ўғил ва
битта қиз.
- Жасурбек акамлар тан жароҳати олган кун у одам-
нинг қаерда бўлганлигини аниқлай олдингизми?
- Ҳа. Бу воқеа бўлишидан икки кун олдин мол олиб
келиш учун Қозоғистонга кетган экан.
- Аниқми?
- Ҳа, у ёқларга у одам уч-тўртта эркак билан бирга
кетган экан. Уларнинг ичида менинг ҳам танишим бўлган.
Шу йигитдан менга керакли бўлган ҳамма гапларни сўраб-
суриштириб билдим.
- Яхши! — деб Алишер стол устида турган ён даф-
тарчасини олдида, унинг ичини очиб нималарнидир ёзиб
қўйди. Кейин у Алижонга юзланиб сўзини давом эттир-
ди. — Жасурбек акамлар жума куни касалхонадан чи-
қади.
- Биладан, — деди Алижон.
- Энди Жасурбек акамларни ёлғиз қолдириб бўлмай-
ди. Жиноятчилар яна уларнинг кетига тушиши мумкин.
- Бу томондан хавотир олма. Менинг ўзим Жасур-
бекнинг ёнида бўламан. Касалхонадан чиққанидан кейин
бу ахволда у ишлай олармикин?
- Жасурбек акамнинг раҳбари билан гаплашиб
қўйдим. Уларга иш таътили берадиган бўлишди.
- Жуда яхши қилибсан? Жасурбекнинг иш таътили-
га чиқмаганига анча бўлганди.
- Жасурбек акам ҳар йили иш таътилига чиқишади.
Аммо лекин уларни яна ишга чақириб олишаверади. Биз-
нинг ишимизнинг ўзи шуни талаб қилади.
- Тушунарли, — деди Алижон. — Менга бошқа
топшириқлар йўқми?

— Тўлғонойнинг изига тушишимиз керак. Ҳозирча шунинг иложини қилолмаяпман. Эртага прокуратурага кириб ҳамкасбларим билан маслаҳатлашиб кўраман. Мабодо ёрдамингиз керак бўлиб қолгудай бўлса ўзим сизга айтаман. Ҳозирча сизга энг муҳим топшириқ Жасурбек акамларни ёлғизлатиб қўймаслик!

— Жасурбекнинг касалхонадан чиқишига ҳали бир ҳафтача вақт бор! Шунгача қўлимдан келадиган ёрдам бўлса беравераман! Тортинмасдан айтавер. Сабаби ҳар ким ўз ишининг устаси бўлиши керак деб айтганим эсингдан чиқмагандир-а? Халқимизда бир ибора бор, “чумчук сўйса ҳам қассоб сўйсин” деган. Булар сенинг ишингга тааллуқли ишлар. Мен ўз билганимча иш қилсам қош қўяман деб кўз чиқариб қўйишим мумкин. Шунинг учун ҳам мен кичкинаман деб ўйламай буйруқ беравер. Жасурбекни шу қўйга солганлар топилиб қилмишига яраша жазосини олса бас!

— Менинг ҳам мақсадим шу, Алижон ака, — деди Алишер. — Сиз телефон орқали Женя билан ким гаплашганлигини аниқладингизми?

— Аниқладим. Менимча, Зебохон гаплашган. Сабаби синглимиз Нодирахондан сўрасам “мен ҳатто у хотиннинг телефон рақамини ҳам билмайман” деди. Нилуфар кеннойингиз ҳам “Женя қарис билан алоқам йўқ” деди. Нилуфар билан Нодирахонлар Зебохоннинг кимлар биландир телефонда гаплашганлигини кўришибди. “Бизлар узокроқда бўлсак Зебохон дарров телефонга ёпишди. Ёнига борсак дарров телефон гўшагини жойига қўйиб қўяди” дейишди. Жасурбек ҳам хотинидан гумон қилаяпти шекилли?

— Ҳа, улар ҳам бу ишда кеннойингнинг қўли борга ўхшайди деяптилар!

— Гумон иймондан айиради. Зебохоннинг айбини тўлиқ аниқламагунимизча унга ҳеч нарса деб бўлмайди. Мабодо Зебохон айбсиз бўлса-чи? Кейин унинг кўзига қандай қараймиз?

— Тўғри айтасиз Алижон ака. Бизларнинг ишда хатога йўл қўйиб бўлмайди. Озгина хатога йўл қўйдикми, тамом! Қўпчиликнинг ҳаёти остин-устин бўлиб, уларнинг кўзёш тўкишига сабабчи бўлиб қоламиз.

— Ишларингизнинг нозиклигини жуда яхши била-

ман ука. Шунинг учун ҳам ҳар бир ишга ўта масъулият ва эҳтиёткорлик билан ёндошиш керак.

— Шунинг учун ҳам кеча-кундуз тиним билмай ишлаймизда Алижон ака! Ишимизнинг бу томонини тушунмаган баъзи ошна-оғайниларибиз тўй-ҳашамларига бора олмай қолсак, аразлаб юришади.

— Биров аразлайди деб ишингни бўшаштирма сен бола. Гапларимни тушундингми? — деди Алижон ўдагайлаб. — Агар ишингга совуққонлик билан қараганингни сезсам ёмон хафа қиламан.

— Хўп бўлади, Алижон ака.

— Мана, ўзимиздан фараз қил. Жасурбек акангнинг бошига ташвиш тушиб ҳаммамиз типирчилаб қолдик. Ҳаммамизнинг ҳаётимиз остин-устин бўлиб кетишига бир баҳя қолди-я. Ҳамма ҳам бизга ўхшаган. “Аввал пичоқни ўзингга, оғримаса бировга ур” дейишган аждодларимиз. Мана шу гапларимни ҳеч унутма Алишержон ука!

Шу пайт Нилуфар билан Нодирахонлар уйга кириб келишди.

Алишер ўтирган ўрнидан туриб улар билан қўл бериб сўрашди.

— Қачон келдингиз, Алишержон? — сўради Нилуфар.

— Самолётдан тушганимдан сўнг касалхонага бориб Жасурбек акамларни кўрдим-у тўғри сизларникига келавердим.

— Ойим, кеннойимлар, Нурбек акамлар соғу саломат юришибдиларми? — деди Нодирахон.

— Ҳаммалари соғу саломат. Сизларга кўпдан-кўп салом айтиб юборишди, — деди Алишер.

— Эсон бўлишсин, — дейишди Нилуфар билан Нодира бараварига.

— Бизнинг уйдагиларни кўрдингизми? Улар ҳам эсон омон юришибдими?

— Кеча куёв болани кўргандим. “Ҳаммамиз соғу саломат юрибмиз” деди. Кейин у “Нодирахон қачон келади” деб сўради, — деди Алишер кейин у яна қўшиб қўйди. — Сен телефон орқали турмуш ўртоғинг билан гаплашиб қўйсанг яхши бўларди.

— Хўп бўлади Алишер ака. Эртага қўнғироқ қиламан, — деди Нодирахон.

— Алишержон, сизга қандай овқат пишириб берай, — сўради Нилуфар.

— Мен овқат танламайман, ўзингиз хоҳлаган овқатингизни пишираверинг.

— Онаси, Алишержоннинг ошни яхши кўришини биласан-ку. Бизларга дўппидеккина ош дамлаб бера қол.

— Хўп бўлади, адаси! — деб Нилуфар хонадан чиқиб кета бошлади.

— “Кунингдан бир кунинг қолсада ош е, пулингдан бир пулинг қолсада ош е” деб одамлар беҳудага айтишмайди. Нодира шундай дея кеннойисига қўшилиб хонадан чиқиб кетди.

— Зебохон кеннойимлар кўринмайди, — сўради Алишер.

— Улар Холидахон билан бугун эрталаб қишлоққа — ойисиникига кетишди, — деди Алижон. — Уларни Нилуфар билан Нодира кузатиб қўйди.

— Нега энди?

— Ойимларникига бориб даволанаман, деди.

— Зебохон кеннойимни қишлоққа юбориб чакки қилибсиз, Алижон ака, — дея Алишер хаёлга толди.

* * *

Нилуфар билан Нодира Зебохонни отчопар бозори ёнидаги енгил автомашиналар турадиган жойгача кузатиб келишди.

Зебохон қишлоққа кетадиган оқ рангли “Нексия” ҳайдовчиси билан йўл ҳаққини келишиб олгач, — Энди сизлар кетаверинглар. Бизлар мана шу автоуловда қишлоққа кетаверамиз.

— Яхши етиб олинглар, — деди Нилуфар. — Қишлоқдагиларнинг ҳаммасига салом айтинг!

— Кузатиб қўйганингиз учун раҳмат овсин. Кўришгунча хайр.

— Бўпти, хайр, — деди Нилуфар. Шундан кейин Нилуфар билан Нодирахон бекат томонга қараб юрди. Уларнинг ортидан қараб турган Зебохон — Нодира хайр дейишга ҳам ярамади-я, — деб қўйди ўзига-ўзи. Кейин у такси ҳайдовчисига мурожаат этди. — Мен уйдагиларга у-бу нарса харид қилиб келаман.

— Тез келинг кеннойи, яна иккита одам олсам кетиб қоламиз, — деди такси ҳайдовчи йигит.

— Бўпти! Бозорга кираман-у чиқаман, — деб Холидахоннинг қўлидан ушлаб олган Зебохон катта кўча томонга қараб юрди. У катта кўчани кесиб ўтиб физиллаб ўтиб турган автомашиналарга қўл кўтарди. Автомашиналар оқими ичидан четга чиққан бир автомашина уларнинг олдига келиб тўхтади.

— Ота, бизларни янги қурилган деҳқон бозорига олиб бориб кўйинг, — деди Зебохон.

— Ўтиринглар қизларим, — деди кўксини оппоқ соқоллари тўлдириб турган чол.

Зебохон билан Холидахон деҳқон бозори олдидаги бекатда тушиб қолишди. Улар тўғри расталар томонга юриб гуруч сотаётган аёллардан бирининг олдида тўхташди.

Зебохон билан Холидахонга кўзи тушган гуруч сотаётган аёл: — Вой дугонажон, бормисиз, қандай шамол учирди, — дея раста оша Зебохон билан ўпишиб сўрашди. Кейин у Холидага юзланди. — Холидахон, тузукмисиз, қизим?

— Ўзингиз яхшимисиз, Ойжамол опа? — деди Холида.

— Мен зўрман! Ўзингизчи?

— Мен ҳам зўрман, — кулди Холида.

— Ойжамол, омонатни олиб кетгани келгандим, — деди Зебохон.

— Майрам опа, гуручимга қараб туринг. Мен ҳозир келаман. — Ойжамол ёнгинасида гуруч сотадиган хотинга мурожаат қилди ва унинг жавобини ҳам кутиб ўтирмай Зебога деди: — Юринг, кетдик.

Зебохон билан Холидахон унга эргашди. Ойжамолнинг лаби-лабига тегмай Лочинбекнинг кечирим сўраб келганини тўлиб-тошиб гапира бошлади. Зебохон унинг уйига келиб омонатини олганида ҳам дугонасининг гапи тугамади.

— Раҳмат сизга, Ойжамол! Бу яхшиликларингизни ўла-ўлгунимча унутмайман. Холида билан қишлоққа — оймларнинг олдига кетаётгандик. Шунинг учун ҳам шошилиб турибмиз, — деди Зебо унинг сўзини бўлиб.

— Арзимаёди, Зебохон, — деди Ойжамол. — Нукул шошиб келиб-шошиб кетасиз, ўтирганингизда бирпас гаплашиб чой ичиб борардингиз. Ҳали сизга айтадиган гап-

ларим кўп. Иккаламиз гаплашиб балиқ сувга тушгандай бир мириқишардик.

— Ойжамол, мен яхши биламан, сизнинг меҳмондўстлигингизни. Бунинг учун сизга катта раҳмат. Лекин бизларни катта кўчада машина кутиб турибди. Қишлоққа бориб келганимдан кейин “табака” тайёрлаб ўзим сизни меҳмон қиламан. Ҳозирча хайр! — Зебо Ойжамолнинг юзларидан чўлпиллатиб ўпиб хайрлашди-да, Холиданинг кўлидан ушлаганича шошиб кўчага отилди.

Уларнинг ортидан қараб турган Ойжамол, “Зебохон олов-а-олов. Қачон қарамай шошиб-пишиб юради” деб хаёлга толди.

УЧИНЧИ ҚИСМ

Бугун Жасурбекни жонлантириш бўлиmidан умумий палатага ўтказишди. Энди у анча тузалиб эшикка ўзи кириб чиқадиган бўлиб қолди. “Бу ишнинг тепасида ким турган бўлиши мумкин?” Жасурбек хаёлга берилди. “Шу куни меҳмондорчиликда ўтирганимда Зебо уч-тўрт марта зўр янгилигим бор деб қўл телефонимга қўнғироқ қилди. Менга айтмоқчи бўлган янгилиги мени йўқотиш бўлган. Ҳар шанба-якшанба Лобарникида бўлардим. Шунинг учун ҳам у мени Лобарникига кетиб қолмасин деб тез-тез қўл телефонимга қўнғироқ қилиб турган. Қилаётган ишини қизим Холидага билдирмаслик учун ёки тўс-тўполон бошланиши билан у чинқириб йиғлагудай бўлса унинг йиғисини кўшнилар эшитиб чиқиб қолишмасин деган ўйда қизимни Алижон акамларникига ташлаб келган. Нега бўлмаса Холиданинг бирор марта ҳам акамникида қолганини эслай олмайман. Бунинг устига нега уйни таъмирлаётган усталар уйда йўқ? Зебо қизимни олиб келаман деб кўчага чиқиб кетади-ю, бир оз вақтдан кейин у яна уйга ёлғиз қайтиб келиб кўча эшигини очиқ қолдиради-да ўзи ётоқхонага кириб кетади. Зебо очиқ қолдирган эшикдан уйга кирган йигитларнинг бири менга нега хотинингни хафа қилдинг деганди. Агар унинг алоқаси бўлмаса, у йигит нега бу саволни менга берди. У йигитлар мени калтаклаб кетганларидан кейин Зебо қаерга йўқ бўлиб кетди. Мен уй ичини излаб уни тополмагандим-ку ахир!”

Жасур қандай ўйламасин барибир хотини айбдор бўлиб чиқаверарди. “Зебо нега мени йўқотмоқчи бўлди? Унинг бу йигитларга қандай алоқаси бор? Наҳотки Зебо менга шуни раво кўрган бўлса? Бу ишларни режалаштириш у ёқда турсин, ҳатто бу тўғрида ўйлашнинг ўзи даҳшатку! Ахир унинг бу иши жирканчли бир махлуққагина хос бўлган тубанлик эмасми?” У ана шуларни ўйлаб-ўйлаб ўйига етолмасди. Жасурбек хаёл уммонига

фарқ бўлган бир пайтда Алижон у ётган хонага кириб келди. Жасурбек ётган ўрнидан туришга уринди.

— Турма, бемалол ётавер, — Алижон Жасурбекнинг елкасидан ушлади.

— Алижон ака, анча яхши бўлиб қолдим. Ўрнимдан туриб сиз билан суҳбатлашгим келаяпти.

— Чарчаб қолмагин дейманда, ука, — Алижон унинг қўлидан тортиб ўрнидан туриб ўтиришга ёрдамлашиб юборди.

— Эрталаб сиз келиб кетганингиздан кейин ишхонадан ҳамкасбларим келишганди. Улар билан анча суҳбатлашиб ўтирдик. Ҳамкасбларим кетиши билан туман прокуратурасининг терговчиси келди. У ҳам сўровнома тўлдириб кетди. Кейин ётиб ухладим, яқиндагина турдим. Энди сиз билан ҳам бирпас суҳбатлашгим келаяпти, Алижон ака.

— Бахтимиз бор экан, ука. Сени бизларга худонинг ўзи қайтариб берди.

— Куним бор экан! — Жасурбек хўрсиниб қўйди.

— Сенинг ишинг қонун устуворлигини таъминлаш. Шундай экан сенинг бошинга тушган кулфатда қонунбузарларнинг қўли бормикин деб ўйлаяпман.

— Алижон ака, мен оёққа туриб олай, кейин буларнинг ҳаммасини аниқлаймиз.

— Жиноятни очиш қанча пайсалга солинса шу иш шунча чигаллашиб кетади деб эшитганман.

— Эшитганларингиз тўғри, Алижон ака, — деди Жасурбек. — Бу ишнинг бошида келинингиз Зебо турганга ўхшайди. Ҳозирча бу менинг тахминларим холос.

— Ана шу гумонлардан қутулиш учун ҳам сени шу қўйга солган йигитларнинг бирортасининг шахсини аниқласак яхши бўларди.

— Сизни яхши тушуниб турибман, ака, бунинг учун ҳам вақт керак.

— Уларни қўшниларингдан кимдир кўрган бўлиши керак. Яхшилаб сўраб-суриштириб жиноятчиларнинг тахминий суратини чизишса уларни топиш осонроқ бўлармиди?

— Бунинг учун мен совлигимни тиклаб олишим керак!

— Бу ишни прокуратурами ёки милиция ходимларими, сенсиз хал қилишолмайдими?

— Нега ҳал қилиша олмас экан? Уларнинг бу жиноятни очишларига иймоним комил! Лекин бу ишни тезлаштириш учун мен қўшнилари билан қўшни сифатида гаплашишим керак бўлади. Сиз кўпчиликнинг терговчиларга тўғри сўзни айтмай, мен билмайман, мен ҳеч нарсани кўрмадим деб гувоҳ бўлишдан бош тортишини биласизми?

— Йўқ!

— Ана кўрдингизми? Одамларнинг аксарияти гувоҳ бўлиб прокуратурага ёки милицияга бориб юрганидан кўра “билмайман”, ёки “кўрмадим” деб бир четта турган яхши деб ўйлашади.

— Мен бу томонларини ўйламабман.

— Ана шунинг учун ҳам мен қўшнилари билан қўшни сифатида гаплашсам улар менга дилидагини айтишади. Бунинг учун мен соғлигимни тиклаб оёққа туриб олишим керак.

— Тушунарли, — деди Алижон хомуш бўлиб, — мен бўлсам жиноятчиларни нега топиша олмаяпти деб қонун химоячиларидан хафа бўлиб юрибман.

— Шошманг Алижон ака! Ҳамма вақт ҳам ёлланма жиноятчиларни топиш осон бўлавермайди, — деди Жасурбек хаёлга толиб. Кейин яна қўшиб қўйди. — Қолаверса, бу жиноят содир этилганига орадан санокли кунларгина ўтди холос.

— Ишқилиб тезроқ жиноятчилар қўлга олиниб қилмишига яраша жазосини олишса ҳаммамизнинг кўнглимиз таскин топарди.

— Сал шошмай туринг, ака. Мен соғлигимни тиклаб оёққа туриб олай, шундан кейин ҳаммаси жой-жойига тушиб кетади. Ҳозир эса сизнинг шонганингизнинг фойдаси йўқ.

Алижон гап мавзусини ўзгартириб, бўш турган қўшни каравотни имлаб кўрсатганича сўради.

— Қўшнинг қани?

— Уларга бугун уйига жавоб бериб юборишди.

— Ҳа, яхши бўлибди, — деди Алижон, — ҳеч бир замонда касалхонага одамнинг иши тушмасин экан.

Шу пайт ўрта ёшлардан ошган даволовчи дўхтир палатага кирди.

— Ҳали шу ердасиз ука? Касални уринтириб қўясиз-ку, — дея у бошининг сочи тўкилган жойини

кўли билан силаб кўйди-да Жасурбекка юзланиб ҳазиллашди. — Бугун сизнинг қабул кунингизми дейман?

— Шунақага ўхшаб қолди, дўхтир, — Жасурбек кулди.

• • •

Зебохон бир нечта аёл даврасида суҳбатлашиб ўтирибди.

— Ойижон, бутунлай кўчиб келдим, — деди у.

— Нега? — деди сочлари қув оқарган кампир. — Мени ҳам Тошкентга кўчириб кетмоқчи эдинг-ку? Ёки бу қарорингдан қайтдингми?

— Ҳа ойижон, энди мен бутунлай сизнинг олдингизга кўчиб келдим.

— Эски уйимиз йиқилиб қолганидан бери кўпинча сеникида жон сақлардим. Опангникига сен тугул мен ўзим бир-икки ойга зўрға сиваман. Поччангнинг феъли торлигини биласанку, ахир. Бунинг эри сенинг эрингдай киши феълли эмас.

— Ойи, — деди ўрта ёшли семиз хотин.

— Нима дейсан, Пардагул? Айтавер гапингни, ичингда қолиб кетмасин.

— Бир кун туз еган жойингга қирқ кун салом бер дейишади. Ойи ҳеч қайси болангизникига сизмай шу ёмон куёвингизникида яйраб ўтирибсизку! Яна унинг ортидан шу гапларни айтишингиз яхши эмас.

— Ҳали сен ҳам шу гўрсўхта эрингнинг ёнини оладиган бўлиб қолдингми?

— Ойи, бир ёстикқа бош қўйган турмуш ўртовим бўлганидан кейин унинг ёнини олмай кимнинг ёнини олишим керак?

— Ҳали сен учун у гўрсўхтанг туққан онангдан ҳам яхши бўлиб қолдимми?

— Ундай демадим-ку ойи!

— Айтдинг! Бу қариб мияси айниб қолган кампир ҳеч нарсанинг фаркига бормади деб ўйладингми?

— Қўйинг ойижон! Ҳозир жанжал қиладиган пайт эмас! — деди Зебохон онаси билан опасининг жанжалини тўхтатиш ниятида уларнинг гапларига аралашди.

— Энди сен ҳам опангнинг ёнини олиб туққан онангга қарши чиқаяпсанми?

— Йўқ, ойижон. Ҳеч ҳам сизга қарши чиқаётганим йўқ.

— Боя бутунлай кўчиб келдим дедингми?

— Ҳа, — деди Зебохон ерга қараб.

— Шунинг учун ҳам опангнинг ёнини олаётганингни билиб турибман. Кўчада қолиб кетишдан кўрқаяпсан, дилингдагини топдимми?

— Ойижон, мен кўчада қолиб кетишдан кўрқаётганим йўқ.

— Нимангга ишониб бу гапларни айтаяпсан?

— Ўзимга.

— Агар қариганингдан кейин пулинг бўлмаса ҳеч кимга керагинг бўлмай қоларкансан. Яхшиям давлатимиз қариллик нафақасини беради. Бўлмаса, аллақачонлар кўчада қолиб кетармидим.

— Ойижон, мен сиздан қачон нафақа пулингизни сўрадим?

— Тўғриси айтсам, сендан ҳеч ҳам ёмонлик кўрмадим қизим! Ҳар йили бир-икки ой мана шу опангникига келиб кетганим бўлмаса қолган вақтда сеникида яшардим қизим. Сен ҳам қишлоққа кўчиб келдим деганингдан кейин энди қаерда яшаймиз деб куйиб кетганимдан гапириб юбордим, қизим!

— Кўрқманг ойижон, мен сизни кўчага ташлаб қўймайман!

— Нимангга ишониб бу гапларни айтаяпсан қизим?

Зебохон эгнидаги кўйлагининг ичидан қийикқа ўраб белига боғлаб олган тугунни ечиб онасининг олдига қўйди.

Кампир апил-тапил тугунни очди. Тилла тақинчоқлар билан бўлак-бўлак қилиб боғланган долларларни кўриб онаси билан онасининг кўзлари яшнаб кетди.

— Ана холос, — деб юборди кампир.

Ҳайратдан Пардагулнинг оғзи ланг очилиб ўтирган ерида қотиб қолди.

“Тушимми ёки ўнгимми” деб ўйлаган кампир кўзларини қўллари билан ишқалаб бир қизига, бир қийикдаги тилла тақинчоқлар билан долларларга қарарди. У ҳозир ўз кўзларига ишонмасди.

Бир пайт ҳаяжонини босиб олган Пардагул секин сўради: — Буларни қаердан олдинг?

— Уйимдан олиб келдим. Бошқа қаердан ҳам олардим.

— Эрим лапашанг мундоқ пул ишлашни ҳам билмайди деб, қачон қарама ундан нолиганинг-нолиган эди.

— Пул ишлашни билмагани билан, агар унга йўл-йўриқ кўрсатиб турсанг бойвачча акасининг пулларини шилишни бошлайд.

— Йўф-э!

— Ҳа!

— Сенинг қандай яхши эринг бор, сингилжоним. Менинг қуриб кетгур эримнинг бу қулоғидан айтган фойдали гапларинг у қулоғидан чиқиб кетаверади.

— Э, қизим, бу пулларни эрингдан сўраб олиб келдингми? — деди кампир опа-сингилнинг суҳбатини бўлиб.

— Уйга уч йигит бостириб кириб эримнинг бошини ёриб ташлашди! У ҳозир ўлим тўшагида ётибди. Агар эрим бу дунёдан кўз юмиб кетса ойижон мен сизни ўзим билан бирга уйимга олиб кетавераман. Бундан кейин меникида яшайверасиз.

— Агар у тирик қолиб пул билан тилла тақинчоқлар қани деб сендан сўраса нима қиласан? — деди Пардагул.

— Калитни қулфига солинган жойида қолдириб сейфнинг оғзини ланг очиб қўйдим.

— Эрингга долларлар билан тилла тақинчоқларни уйга бостириб кирган йигитлар олиб кетишган демоқчисан, сени тўғри тушундимми?

— Ҳа, — деди Зебо хотиржам. — Бундан ташқари уйимизга милиция ва тез ёрдам ходимлари, улардан кейин эримнинг акаси Алижон ака билан Алишер укалари ҳам киришган. Мен тилла тақинчоқлар билан долларларни ким олганлигини қаердан биламан деб туриб олсам улар мени ҳеч нарса қилиша олмайди.

— Зўрсан, — деди Пардагул, — шайтонга ҳам дарс берадиган даражага етиб қолибсан синглим.

— Қўй, синглингга ундай дема, — деди кампир уларнинг гапини бўлиб.

— Ойи, мен синглимга ёмон гап айтмадим. Ҳатто дунёни титратган Чингизхондай буюк ҳукмдорни ҳам тулкадай айёр, илондай захарли деб таърифлашган, — деди Пардагул.

— Опа, мени Чингизхонга тенглаб кўкларга кўтариб мақтаб юбордингиз-ку.

— Агар эркак бўлганингда сен ундан қолишмасдинг.

— Ҳа-ҳа-ҳа, — хандон отиб қулди Зебо.

— Синглим, энди буларни нима қилмоқчисан? — Пардагул онасининг олдида турган долларлар билан тилла тақинчоқларни имлаб кўрсатди. — Агар хоҳласанг бу нарсаларингни ўзим беркитиб қўяман. Сенга қачон керак бўлиб қолса мендан сўраб олаверасан.

— Йўқ, ўзимда тураверсин, — деди Зебо тугунга қўлини чўзиб.

— Ҳеч бўлмаса битта узук билан зирагингни вақтинча тақиб юрай, синглим.

Зебо тугундан битта зирак билан узукни олиб Пардагулга узатди.

— Раҳмат, синглим. Сен мени ҳурмат қилсанг, сени худонинг ўзи қўлласин, — Пардагул тақинчоқларни бармоғи билан қулоғига тақиб олди.

— Агар бизлар Тошкентга кетадиган бўлиб қолсак синглингнинг бу нарсаларини ўзига қайтиб берасан, — деди кампир.

Пардагул тақинчоқларни ечиб. — Ма, ол, нарсаларингни, — деб Зебонинг олдига ташлади.

— Нега бунча аразлайсиз? Тақиб юраверсангизчи опа.

— Сени ёшлигимда мана шу елкаларимда кўтариб катта қилдим, — деди Пардагул қўли билан ўзининг елкасига уриб. — Шунча бойлигинг бўла туриб битта узук билан битта зирагингни опангга совға қилсанг куйиб кетармиди?

— Булар мендан сизга совға, — Зебо Пардагул олдига ташлаган тақинчоқларни олиб яна унга узатди. — Мана олинг, дўсту душман ичида тақиб юринг.

— Раҳмат! Ўзим ўргилиб кетай ақлли сингилжонимдан, — Пардагул яна тақинчоқларни тақиб олди.

— Ўзига қайтиб бер, синглингнинг нарсаларини, — деди кампирнинг жаҳли чиқиб.

— Ойи, мен ҳам бунинг шугина қилган яхшилигининг тагида қолиб кетмасман! Ҳали опа ҳам керак бўлиб қолар, — деди Пардагул тақинчоқлардан ажраб қолишни хоҳламай.

Кампир нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди Зебохон онасини сўзлагани қўймай гапира бошлади.

— Ойижон, қўяверинг опам дўсту душман ичида тақиб юрақолсинлар. — У олдида турган тугунни қўлига олиб қўйлаги ичидан белига боғлаб олди.

Унинг гапидан кейин даврага жимлик чўкди.

Охирги пайтларда Лочинбек Лобарни кўриш илинжида унинг уйи атрофида ўралашиб юрадиган бўлиб қолди. Шундай кунларнинг бирида у Лобарни уйи олдидаги ўриндикда ўтирган ҳолда учратиб қолди.

— Тузукмисиз, Лобархон? — Лочинбек қўлини кўксига қўйиб сўрашди.

— Сиз сўраганингиздан бери анча яхшиман, — деди Лобар жилмайиб.

— Мабодо бизга хизмат-пизматингиз йўқми?

— Хизматимиз бору, пизматимиз йўқ, хи-хи-хи-хи, — Лобар кулди.

— Хизматингиз бўлса тортинмай айтаверинг, Лобархон, сиз учун бир зумда мухайё қиламиз!

— Лочинбек ака, мен нимани хоҳласам ҳам мухайё қиласизми?

— Сиз учун жонимни ҳам беришга тайёрман.

— Агар сиз менга жонингизни берсангиз ундан кейин хизматимни ким қилади.

— Айтинг жоним, — деди Лочинбек унга яқинлашиб. — Тилагингизни бир зумда мухайё қилмасам отамнинг фарзанди эмасман.

— Лочинбек ака, осмондаги ойни олиб беринг! — Лобар уни гап билан чув туширди.

— Э! — Лочинбек қўлини силтади. — Энди ҳадеб одамнинг устидан кулаверманг Лобархон. Бир марта нотўғри гапириб қўйиб шунча жазосини тортганим етар.

— Нега энди бир марта ёлғон гапириб қўйдим деяпсиз?

— Ўтган сафар билмасдан сизга осмондаги ойни олиб бераман деб қўлимдан келмайдиган ишни айтвориб уятга қолганимни биламан.

— Лочинбек ака, сиз фақат ўтган сафар эмас, бугун ҳам мени алдадингиз.

— Ўлай агар Лобархон, бугун сизни алдаганим йўқ.

— Менга тилагингизни бир зумда мухайё қилмасам отамнинг фарзанди эмасман дедингизми? — Лобар энди қувлик қилиб сўради. Охирги пайтларда у Лочинбекни ёш боладай изза қилиб ўйнашни ўзига одат қилиб олганди.

“Бу шайтоннинг урғочиси менга яна нима демоқчи” — Лочинбек кўнглидан ўтказди.

— Нега индамайсиз, Лочинбек ака? Ёки дарров сўзингиздан тондингизми? — Лобар унга айёрлик қилиб ясама жилмайди.

— Яна ўша осмондаги ойни айтаяпсизми?

— Ҳа.

— Лобархон, қўйинг шу қуриб кетгур ойни.

— Нега ундай дейсиз?

Лочинбек индамай кизариб-бўзариб ерга қаради.

— Агар осмондаги оймомо бўлмаса мен сиз билан зим-зиё тунда қандай қилиб учрашувга чиқаман.

— Ҳа, энди... — Лочинбек чайналди.

— Лочинбек ака, ёки сиз мен билан учрашувга чиқишни хоҳламайсизми? — деди Лобар нозли қараш қилиб.

“Вох-вох, жонингдан! Бунинг нозли қарашлари бир кунмас бир кун менинг юрагимни адои-тамом қилиб қўймаса эди деб қўрқаман”. Лочинбек ичидан ана шуларни ўйлар экан эркакларга хос энтикиб қўйди-да: — Қани эди Лобархон ўша кунлар тезроқ кела қолса, — деди у.

— Иккаламизнинг учрашишимиз мумкинлигини бугундан бошлаб хаёлингиздан ҳам чиқариб ташланг.

— Нега энди Лобархон?

— Сабаби сиз мен яхши кўрган нарсаларни ёмон кўраркансиз.

— Сиз бу гапларни қаердан олдингиз? — Лочинбек Лобарнинг гапларидан ҳайратланиб қисик кўзларини бақрайтирганича унга тикилиб турарди.

— Ҳозиргина ўзингиз оймомони қуриб кетсин дедингиз-ку. Ёки гапларингиз ёлғонми, Лочинбек ака?

— Ҳа, энди... — Лочинбек чайналди.

Лобар уни ёш боладай изза қилиб ором оларди.

— Майли, сиз бораверинг, Лочинбек ака. Бугундан бошлаб бизларнинг йўлимиз ҳам бошқа-бошқа. Тағин иккаламизни кўрган одамлар бизларни Лайли-Мажнунга чиқариб қўйишмасин.

— Лайли-Мажнун бўлсак ёмонми, Лобархон, — деди Лочинбек. — Агар мен ҳам сиз яхши кўрган оймомони яхши кўрсам сиз билан учрашишга умид қилсам бўладими?

— Мен сизни фақат алдоқчи деб ўйласам жуда айёр ҳам экансиз-ку.

— Ҳақиқатдан ҳам мен оймомони ёшлигимдан яхши кўраман. Болалигимда осмонга термулиб у билан кўп марталаб дардлашганман.

— Агар гапларингиз чин бўлса учрашишимизга умид қилсангиз бўлади. — Лобар ўтирган ўрнидан турди. — Энди мен борай. Индинга туғилган куним эди. Дугоналарим қутлагани келишмоқчи. Тайёргарлик кўриб қўйма-сам бўлмайди.

— Сиз овора бўлиб юрманг, ўзим чиройли бир ресторани банд қилиб қўяман. Фақат неча одам боришини айтсангиз бас!

— Сизни қийнаб қўймайманми, Лочинбек ака! — Лобар нозли қараш қилди.

— Нега қийнаб қўяркансиз? Сизнинг баҳонангизда каминаи-камтарин ҳам бир мириқиб дам олса ёмон бўлмасди.

— Келишдик. Бугун кечқурун сизга ўзим кўнғирок қилиб туғилган кунимга нечта одам келишини айтаман.

— Хизматингизга ҳамиша тайёрман, — Лочинбек қўлини кўксига қўйди.

— Лочинбек ака, арзигулик совға олиш эсингиздан чиқиб кетмасин-а!

— Одамни уялтираверманг Лобархон, айтмасангиз ҳам эсимда бор!

— Хўп майли, кўришгунча, — дея Лобархон уйнинг эшиги томонга қараб юрди.

— Индингача хайр жоним, — Лочинбек хаёлга толди. “Сен ҳозирча хунарингни кўрсатиб туравер. Ҳали менинг совунимга кир ювмабсан. Тўлғонойдай шайтонга дарс берадиганлар ҳам менинг олдимда таъзим қилиб турган. Бир амаллаб хонадонингга рўйхатга ўтиб сени ўзимники қилиб олай, кейин бу азобларингнинг жавобини оласан.

* * *

Бугун Жасурбекка уйга кетиш учун рухсат тегди. У шифокорлар билан хайрлашиб нарсаларини сумкага жойлаб қўйди.

Шу пайт хонага Ғайрат билан Алижон кириб келди. Улар бир-бири билан кўл бериб сўрашди.

— Ёзиб беришган дори-дармонларни ўз вақтида олишни унутмасинлар, — деди Ғайрат Алижонга тайинлаб. —

Ярим йилдан кейин яна жарроҳлик усули билан олиб ташланган суякнинг ўрнини ёпиш керак.

— Ҳозир шу ишни қилсак бўлмайдами? — Жасурбек сўради.

— Йўқ. Сабаби суякнинг кесилган жойлари яхшилаб битмагунича бўш жойни ёпиш хавфли. Ҳар хил муаммо келиб чиқиши мумкин.

— Қани нарсаларинг, — Алижон укасидан сўради.

— Ана, сумкага жойлаб қўйибман. — Жасурбек стул устида турган сумкани қўли билан кўрсатди.

— Файратжон, энди рухсатингиз билан бизлар уйга кетамиз, — деди Алижон.

— Мен сизларни касалхона ҳовлисигача кузатиб қўяман. — Файратжон эшик томонга қараб юрди.

Ака-ука унга эргашди. Ҳовлига чиққан Жасурбекнинг боши айланиб кўз олди қоронғилашиб кетди. Буни сезган Файратжон билан Алижон унинг қўлидан ушлаб қолди.

— Нима бўлди ука? — деди Алижон ваҳима қилиб.

— Соғ одам ҳам ўрнидан турмай ўн-ўн беш кун уйда ётиб кўчага чиқса боши айланиб кўзи тиниши табиий бир ҳол. Бунинг ҳеч ҳам қўрқадиган жойи йўқ, — дея юпатди Файратжон. — Анаву бўш ўриндикда бирпас ўтириб ўзларига келиб кўча об-ҳавосига мослашиб олганларидан кейин ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

Алижон энди бир оз ўзига келган Жасурбекнинг қўлидан ушлаб уни бўш ўриндикка бошлаб борди. Кейин ака-ука ёнма-ён ўтирди.

Шу пайт касалхона биноси томондан қиз боланинг ингичка овози эшитилди: — Файрат ака, сизни телефонга чақиришяпти. Жуда зарур экан!

— Хўп хайр! Бўшашим билан ўзим сизларга қўнғироқ қиламан, — дея Файратжон касалхона биноси томонга қараб шошганича тез-тез юриб кетди.

— Омон бўлинг ука. Телефонлашиб турамиз! — деди Алижон унинг ортидан.

Ёлғиз қолган ака-ука узоқ жим ўтиришди. Бир пайт жимликни бузишга қарор қилгандай Алижон Жасурбекка мурожаат этди:

— Қалай, тузукмисан?

— Анча тузукман.

— Энди секин юрсак, нима дейсан?

— Қани, кетдик.

Улар ўтирган ўринларидан туришди. Хар эхтимолга қарши Алижон Жасурбекнинг қўлидан ушлаб юра бошлади. Улар озгина юришганларидан кейин Жасурбек:

— Алижон ака, кўйворинг, ўзим юраман, — деди.

Алижон Жасурбекнинг қўлини кўйиб юборсада, йиқилиб тушмасин деб ўйлаб хар эхтимолга қарши унга яқин юрди. Улар катта кўчагача яёв чиқишди-ю, таксига ўтириб Алижоннинг уйигача етиб олишди. Алижон билан Жасурбекка эшикни очган Нилуфар билан Нодира уларни хурсанд кутиб олишди.

— Тузалиб колдингизми Жасурбек ака, — хол сўради Нодира. — Илохим, бу кунларни кўрмагандай бўлиб кетинг!

— Яхшиман, — деди Жасурбек жилмайиб.

— Келинг Жасурбек, сизга жой тайёрлаб қўйибман, — деди Нилуфар.

— Ётавериш жонимга тегиб кетди, бирпас ўтираман, — деди Жасурбек ҳамон атрофга аланглаб.

— Энди яхшимисиз, ахир? — деди Нилуфар. — Қандай овқат тайёрлаб берай?

— Товуқ шўрва қила қол, — деди Алижон.

— Фақат суюқ овқат ичавериш ҳам жонга тегди. Яхшиси ош қила қолсинлар, — деди Жасурбек.

— Сал сабр қилиб турсангиз, ошни ҳам бирпасда тайёрлаб бераман, — дея Нилуфар хонадан чиқиб кетди.

— Зебо кўринмайди? — Жасурбек сўради.

— Қишлоққа, ойисининг олдига кетди.

— Нега юбордингиз?

— Даволаниб келаман деди.

— Чакки қилибсиз.

— У даволаниб келаман деганидан кейин мен ҳам қаршилиқ қилолмадим.

— Мен бугуноқ қишлоққа кетиб уни бу ёққа олиб келаман. — Жасурбек кўча эшиги томонга қараб юрди.

— Тўхта ука. Телеграмма юборсак унинг ўзи қайтиб келади.

— Энди Зебога юзта телеграмма юборсангиз ҳам қайтиб келмайди.

— Нега?

— У менинг софаяётганимни кўриб қочиб кетган.

— Йўғ-э!?

— Ҳа! Менинг бу ахволга тушишимда унинг қўли бўлиши керак.

— Ҳали буни исботлаш керак, ука.

— Алижон ака, мана энди ҳаммасини аниқлайдиган вақт етиб келди, — деди Жасурбек. — Юринг, ош тайёр бўлгунича бизниқидан хабар олиб келамиз.

— Майли, кетдик.

— Алижон билан Жасурбек пастга тушиб такси ёллашди-ю, кўзлаган манзилларига етиб келишди. Кейин улар уйга кирдиларда, зинапояларни бирма-бир босиб ўзларига кадрдон хонадон олдида тўхташди. Шунда Жасурбек чўнтагидан калитини олиб эшикни очди-ю, у ёқбу ёққа ҳам қарамай тез юрганича тўғри ётоқхонага ўрнатилган сейфнинг олдига борди. Унинг кўзи ланг очилиб турган сейфга тушиши билан турган жойида ерга ўтириб қолди.

* * *

Алишер шанба куни тонг саҳардан самолётда Тошкентга учди. Тошкент аэропортига тушиб тўғри касалхонага борди.

У бош шифокор билан учрашиб акаси Жасурбекнинг соғлиқлари ва бундан кейин қандай муолажа олиши ҳақида батафсил сўраб-суриштирди. Шундан кейин у Алижонникига кириб борди. Ака-укалар қучоқлашиб сўрашишди.

— Хуш келибсан! Кел, киравер ука, — Алижон уни меҳмонхонага бошлади.

— Қани, юқорига чик, — деди меҳмонхонага кирган Алижон қўли билан укасига ўтириш учун жой кўрсатди.

Алишер хонанинг юқорисига жойлашган юмшоқ ўриндикка ўтирди-да:

— Жасурбек акам қани? — деб сўради.

— Яқиндагина катта жиянинг билан иккаласини отчопар бозори ёнидаги қишлоққа кетадиган енгил автомашиналар турадиган жойдан “Нексия”га ўтқизиб юбордим.

— Қишлоқда нима қиларкинлар?

— Хотинини олиб келишга кетди.

— Келинойим қишлоққа кетдиларми?

— Ҳа.

— Қачон?
— Уч-тўрт кун бўлди.
— Нега қишлоққа кетди?
— Ойимларнинг олдларида юриб даволаниб келаман деди.

— Келинойимни қишлоққа жўнатмаслигингиз керак эди. Майли энди бўлар иш бўлибди. Лекин енгил машинада шунча йўлни босиб ўтишини Жасур акамнинг соғлиги кўтармай қоладими деб кўрқаяпман!

— Жасурбек гапимга қулоқ солмай қишлоққа бориб келаман деб туриб олгандан кейин ноилож қолдим, Алишержон ука, — деди Алижон ички бир дард аралаш тушкин бир овозда.

— Майли, бўлар иш бўлибди. Кўпам сиқилаверманг, энди бунинг фойдаси йўк.

— Менга қолса Зебони қишлоққа жўнатмасдим, ўзига бир нарса қилиб қўямасин деб кетишига рози бўлдим.

— Келинойимга ўхшаганлар бундай қилиша олмайди.

— Нега ундай деб ўйлаяпсан, Алишер ука?

— У тоифадаги одамларнинг жони ширин бўлади.

— Бу сафар адашдинг ука.

— Қанақасига?

— Зебо ўз жонига қасд қилди. Бизларнинг юзимиз кора бўлиб қолишга сал қолди.

— Қандай қилиб?

— У ювиниш хонасига кириб қўлини кесибди. Яхшиям томирига тегмаган.

— Йўғ-э!

— Ҳа, шундай бўлди. Шундан кейин қишлоққа кетишига мен ҳам рози бўлдим.

— Кўп кесибдими?

— Йўқ, озгина кесибди. Худонинг ўзи бир асради.

— Келинойим бу ишни қишлоққа кетишга рухсат олиш учун атай қилган!

— Ё тавба! — Алижон қўли билан қўйлагининг ёқасини ушлади.

— Шунақа. Улар сизнинг соддалигингиздан фойдаланган, Алижон ака!

Алижон бир лаҳза жим бўлиб кейин деди:

— Зебохон менинг соддалигимдан эмас, гўллимдан фойдаланган.

— Ака, хаётда бировлар ҳар бир ишдан ёмонлик

излашади, яна бировлар бўлса ёмонликдан ҳам яхшилик излашади. Сиз гўл эмассиз, фақат яқинларингизнинг сўзларига ишониб дилида қандай мақсадлари борлигига эътибор ҳам бермайсиз.

— Ўзинг ўйлаб кўр, мана, сен укам бўлганингдан кейин мен сенинг сўзларингга ишонмай бунинг дилида қандай мақсадлари бор экан деб шубҳаланишим керакми? Бу тубанлик эмасми, ука?

— Тўғри айтасиз. Инсоннинг ўз жигарига шубҳа билан қараши имонсизлик, аммо ўша инсоннинг ота-онаси кимлигига ва унинг олган тарбиясига ҳам кўп нарса боғлиқ-ку ахир.

Энди Алижон ўйланиб қолди.

— Нурбек акам яқинда ўғил тўй қилмоқчи, — Алишер тўсатдан сўз мавзусини ўзгартирди. — Ойим ҳозир тўй тараддудлари билан овора.

— Ойимнинг ўзлари тузукми?

— Яхши ўтирибдилар.

— Бахтимизга омон бўлсинлар. Мен ўз ташвишларимдан ортмайман. Улар бўлса ўзларидан ташқари шунча фарзандларининг ҳам ташвишларини елкаларида кўтариб юрадилар. Бардошларига қойилман!

— Шунинг учун ҳам жаннат оналарнинг оёғи остида дейишган-да ака!

— Тўғри айтасан.

— Жасурбек акамлар билан бўлиб ўтган воқеани ҳам ойимлар ички бир туйғу билан сезишган. Мен улардаги бу ҳолатдан кўриб шифокорларни уйга юбориб танбеҳ ҳам эшитдим. Аслида ойижоним Жасурбек акамларнинг бошига тушган кулфатлардан ташвишга тушган эканлар. Менга Нодира кўнғироқ қилганидан кейин Жасурбек акам билан бўлган воқеаларни эшитиб ҳайратга тушгандим.

— Йўғ-э!

— Ҳа, ойим Жасурбек акамларнинг бошига кулфат тушмасидан олдин безовта бўла бошлаган экан. Кейинчалик ўйлаб кўриб шу нарсани аниқ билдим. Улар акамларни ҳар куни тушларида кўриб безовта бўла бошлади. Мени ҳам ҳоли-жонимга қўймай ҳар куни Жасурбек акамга кўнғироқ қилишимни илтимос қилардилар.

— Ҳа, эсимда, — деди Алижон хотиралаётгандай бўлиб. — Жасурбек акамми ёки Зебо келинойимми, қай-

си бўлса ҳам оймларга қўнғироқ қилсин деганингни Нилуфар менга айтганди.

— Ана шундай, Алижон ака.

— Энди нима қиламиз?

— Қандай бўлмасин Тўлғонойнинг изига тушишимиз керак. Мен бугун прокуратурага кириб ҳамкасбларимдан у хотин тўғрисида сўраб кўраман.

— У ҳам айбсиз бўлиб чиқсачи?

— Зебо келинойим қўшнилари ичида фақат Женя ва Тўлғоной билан яқин муносабатда бўлган, шунинг учун ҳам ҳозирча шу иккита аёлни асосий гумондор деб ўйлайман.

— Нега энди аёллардан гумонсираяпсан?

— Сабаби Зебо келинойим қўшнилари ичида эркеклар билан яқин муносабатда бўлмаслиги табиий, қолаверса бундай маълумот ҳам йўқ. Демак, бегона одам билан келинойимнинг муносабати йўқлиги ҳам табиий. Буни телефон тармоғидан олган маълумотномам ҳам исботлаб турибди. Жасурбек акамни шу аҳволга солган жиноятчиларни Женя ёки Тўлғоной исмли аёллардан бири топиб берган бўлиши керак деб ўйлайман. Энг охири гумоним бу Жасур акамга иши тушган қонунбузарлардан бирортаси бўлиб чиқиши ҳам мумкин.

— Жасурбек уйига бостириб кирган жиноятчини танимаяпти. Сен улар ҳақида қандай фикрдасан?

— Бу ишнинг тепасида турган одам қотилларни ёллаган деб ўйлайман.

— Мен ҳам сенинг фикрларингга қўшиламан. Лекин қандай бўлмасин жиноятни очиш учун кичкина бўлсада, бирор далил бўлиши керакку ахир.

— Тўғри, ҳозир қонун ҳимоячилари ҳам айнан сиз айтган ана шу далилни излашяпти. Ҳар қандай жиноятни очиш учун ҳам ана шу кичкина далилнинг ўзи етарли бўлади.

* * *

Зўббон қишлоғига келиб тўхтаган “Нексия”дан Жасурбек билан бирга чўзинчоқ юзли, ўрта бўйли бир йигит тушди.

— Расулжон, бу тарафга қараб юрамиз, — деди Жасурбек борадиган томонини кўли билан кўрсатиб.

— Борадиган жойимиз узокми? — сўради Расул.

— Хув анаву учинчи уй, — Жасурбек кўрсаткич бармоғи билан ўрта хол бир уйни кўрсатди.

Улар юриб ўзларига керакли уйга яқинлашгач, Жасурбек Расулга мурожаат этди:

— Сен шу ерда мени кутиб тур, ука. Мен ичкарига кириб Зебо келинойингни олиб чиқаман.

— Хўп, ака, фақат тезроқ чиқинг. Яна Тошкентга қайтиб кетадиган бўлсак қоронғига қолиб кетмайлик.

— Бу томондан хавотир олма, бир иложини қиламиз, — дея Жасурбек ўрта хол уй томонга қараб кетди.

Орадан чамаси бир соатлар ўтиб ўтмай Жасурбек кириб кетган уйдан қизи Холида чиқиб келди.

— Ассалому алайкум, Расул ака, — деди у.

— Ваалайкум салом. Яхши юрибсанми?

— Яхши! Қишлоқ мацца экан.

— Даданг қани?

— Ичкарида овқат еяптилар!

— Дадангга Расулжон акамлар чақираяпти деб айт, хўпми?

— Мени сизнинг олдингизга дадамнинг ўзлари юбордилар. Расул акангга айт, Тошкентга қайтиб кетаверсин, мен шу ерда қоламан дедилар.

— А-ҳа-а...?

— Агар менга ишонмасангиз уйга кириб дадамнинг ўзларидан сўранг.

— Яхшиси, дадангнинг ўзини бу ёққа чақириб юбор. Уларни шу ерда кутиб тураман.

— Барибир улар бу ёққа чиқмайдилар. — Боя айтдимку овқатланаяптилар деб.

— Аввал сен менинг чақираётганимни дадангга кириб айт, кейин улар нима деса ҳам менга келиб айтасан, хўпми?

— Майли. — Холида уй томонга қараб югуриб кетди. Орадан кўп ўтмай яна қайтиб Расулнинг олдига келди.

— Ана, мен сизга айтгандим-ку, дадамлар чиқмайдилар деб. — Менга ишонмасангиз, боринг ўзларидан сўранг. Дадамлар сизни Тошкентга қайтиб кетаверсин, мен шу ерда қоламан дедилар.

— Юр, дадангнинг олдига борамиз, — Расул уй томонга қараб юрди.

Холида уни ичкарига — дадаси ўтирган хонага бошлаб борди. Расулнинг дастурхон атрофида ўтирган соч-

лари қув оқарган семиз кампир билан ўрта ёшли аёлга кўзи тушиб уларга салом берди. Кампир билан ўрта ёшли аёл худди унинг салом берганини эшитмагандай безрайиб жим ўтиришаверди.

— Жасурбек ака, Тошкентга қайтиб кетмаймизми, — сўради Расул Жасурбекка мурожаат этиб.

— Расулжон, сен кетавер, мен шу ерда қоламан.

— Дадам сизни сўраса нима дейман.

— Қишлоқда қолди, иши бор экан дейсан.

— Иккаламиз бирга кетсак яхши бўларди, ака.

— Сен кетавер деяпманку, менинг ўзим бораман.

— Майли бўлмаса, мен кетдим.

— Яхши етиб бор.

Расул автомашиналар тўхтайдиган охириги бекатгача яёв юриб борди-да, шу ерда турганларга мурожаат этди.

— Ассалому алайкум акалар. Мен Тошкент билан гаплашмоқчи эдим. Бу ерга яқинроқ шаҳарлараро телефон тармоғи қаерда бор?

— Пулингиз бўлса мана менда бор, — деб бекатда турганлар ичидан чамаси ўн-ўн икки ёшдаги бир болакай отилиб чиқди. — Фақат сўзлашиш учун кетган харажатни икки ҳисса қилиб тўлайсиз.

— Мени Тошкент билан гаплаштираманг бўлди, пулини оласан.

— Айтинг, телефон рақамингизни.

Расул айтиб турди. Болакай у айтган рақамларни тера бошлади.

— Тошкентнинг коддини тердингми? — сўради Расул.

— Бу томонидан ҳам еманг ака. Менинг ишим шу. Тошкент билан боғландим, мана гаплашинг.

Болакай узатган қўл телефонини Расул олиб қулоғига тутди.

— Алло, ойижон, сизмисиз?

— Ҳа, менман болам, қаердасан? — деган Нилуфарнинг овози телефондан эшитилди.

— Бизлар қишлоққа етиб келдик. Жасурбек акам шу ерда қоламан деяптилар, мен нима қилсам экан?

— Сен ҳам Жасурбек акам билан бирга қолиб қачон бу томонга қайтса яна бирга келаверасан.

— Бу ердагилар Жасурбек акамларни уйларига киритишди. Мен кўчада қолиб кетдим. Улар менга Тошкентга қайтиб кетавер дейишяпти.

— Оч қолмадингми болам?

— Йўқ.

— Ёнингда пулинг борми?

— Эрталаб адамларнинг берган пуллари бор.

— Йўлни билмасанг қандай қилиб Тошкентга ёлғиз бир ўзинг қайтасан? — Телефонда Нилуфарнинг йиғлаган овози эшитилди.

— Ойижон, нега мен Тошкентга бора олмас эканман, ёш бола эмасман-ку ахир.

Қаердасан ўғлим, — энди телефондан Алижоннинг овози эшитилди.

— Мен ҳозир Зебо келинойимнинг Пардагул деган опаларининг уйига яқин жойдаги автомашиналарнинг охириги бекатида турибман.

— Яхши, — деди Алижон ҳаяжонли овозда. — Шу бекатдаги хоҳлаган таксига бувингнинг уй манзилини айт. Такси ҳайдовчининг ўзи йўлни сўраб-суриштириб топиб боради. Мабодо пулинг етмаса бувингдан олиб турарсан. Такси ҳайдовчи қанча пул сўраса ҳам хўп де. Қоронғига қолиб кетсанг йўлда қийналиб қоласан. Фақат бувингга Жасурбек аканг тўғрисида ҳеч нарса айтма. Мен сизни кўриб кетгани келдим, деб қўяқол, гапларимга тушундингми ўғлим.

— Тушундим дада.

— Бувингникига борганингдан кейин яна менга қўнғирок қил!

— Хўп, дадажон.

— Ҳозирча хайр ўғлим.

— Хайр.

Расулжон телефонда гаплашиб бўлиб болакайга қўл телефонини узатди-да: — Қанча тўлашим керак ука? — деб сўради. Болакай ундан телефонни олиб жажжи тугмачаларини босиб ниманидир кўрди-да. — Бир минг олти юз сўм бўлибди ака, — деди.

— Кўп айтвормадингми?

— Менинг шундан бошқа тирикчилигим йўқ ака, — деди болакай кўзлари мўлтираб. — Сиз бу ерликка ўхшамайсиз, узоқдан келдингизми?

— Ҳа, — Расулжон чўнтагидан пул чиқариб санай бошлади.

Ундан пулни олиб қайта санаган болакай кўзларини қисиб кулди. — Мехмон отанг билан тенг дейишади. Манг, мана буни олинг, — у бир дона юз сўмлик пулни Расулга узатди.

— Олиб қўявер, ука, — Расул қўлини силтади.

— Агар сизга такси керак бўлса инсофли такси ҳайдовчисидан ўзим топиб бераман. Мен бу ердагиларнинг хаммасини беш бармоғимдай яхши биламан.

— Бўпти, инсофлироғидан топиб берақол.

— Манзилингизни айтинг!

Расул борадиган манзилини айтди.

— Мен ҳозир, — дея болакай чопқиллаб кетди. У бир “Матиз” ҳайдовчиси билан кира ҳаққини узоқ тортишди. Болакай бир қарорга келиш олдидан бўладими дегандай Расулга қаради.

Расул бўлади деган маънода бош ирғади. Шундан сўнг болакай такси ҳайдовчи билан бир тўхтамага келишди.

— Акамларни уйининг эшиги олдигача обориб қўйинг. Булар бизнинг қишлоқнинг меҳмони бўладилар, — деди у.

— Хўп бўлади, бошлиқ, — деди чамаси ёши эллик ёшлардан ошган такси ҳайдовчи.

— Арзимаёди ака, — деди болакай. Кейин Расулжонга юзланди: — Худо хоҳласа ҳали яна учрашиб қолармиз. Яхши етиб олинг ака!

“Зўр болакай экан” деб ўйлаган Расулжон, — омадингни берсин ука, омон бўл! — деб автоуловнинг олинди ўриндиғига ўтириб олди.

* * *

Расул чиқиб кетганидан кейин кутавериш тоқати-тоқ бўлган Жасурбек яна сўради: — Зебо ўзи қачон келади?

— Мен сенга неча марта айтдим акасиникига кетувди деб, унинг қачон келишини бизлар қаердан ҳам биламиз! — деди қайнонаси аразлаб.

— Нега қизингизнинг қачон келишини билмайсиз?

— Менга қачон келишини айтиб кетмаган, Пардагул, синглинг қачон келишини сенга айтиб кетмадимми?

— Йўқ, менга ҳам айтмади, — тўнғиллади Пардагул. Унинг гапидан кейин ўртага жимлик чўкди. Бир пайт Жасурбекни ўтирган ерида уйқу босиб мудрай бошлади.

— Ёстикқа бошингни қўйиб ёт йўл юриб чарчагандирсан, — кампир ўзининг ёнида турган ёстикни олиб Жасурбекка узатди.

Жасурбек ёстикни унинг қўлидан олиб кўрпача устига қўйди-да, ён томони билан ётган кўйи уйкуга кетди. Шундан сўнг кампир билан Пардагул хонадан чиқиб кетишди. Улар айвонга чиқиб тўғрига юришди-да, ичкари хоналардан бирига киришди. Бу хонада Зебохон орқасига ёстик қўйиб деворга суяниб ўтирарди. Хонага кирган онаси билан опасига унинг кўзи тушиб сакраб ўтирган ўрнидан турди.

— Тиллалар билан долларларни сўраяптими? — деди ваҳима қилиб.

— Эринг фақат сени сўраяпти. Бошқа ҳеч нарса сўрагани йўқ, — деди кампир.

— Энди нима қиламан? — Зебохон бўкириб йиғлаб юборди.

— Нега йиғлайсан? “Менинг долларлар билан тиллаларни олганимни ҳеч ким кўрмади” дегандингку ахир, — деди Пардагул. — Сен ҳеч нарсадан кўрма, бўлди, бас қил, йиғи-сигини. Бу ёнига мана мен туриб бераман. Қани бирортаси гинг деб кўрсинчи, ўша одамнинг маҳалласида бақир-чақир қилиб, эл олдида шармандаи-шармисор қиламан.

— Барака топ кизим, синглингни сен қўлламасанг ҳозир уни ҳеч ким қўлламайди, — деди кампир Пардагулга нажот излаган кўзларини қадаб.

— Зебо синглим менга арзимаган бир узук билан зирагини берганида нега синглингнинг нарсаларини оласан деб, мени уришгандингиз. Шунда мен хали унга опаси ҳам керак бўлиб қолар дегандим. Мана кўрдингизми ойи, ҳадемай мен ҳам синглимга керак бўлиб қолдим, — деб Пардагул зарда килди.

— Қўй, жаҳлинг чиқмасин, жаҳл чиқса ақл қочади қизим, — деди кампир.

— Ойи, хафа бўлманг-у, сиз ҳеч бир фарзандларингизни бир-бирига тенг кўрмайсиз.

— Нега ундай деяпсан қизим.

— Сабаби бизларни тенг кўрганингизда менга “синглингнинг нарсаларини ўзига қайтиб бер” дейиш ўрнига, Зебохон сенинг шунча тиллаларинг ва долларларинг бор, шундан опанга ҳам бер, шу бечора ҳам уйини данғиллама қилиб тузатиб олсин деган бўлардингиз, — деди Пардагул аразлаб.

Кампир энди нима қилишини билмай довдираб қолди.

— Опа қассобга ёғ, эчкига жон қайғу дейишган экан. Менинг ҳаётим остин-устин бўлиб турган бир пайтда ҳозир шу гапларнинг маврудимикин? — деди Зебохон онасининг ёнини олиб.

— Мен ҳам шуни айтаманда, — деди кампир жонлаиб. — Мен деярли Зебохон синглингникида яшайман. Менинг овирлигим ҳам унга етиб ортади. Қолаверса, сен мана шу иморатни қурганингда эридан яшириб уч-тўрт йиллаб йиққан уч минг долларини сенга бергани эсингдан чиқдими?

— Мен энди қассоб бўлдимми синглим? Раҳмат сенга! Ўз туғишган опангни яна кимларга ўхшатмоқчисан. Ҳеч тортинмасдан айтавер. Мен сизларнинг ҳақоратларингизга кўникиб кетганман, — деб Пардагул қизариб-бўзарди.

— Мен сизни қассобга ўхшатмадим. Бу халқнинг ибораси, — деди Зебохон опасига тушунтиришга урииб. — Мен сизга ҳозир ўзимнинг қийин аҳволга тушиб қолганлигимни айтмоқчи эдим холос.

— Сизларнинг ҳаммангиз ақллисизлар-у, мен бир ўзим ҳеч нарсани тушунмайдиган ахмоқман, шундайми?

— Сизни ҳеч ким ахмоқ деягани йўқ, Пардагул опа!

— Битта сенинг ахмоқ дейишиг қолувди. Айтмоқчи бўлсанг айтақол, яна ичингда қолиб кетмасин!

— Қўй, Пардагул қизим, ҳа, деб синглингнинг кекирдагидан олаверма. Ҳозир сизлар жанжаллашадиган пайт эмас. Худди жўжахўрозлардай бир-бирларингизга ташланганларингиздан кўра анову уйингизга бостириб кириб ётган одамга ташланинглар, — деди кампир. Ҳозир у Пардагулга жўжахўроздай синглингга ташланганингдан кўра демоқчи эди-ю, яна қизимнинг жазаваси тутиб керосин сепилган оловдай ловиллаб кетмасин деб ўйлаганича “жўжахўрозлардай бир-бирларингизга ташланганларингиздан кўра” деди.

Кампирнинг гапларидан кейин ўртага жимлик чўқди.

* * *

Алишер билан Нодира иккаласи бирга кўчага чиқиб кетганларидан кейин телефон жиринглаб колди. Телефонда аввал Нилуфар, кейин телефон гўшагини унинг кўлидан тортиб олган Алижон гаплашди.

— Уруғларингиз билан укаларингизнинг дастидан ўлар бўлсам ўлиб бўлдим, — деди Нилуфар йиглаб.

— Уруғим билан укаларим сенга нима ёмонлик қилди? — деди телефон гўшагини жойига қўйган Алижон хайрон бўлиб.

— Ҳаммасининг оғирлиги бизнинг устимизда.

— Ака-ука бўлганимиздан кейин бир-биримизга суянамиз. Бунинг нимаси ёмон.

— Менинг муштдай болам бегона вилоятда сизнинг укангизни деб сарсон-саргардон бўлиб юрибди.

— Битта сенинг боланг эмас, у менинг ҳам фарзандим. Ўғил бола бўлганидан кейин хаётнинг аччиқ-чучигини тотиб, комилликка эришади.

— Ҳалиям муштдай боламнинг елкасига девдай укангизнинг ташвишини юклаб қўйибсиз-ку. Шу ҳам адолатданми?

— Ўғлимизнинг ёнида пули бўлса, қолаверса, қўча тўла машина. Бир вилоятдан бошқа бир вилоятга таксида боролмайди деб ўйлаясанми?

— Болам бечора борадиган йўлини билмаса қандай қилиб боради?

— Ўғлимиз борадиган йўлини билиши шарт эмас. Кира ҳаққини тўлаб манзилини айтса бас, қайси такси хайдовчи бўлса ҳам манзилига элтиб қўяди.

— Сизга нима десам ҳам мана деб жавобини таппатайёр қилиб қўясиз.

— Нима қил дейсан? Ўғил болани уйдан чиқармай киз болага ўхшатиб тарбияла демокчимисан? Эртага у оила қуриб оила бошлиғи, қолаверса ота бўладику ахир! Яхши-ёмонни кўрмай, хаёт тўғрисида қандай қилиб тасаввурга эга бўлади? Вояга етиб хаёт бўсағасидан ичкари кирганда қокилиб кетиб, бутун хаёти остин-устин бўлиб кетмайдими? Ҳозирча йўл-йўриқ кўрсатиб, хаётнинг пастбаланд жойларидан авайлаб ўтказиб юборадиган биз эмасми, ахир. Биз бугун бормиз эртага худо биледи...

— Ўғлимизни ўйлар экансиз, нега топган-тутганимизни укаларингизга бериб бўлдингиз.

— Менинг укамлар бизнинг ёрдамимизнинг тагида қолиб кетишмайди, — деди Алижон тутоқиб. “Сенинг Хайитбой аканг бешта ҳовли сотиб олишга етадиган пулимизни олиб кетиб раҳмат айтиш ўрнига, берган пулларингни мендан ололмайсан, бунинг учун сенда ҳеч қандай гувоҳ йўқ. Бундан кейин ўртамизда борди-келди ҳам

бўлмайди” деб хат ёзиб юборганини эсласам ҳозир ҳам тепа сочим тикка бўлиб кетади.

— Менинг акамга бир-икки марта ёрдам берган бўлсангиз нима қилибди. Сиз бу пулларни белингиз оғриб топганингиз йўқ. Дўконларингиздан сувдай оқиб келиб турган пулларнинг бир қисми холос.

— Мен ҳозир йўқотган пулларимга эмас, ўз қадримга ачинаяпман!

— Қадрингизга нима бўлибди? — Нилуфар киприкларини пирпиратганича эрига тикилди.

Шу пайт Алижон Алишернинг “Сиз одамларнинг сўзларигагина ишонасиз, уларнинг дилида нима борлигига эътибор ҳам қилмайсиз” деганини эслади-ю, хотинининг кўзларига биринчи бор синчиклаб тикилиб, унинг сўзларининг маъносини туб-тубигача англашга ҳаракат қилди. “Мен авваллари Нилуфарнинг бунчалик бетга чопарлигига эътибор ҳам бермабман. Алишернинг гапларида жон бор экан! Ўзимнинг яқинларим таҳқирласалар ўзимникику деб кетаверибман.

Расулжонни Олимбой укаси калтаклаб тушликка ҳам юбормай буғдой ўрдиртиганида хотиним укасига бир овиз ҳам сўз айтмабди. Агар менинг укамлар шундай қилганида Нилуфарнинг мени тириклайин еб қўйиши турган гап экан. У ҳозир ўз ака-укаларининг ёнини олиб менинг укаларим бўлса ерга уриб гапирди. Мен бўлсам хотинимнинг кўнглига келмасин деб унинг ака-укаларини ўзимникидан устин кўярдим. Нилуфар ҳамиша ўзининг ака-укалари тўғрисида ўзига ёқмайдиган бирор сўз эшитса ҳамиша оғзимни ёпиб келади. Мен ахир топган-тутганимни хотинимнинг ака-укаларидан ҳам аямадим-ку. Пул топибману ақл тополмабман мен ахмоқ” деб ўйлаган Алижон ҳозир афсус надоматлар чекарди. “Одамлар билан муомала қилиш ҳам тиканли далада эҳтиёт бўлиб юришдай бир ҳолат экан” кўнглидан ўтказди у.

* * *

Манзилига етиб келган Расулжон такси ҳайдовчи билан ҳисоб-китоб қилиб бўлгач, тўғри Гулчехра момо яшайдиган ховлига кирди. Сўрида ўтирган Гулчехра момонинг унга кўзи тушиши билан қўлидаги пиёлани дастурхон бурчагига қўйди.

— Расулжон болам, ўзингмисан? — дея Гулчехра момо ўтирган ўрнидан туришга уринди.

— Ўрнингиздан турманг, ўтираверинг бувижон, — деб Расулжон югурганича Гулчехра момонинг қучоғига отилди.

— Ассалому алайкум, бувижон! Яхши ўтирибсизми? Соғлигингиз яхшими?

— Худога шукур, болажоним! — деди Гулчехра момо неварасини қучоғидан қўйиб юбормай. — Бирам соғиндим болажоним, сизларни бирам соғиндим!

— Бизлар ҳам сизларни жудаям соғиндик бувижон, — дея Расулжон бувисининг қучоғидан чиқиб юзларидан ўпди.

— Дадажонинг, ойижонинг ва укажонинг соғу саломат юришибдими? Жасурбек болам билан Зебохон ва Холидахон қизларимчи?

— Ҳаммаси яхши юришибди. Улар кўпдан-кўп саломлар йўллашиб сиздан хабар олиб келишим учун таксига ўтқазиб қишлоққа жўнатиб юбордилар.

— Эсон бўлишсин! Қишлоққа бир ўзинг келдингми? — Гулчехра момонинг ҳаёжонлангани унинг овозидан сезилиб турарди.

— Ҳа, бувижон, бир ўзим келдим.

— Тошкентдай жойдан бир ўзинг келган бўлсанг катта йигит бўлиб қолибсан болажоним.

— Уйда ҳеч ким йўқми, бувижон?

— Алишер Тошкентга кетди. Акангни у ёқда кўрдингми?

— Йўк! Қачон Тошкентга кетдилар.

— Бугун эрталаб.

— Мени ҳам дадажоним тонг саҳардан таксига чиқариб, бу ёққа жўнатиб юбордилар. Алишер акамлар бизлар уйдан чиқиб кетганимиздан кейин боришган бўлсалар керак.

— Шу боламини ишхонасидан ҳа, деб Тошкентга чакираверадиган бўлиб қолишди. Охири бахайр бўлсинда, болажоним!

— Уларнинг иши ўзи шунақа, буни ўзингиз ҳам биласизку бувижон.

— Тўғри айтасан, болажоним!

— Кеннойим қанилар?

— Нурбекжонимнинг ўғли катта йигит бўлиб қолди. Яқинда шунинг қўлини ҳалолламоқчимиз.

— Қўлини ҳалоллаганингиз нима?

— Суннат қиламиз, болажоним, шуни ҳам билмайсанми? — Гулчехра момо яйраб кулди.

— Энди тушундим бувижон, — Расулжон уялиб ерга каради.

— Кўй, уялма! Кўлини ҳалоллаймиз деган сўзни ҳозир камдан-кам ишлатишади. Сен бу сўзни эшитмаганингдан кейин қаердан ҳам билардинг.

Расулжон индамади.

— Нима деяётгандим, ҳа, айтгандай кеннойинг Нурбекжоннинг турмуш ўртоғи билан бирга дўконга кетишди. Дўконга олий навли ун келибди. Шундан тўйга тўртбеш қоп ун харид қилишмоқчи. Ҳали замон келиб қолишади.

— Кеннойимлар ун тўла қопни кўтаролмайдиларку!

— Ҳозир дўкон олдида от-арава турадиган бўлган. Озгина пул эвазига нима олсанг ҳам олган нарсаларингни аравакашга кўрсатсанг бас. Унинг ўзи нарсаларингни араवासига ортиб бир зумда уйингга элтиб беради.

— Яхши экан.

— Ҳа, болажоним, ҳозир яхши замонлар бўлиб кетди!

* * *

Ҳашаматли ресторанининг алоҳида хонасидаги узун столнинг усти нозу неъматларга тўла. Столнинг юқорисида ўтирган Лобархон очилиб-сочилиб ўтирибди. У ҳар замон, ҳар замонда хандон отиб кулиб кўяди. Столнинг ҳар иккала тарафидан жой олган йигитлар-у, қиз-жувонлар столдаги ноз-неъматлардан еб-ичишиб ўтиришибди. Бир пайт Лочинбек ўтирган ўрнидан туриб сўз бошлади.

— Азизлар, мана бугун Лобархоннинг туғилган куни. Мен уларга соғ-саломатлик, бахт-саодат ҳамда Лобархоннинг барча орзу-истакларининг рўёбга чиқишини тилаган ҳолда мана шу арзимас совғамни қабул қилишларини улардан ўтиниб сўрайман, — деб Лочинбек жажжи қутичани ҳаммага кўз-кўз қилаётгандай баланд кўтарди.

Лобар унинг кўлидан қутичани олиб ичини очди-ю, ёкут кўзли узукка кўзи тушиб унинг қувончдан кўзлари чакнаб кетди.

Даврадаги бир-иккита одамларнинг “қутлуғ бўлсин, буюрсин, муборак бўлсин”, деган сўзидан кейин ўтирганлар гулдурос қарсақ чалиб юборишди.

Шундан сўнг даврадагилар спиртли ичимлик тўлатилган фужерларни тўкнаштириб ичишдилар. Бир-бирига уйғунлашиб кетган созандаларнинг шўх куйи-ю, хонанданинг ёниб-куйиб куйлаган қўшиғи садоси остида даврадагилар рақсга туша бошлади. Шу зайлда ҳар бир табрикдан сўнг фужерлар бир-бири билан тўкнаштирилиб ичилар, кейин яна созандалар куйи ва хонанданинг хониш садолари остида ўйнагани ўртага чиққанларнинг ўйини авжга чиқарди. Бу ҳолат бир неча марта такрорланди. Ҳар сафар фужерларга ҳар кимнинг хоҳишига қараб коньяк-у, ароқ тўлатилиб даврада ўтирганлар навбатма-навбат Лобар шаънига илиқ сўзлар айтишди. Ярим тунда зиёфат тугаб кўпчилик маст-аласт ҳолда уй-уйларига жўнаб кетишди.

Лочинбекнинг қўли остида ишлайдиган йигитнинг яшил рангли “Нексия”си Лобарнинг уйи олдига келиб тўхтади. Унинг олдинги ўриндигидан тушган Лочинбек автоуловнинг орқа эшигини очиб, — Лобархон, қани туша қолинг, — деди.

— Раҳмат, Лочинбек ака! — дея Лобархон автоуловдан тушди.

Лочинбек Лобархоннинг таниш-билишлари совға қилишган нарсалар солинган сумкани ва бир сават гулни кўтариб оларкан ҳайдовчига кетавер дегандай ишора қилди. Унинг ишорасидан сўнг автоулов жойидан шиддат билан силжиб кетди.

— Э, машинангиз сизни ташлаб кетвордимми? — Лобар Ҳайрон бўлиб сўради.

— Кетса-кетаверсин, менга машинанинг кераги йўқ.

— Сизни уйингизга ташлаб кетганида яхши бўларди. Энди ярим тунда такси излаб юрасизми, Лочинбек ака?

— Ҳа, энди...

— Нега чайналасиз. Ёки кайфингиз ошиб қолдимми? — Лобарнинг шумлиги тутди.

— Шунақага ўхшайди.

— Мен сизнинг нутқингизни йўқотадиган даражагача маст бўлишингизни билмас эканман. Бу гапингиз билан мени қаттиқ ўйлантириб қўйдингиз.

— Нега энди, Лобархон?

— Мен ичиб олиб, маст-аласт ҳолда айтмоқчи бўлган сўзларни айтишга тили айланмай юрадиган одамларни ёмон кўраман.

— Ё тавба! Мен ундай одам эмасман. Сизни яхши кўрганимдан ҳаёжонланиб тилим айланмай қолди Лобархон!

— Мен бўлсам ичкиликни жонидан ҳам ортиқ яхши кўрадиган бир одамга йўлиқибман, деб қўрқиб кетгандим.

— Йўғ-э!

— Ҳа!

— Астофрулло, — Лочинбек қўли билан эгнидаги кўйлагининг ёқасини ушлади. — Наҳотки сиз менинг спиртли ичимлик ичадиган одамларни ёмон кўришимни сезмаган бўлсангиз!

— Бугун сиз билан биринчи марта туз-намак бўлишимиз. Шундай бўлгач, мен сизнинг спиртли ичимликни ёмон кўришингизни қаёқдан ҳам билардим.

— Бундан кейин билиб қўйинг, Лобархон, Лочинбек акангиз спиртли ичимликларни ёмон кўради.

— Нега бўлмаса ресторанда бир-неча марта коньяк ичдингиз?

— Ҳа энди... — Лочинбек чайналди.

— Ана яна тутилиб гапиролмай қолдингиз. Шу қургур спиртли ичимликни айтсам тилингиз айланмай қоларкан. Мен қўрқиб кетаяпман, тезроқ хонадонимга кириб кета қолай, — Лобар ҳам тез-тез юриб кета бошлади.

— Тўхтанг, Лобархон! Мен маст эмасман!

— Ресторанда ичганингизни ўз кўзларим билан кўрганман, сиз ҳозир мастсиз. Уйингизга кетинг, илтимос.

— Тўхтанг Лобархон! Мени эшитинг... — Лочинбек зинапояларни бирма-бир босиб тез-тез юриб кетаётган Лобархоннинг қўлидан ушлади.

— Вой, тортинг қўлингизни, — дея Лобархон унинг қўлини силтаб ташлади. — Ичиб олиб маст бўлсангиз ўзингизга. Менга тегажовлик қилманг, ҳозир қўшниларни чақираман.

— Лобархон, тўхтанг, мен тегажовлик қилаётганим йўқ, — деди Лочинбек. — Ҳеч бўлмаса манаву сумкадаги совғаларингиз билан гулингизни олиб кетинг.

— Уларни сиз олиб кетаверинг. Шулар билан сиздан қутулсам бас!

— Сизга тегишли совғаларни мен нима қиламан! Манг, олиб кетинг!

— Совғаларни турган жойингизга қўйиб ўзингиз қайтиб кетинг. Шундагина у нарсаларни олишим мумкин.

Лочинбек қўлидагиларни ерга қўйди-да, беш-олти зинапоя пастга тушиб тўхтади.

— Ҳозироқ кетинг! Агар кетмасангиз эртага прокуратурага бориб, Лочинбек ака ичиб олиб тегажовлик қилди деб устингиздан арз қиламан.

Лочинбек прокуратура сўзини эшитди-ю, унинг бошидан капалаги учиб: — Мана кетаяпман Лобархон. Бемалол нарсаларингизни олиб кетаверинг — деди. Кейин Лочинбек тез-тез юрганича пастга тушиб кетди.

Лобархон бориб ўзига тегишли совғаларни олди-да, уйига кириб эшикни ичидан қулфлади. Кейин у тўғри ошхонага кириб қўлидаги нарсаларни ерга қўйди. Шундан сўнг Лобар ётоқхонага кириб ўзини ётоқ жойига отди. Энди Лобар Лочинбекни қандай қилиб майна қилганлигини эслади-ю, ётган жойида кулиб юборди.

* * *

Жасурбек якшанба куни тушдан кейин шошиб-пишиб Алижонникига кириб келди. У меҳмонхонада ўтирган Алижон ва Алишер билан қўл бериб сўрашди-да, — Зебо билан Холидахон қани? — деди.

— Улар қачон келишди? — деди Алижон хайрон бўлиб.

— Менга Зебонинг онаси “хотининг билан қизинг бугун тонг-сахарда Тошкентга жўнаб кетди” дегандику! Улар келишмадими?

— Йўқ. Зебохон билан Холидахонлар бу ерга келишмади.

— Наҳотки шундай кекса одам мени алдаган бўлса?

— Балким уйингга боришгандир.

— Мен ҳам тўғри уйимга боргандим. Лекин уларни тополмадим. Қўшниларибдан сўрасам улар ҳам Зебо билан Холидахонни кўришмаганликларини айтишди.

— Ундай бўлса сени қайнонанг алдаган кўринади.

— Намунча доводирайсиз, Жасурбек ака? Мундоғ ўтиринг! Сизнинг бошингизга тушган кулфатнинг сабабларини биргалашиб муҳокама қилиб кўрайлик, — деди Алишер.

Жасурбек лом-мим демай юмшоқ ўриндикка омонатгина ўтирди.

Даврага бир зумлик сукунат чўкди. Ҳозир уларнинг хаёлидан нималар ўтаётганини билиб олиш қийин эди.

Алишер фикрларини жамлаб олди шекилли вазмин ва босиқлик билан сўз бошлади.

— Жасурбек ака, сизнинг бошингизга тушган бу кулфат ҳаммамизнинг бошимизга тушган кулфат. Сиз бизларни тўғри тушунинг. Қандай бўлмасин жиноятчиларни топишимиз керак, — деди у.

— Менинг ҳам мақсадим шу. Лекин ҳозирча бунинг уддасидан чиқа олмаяпман, — деди Жасурбекнинг хаёли паришон бўлиб.

— Ўзингиз кимдан гумонсираяпсиз?

— Ҳозирча аниқ бир нарса айтолмайман. Лекин Зебонинг бу ишда қўли бўлса керак деб ўйлайман.

— Кеннойимнинг бунчалик тубанлик қилишига нима сабаб бўлиши мумкин?

— Билмадим? Топган-тутганимни кеннойингнинг қўлига берсам. Ортиқча сарф-харажат қилмасам. Бировдан кам жойимиз ҳам йўқ! Унинг бу ишларга қандай қилиб аралашиб қолганига менинг ҳам ақлим етмаяпти.

— Ҳар куни маст ҳолда уйга келиб жанжал қилмас-мидингиз.

— Йўқ. Ҳар куни ичиб кўчада сандирақлаб юришга менда вақт йўқлигини ўзинг ҳам яхши биласан.

Алишер Жасурбекка яна нимадир демоқчи бўларди-ю, у акаси бўлганлиги учун ҳам айтолмай қийналарди.

— Зебохоннинг бу ишларга аралашшига сабаб рашк бўлмасин? — деди Алижон Алишернинг дилидагини топгандай.

Жасурбек индамай ерга қаради.

— Нега индамайсиз Жасурбек ака? — деди Алишер.

— Кўпчиликнинг уч-тўртта хотини борку. Нега улар эрларига суиқасд қилавермайди? — Жасурбек Алишернинг саволига савол билан жавоб берди.

— Бу уларнинг ота-онасининг кимлигига, яъни генига, қолаверса, уларнинг олган тарбиясига ҳам боғлиқ. Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз, Жасурбек ака!

— Бирортаси билан алоқангиз бормиди?

— Алижон акам у билан муносабатингни уз деганларидан кейин узил-кесил ўртамизни очик қилганман. Буни Зебо кеннойингнинг ўзи ҳам яхши билади.

Жасурбекнинг гапларидан кейин Алишер бир зум хаёлга толди. Кейин у фикрларини жамлаб олди, шекилли, яна савол беришда давом этди.

— Балки сиз жазога тортган қонунбузарларнинг бу ишда қўли бордир?

— Бўлиши мумкин.

— Агар қонунбузарлар ичида гумон қилганларингиз бўлса айтинг, мен улар тўғрисида керакли одамлардан керакли маълумотларни билиб оламан!

— Мен ҳаммасини яхшилаб ўйлаб бир қарорга келишим керак. Ана ундан кейин сен айтган йўлни тутамиз.

— Вақт кетаяпти Жасурбек ака. Шунча кундан бери ўйлаб кўрмадингизми?

Жасурбек яна индамай ерга қаради.

— Нега индамайсан? Мен қонун ҳимоячиларининг гапларига аралашмай деб жим ўтирибман, — деди Алижон тутоқиб. — Бу ерда гап бир инсоннинг ҳаёти устида кетаяпти. Сени бизларга худонинг ўзи иккинчи марта берди. Агар ўша жинойтчилар энди қизингга суиқасд уюштиришсачи. Бизлар қараб тураверишимиз керакми? Ҳов бола, мундоқ кўзингни очиб ҳаётга теран фикр билан қара!

Алижон “энди жинойтчилар қизингга суиқасд уюштиришсачи” деганида Жасурбекнинг ичидан бир нарса чирт этиб узилгандай бўлиб чап кўксига санчик пайдо бўлди.

— Нима қил, дейсиз ака! Ўзим ҳам ҳаёт йўлидан адашиб, довдираб боши берк кўчага кириб қолдим! Энди нима қилишимни ҳам билмайман! Дарёга чўқаётган одам хас чўпга ҳам осилади дейишадику! Агар билсангиз ҳозир мен дарёга чўқаётган одамнинг ўрнидаман.

— Сен хас чўпга эмас, мана Алишерга, қолаверса, менга осил! Бизлар сендан қачон ёрдамимизни аяганмиз?

— Тўғри айтаяпсиз, Алижон ака! — деб Жасурбек хўрсиниб қўйди. — Лекин ҳаёт йўлини йўқотган одам кўр одамдан ҳам мушкулроқ аҳволга тушиб қоларкан.

— Одамга ҳар томонлама қараганда ҳам инсонга ўхшаши мумкин, лекин ҳақиқий инсон бошига қандай кулфат тушишидан қатъи назар у инсоний фазилатларини йўқотмасагина ҳақиқий инсон ҳисобланади! Гапларимга тушундингми, Жасурбек ука?

— Ҳамма гапларингизга тушуниб турибман, Алижон ака! Фақат ишни нимадан бошлашни билмай бошим қотиб турибди.

— Бу бир баҳона! Сиз ишни нимадан бошлашни жуда яхши биласиз! Бунинг учун сиз ўзингизни босиб олиб ҳаёжонга берилмай, ҳамма қиладиган ишларингизни яхшилаб ўйлаб кўриб шижоат билан ишга киришингиз керак, — деди Алишер. — Жасурбек ака, тагин нега бу мендан кичкина бўлиб менга ақл ўргатаяпти деб ўйламанг.

— Тўғри маслаҳат бериш учун ҳам муҳитни тўғри баҳолай оладиган одам бўлиш керак, — деди Алижон! — Бу ерда ёшнинг нима фарқи бор?

— Менга эрталабгача вақт беринглар, ҳаммасини бир бошдан ўйлаб кўриб эрталаб тонг саҳардан нима қилишимиз кераклиги ҳақида келишиб оламиз, — деди Жасурбек. Унинг бу сўзлари оҳангида қатъиятлик муҳрланиб қолгандай эди.

— Келишдик! — деди Алижон билан Алишер баробарига.

Алишер ҳали тонг отмасидан олдин ётган ўрнидан туриб ўтирди-да, ёнгинасида ширин уйқуда ётган акаларига бир зум тикилганича қараб ўтирди. Кейин у Алижонни қўли билан туртиб уйғотди.

— Туринг, Алижон ака! Жасурбек акам билан маслаҳатлашиб олишимиз керак, — деди Алишер. — Менинг соат олти яримда учадиган самолётга чиптам бор.

— Мана, тураяпман, — деб Алижон уйқули кўзларини қўллари билан ишқаб, ётган ўрнида туриб ўтирди.

Алишер Алижонга чеккада ётган Жасурбекни имлаб кўрсатиб. — Мазза қилиб ухляптилар. Ҳеч ҳам уйғотгим келмаяпти, — деди.

— Майли, бизлар юз-қўлимизни ювгунимизча бирпас ухласин! Тонгги уйқу жуда ширин бўлади.

— Тўғри айтасиз, Алижон ака, тонгги уйқуга тенг келадигани йўқ.

Алижон билан Алишерлар кийиниб, юз-қўлларини ювиб олишди. Шу пайт уйқудан уйғониб кетган Жасурбек ҳам ётган ўрнидан турди.

— Сен ётавер, ҳозир кўпроқ ухлаб ўзингга куч йиғиб олишинг керак, — деди Алижон. — Фақат бундан кейин нима қилишимиз кераклиги ҳақида келишиб олсак бўлди.

— Алишерни қузатиб келмаймизми? — деди Жасурбек.

— Сен чарчаб қоласан. Менинг ўзим Алишерни аэропортгача обориб, кузатиб келаман.

— Йўқ, чарчамайман! Мен ҳам сиз билан бирга бораман, — деди Жасурбек.

Шу пайт хонага кирган Алишер, — Жасурбек ака, сиз ётиб дамингизни олаверинг. Мени Алижон акамнинг ўзлари кузатиб қўяди, — деди.

— Бундан кейин нима қилишимизни маслаҳатлашиб олишимиз керак. Сен нима дейсан, — деди Алижон Жасурбекка қараб.

— Агар бу ишда Зебонинг қўли бўлса, мен у билан ажрашаман, — деди Жасурбек.

— Қандай бўлмасин уни кишлоқдан бу ерга олиб келишимиз керак.

— Мен ҳозир Алишерни кузатиб қўйганимдан кейин Зебохонга шошилишчинома жўнатаман. Хали кўрасизлар, номани олганидан кейин унинг ўзи бу ерга етиб келади.

— Алижон ака, сиз кишлоққа бориб Зебони ўзингиз билан бирга бу ёққа олиб келсангиз ҳам катта гап, унинг ўзи икки дунёда ҳам бу ерга келмайди.

— Зебохон Тошкентга келса бўлдимми?

— Бўлди!

— Бу билан сен нимага эришмоқчисан?

— Бу ишда Зебонинг қўли бор-йўқлигини унинг ўзидан сўраб билмоқчиман.

— Жасурбек, у сенга ҳақиқатни айтармикин?

— Айтади, айтмасликка иложи йўқ. Бу ёғини менга қўйиб бераверинг.

— Зебо кеннойим ҳақиқатни айтмасачи? — жим ўтирган Алишер уларнинг суҳбатига аралашди. — Ёки бирор далилингиз борми?

— Зебо мени ҳар томонлама чув тушириб кетди, — деди Жасурбек. Кейин у хўрсиниб қўйди-да, яна сўзини давом эттирди. — Мен соғая бошлаганимдан кейин уйдаги бор-йўқ нарсаларни олиб кишлоққа жўнаворибди.

— Қаёқдаги гапларни қўйсангчи, Жасурбек ука! Мен аниқ биламан Зебохон ҳеч нарса олиб кетгани йўқ. Нега десанг, Зебохон, Холидахонларга йўлкирасига ишлатишар, зорикиб қолмасинлар деб Нилуфар кеннойингга юз эллик минг сўм пул бердим. У шу пулни Зебохонга бериб Нодирахон синглимиз билан бирга уларни кишлоққа кетадиган автоуловга ўтказишиб келишди, — деди Алижон.

— Авваллари унинг бунчалик айёрлигини хаёлимга ҳам келтирмасдим, — деди Жасурбек. — Мен кеча сизлардан ўйлаб кўришим учун эрталабгача вақт сўрагандим. Хозир сизларга ҳақиқатни айтсам Алижон акамнинг мендан юз ўгириб кетиши аниқ. Шунинг учун ҳам ҳақиқатни айтсаммикин ёки айтмасаммикин деб икки ўт орасида қолиб кетгандим. Туни билан ўйлаб-ўйлаб энди мен ҳақиқатни айтишга қарор қилдим.

— Гапингни чўзавермасдан тез-тез айта қолсангчи, Алишернинг кетадиган вақти ҳам бўлиб қолди — деди Алижон.

— Сиз менга уй, машина олиб бердингиз. Бир неча марта пул сўраганимда пул ҳам бердингиз. Хеч вақт мендан ёрдамнингизни аямадингиз. Гапларим тўғрими, Алижон ака?

— Тўғри! Лекин сен бу гапларинг билан нима демоқчисан? Бизлар туғишган ака-укалармизку ахир! Бир-биримизга ёрдам бериш бу ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиз. Қолаверса, ҳатто бегоналар ҳам бир-бирига ёрдам қўлини чўзишади.

— Алижон ака, мен сизнинг шунча қилган яхшиликларингизни билмай ёмонлик билан жавоб бердим! Шунинг учун ҳам мени худонинг ўзи шу кўйга солди! Қилмиш-қидирмиш дейишадику ахир!

— Менга нега шунчалик ёмонлик қилдинг? Наҳотки, мен сезмаган бўлсам?

— Охирги марта бошлиғимга уч қаватли ҳовли олиш учун пул беришим керак деб Расулжон жиянимга ниятлаб ҳовли олиш учун йиғиб қўйган пулларингизни олиб кетгандим, эсингиздами?

— Ҳа, эсимда! Нима бўпти? Менга бегона эмассанку ахир!

— Ўша пайтда мен сизни алдагандим! Бошлиғим ҳеч қачон мендан пул сўрамаган! Расулжон учун ҳовли оламан деб яхши ният билан йиғиб қўйган пулларингизни сиздан олиб Лобарга уй олиб бердим. Пулингизнинг қолган бир қисмига Зебо билан мен Тўлғоной опанинг уйини сотиб олишни мўлжаллагандик. Ортиб қолган пулларни Зебо сейфга солиб қўювди. Бундан ташқари олдинроқ сиздан зарур бўлиб қолди деб олган пулларга Зебо билан Холидахонга ниятлаб тилла тақинчоқлар сотиб олгандик! Шулар ҳам сейфда турганди. Ана шулар-

нинг ҳаммасини Зебо ўзи билан бирга олиб кетибди, — деди Жасурбек йиғлагудай бўлиб. — Мана шу қилмишларим учун ҳам мени худонинг ўзи жазолади. Энди тавбамга таяндим. Агар мени кечира олсангиз, кечиринг, Алижон ака!

Унинг гапларидан кейин ўртага жимлик чўкди. Бирор дақиқа ўтиб Алижон тилга кирди.

— Майли, бўлар иш бўлибди! Энди ўтган ишга саловат, — деди у.

— Алижон ака, мени сиз асло кечирмасангиз керак деб ўйлагандим!

— Ҳаётинг остин-устин бўлиб турган бир пайтда мен ҳам сени балчиққа булғайми?

Жасурбек бошини эгиб ерга қаради.

— Мабодо бундан кейин пул олиш учун мени алдаганингни билсам хафа бўлиб ўтирма. Ҳов бола, гапларимга тушундингми?

— Тушундим, — деди Жасурбек ҳамон ерга тикилиб ўтирганича.

— Жасурбек акамнинг Лобар исмли аёлга уй олиб берганлигини, ҳатто Тўлғонойнинг уйини сотиб олиш учун савдолашганини ҳам мен билардим, — деди Алишер.

— Сен бу гапларни қаердан биласан? — Алижон хайрон бўлиб сўради.

— Бу воқеалар Жасурбек акамларнинг қўшниларини сўроқ қилиш натижасида аниқланган, — деди Алишер. — Шунда мен Жасурбек акамлар бу уйларни олиш учун бирор бир жинойатга қўл урган ёки Алижон акамдан бир амаллаб пул ундирган деган қарорга келгандим.

— Бу гапларни нега менга айтмадинг?

— Ҳамма ишлар жой-жойига тушиб кетсин, кейин Жасурбек акам билан маслаҳатлашиб, сизга айтармиз деб кўнглимга туғиб қўйгандим.

— Нега энди бу масала юзасидан Жасурбек билан маслаҳатлашишни лозим топдинг?

— Яхшиям бу гапларни Жасурбек акамларнинг ўзларидан эшитдингиз. Мабодо бу гапларни Алижон акам менданми ёки бошқа бировданми эшитсалар Жасурбек акамларни асло кечиролмасалар керак деб ўйладим, — деди Алишер. — Бир пайтлар мен сиз гўл эмассиз, фақат яқинларингизнинг сўзларига ишониб дилида қандай мақсадлари борлигига эътибор ҳам бермайсиз дега-

нимда “укам бўлганидан кейин мен унинг сўзларига қандай қилиб ишонмай, у мени алдаётган бўлсачи? Аслида укамнинг дилида қандай мақсадлари бор экан деб шубҳаланишим керакми? Бу тубанликку ахир, ука дегандингиз! Шу гапларингиз эсингиздами Алижон ака?

— Ҳа, эсимда! — деди Алижон тушкун бир кайфиятда.

— Алижон ака, менинг шу гапларимни энди бир бор яхшилаб ўйлаб кўрсангиз ёмон бўлмасди, менимча, ёмонликнинг олдини ол, яхшилик чиқса бахтинг деб беҳудага айтишмаган!

— Айтган сўзларингни ўйлаб кўриб мағзини чақишга ҳаракат қиламан, Алишер ука! — деди Алижон.

Энди Зебохон кеннойимнинг Жасурбек акамларга суиқасд қилишда қўли бор деб ўйласак, менимча, бунинг асосий сабабларидан бири акамнинг сиздан олган пуллари фақат ўзлари ўзлаштириб олиб, шоҳона ҳаёт кечирмоқчи бўлганимасмикан?

— Мана шу арзимаган пулни деб Зебохоннинг шунчалар тубанлашиб кетганлигига ҳеч ҳам ишонгим келмаяпти.

— Сиз учун бу арзимаган пул бўлиши мумкин! Лекин баъзи бировлар учун бу жуда катта пул!

— Қанча катта пул бўлганида ҳам инсон ўз қиёфасини йўқотмаслиги керак.

— Ҳамма ҳам шундай ўйлайвермайди. Ҳар бир инсоннинг ҳаёт тўғрисида ўз қаричи бўлади. Ҳамма нарса ни у ана шу қаричи билан ўлчайди. Бунга сабаб ҳар бир инсон ўзи босиб ўтган ҳаёт йўлидан, яъни муҳитидан келиб чиқиб хулоса қилади. Зебохон кеннойимнинг дадалари бўлмаган, уларни оналари бокиб катта қилган. Колхозчи бир аёлнинг топган-тутгани шунча фарзандларига урвоқ ҳам бўлмасди. “Кўрмаганнинг кўргани қурсин” дейишадику ахир. Шунинг учун ҳам Жасурбек акамнинг сиздан олган пуллари кўрган Зебохон кеннойимнинг ниятлари бузилган бўлса ажаб эмас.

Унинг сўзларини эшитиб Алижон хаёлга толди. “Алишержонга ойижонимизнинг олдларида яшаётганлигининг жуда катта таъсири тегибди. Фикрлари теран ҳаёт тўғрисидаги мушоҳадалари ўткир, дунёқараши кенг етук бир шахс сифатида шаклланибди. Ундаги бу хусусиятларни олдинлари мен сезмаган эканман! “Қариси бор уйнинг

париси бўлади” деб бува-ю бувиларимиз беҳудага ай-тишмаган экан. Ҳозир у ана шуларни ўйларкан, Алишерга акаларга хос меҳр тўла кўзлари билан боқди.

* * *

Алижон номидан борган шошилиночномани олган Зебохон оёғи куйган товукдай типирчилаб қолди. Унинг бу ҳолатидан кампир билан Пардагулнинг ҳам тинчлиги бузилди.

— Энди нима қилмоқчисан қизим? — деди кампир.

— Тошкентга бормасам бўлмайди, — деди Зебохон. — Алижон аканинг феълени яхши биламан. Мен ҳозир уларга қарши борсам қамалиб кетишим турган гап!

— Нималар деб валдираяпсан қизим? Қўй, бундай дема!

— Илтимос опа, сиз мен билан бирга Тошкентга юринг!

— Йўл харажатларимни тўлаб яхши-яхши овқатлар олиб берсанг боравераман, — деди Пардагул. — Яна бир шартим бор, Тошкентдан қайтишимизда укангларга совға-саломлар ҳам обертмасанг бўлмайди. У ёқдан келганимизда болаларим олдимизга югуриб чиқишади. Шунда уларнинг қўлларига бирор нарса тутқазсам, укангларнинг кўнгли тоғдай ўсади.

— Розиман, Пардагул опа! Фақат мени у ёқларда ёлғизлатиб қўймай, ёнимда бўлиб, суянчиқ бўлсангиз бас!

— Бу ёғидан ғам ема синглим, менман деганини ҳам бир ҳамлада йўқ қилиб ташлайман.

— Мен ҳам сизлар билан бирга борсаммикин? — деди кампир.

— Ойи, сизнинг қўлингиздан нима ҳам келарди? Фақат бизларга ортиқча юк бўлганингиз қолади, — деди Пардагул онасини жеркиб.

— Зебохон Алижонни ёмон деяптику! У мени содда бир кампир деб ўйлаб, алдаб-авраганимга ишониб йўримизга юрармиди деб ўйлаяпман, қизим.

— Уларни алдаб-авраб йўлга солиб бўлмайди. Менинг ўзим уларни қандай йўлга солишни жуда яхши биламан! Бу ёғини менга қўйиб бераверинг! — деди Пардагул керилиб.

— Жон қизим, фақат Тошкентда синглингни уришиб юрма, хўпми?

— Ойи, мен Зебони уришсам нукул унинг фойдасини ўйлаб уришаман. Хеч қачон зарарини айтиб уришмаганман.

— Раҳмат, она қизим! Ҳалиям синглингнинг бахтига сен бор экансан! Бунинг бошига кулфат тушганида бирорта ҳам акаси ёрдам қўлини чўзай демади.

— Шунинг учун ҳам Зебо қизингиз менинг қадримга етиши керак. Шу қизингизга ўргатавериб ўзимда қолмади.

— Синглинг ҳам бир кунмас бир кун одам бўлиб кетса, қадрингга етар.

— “Ўлининг эшагини суғору пулини ол” қабилида иш юритманг ойи!

— Нега ундай дейсан, қизим?

— Зебонгиз икки дунёда ҳам менинг яхшиликларимнинг қадрига етмайди.

— Синглинг мана шу уйлариингни қурганингда ҳам сендан хеч ёрдамини аямадику ахир.

— Ойи, энди Зебонинг ўша менга берган уч минг долларини ҳа деб, юзимга солаверасизми? Ёрдам бергани учун ҳам қизингиз ҳозир киргани эшик тополмаган бир пайтида унинг ўзи уйимнинг эгасидай бўлиб, қизи билан бирга оёғини узатиб, уйимда яйраб ётибди-ку ахир! Мен Зебога қилиб қўйган яхшиликларимнинг тагидан у бир умр хизматимни қилса ҳам чиқолмайди, шуни биласизми? Мен Зебо билан Тошкентга бориб уни қамоқдан қутқариб келаман. Битта шу хизматимнинг ўзини пул билан тенглаб бўладими? Қизингиз мендай опани ер юзини излаб ҳам тополмайди.

— Сенинг яхшиликларингни синглинг ҳам билиб қолар қизим, — деди кампир Пардагулни тинчлантириш мақсадида унга ён босиб.

— Агар яхшиликларингни синглинг билмаса сенга худодан қайтсин қизим.

— Ойи, Зебонинг ҳаётидай ҳаётни менинг қизларимга тилашга қандай қилиб тилингиз борди, — Пардагул тутоқиб кетди.

— Жон қизим, ундай демадим! Синглингга қилган яхшиликларингнинг савобини худойимнинг ўзи ғойибдан сенга етказсин дедим! Ким ҳам ўз неварасига ёмонликни раво қўрарди қизим?

— Жон опа, кечга қолаяпмиз, кета қолайлик, — деди Зебохон зорланиб.

— Сен шошмай тур, ҳадемай, ўша Тошкентингга ҳам бориб қоларсан, — деди Пардагул. — Мен болаларимни оймга топшириб кетишим керакми ахир. Ёки сен опаннинг фарзандларини ўйламайсанми? Қаерга борсанг ҳам қизингни қўлтиғингда олиб юрасан. Ўз фарзандинг ёнингда бўлганидан кейин бировнинг болалари сени қизиқтирмайди, шундайми?

— Нега мен сизнинг фарзандларингизга қайғурмас эканман. Ахир улар менинг жиянларимку!

— Болаларингдан ҳеч хавотир олма қизим. Ўзим уларга кўз-қулоқ бўлиб тураман, — деди кампир.

— Хар куни уч маҳал овқат пишириб бериш эсингиздан чикиб кетиб болаларим хор-зор бўлиб юришмасин!

— Бу томонидан ҳеч хавотирланма қизим, невараларимга сендан яхши қарайман.

— Майли, болаларим, яхши ўтиринглар, мен сизларга Тошкентдан чиройли-чиройли кийимлар олиб келаман, — деди Пардагул. Кейин у бирма-бир болаларини қучоқлаб юзларидан ўпди. — Хоҳлаган овқатингизни бувингизга айтсангизлар, тайёрлаб беради.

— Хўп бўлади, ойижон! — дейишди уч-тўртта болалар баробарига чулдирашиб.

Шундан кейин Пардагул, Зебохон ва Холидахонлар катта қўча томонга қараб юриб кетишди. Улар кетидан термулиб қолган кампир “ишқилиб Пардагул фарзандларимга у нарсани олиб бер-бу нарсани олиб бер деб, Зебохонни қийнаб юбормасин-да. Э худо, унга ўзинг инсоф бер” деб қўйди ичидан.

* * *

Жасурбек Алижон билан бирга ишхонасига бориб касаллик варақасини топшириб меҳнат таътилига чиқиш учун раҳбари номига ариза ёзди. Шундан сўнг улар яна Алижоннинг уйига қайтиб келишди.

— Келганларингиз яхши бўлди, овқат тайёр бўлиб қолди. Қўлларингизни ювиб дастурхон бошига боринглар, — деди Нилуфар.

— Ҳозир борамиз, сен овқатингни сузавер, — деди Алижон. — Жасурбек, агар энди борадиган жойимиз бўлмаса уй кийимларимизни кийиб олақолайлик.

— Таътилига ҳам чиқдим. Худо хоҳласа уй кийимларимизни кийиб энди бемалол ойнаи-жаҳонни томоша

қилиб уйда дам олиб ётамиз. Ҳозирча бошқа иш йўқ, — деди Жасурбек.

Алижон билан Жасурбек уй кийимларини кийишиб, юз-қўлларини ювишди-да, Нодирахон ёзган дастурхон атрофидан жой олишди. Улар эндигина маставани ича бошлашганида кўча эшигининг кўнғироғи жириглаб колди.

— Нилуфар кеннойи, сиз овқатингизни ичаверинг, мен ўзим эшикни очаман, — деди Нодирахон. Кейин у ўтирган ўрнидан туриб кўча эшиги томонга қараб юрди. Нодирахон дарров орқасига қайтиб келиб, — Зебо Пардагул опасини эргаштириб келибди, — деди.

Унинг гапидан сўнг дастурхон атрофида ўтирганлар гурра ўринларидан туришди.

Жасурбек ҳаммадан олдин кўча эшиги томонга қараб юрди. Унга кўзи тушган Холидахон, — дадажон деб, Жасурбекнинг кучоғига отилди. У қизини кучоқлаб олди. Зебохон ва Пардагул билан ичкаридан чиққанлар навбатма-навбат қўл бериб сўрашишди.

— Келинлар, қани уйга кинлар, — деди Нилуфар.

— Алижон ака қанилар? — Зебохон сўради.

— Уйдалар. Ҳозиргина овқатланиш учун дастурхон бошига ўтирганди. Қани келинлар, меҳмонхонага кинлар, — деб Нилуфар уларни меҳмонхонага бошлади.

Меҳмонхонага кириб Пардагул кўрпача устига ўтирганидан сўнг, — Мен Алижон ака билан сўрашиб келай, — деди Зебохон. Кейин у ошхонага чиқди.

— Ассалом, — деди Зебохон кўлини сўрашиш учун Алижонга узатиб.

Алижон ҳам Зебохон билан қўл бериб сўрашди. — Яхши етиб келдингизларми? Холидахон йўлда қийналиб қолмадимми? Қишлоқдагилар яхши юришибдимми? — деди Алижон.

— Ҳаммаси яхши ўтиришибди. Ойимлар сизга кўпдан-кўп салом айтиб юбордилар.

— Эсон бўлсинлар.

Шу пайт ичкаридан Пардагул билан Нодирахонларнинг кий-чув овози эшитилди.

— Нима бўлаяпти, — деди Алижон Зебохонга юзланиб.

У билмасам дегандай елкасини қисди. Кейин Алижон ўтирган ўрнидан туриб меҳмонхона томонга қараб юрди.

Унга кўзи тушган Нодирахон жавдирай бошлади.

— Алижон ака, қаранг, Зебонинг опаси нима деяпти. Синглизининг қилмишидан уялиб кечирим сўраш ўрнига сизлар Зебо синглимни хонавайрон қилдингизлар деб, жанжал кўтараяпти. Сиз бўлсангиз, Зебога бир оғиз сўз ҳам айтдирмай оғзимизни ёпганингиз-ёпган. Ана энди кўриб қўйинг уларнинг бошимизга чиқиб кетганини.

— Синглим Зебо бечора эр деб адои-тамом бўлдику ахир. Бундай эрнинг боридан-йўғи яхши. Мен синглимни Жасурдан ажратиб олиб кетиш учун бу ерга келдим.

— Ким бўлса ҳам Жасурбек акамдай эр топса бошига кўтаради. Зебо минг марта шукур қилсин, шундай ювош эр учраганига.

— Йўқ, йўқ! Бундай эрнинг уруғига ўт тушсин, — Пардагул ўтирган жойида иккала қўлини ҳам баланд кўтариб хавода силкитди.

— Сенинг уруғингга ўт тушсин! Яхшиликни билмайдиган нонкўрлар, — деди Нодирахон ўшқириб.

Алижон Зебохонга ўқрайиб бир қараб қўйди-да: — Пардагул опа, бу ерга жанжал қилиш учун келдингизми? Қани бу ёққа келингчи, сиз билан бир гаплашиб олайлик, — деди у.

— Мен хоҳлаганингиз билан гаплашишга тайёрман! — деди Пардагул ҳам бўш келмай. — Бир бошга бир ўлим. Қани кўрайликчи, қўлларингдан нима келаркин?

Жасурбек дахлизда турган жойидан Алижоннинг олдига тез-тез юриб келиб, — Алижон ака, Пардагул опани тинчлантириб қишлоғига жўнатиб юборинг, — деди.

Алижон худди унинг сўзларини эшитмагандай лом-мим демай ошхонага қараб юрди.

Унинг кетидан Пардагул ҳам иккала қўлини биқинига тираганича ошхонага кириб борди.

— Келинг ўтиринг, — деди Алижон унга ўтириш учун қўли билан жой кўрсатиб.

— Айтаверинг, гапингизни мен шу ерда туриб ҳам эшитавераман.

— Ўтиринг, кейин бафуржа гаплашиб оламиз.

— Менинг сиз билан гаплашадиган гапим йўқ.

— Ундай бўлса нега бизларникига келдингиз? — деди Алижон.

— Синглимни олиб кетиш учун келдим, — деди Пардагул.

Алижон ўтирган ўрнидан туриб ошхона эшиги олдига бориб дахлизда серрайиб турган Зебохонни чақирди. — Зебохон, сиз ҳам бу ёққа келинг, — деди у.

Кейин Алижон яна ўз ўрнига қайтиб келиб ўтирди.

Шу пайт Зебохон ҳам ошхонага кирди.

— Эшикни ёпинг, — деди Алижон Зебохонга юзланиб. У ошхонанинг эшигини ёпди.

— Қани, ўтириб олингларчи, менинг сизлар билан гаплашиб оладиган гапларим кўп.

Аввал Зебохон юмшоқ ўриндиққа омонатгина ўтирди. Кейин Пардагул унинг ёнига ялпайиб ўтириб олди.

— Ана энди кўнглингиз жойига тушдими? — деди Пардагул Алижонга безрайиб қараганича. — Айтаверинг, гапларингизни эшитаман.

— Аввалом бор, Зебохонни сиз ўзингиз билан бирга қишлоққа олиб кетолмайсиз.

— Нега олиб кетолмас эканман? Хоҳласам ҳозирок синглимни қишлоққа ўзим билан бирга олиб кетаман.

— Зебохонни шунчалик авайлаб-асраркансиз тўрт йил бизларникида туриб ўқиганида бирортангизнинг келиб ҳолидан хабар олганингизни, қолаверса тўрт йил ичида бир сўм пул жўнатганингизни кўрмаганман. Бегона юртда қиз бола нарса пулсиз қаерда ва қандай яшашпти деб бирор марта ўйладингизми? Мен ўша пайтларда Зебохондан бизларникида яшагани учун бир сўм пул ҳам олмай, топганимизни болаларим ўртада синглингиз билан бахам кўрдик. Энди Зебохоннинг чўнтагида пул пайдо бўлиб, уйлик-жойлик бўлганида турмушини бузиш учун келдингизми?

— Мен сиздан синглимни авайлаб-асранг деб илтимос қилмаганман!

— Зебохон пулсиз, борадиган жойи йўқ пайтида иймонсиз бир одамга учраб ёмон йўлга кириб кетганида нима қилардингиз?

— Фоҳишаларнинг ҳам бировдан кам жойи йўқ! Бунга ҳам ҳеч бало бўлмасди, — деди Пардагул пинагини ҳам бузмай.

Унинг сўзидан сўнг ўртага жимлик чўкиб, Алижон бир зум ўйланиб қолди. Кейин у жимликни бузишга қарор қилгандай сўз бошлади.

— Сизга синглингизнинг фоҳиша бўлиб кетишининг ҳам фарқи йўқми?

— Менга барибир.

— Ундай бўлса нега меникига келдингиз?

— Синглимни укангиздан ажратиб олиб кетиш учун келдим.

— Мен сизни тушундим, — деди Алижон. Кейин у хўрсиниб қўйди, — Зебохон сизга, опа мен билан бирга Тошкентга бориб келинг деб, пул берган. Сиз синглингиз учун эмас, унинг пули учун бу ерга келган одамсиз, гапларим тўғрими?

— Тилим бор деб ҳар нарсани гапираверманг. Мен бу ерга пул учун келганим йўқ.

— Қўйинг опажон, мен жанжаллардан тўйиб кетдим, — деди Зебохон уларнинг гапларига араллашиб.

— Менда нима айб? Ҳақорат қилишса ҳам жим ўтираверишим керакми? — Пардагул тўнғиллади.

— Алижон ака, мен опам билан ёлғиз гаплашиб олсам бўладими?

Алижон индамай ошхонадан чиқиб кетди.

— Опа, жон опа, илтимос сиздан, Алижон ака билан жанжал қилманг.

— Нима қил дейсан! Менга суянчиқ бўлинг деб, ўзингку мени бу ерга бошлаб келган. Кўрдингми буларнинг ҳаммасини бир ҳамлада йўқ қилиб ташладим. Ҳозир буларга сичқон ини минг танга бўлиб қолди. Кўриб қўй, опангнинг нималарга қодирлигини.

— Биладан сизнинг зўрлигингизни. Агар менинг қамалиб кетишимни истамасангиз, Алижон ака билан муросага келинг, жон опа.

— Сен менинг бу яхшиликларимни унутмасликка ваъда бериб, уйимнинг таъмирига ёрдам берсанг, мен Алижон тугул шайтон билан ҳам муросага келишга розиман.

— Опажон қўлимдан келганича уйингизнинг таъмирига ёрдам бераман. Бу яхшиликларингизни ўла-ўлгунимча унутмайман! — деди Зебохон ялинган овозда.

— Ана энди чақир Алижонни, у билан ҳар қандай шароитда ҳам келишиб кетаман, — деди Пардагул.

* * *

Жасурбек Зебохон билан ёлғиз гаплашиш ниятида кеннойисидан уни жиянларининг хонасига чақириб юборишини илтимос қилди.

— Расулжоннинг хонасида Жасурбек сизни чақираяпти — деди Нилуфар Зебохоннинг олдига бориб. Шундан сўнг Зебохон Жасурбек ўтирган хонага кирди.

— Ўтир, — деди Жасурбек.
— Гапираверинг! Гапларингизни тик туриб ҳам эши-
тавераман.

— Сейфдаги тиллалар билан долларлар қани?

— Мен каердан биламан?

— Сейфнинг калити сенда эди-ку ахир. Нега билмай-
сан?

— Жинойатчилардан калтак еб, ҳушимни йўқотган
куним сейфнинг калитини йўқотганман.

— Эртагингни опанга айт, хўпми?

— Мен эртак айтаётганим йўқ.

— Нега бўлмаса мени алдаяпсан?

— Мен сизни ҳеч қачон алдамаганман.

— Зебо, айбингни бўйнингга олиб, фақат тўғрисини
айтсанг, мен сени кечираман. Илтимос, фақат тўғрисини
айт.

— Мен ҳеч қачон сизни алдамаганман, дедим-ку.
Яна мендан нима истайсиз?

Жасурбек ўйга толди.

Орадан бир оз вақт ўтиб, — Менга айтадиган бошқа
гапингиз бўлмаса, мен опамнинг олдига чиқаман, — деди
Зебохон.

— Тўлғоной опанинг уйини неча пулга сотиб ол-
динг? — Жасурбек тўсатдан сўради.

— Ме-е-е-ен, — деди Зебохон доводирав.

— Хўш, давом этавер.

— Мен Тўлғоной опанинг уйини сотиб олмадим, —
деди Зебохон энди ўзини қўлга олиб. — Тиллалар би-
лан ҳамма долларларни сейфга қўйгандим.

— Қани бўлмаса долларлар билан тиллалар?

— Мен айтаяпманку сейфга қўйгандим деб. Мен бош-
қа ҳеч нарсани билмайман.

— Биласан, агар ҳозир нима қилганингни яхшилиқ-
ча айтмасанг эрта-индин сени қамокқа олишади. Ана ун-
дан кейин айбингга ўзинг икром бўлиб ялиниб-ёлвора-
сан. Лекин қамалганингдан кейин ялиниб-ёлворишинг-
нинг фойдаси бўлмайди. Шуни яхши билиб қўй. Сени
қамокқа олишганларидан кейин мен ҳам сенга ёрдам бе-
ролмаيمان. Шунинг учун ҳозир менга тўғрисини айт-
санг ҳамма айбларингни кечириб, сени қамокдан қутқа-
риб қоламан.

— Агар менинг айбимни топишса, қўяверинг қамаб
юбораверишсин, сиз ҳам безовта бўлиб юрманг.

- Айбинг аллақачонлар исботланиб бўлган.
- Қайси айбимни айтаяпсиз?
- Жиноятчилар билан тил бириктириб, менга суиқасд уюштирганигни айтаяпман.
- Қонунбузарларга қарши курашадиган идорада ишлаганингиздан кейин бир кунмас бир кун уларнинг ҳам сизга суиқасд қилишлари турган гап эди. Буни ёш бола ҳам биларди.
- Жиноятчиларни ўз холига қўя тур, — Жасурбек тутокиб кетди. — Ўша воқеа содир бўлган куни Холидахонни нега Алижон акамларникига ташлаб кетдинг?
- Уйни таъмирлаётган усталарга халақит қилмасин деб, шундай қилдим.
- Майли, бу ҳол тасодиф бўла қолсин. Унда нега уйимиздан кечки пайт усталарни қувиб юбординг?
- Сиз кўчада оймчаларингиз билан ичиб олиб маст ҳолда ялла қилиб юрганингизда мен уйдаги уста эркаклар билан ёлғиз ўзим ҳиринглашиб ўтиришим керакмиди?
- Мен сенга улар билан ҳиринглашиб ўтирдингми деяётганим йўқ. Уста йигитларни нега уйдан қувиб юбординг деб сўраяпман.
- Сизнинг ор-номусингиз бўлмаса бўлмас, аммо менинг ор-номусим бор. Шунинг учун ҳам уйда ёлғиз бир ўзим эркаклар билан ўтиргим келмай, уларни қувиб юбордим, — деди Зебохон беҳаёларча Жасурбекка тикилиб.
- Майли, бунисини ҳам тасодиф деб ўйлайлик. — Нега кўчага чиқиб кетиб, кетингдан эркакларни эргаштириб келдинг?
- Қизингизни Алижон акангизникидан олиб келиш учун кетаётиб, таксига чиқиб, чўнтагимни қарасам, пулим йўқ экан. Шунинг учун уйга пул олиш мақсадида қайтгандим. Мен қаердан билибман, у эркакларнинг ортимдан уйга киришини. Балким ўша жиноятчилар сизнинг ортингиздан эргашиб келишгандир. Ҳалиям сиз менга раҳмат айтишингиз керак. Сабаби мен ётоқхонадан чиқиб қолиб, қўшнилардан ёрдам сўраб бақирганимча кўчага отилдим. Шунда жиноятчилар ваҳимага тушиб, сизни ўз холингизда ташлашгану мен билан овора бўлиб қолишган бўлса ажаб эмас. Кейин улар менинг ортимдан етиб олиб, бир нарса билан бошимга уриб, хушсиз қилиб қўйишгану ўзлари қочиб қолишган. Ўша куни мен

жиноятчиларга халақит қилмаганимда ҳозир сиз бу ерда ўтирмасдингиз. Ана шунинг учун менга раҳмат айтишингиз керак!

— Нега сен оғир тан жароҳати олмагансан?

— Ё тавба, сиз менинг ўлимимни хоҳлайсизми?

Жасурбек индамади.

— Менинг, қолаверса, сизнинг тирик қолишингизнинг бош сабаби ўша куни қўшнилардан ёрдам сўраб шовқин қилганим бўлса керак. Бунинг бақир-чақирини қўшнилар эшитиб, уйларида чикиб қолишмасин деб, жиноятчилар қочиб қолишган бўлса ажаб эмас.

— Улар ваҳимага тушиб қочиб қолишган бўлса сейфдаги тиллалар билан долларларни ким олган?

— Балким мен ҳушимни йўқотганимдан кейин жиноятчилар яна уйга кириб, бор-будимизни олиб кетишгандир, яна ким билсин. Улардан ташқари уйимизга милиция ходимлари, қолаверса Алижон ака билан Алишер укангиз ҳам киришган.

— Алижон акам билан Алишержон укамдан гумон қилишга қандай тилинг борди?

— Сиз бир ёстикқа бош қўйган жуфти-ҳалолингиздан ҳам гумонсираяпсиз-ку ахир, — деди Зебохон. — Мен уйимизга кимлар кирганлигини айтдим холос. Ёки Алижон ака билан Алишерлардан гумон қилаяпман дедимми?

— Менга бошқа айтадиган гапинг йўқми?

— Йўқ!

Жасурбек чўнтагини кавлаб бир букланган қоғозни олиб Зебохонга узатди.

— Мана сенга прокуратуранинг чақирув қоғози. Эртага эрталаб соат тўққизу нол-нолга боришинг керак, — деди у.

Зебохон чақирув қоғозига кўз югуртираркан, “Прокуратура ходимлари ҳам жиноятчиларни топишмагунларича тинчишмайдиганга ўхшайди” деб ўйлади-ю, унинг юраги увишди.

* * *

— Қуда бува, бизларни ресторанга обармайсизми? — деди Пардагул.

— Қайси ресторанга олиб борай? — Алижон сўради.

— Сиз қаерга бошласангиз ҳам эргашиб бораверамиз.

— Менинг келганимга шунча кун бўлди, бирор марта ресторанга меҳмон қилиш у ёқда турсин, ҳатто ошхонага ҳам олиб бормадингиз-а, Алижон ака? — деди Нодирахон уларнинг суҳбатига араллашиб.

— Бугун сизларни ресторанда меҳмон қилиш менга насиб қилган экан, қани ҳаммангиз тайёргарчиликларингизни кўраверинглар.

— Мен ҳам бораманми? — Жасурбек сўради.

— Катта-ю кичик ҳаммамиз борамиз! — деди Алижон. — Мен сизларни пастда кутиб тураман.

— Алижон ака, менинг сизда гапим бор эди, — деди Нодирахон сирли бир оҳангда.

— Айтавер, эшитаман, — деди Алижон, — нима демоқчисан?

— Ёлғиз ўзингизга айтадиган гап.

— Қани юр, жиянларингнинг хонасига, — Алижон болаларнинг хонасига йўл бошлади.

Охирги пайтларда бу хона алоҳида ва ўзаро гаплашадиганларнинг маконига айланиб улгурган эди.

Алижоннинг кетидан хонага кирган Нодирахон эшикни ёпди.

— Алижон ака, шунча душманлик қилган одамларни ресторанга олиб бориб бир дунё пул сарфлаб меҳмон қилмоқчимисиз? Мен сизлар билан бирга бормайман. Ўзларингиз кетаверинглар, — деди Нодира аразлаб.

— Бу дунёда ким қилса ўзига қилади. Ҳеч кўрган-мисан қарам экиб қовун олганини синглим?

— Йўқ! — деди Нодирахон Алижоннинг нима демоқчилигига тушунмай ҳайрон бўлиб.

— Ана кўрдингми? Ҳар ким экканини ўради.

— Алижон ака, мен сизнинг гапларингизга тушунмайман? Бу билан нима демоқчисиз?

— Биз шошмаслигимиз керак, худонинг ўзи ҳар кимга қилмишига яраша мукофотини беради.

— Мукофотини худонинг ўзи беради деб, душманларимизни ҳам бошимизга кўтараверишимиз керакми?

— Нодирахон, синглим, гапларимни яхшилаб эшитиб, мағзини чақишга ҳаракат қил!

Бир куни бир донишманд одам ўз шогирди орқали душманига совға-салом жўнатибди. Отасининг бу ишидан ҳайрон бўлган ўғли сўрабди.

— Ота, у одам нукул бизни эл ичида ёмонлаб гийбатимизни қилади. Сиз бўлсангиз ана шу гийбатчига совға-

саломлар бериб юбордингиз. Мен сизнинг бу қилмишингизга тушунолмайд қолдим, — дебди.

Шунда отаси: — У одам мени ғийбат қилиб барча гуноҳларимни ўзиники қилиб олди, ўша ғийбатчи сабабли менинг савобларим кўпайди. Энди менинг совға-саломимни олганидан кейин у одамнинг кўнглидаги менга нисбатан бўлган адоват йўқолиб, унинг ўрнини меҳрмурувват эгалласа ажаб эмас, ўғлим, — дебди.

— Энди менинг нима демоқчилигимни тушундингми, синглим?

— Душманни арзимаган совға-салом билан ҳам ўз томонингга оғдириб олиш мумкин демоқчисиз, шундайми?

— Ана энди ўзингга келдинг, синглим! — деди Алижон. — Бир-бирига душманлик ҳайвонларгагина хос бўлган. Яхшилик ва эзгулик бўлса инсонларгагина хос бўлган нарса. Ёмонлик қилишдан осон нарса йўқ. Бир оғиз ёмон сўз билан ҳам хоҳлаган одамнинг кўнгли уйини вайрон қилишинг мумкин. Лекин ана шу вайрон бўлган кўнгли уйини бир оғиз ширин сўз билан тузатиб бўлмайди. Бунинг учун балким бир умр тинимсиз меҳнат қилиш керак бўлар. Шунинг учун ҳам яхшилик қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бундан кейин сабртоқатли бўлишга одатлан, синглим!

— Хўп бўлади, Алижон ака, — деди Нодирахон. Шу тобда унинг қалбида Алижонга нисбатан сингиллик меҳри товланиб кетди.

— Нодирахон сен ҳам ресторанга бизлар билан бирга борасанми? Ёки... — деб Алижон сўзини охиригача етказмай Нодирахонга қаради.

— Алижон ака айтаверинг нима ёки? — деди Нодирахон — Энди мени уйда қол деб ҳам ташлаб кета олмайсизлар.

— Қани бўлмаса Нодирахон, синглим кетдик, — Алижон хона эшиги томонга қараб юрди.

Нодирахон ҳам унга эргашди.

Дахлизга чиққан Алижон, — Ресторанга борадиганлар тайёрмисизлар — деди.

— Тайёрмиз! — Ҳамма бирдан чувиллашди.

* * *

Абдулла Илҳомович ўзининг хонасида лейтенант Қодиров билан суҳбатлашиб ўтирибди.

— Алишер Мардоновичнинг гумонлари тўғрига ўхшайди, — деди Қодиров.

— Лочинбек тўғрисида қандай янгиликлар бор? — деди Абдулла Илҳомович. — Менга шу тўғрида батафсил маълумот беринг.

— Ҳозир у Лобарнинг атрофида ўралашиб қолган.

— Лочинбекнинг Тўлғоной билан алоқаси борми?

— Менимча алоқаси йўқ. Телефон тармоғининг маълумотларига қараганда улар шу давр ичида ҳатто бирор марта ҳам телефон орқали бир-бири билан боғланмаганлар.

— Нега энди Тўлғонойдан гумонсираяпсиз?

— Шаҳарда бир неча марта жиноят содир этиб қочиб юрган “Тулки” лақабли кимса жиноят қидирув бўлими томонидан қидирилмоқда. Ана ўша жиноятчини Жасурбек аканинг ҳаётига тажовуз қилишидан сал олдин Тўлғонойнинг уйи атрофида кўрганлар бор.

— Буни қандай қилиб аниқладингиз?

— Тўлғонойнинг қўшниларига унинг расмини кўрсатиб сўраб-суриштиришларим жараёнида аниқладим.

— Ана бу ишингиз таҳсинга сазовор лейтенант Қодиров, — деди Абдулла Илҳомович бир оз жонланиб. — Хўш, хўш! Кейинчи? Давом этинг!

— Тулки лақабли кимса болалар уйидан чиққан бўлиб, унинг доимий яшаш манзили йўқ. Бир-неча давлатларда жиноят содир этиб, ҳозир у интерпол томонидан қидирилмоқда. — Лейтенант Қодиров Тулки тўғрисида тўлиқ маълумот бера бошлади.

— Демак, Тўлғонойнинг бу жиноятда қўли бор. Қандай бўлмасин уни бу ерга олиб келишимиз керак, — деди Абдулла Илҳомович хаёлга толиб. — Лекин унинг Тулки билан қандай алоқаси бор.

— Уларнинг қандай алоқаси борлигини мен ҳали аниқлай олганим йўқ. Агар менинг бошлиқларимдан рухсат олиб берсангиз, у ёқларга бориб ҳаммасини аниқлаб, Тўлғонойни ҳам бу ерга олиб келардим.

— Бу масалани бошлиқлар билан келишиб, бир-икки кун ичида ҳал қиламан. Сиз Зебохоннинг Тўлғонойнинг юртига борган ёки бормаганлиги тўғрисида чегарачиларнинг хизмат масканидан маълумотнома олдингизми?

— Ҳа! Бу тўғрида маълумотнома олдим. Жасурбек акага суиқасд уюштирилишидан роппа-роса икки ҳафта

олдин Тўлғоной билан Зебохонлар чегарадан ўтишган экан.

— Улар у ёқда неча кун бўлишибди?

— Иккаласи биргаликда 17 июлда эрталаб чегара қисмидан, божхонадан ўтиб 18 июлда тушдан, сўнг яна чегара қисмидан қайтиб киришган.

— Зебо Мардонова нега бу тўғрида ҳеч нарса айтмади.

— Унинг бу тўғрида нега айтмаганлигини ана энди аниқлаймиз!

— Мен кеча яна ундан тушунтириш хати ёздириб олдим. Бу аёлнинг олдинги ёзиб берган кечаги ёзиб берган тушунтириш хатининг фарқи битта вергул. Қолган сўзлар-у, вергул нуқтасигача айнан олдинги тушунтириш хатига ўхшайди.

— Мардонова Зебо тушунтириш хатини бизларнинг олдимизга келишидан олдин бир неча марта ёзиб тайёргарлик кўрган демоқчисиз, шундайми?

— Унинг шундай қилганлигига ҳеч ҳам шубҳам йўқ! Агар унинг айби бўлмаганида олдиндан бунчалик тайёргарлик кўрмаган бўларди.

Мен айтганимдан кейин сиз Мардонованинг уйига кириб чиқинди ташлайдиган идишларини кўздан кечирдингизми?

— Ҳа! Кўздан кечирдим Абдулла Илхомович. Шубҳаланадиган ҳеч нарса тополмадим.

— Жасурбек аканинг юқорисидаги хонадонда яшайдиган Женя билан унинг эри тўғрисида ҳам сўраб-суриштирдингизми?

— Сўраб-суриштирдим! Бу жинойтга уларнинг алоқаси йўққа ўхшайди.

— Бу иш юзасидан бошқа яна қандай далил йиғдингиз?

— Ҳозирча йиққан маълумотларим шулардан иборат.

— Сиз Лочинбекни кузатишда давом этаверинг. У ўта эҳтиёткор, туллак одам. Тўлғонойнинг бу ишда алоқаси бўлса Лочинбек бу тўғрида албатта билиши керак. Яна Тўлғонойнинг Зебо билан нега қишлоғига бориб келганлигини ҳам аниқлашимиз шарт.

— Сиз топширганнингиздай Лочинбекнинг ишхонасига ўзимизнинг йигитлардан бирини ишга жойладим. У йигит ҳозир бошлиғининг ўнг қўлига айланиб улгурди.

Лочинбек Лобарнинг туғилган кунини ресторанда ўтказиб берганида ўзининг “Нексия” русумли автоулови билан елиб-югуриб унинг хизматини қилди. Мен йигитимизга бу масала юзасидан Лочинбекдан аста-секин сўраб-суриштириб билиб олишни топшираман.

— Жуда яхши, — деди Абдулла Илҳомович. — Энди бу жинойт ишнинг барча тафсилотлари аниқланди. Фақат бу жинойтчиларнинг заиф халқасини топиб уларнинг барча кирдикорларигача очиб ташлашимиз қолди холос. Бу заиф халқа Тўлғоной билан Зебо эканлиги ҳам бизга кундай равшан!

— Яна менга қандай топшириқларингиз бор, Абдулла Илҳомович.

— Ҳозирча шулар. Мабодо керак бўлиб қолсангиз қўл телефонингиз орқали ўзим сиз билан боғланаман. Ҳозирча бўшсиз, Лейтенант Қодиров, — деди Абдулла Илҳомович.

— Хўп бўлади, — деб Қодиров ўтирган ўрнидан турди.

Абдулла Илҳомович столга тирсагини тираб қўл панжасига пешонасини кўйганича бошини ушлаб хаёлга толди.

* * *

Пардагул Зебохон билан кўча айланиб келиш баҳонаси билан иккаласи ҳоли гаплашиб олиш учун кўчага чиқиб кетишди. Улар Алижон яшайдиган уйдан бир бекат нарига бориб, уйлар орасига ўрнатилган ўриндиққа бориб ўтиришди.

— Мен қишлоққа кетмасам бўлмайди. Уканглардан хавотирланаяпман. Менсиз уларнинг ҳоли нима кечди? — деди Пардагул.

— Ҳозир сиз мени ёлғиз ташлаб кетмасангиз яхши бўларди, — Зебохон Пардагулга илтижо қилиб турган кўзларини қадади.

— Мен уйга бориб оймни бу ёққа жўнатаман. Шунгача улар сени еб кўйишмас. Қолаверса, мендай опанг борлиги учун ҳам ҳозир уларнинг бирортаси сен билан ўчакишга қўрқишади.

— Қамалиб кетишдан қўрқаяпман опа.

— Э йўқ-бэ йўқ сени нега қамашар экан?

— Терговчи менга қарши далиллар йиғаетганга ўхшайди.

— Буни сен қаердан била қолдинг?

— Кеча мени сўроқ қилганидан сездим!

— Қўрққанга қўша кўринади дейишганларидай терговчидан қўрққанинг учун ҳам сенга шундай туюлган.

— Йўк! Мен терговчидан қўрққаним йўк. Лекин унинг менга қарши далиллар йиғаётганини кеча берган саволларидан билдим.

— Зебо, терговчининг сенга қарши далиллар йиғаётганлигини унинг саволларидан ҳам билиб бўладими? Хи-хи-хи, — Пардагул яйраб кулди. — Изкувар бўлиб кет-э!

— Ҳозир ҳазиллашадиган пайт эмас, Пардагул опа, — деди Зебохон тушкин бир овозда. — Жон опа, ҳозир мени ёлғизлатиб қўйманг.

— Менку бу ерда юравераман. Лекин сен менга берган омонатни — тилла тақинчоқлар билан долларларни уйимизга биров кириб, яшириб қўйган еримдан ўғирлаб кетса, кейин мен сенга нима дейман?

— Уйингизда ойимлар борку? Улар бегонани сизни-кига киритишмайди. Бу томонидан ҳеч хавотирланманг.

— Ҳозирги замонда бегона одамлардан қўрқмасанг ҳам ўзингникидан қўрқиш керак. Бегона сенинг уйингнинг қаерида қайси нарсанг турганлигини қаердан ҳам билсин. Ўзингники уйингнинг қаерида қайси нарсанг турганлигини беш бармоғидай билади. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда ўзингникидан эҳтиёт бўлиш керак. “Қўшнингни ўғри тутма, ўзингга эҳтиёт бўл” дейишадик, ахир.

— Опа, қачон қишлоққа кетмоқчисиз?

— Мени бугун отчопар бозорига обориб, жиянларингга у-бу нарса сотиб олиб, жўнатиб юборсанг яхши бўларди.

— Қишлоққа боришингиз билан ойимларни бу ёққа жўнатиб юбориш эсингиздан чиқмасин, хўпми опажон?

— Ойимларни қишлоққа борган кунимнинг ўзидаёқ бу ёққа жўнатиб юбораман. Бу томонидан ҳеч ҳам ғам ема синглим.

— Тиллалар билан долларларни ойимларнинг белига яхшилаб боғласангиз бас. Улар ўзлари билан бирга олиб келаверадилар.

— Нималар деб валдираяпсан? Кекса бир одамга шунча бойликни ишониб бўладими?

— Ойимларни жуда яхши биламан, улар менинг нарсаларимга ҳеч вақт ҳам хиёнат қилмайдилар.

— Ойимларни ўғирлайди деяётганим йўқ! Йўлда ўғриларга ўғирлатиб қўйсачи? Ёки бўлмаса шунча тилло билан долларларни сезган ўғрилар ойимизнинг бошига бирор нарса билан уриб ўлдириб, белига боғланган нарсаларни ўзлари билан олиб қўйиб бўлишсачи. Ана унда ойижонимиздан ҳам, бутун топган-тутганингдан ҳам бир йўла ажраб қоласан.

— Нафасингизни иссиқроқ қилсангизчи опа! — деди Зебохон ташвишли оҳангда. — Ўғрилар ойимнинг белига боғланган нарсаларни қаердан ҳам билишарди.

— Уларнинг иши шу бўлганидан кейин тилло билан долларларни ҳидидан ҳам билишади.

— Жудаям ошириб юбордингиз, опажон. Тилло билан долларнинг ҳиди бўларканми?

— Сен эшитганмисан ёки эшитмаганмисан билмадим-у, ўтган йили қишлоғимиздаги Матиез пиёзчи янги “Нексия” сотиб оламан деб пулларини белига боғлаб, Тошкентга кетаётганида йўловчиларни овқатланиб олишсин деб, автоулов эгаси ҳайдовчига бир ошхонанинг олдида автобусни тўхтатишни буюрибди. Шунда ҳамма автоуловдан тушиб овқатлангани ошхонага кириб кетишибди. Матиез пиёзчи ҳожатхонага чиққанида кимдир унинг бошига қаттиқ нарса билан уриб, белига боғланган пулларни олиб кетибди. Сенинг жамғарманг унинг бир янги “Нексия”га етадиган пулидан бир неча баробар кўп. Шунинг учун ҳам ойимни ўлдириб кетишса сен бир умр виждон азобида қолиб кетасанку, ахир синглим.

— У десам — бу дейсиз, бу десам — у дейсиз. Бўлмаса бу масала юзасидан менга қандай маслаҳат берасиз опажон. Ана шуни айтинг?

— Тиллаларинг билан долларларинг менда омонат бўлиб тураверсин. У нарсаларингни ойим омон-эсон бу ерга олиб келганида ҳам сен шунча бойликни қаерга беркитмоқчи бўлаяпсан, синглим? Бу масаланинг ана шу томонини ҳам ўйлаб кўрдингми?

— Ойим белларига боғлаб юраверадилар.

— Ойимни ҳам прокуратура ходимлари текшириб қолсачи? Ана унда нима қиласан? Ҳамма бойлигинг давлат ҳисобига ўтиб, ўзинг қамалиб кетсангчи. Бу томонини ҳам ўйлаб кўрдингми синглим?

— Шунчаликка боришмас...

— Прокурор деганлари билан мелиса деганлари тирноқ тагидан кир қидирадиган одамлар бўлишади деб эшитганман. Бу гапларни фақат сени ўйлаб айтаяпман. Шунча қийинчиликлар билан топган-тутганингдан айрилиб, иккала бармоғингни бурнингга тиқиб қолаверасанми ахир. синглим?

— Омонатимни сиз ҳам сақлай олмасангизчи?

— Вой, бу нима деганинг синглим? Ҳали сен опам долларларимни ишлатиб юборади деб қўрқаётган экансанда-а? — деди Пардагул кўзларини ўйнатиб.

— Омонатимни сиз ишлатиб юборасиз деганим йўқку ахир, опажон?

— Бўлмаса гапларингни мундоғ тушунтириброқ гапир. Мен “сиз омонатимни асраб сақлай олмасангизчи” деган сўзларингнинг маъносига ҳеч ҳам тушуна олмаяпман.

— Мабодо ўғирлатиб қўйсангизчи?

— Тфу-тфу, — Пардагул эгнидаги қўйлагининг ёқаси ичига туфлаб қўйди. — Агар топган-тутганинг ҳалол бўлса омонатингга дев ҳам урмайди. Худонинг ўзи асрайди.

— Майли опажон, пешонамда нима бўлса шуни кўраман. Омонатимни ойимнинг белларига боғлаб, ўзингиз уларни автоуловга ўтказиб юборавринг. Кейин менга қўнғироқ қилиб қўйсангиз бўлди. Ойимни бу томонда ўзим бекатга чиқиб кутиб оламан.

— Зебо, ёки сен менга омонатингни ишонмаяпсанми?

— Пардагул опа, сиз билан бир қориндан талашиб тушганмиз, шундай экан сизга ишонмай, кимга ҳам ишонардим.

— Бир қориндан талашиб тушганлигимиз тўғрику-я, лекин сенинг менга берган ваъданг-ваъдами? Ёки... — деб Пардагул сўзидан тўхтади.

— Қайси ваъдамни айтаяпсиз? — Зебохон сергак тортди.

— Қишлоқда менга берган ваъданг эсингдан чиқиб кетдими?

— Қайси ваъдамни айтаяпсиз? Очигини айтаверинг Пардагул опа!

— Менинг уйимнинг таъмирига ёрдам бераман деганинг-ку, ахир. Мана шу менга берган ваъдангни сенга эслатиб қўяпман.

— Майли, опа омонатимдан озгинасини ишлата қолинг. Лекин ортиқча ишлатиб юборманг. Ҳозир менга ҳам пул керак.

— Синглим, мен қайтадан янги ҳовли қураётганим йўқ-ку ахир! Уйимнинг томини шиферлатиб олсам ва чет эл дизайнида усталарга ҳовлимни таъмирлатиб бир сидра бўёқ сурттирсам бўлди. Шундан бошқа менга ҳеч қандай ёрдамнингнинг кераги йўқ. Бу ишларни бажариш учун мендаги долларларингнинг арзимаган бир қисмини сарфлайман холос!

Зебохон опасининг бу гапларини эшитиб ич-ичидан зил кетди.

* * *

Ресторанининг алоҳида хонасидаги тўкин-сочин дастурхон атрофида Қаҳрамон билан Тулки ўзаро суҳбатлашиб ўтирибди.

— Жасурбек тузалиб кетди дегин, — деди Қаҳрамон.

— Ҳа! Жасур тузалиб кетди, — Тулки бир оз иймангандай бўлиб ерга қаради.

— Зебочи? Зебо ҳали ҳам қишлоқдами?

— Йўқ! Уни Жасур қишлоққа бориб ўзи билан бирга Тошкентга олиб келди. — Тулки ўз одамлари билан телефон орқали гаплашганида Зебони Жасур қишлоққа бориб ўзи билан бирга Тошкентга олиб келди деб айтишганди.

— Прокуратура ҳали ҳам Зебони сиқувга олгани йўқми?

— Йўқ! Ҳозирча у Алижонникида яшайпти.

— Жасур қаерда?

— У ҳам Алижонникида.

— Алижон дегани пишиқ йигитга ўхшайди?

— Ҳа, у ҳозир Жасурнинг ёлғиз ўзини ҳеч қаерга юбормай, доимо ёнида бирга юрибди.

— Алижоннинг дўконлари бор дедингми?

— Унинг беш-олтита дўкони бўлиб, шу дўконларда ишлайдиган ўн-ўн бештача ишчиси бор.

— Ўртаҳол бир йигит эканда?

— Ҳа, — деди Тулки унинг сўзини маъқуллаб.

— Яхши, — деди Қаҳрамон муҳим бир нарсани ўйлаётгандай бир қиёфага кириб. Кейин у ўртага тушган

жимликни бузишга қарор қилгандай сўз бошлади. — Энди Тошкент билан қиладиган савдо ишларимизни сенинг айбинг сабабли тўхтатиб туришга тўғри келади. Бу менга қанчага тушишини биласанми?

— Билмасам, — деди Тулки елкасини қисиб.

— Билмасанг билиб қўй, сенга ўхшаган юз-юз элликта эркакнинг бир йилги даромадига тенг! Ана энди билдингми? Сенинг қилган бир хатоингнинг баҳоси менга қанчага тушганини?

Тулки бош ирғганича қизариб-бўзариб ерга қаради.

— Лочинбекни ҳали ҳам тергов қўйиб юбормаяптими?

— Ҳа! Лочинбекни ҳали ҳам прокуратурага чақиришгани-чақиришган.

— Прокуратурага қандайдир далил-ашёлар топиб бериб, уни каматиб юборсак ёмон бўлмасди.

— Бу тўғрида ўйлаб кўраман. Кейин тузган режаримни сиз билан маслаҳатлашаман.

— Яхши, — деди Қахрамон. Кейин у бир лаҳза жим бўлиб турди-да, яна сўради. — Сени Лочинбек танимайдими?

— Йўқ! У мени танимайди.

— Тўлғоной, бу ишда бизнинг қўлимиз борлигини унга сездириб қўймадими?

— Менимча, Лочинбекнинг бундан хабари йўқ!

— Яхши...

— Агар бизларни Зебо сотиб қўймаса, бошқа ҳеч ким бу ишда алоқамиз борлигини хаёлига ҳам келтирмайди.

— Бизларнинг эмас, менинг бу ишга алоқам борлигини дегин чунки сен бу ишни бажараман деб, мендан ҳақингни олдингми ахир?

— Ҳа, олдим!

— Демак, энди бу иш кимнинг иши?

— Менинг ишим.

— Яхши, — деди Қахрамон. — Қоплонинг ҳам сичқон ини минг танга бўлиб инига кириб кетдими?

— Сизга таниш бўлган аёлни кузатиб юришни унга топширганман.

— Тулки, агар сен яна хато қилиб Тўлғонойни нардан кочирсанг, ўлдим деявер. Менинг ҳазилни ёқтирмаслигимни яхши биласан-а?

- Биламан?
- Бир иложини қилиб Тўлғонойнинг Россияга кетишини тезлаштир.
- Хўп бўлади.
- У аёл хизматини ўтаб бўлди. Энди уни бегона юртларда тинчитиб юборишимиз керак. Менга ортиқча гувоҳнинг кераги йўқ.
- Гапларингизга тушундим.
- Жасур ишга тушиб кетдимиз?
- Йўқ! Хали у ишга тушмади. Меҳнат таътилига чиққанга ўхшайди.
- Бундан кейин Жасурни ўз холига қўй. Уни давлат ўз ҳимоясига олган бўлиши керак. Яна қош қўяман деб, кўз чиқариб қўйманглар.
- Хўп бўлади.
- Кейинчалик бу иш юзасидан бир тўхтамга келармиз.
- Сиз нима десангиз шу.
- Ҳозирча сен Лочинбекнинг қамалиб, бу ишнинг ёпилиб кетишининг чорасини кўр.
- Хўп бўлади.
- Энди боравер, сен бўшсан, — деди Қаҳрамон.

* * *

- Тўлғоной опанинг олдига бориб келишим керак, — деди Зебохон.
- Унда қандай ишнинг бор? — Жасурбек сўради.
- Бизларнинг уйимизга босқинчилар бостириб киришганидан кейин сиз билан мен ҳушимизни йўқотиб ётганимизда ёки бўлмаса бизларни тез ёрдам ходимлари касалхонага олиб кетишганларидан сўнг Тўлғоной опа бизларникига кириб, тиллаларимиз билан долларларимизни олиб омонатимизни асраб қўйган бўлиши ҳам мумкин-ку, ахир, — деди Зебохон.
- Аслида Тўлғоной унинг шунча долларларини олиб уйини бўлса бошқа бировга сотиб кетгани Зебохонга алам қилиб, жиғи-бийрони чиқаётганди. “Мабодо Тўлғоной опани кишлоғидан топсам ҳеч бўлмаганда мендан олган долларларнинг ярмини ундириб келаман” деган ўй, унинг миясига ўрнашиб қолган эди. Энди Зебохон қандай бўлмасин Тўлғонойни топиб ўзи берган долларларни ундан қайтариб олиш илинжида унинг кишлоғига бориб келиш учун ҳар хил баҳоналар излай бошлаганди.

“Зебонинг ёнига Нодирахон синглим билан Нилуфар кеннойимни қўшиб жўнатсам, хотинимнинг Тўлғоной билан қандай муносабати борлигини синглим билан кеннойим орқали билиб олардим” деган фикр Жасурбекнинг хаёлидан ўтди.

— Тўлғоной опанинг олдига қачон бориб келмоқчисан? — деди у.

— Агар сиз рухсат берсангиз Тўлғоной опанинг олдига ҳозироқ жўнаб кетган бўлардим.

— Майли, Тўлғоной опанинг олдига бориб кела қол. Ётиб қолгунча отиб қол дейишади-ку ахир! Зора бу ишингдан бирор фойда чиқиб қолса, — деди Жасурбек. Кейин у ўтирган ўрнидан туриб хонадан чиқиб кетди.

“Улардан Тўлғоной опанинг олдига бориб келиш учун рухсат олганим зўр бўлди. У томонларда Қахрамон акани учратиб Тулки билан Қоплоннинг чала қилиб кетган ишини охирига етказишларини улардан ўтиниб сўрайман” деб ўйлаган Зебохоннинг қувончидан юзлари ёришиб, чехрасида анчадан буён бегона бўлган табассум пайдо бўлди.

Жасурбек Зебохоннинг олдидан чиқиб, Нилуфар билан Нодирахонларни ошхонага имлаб чақирди.

Нилуфар билан бирга ошхонага кирган Нодирахон: — Тинчликми Жасурбек ака? — деб сўради.

— Эшикни ёп, гап бор, — деди Жасурбек сирли оҳангда.

Нодирахон ошхонанинг эшигини ёпди.

— Тинчликми Жасурбек ака? — деди у.

— Сен билан Нилуфар кеннойим иккалангиз Зебо билан Тўлғоной опанинг олдига бориб келасизлар.

— У ёқда нима қиламиз? — деди Нилуфар.

— Менга суиқасд уюштирилишида Зебо билан Тўлғонойнинг қўли бор деб ўйлайман. Сизлар уларнинг нима тўғрисида гаплашишига эътибор бериб иккаласининг қандай муносабати борлигини аниқлайсизлар.

— Бунинг учун Алижон акангиздан рухсат олишингиз керак бўлади. Мен улардан рухсат олмасдан ҳеч қаерга боролмайман.

— Мен ҳозир Алижон акам билан телефон орқали боғланиб, Зебо билан бирга бориб келишингиз учун рухсат олиб бераман.

— Бўпти, агар шундай қилсангиз, бирга бориб келаверамиз.

— Сизлар йўл тайёргарлигини кўраверинглар. Ҳозир мен акам билан телефонда гаплашиб кўраман.

Жасурбек ўрнидан туриб, даҳлизга ўрнатилган телефоннинг гўшагини кўтариб ким биландир қисқа гаплашиб гўшакни яна жойига қўйди. Кейин у яна ошхонага қайтиб Нилуфар кеннойиси билан Нодирахонларнинг ёнидаги стулга ўтирди.

— Алижон акамнинг ўзлари ҳозир етиб келадиган бўлдилар. Ҳаммамиз менинг машинамда чегара қисмигача бирга бориб, сизларни чегарадан ўтказиб юборамиз. Кейин қайтиб келгунларингизгача ўша ерда сизларни кутиб ўтирадиган бўлдик, — деди Жасурбек.

— Акангизнинг бизлар билан бирга бориши жуда яхши бўлди, — деди Нилуфар мамнун бўлиб.

— Агар Алижон акамлар у ёққа биз билан бирга бормасалар, бегона юртда Зебонинг бизни сарсон-саргардон қилиши турган гап.

У салгина бўлсада шу акамдан ҳайиқади, — деди Нодирахон ҳам ўз фикрларини айтиб.

— Энди сизлар йўл ҳозирлигини кўраверинглар. Алижон акамнинг ҳам келиб қоладиган вақти бўлиб қолди, — деди Жасурбек. — Сизлардан бир илтимосим бор. Тўлғонийникига борганларингиздан кейин Зебонинг у билан ёлғиз гаплашишига асло йўл қўйманглар.

— Ҳамма гапларингизга тушундим. Бу томонини ўзим қойил қиламан, менга ишонаверинг, Жасурбек ака, — деди Нодирахон.

— Келишдик, — деди Жасурбек.

— Зебохонга ҳам айтинг йўлга тайёрланаверсин, — деди Нилуфар.

— Ҳўп бўлади, — деди Жасурбек, кейин у ошхонадан чиқиб кетди.

Бир пайт Жасурбек яна Зебохон ўтирган хонага қайтиб келди.

— Нега ўтирибсан? Кийинмайсанми, — деди у.

— Ҳозир кийинаман, — деди Зебохон. Кейин шошапиша ўтирган ўрнидан туриб, — Холидахонни ҳам ўзим билан бирга олиб кетсаммикин?

— У ёқларда Холидахонга ҳеч нарса йўк!

— Битта ўзим кетаманми? — деди Зебохон ичидан тошиб келаётган қувончни Жасурбекка сездирмасликка уриниб.

- Нега энди битта ўзинг кетаркансан?
- Сиз билан бирга бораманми?
- Йўқ! Нилуфар кеннойим билан Нодирахон синглим сен билан бирга боради.

Бу гапни эшитган Зебохоннинг қўлтиғидан тарвузи тушди.

* * *

Нилуфар, Нодирахон ва Зебохонлар чегара масканидан ўтиб олишганларидан кейин турна қатор бўлиб тизилиб турган автоуловлар томонга қараб юришди.

— Тўлғонойнинг яшаш манзилини биласизми? — Нилуфар Зебохондан сўради.

— Йўқ! — деди Зебохон.

— Энди унинг уйини қандай қилиб топамиз.

— Мен Тўлғоной опамнинг акасида ресторан бор деб эшитгандим. Ўша ресторанга бориб, унинг акасини топсак, Тўлғоной опани топганимиз ҳисоб.

— Ресторанга қандай борамиз?

— Сизлар шу ерда туриб туришлар, мен такси ҳайдовчиларидан сўраб-суриштириб кўраман.

— Қани, Зебохон юринг, бирга сўраб-суриштиравамиз, — деди Нилуфар.

— Майли, юринглар.

Улар қатор тизилиб турган автоуловларга яқинлашди.

— Қаерга борасизлар? — деди ғилай бир такси ҳайдовчиси.

— Қахрамон ресторанига, — Зебохон жавоб берди.

Нилуфар билан Нодирахонлар ўзаро кўз уриштириб олишди.

— Машинага ўтиришлар, манзилингизга бир зумда олиб бориб қўяман.

— Йўл ҳаққи қанча?

— Инсоф билан ўзларингиз бераверасизлар. Қахрамон аканинг бу ерларда ҳурмати жудаям баланд. Сизлар у одамнинг олдига келаяпсизлар шекилли.

— Ҳа, бизларга Қахрамон аканинг ўзлари керак эди.

— Марҳамат қилиб автоуловга ўтиришлар, манзилингизга элтиб қўяман.

— Қани, юринглар, кетдик, — деди Зебохон шерикларига мурожаат қилиб.

Зебохон автоуловнинг олдинги ўриндигига, Нодирахон билан Нилуфар орқа ўриндикка ўтирганларидан кейин автоулов шиддат билан жойидан силжиди. Автоулов чамаси ўн-ўн икки чақиримча йўл юрганидан кейин хашаматли бир бино олдига келиб тўхтади.

— Сиз кетиб қолмай кутиб тулинг, — деди Зебохон хайдовчи йигитга мурожаат этиб. Агар бизлар Қахрамон акани тополмасак, яна бошқа бир жойга олиб боришингизга тўғри келади.

— Хўп бўлади. Менга пулини берсангиз бўлди. Дунёнинг нариги чеккасига десангиз ҳам элтиб қўявераман.

Энди Зебохон Нилуфарга юзланиб гапира бошлади.

— Сизлар шу ерда кутиб турсангизлар, мен Қахрамон акадан Тўлғоной опанинг манзилини билиб чиқаман.

— Ҳаммамиз бирга бораверамиз, — деди Нилуфар Зебохоннинг ёлғиз ўзини юборишни хоҳламай.

— Бўлмаса юринглар, кетдик, — деди Зебохон ноилж.

Учаласи ҳам олдинма-кетин ресторанга кириб боришди.

Бир хил кийим кийиб олган қизлар ичидан битта қиз. — Вой опагон сизни бу ёқларга қандай шамоллар учирди, — деди у Зебохон билан сўрашиб.

— Қахрамон ака керак эди, — деди Зебохон у қиз билан сўрашишни хоҳламай.

— Улар бугун эрталаб пойтахтга самолётда учиб кетишган.

— Қачон келишини билмайсизми?

— Бизлар кичкина бир одаммиз. Хўжайин бизларга бундай гапларни айтмайдилар.

Зебохон ўйланиб қолди.

— Исмингиз Зебохон эди-я?

Зебохон у қизнинг саволини жавобсиз қолдириб рестораннынг кўча эшиги томон қараб юрди.

— Зебохон опа, Қахрамон акамларга нима деб қўяй? — ҳалиги қиз яна мурожаат қилди. Бу қизнинг гапларидан кейин Нодирахон билан Нилуфар бир-бири билан кўз уриштириб олишди.

Ресторандан ташқарига чиққанларидан кейин Зебохон ёнидагиларга тушунтира бошлади:

— У қиз мени кимгадир ўхшатди шекилли? — деди. Зебохоннинг бу саволини Нилуфар билан Нодирахон

жавобсиз қолдирди. Шунда у ўз саволига ўзи жавоб бериб: — Ер юзида бир-бирига ўхшайдиган одамлар ҳам кўп-ку ахир! — деди.

— Бир-бирига ўхшайдиган одамларнинг исмлари ҳам бир хил чиқиб қоладими? — Нодирахон уни гап билан чақиб олди.

Энди Зебохон “нотўғри сўзлаб қўйдим” деб ўйлаб тилини тишлаб қолди.

Нилуфар Нодирахонга юзланиб маъноли қараш қилди-да, ҳозирча жим бўлинг дегандай кўрсаткич бармоғини лабига босди.

Улар ўзларини кутиб турган гилай такси ҳайдовчисига яқинлашганларида — Қахрамон акани топдингизларми? — деди у.

— Йўқ, тополмадик, — деди Зебохон.

— Энди сизларни яна чегара масканига олиб бориб қўяйми?

— Йўқ, бизларни шу атрофдаги қишлоқда яшайдиган Тўлғоной исмли аёлниқига олиб боринг, — деди Зебохон Тўлғонойнинг уйини билса ҳам ўзини билмаганликка солиб.

— Тошкентга турмушга чиққан аёлни айтаяпсизларми?

— Ҳа!

— Ахир у аёл Тошкентда яшайди-ку.

— Тўлғоной опани танийсизми? — деди Зебохон унинг саволига жавоб бериш ўрнига савол бериб.

— Танийман. Бир-икки марта укасиникига олиб бориб қўйганман. Уларнинг гап-сўзларидан анча-мунча ишни қойил қиладиган аёлга ўхшатдим.

— Мушкулимизни осон қилдингиз, — деди Зебохон. Кейин у автоуловнинг олдинги ўриндиғига ўтириб олди. — Бизларни шу аёлниқига олиб бориб қўйинг.

— Майли, олиб бориб қўявераман, — деди ҳайдовчи йигит. — Сизларга у аёлнинг ўзи керак бўлса Тошкентда яшайди.

— Сизга уларнинг қаерда яшашининг фарқи борми?

— Менга фарқи йўқ. Фақат сизлар овора бўлиб юрманглар деяпман, холос!

— Маслаҳатингиз учун катта раҳмат, — деди Зебохон. — Ҳозир Тўлғоной опа шу ерда яшайди.

— Улар бу ерга кўчиб келдиларми? — деди гилай

йигит автоуловни бир маромда равон бошқариб бораркан.

— Ҳа! Тўлғоной опа Тошкентдан кўчиб кетганлар.

— Улар турмуш ўртоғи билан бирга кўчиб келдиларми?

— Йўқ! Тўлғоной опанинг турмуши бузилиб кетди.

— Аттанг, — деди ҳайдовчи.

* * *

— Алижон ака, булар кеч қолиб кетишди-ку! — деди Жасурбек хавотирланаётганлигини яширмай.

— Тўлғонойни топишолмаётгандир. Хавотирланаверма, келиб қолишар, — деди Алижон.

— Тўлғонойни сиз билмайсиз, у аёлнинг қўлидан кўп иш келади.

— Зебохоннинг ёлғиз битта ўзи эмас, ёнида синглимиз Нодирахон билан кеннойинглар ҳам борку ахир. Нега бунча ваҳима қиласан!

— Мен Зебодан хавотирланаётганим йўқ. Синглимиз билан кеннойимлардан хавотирланаяпман.

— Нега энди?

— Зебо ҳам Тўлғонойнинг ёнига боргач, у тарафга ўтиб кетади.

— Нима учун Зебохон Тўлғонойга қўшилиб Нодирахон билан кеннойингга ёмонлик қилади деб ўйлаяпсан?

— Зебо мени йўқотиш учун Тўлғоной орқали жиноятчиларни шу томондан ёллаган бўлиши ҳам мумкин. Агар менинг тахминларим тўғри чикса, Нодирахон синглимиз билан Нилуфар кеннойимга душманлик қилиб, улар бирор фалокатни бошлаб қўйишмаса эди деб қўрқаяпман.

— Жасурбек ука, кўп ҳам ваҳима қилаверма. Зебохон ҳам шу даражада тубанлашиб кетмагандир?

— Бир ёстиққа бош қўйган турмуш ўртонини йўқотиш учун қотилларни ёллаган аёлдан яна нимани кутиш мумкин, Алижон ака? У аллақачон тубанлик шайтонининг малайига айланиб бўлган.

— Зебохоннинг бунчалар тубанлашиб кетганлигини наҳотки мен сезмаган бўлсам? — деди Алижон. Кейин у бир оз вақт жим бўлиб ўйланиб турди-да, яна Жасурбекка мурожаат этди. — Зебохон тилла тақинчоқлар билан долларларни ҳам Тўлғонойга ишониб вақтинча сақлаб туриши учун бериб қўйиши мумкинми?

— Менимча, бу нарсалар Тўлғоной опада ёки бўлма-са Пардагул опасига ҳам бериб қўйган бўлиши мумкин.

— Бу нарсаларни Пардагул опасига қандай қилиб беради?

— Тилла тақинчоқлар билан долларларни Зебо қишлоққа кетганида ўзи билан бирга олиб кетган. У қишлоққа борганидан кейин бу нарсаларни Пардагул опасига қолдирган бўлиши ҳам мумкин-ку.

— Тилла тақинчоқлар билан долларларни Зебохоннинг ўзи билан бирга олиб кетмаганлиги аниқ.

— Нега бундай деб ўйлаяпсиз Алижон ака?

— Сабаби Зебохонни Нодирахон билан Нилуфар кеннойинг қишлоққа кетадиган автоуловга ўтқазиб келишди-ку ахир. Бунинг устига-устак Нилуфар кеннойинг Зебохонга сизларга керак бўлиб қолар деб мен берган юз эллик минг сўм пулни ҳам бериб келди. Агар Зебохоннинг ёнида шунча пул бўлганида кеннойинг берган пулни у олмаган бўларди.

— Ҳали сиз Зебони яхши билмас экансиз, Алижон ака. У шайтоннинг урғочиси, кўп нарсаларга қодир у.

— Қўй, бундай дема Жасурбек ука! Ҳалигача Зебохоннинг бирор қилган душманлигини исботловчи ашёвий далил топганимиз йўқ.

— Тўғри айтасиз, Алижон ака! — деди Жасурбек тушкин бир кайфиятда. — Лекин Зебо Нодирахон ва кеннойимни ҳам лақиллатган бўлиши мумкин.

— Қандай қилиб? — деди Алижон.

— Зебони Нилуфар кеннойим билан Нодирахон синглим автоуловга ўтқазиб келишганларидан кейин у такси ҳайдовчисига уйда нарсаларим қолиб кетибди, йўл ҳаққига яна бир-икки минг сўм пул қўшиб бераман, мени уйга олиб бориб келинг деган бўлиши ҳам мумкин.

— Зебохон қишлоққа кетадиган автоулов билан уйга келиб тиллолар билан долларларни ўзи билан бирга қишлоққа олиб кетган демоқчимисан?

— У шундай қилган ёки Тўлғоной опага бу нарсаларни вақтинча сақлаб туриш учун бериб юборган.

— Ана холос, — ўйга толди Алижон, — мен бу томонини ҳеч ҳам ўйламаган эканман.

— Зебо жуда ҳам айёр. Мен ҳам унинг кимлигини шу кунга қадар билмабман. Энди кўзим очилди Алижон ака, — деди Жасурбек афсусланиб. — Аслида дадамлар

шу кизга уйланма деганларида уларнинг сўзларига кулок солсам бўларкан. Мана ўзбошимчалигимнинг оқибати.

— “Кейинги пушаймон ўзингга душман”. Энди афсусдан фойда йўқ.

— Гапларингиз тўғри, Алижон ака, лекин сиз масаланинг бошқа томонини ўйламайсиз, — деди Жасурбек ташвишли оҳангда. — Мабодо Зебо тиллалар билан долларларни Тўлғоной опага бериб қўйган бўлса, Нилуфар кеннойим билан Нодирахонлар ҳам хавф остида қолишади.

— Нега бундай деяпсан?

— Агар тиллалар билан долларлар Тўлғонойда бўлса, Зебо ҳам шу ёқда қолишга ҳаракат қилади. Уни Нилуфар кеннойим билан Нодирахон синглимиз Тўлғонойнинг олдига ташлаб келмасликка ҳаракат қилади. Шунда улар ўртасида низо чиқиб жанжал бўлиши аниқ.

— Нодирахон синглимиз билан кеннойингга Зебохоннинг бир ўзи нима ҳам қила оларди?

— Бу жанжалга Тўлғонойнинг аралашishi турган гап, — деди Жасурбек ваҳима қилиб. — Бу ҳам майли лекин Тўлғоной бу жанжалга ўзининг жиноятчи танишларини жалб қилгудай бўлса кеннойим билан Нодирахонлар оғир аҳволга тушиб қолишади. Мен мана шу томонидан қўрқаяпман, Алижон ака!

— Шундай бўлишини биларкансан нега бу гапларингни аввалроқ айтмадинг? Мен ҳам Тўлғонойникига улар билан бирга борган бўлардим.

— Мен ҳам бу тўғрида аввалроқ ўйламабман. Улар кечикаётганларидан кейин миямга ҳар хил бўлмағур ўйлар келаяпти.

— Кўп ҳам ваҳима қилаверма. Энди сабр қилиб кутишдан бошқа чорамиз йўқ, — деди Алижон ҳам ичтини еб.

* * *

Ўртаҳол ҳовли олдига келиб тўхтаган автоуловдан учта аёл тушди.

— Сиз бизларни шу ерда кутиб турунг, — деди аёллардан бири вилай ҳайдовчи йигитга мурожаат қилиб.

— Менинг ишим шу. Кут десангиз кутиб ўтираверман — деди ҳайдовчи йигит.

Ҳовлининг дарвозаси олдида болалар билан ўйнаб

юрган олти-етти ёшлардаги қизалоқнинг кўзи уларга тушди.

— Ҳой, Зебохон опа, бизларникига келдингизми? Холидахонни нега олиб келмадингиз? Тўлғоной опам билан бирга келганингизда қизингиз билан мазза қилиб ўйнагандик. — У чулдираб гапирганича югуриб келди-да, Зебохонни кучоқлаб олди. Кейин қизалоқ Зебохонга ёнидаги иккита аёлни қўли билан кўрсатиб сўради. — Зебохон опа, булар кимлар, таништирмайсизми?

— Булар Нилуфар кеннойинг, — деди Зебохон аёллардан бирини қўли билан кўрсатиб, кейин у иккинчисини кўрсатди. — Булар бўлса Нодирахон опанглар, саломлашгин қизим.

— Ассалому алайкум, — деб қизча ҳар иккала аёл билан ҳам қўл бериб сўрашди.

— Тўлғоной опа, уйдаими?

— Уйда йўқлар. Қўшниларникига чиқиб кетувдилар. Мен ҳозир Тўлғоной опамларни чақириб келаман, — қизалоқ лаби-лабига тегмай гапирганича югуриб кетди.

— Зебо, бу қизча ҳам сени бировга ўхшатдимми? — деди Нодирахоннинг сабри чидамай!

— Бу қизалоқ ойиси билан Тўлғоной опаникига борганида бизларникига ҳам чиқиб Холидахон билан ўйнардди, — деди Зебохон ўзини оқлаб.

Нилуфар жим дегандай Нодирахонга қараб қўйди.

— У қизча сизларникига борганимда демади-ку ахир! Аксинча Тўлғоной опам билан бизларникига келганингизда деди. Ёки менинг қулоғим чала эшитдимми?

Нилуфар жим дегандай Нодирахоннинг биллагидан чимчилаб қўйди.

Зебохон Нодирахоннинг саволига жавоб бериш ўрнига уларга орқасини ўгириб олди. Шу пайт Тўлғоной билан қизалоқ кўк рангли дарвозадан ташқарига чиқди. Зебохон уларнинг истикболига қараб юрди. Нилуфар билан Нодирахонлар ҳам унга эргашди.

— Ҳа, Зебо тинчликми? — деди Тўлғоной Зебохонни сенсираб. У сўрашишни ҳам унутиб жангта шайланган хўроздай кеккайди.

— Ассалому алайкум! Тўлғоной опа, яхшимисиз? Укангиз, келинингиз ҳамда жиянларингиз яхши юришибдимми? — Зебохон бидирлаб сўраша кетди.

— Худога шукур ҳаммамиз яхшимиз, — деди Тўлғо-

ной Зебони кесатиб. — Қайси шамол учирди. Нега бу ерга келдинг?

— Сизни кўриб кетгани келдим, — Зебохон ялтоқланди.

— Булар кимлар? — деди Тўлғоной. Нилуфар ва Нодирахон билан сўрашиш ўрнига уларни имлаб кўрсатганича. — Сен ўзинг билан одам эргаштириб юришни ёмон кўрардинг-ку!

Салом беришга шайланган Нодирахон ҳам Тўлғонойнинг бу муомаласидан жаҳли чиқиб, хўмрайиб олди.

— Сейфимиздан тилла тақинчоқлар билан долларлар йўқолган. Мабодо сиз кўрмадингизми деб сўрагани келувдим.

— Зебо, жинни-пинни бўлиб қолмадингми ўзи? Сенинг уйингдаги нарсани мен қаердан ҳам биламан. Бунинг устига у нарсаларинг сейфингда турган бўлса, бу гапларни ўйлаб гапираяпсанми? Уйингга борганингдан кейин ўзингни бир ўқиттириб юбор, хўпми?

“Бир пайтлар айланай, ўргилай, қоқиндиқ деб мени бошига кўтариб юрган Тўлғоной опа шуларми ёки бошқа бировми” деган фикр Зебохоннинг дилидан ўтди.

— Зебо, нега индамайсан? Ёки менга тухмат қилиб келдингми?

— Нега ундай дейсиз, опажон? Улар менга бериб қўйган тилло тақинчоқлари билан долларларини топиб берасан деб мени ҳоли жонимга қўймагач, мабодо очик қолган сейфдан шу нарсаларни тўсатдан кўриб қолган бўлсангиз асраб олиб қўйгандирсиз деб ўйлаб бир оғиз сўраб кўриш ниятида олдингизга келгандим.

— Нима, мен сенинг сейфингнинг қоровулиманми? Долларларинг билан тилла тақинчоқларингни мендан сўрайсан? — Тўлғоной қўлларини ҳавода силкитганича Зебохонга ўшқирди.

Шу пайт Нодирахоннинг кўзи унинг қўлидаги тилла соатга тушди-ю, Жасурбек акасининг Холидахонга ниятлаб олган тилла соатини дарров таниди. У Нилуфарни секин туртиб Тўлғонойнинг қўлидаги тилла соатни унга имлаб кўрсатди. Нилуфар ҳам кўрдим дегандай бошини ирғади.

— Тўлғоной опа, у нарсаларни сиз олдингиз деяётганим йўқ. Сиз мени тушунмаяпсиз, — деди Зебохон.

У Тўлғонойнинг уйимни сизларга сотаман деб ўзидан

олган долларларини Нилуфар билан Нодирахонларга сездирмаган холда hozир ундан қандай қилиб сўрашни билмай қийналарди.

— Тўлғоной опа, уйингизни кимгадир сотиб кетиб-сизми?

— Ўзимнинг уйимни ҳам сендан сўраб сотишим керакмиди?

Тўлғонойнинг бу сўзларидан кейин Зебохон ҳайрон бўлиб қотиб қолди.

— Уйингизни бизлар сотиб олмақчи эдик, — деди Зебохон довдираб.

— Уйимни сотиб олиш ниятингиз бор экан нега сотмасимдан олдин сўрамадингиз?

— Тўлғоной опа, уйингизни мен билан савдолашганингиз эсингиздан чиқдими?

— Зебо, ҳақиқатдан ҳам сенинг томинг кетиб қолибди, — Тўлғоной ўшқирди. — Мен сен билан ҳеч қачон уй савдолашмаганман. Йиғиштир олди-қочди гапларингни. Менинг сен билан ади-бади айтишиб ўтиришга вақтим йўқ. Жўна бу ердан.

Энди Зебо нима дейишини билмай жимиб қолди.

— Сенларга қўшни бўлиб зарардан бошқа нарса кўрганам йўқ, — деди Тўлғоной кўзларини лўқ қилиб. — Чегара қисми божхона ходимлари молларимни мусодара қилганида қўшним деб сизларнинг олдиларингизга ёрдам сўраб борганимда мен учун эринг бир марта керакли жойга қўнғироқ қилиб, молларимни божхоначилардан қайтариб олишимга ёрдам қилиб юборганида ўлиб қолмасди.

Шу пайт Зебохоннинг хаёлидан “Тўлғоной опа бу ишларни атай бизлардан ўч олиш учун қилган экан” деган ўй ўтди.

— Долларлар билан тилла тақинчоқларни топмасам улар мени ўлдиради, — деди Зебохон зорланиб. — Тўлғоной опа, менга бошпана беринг, сизнинг олдингизда ҳар қандай хизматингизни қилиб юришга ҳам розиман.

— Менга хизматкор керак эмас, — деди Тўлғоной ясама жилмайиб. — Хизмат қилмоқчи бўлсанг Қахрамон акангнинг олдига бор, ана унга сенга ўхшаган хизматкорлар керак.

Энди Зебохон қўллари билан бошини чангаллаб бўкириб йиғлаганича турган ерида ўтириб қолди.

Тўлғоной Нилуфар билан Нодирахонга юзланиб, кўрсаткич бармоғини бигиз қилганича Зебохонни кўрсатди.

— Бу жиннини бу ердан олиб кетинглар, — деди у.

Улар ўртасида бўлиб ўтган шу гап-сўзлардан сўнг Зебохон билан Тўлғонойнинг энди гаплашадиган гаплари қолмади деб ўйлаган Нилуфар билан Нодирахон Зебохоннинг ҳар бири бир кўлидан ушлаб автоулов томонга қараб тортди.

— Зебохон, юринг кетдик, — деди Нилуфар ялиниб.

— Мен сизлар билан кетмайман, шу ерда қоламан. Мени қўйиб юборинглар. Зебохон Нилуфар билан Нодирахоннинг қўлларидан қўлларини тортиб олишга уринар, лекин у бунинг уддасидан чиқолмай қийналарди.

Нодирахон билан Нилуфар Зебохоннинг қўлларидан маҳкам ушлаб олганларича уни автоулов томонга қараб судраб боришарди. Тўлғоной бўлса иккала қўлини биқинига тираганича уларни кузатиб ғолибона илжайиб турарди.

* * *

Нилуфар билан Нодирахон Зебохонни судраб автоуловга чиқаришганларидан кейин автоулов шитоб билан жойидан силжиганича юриб кетди.

Орадан ярим соатларча вақт ўтиб-ўтмай, Тулки билан Қоплон Тўлғонойникида пайдо бўлди.

— Зебо нега келибди? — деди Тулки Тўлғонойга еб қўйгудай бўлиб тикилганича.

— У ҳам бу ёқларга кўчиб келмоқчи экан. — Тўлғоной бўлиб ўтган воқеани Тулкига бошқача қилиб тушунтира бошлади.

— Зебонинг бу ерга кўчиб келишдан мақсади нима экан?

— Билмасам?

— Бу тўғрисида Зебодан нега сўрамадингиз?

— Эри ундан гумонсираётганмиш...

— Зебо ким билан келибди?

— Билмасам.

— Нега билмайсиз?

— Шеригининг кимлигини сўрамадим.

— Нега ўрталарингда жанжал чикди?

“Мени булар кузатиб юришган эканда” деб ўйлаган Тўлғоной энди сергак тортди.

— Биз жанжаллашмадик.

— Зебони иккита аёл судраганича автоуловга ўтказиб кетишибди-ку, ахир!

— Зебо шу ерда қоламан деди. Шунда ёнидаги иккита аёл уни мажбурлаб судраганича машинага ўтказиб кетишди, — деди Тўлғоной энди тўғриси айтиб. Кейин у хаёлга толди. “Мени кузатиб юришни буларга Қахрамон топширган. Зебо бу ерда қолишга уриндим, демак, уни ҳам у ёқда сикувга олишган. Қахрамон буларнинг ҳаммасидан хабардор, у Жасур билан Зебонинг ҳамда менинг кетимдан одам қўйган. Мен аҳмоқ Россияга кетмоқчи бўлганимда ҳужжатларимни йўқотиб қўйгандим. Кейин биттаси суюнчисини олиб ҳужжатларимни уйга ташлаб кетганди. Шу куниёқ Қахрамон мендан “Нега Россияга кетмоқчисиз” деб сўради. Агар у кетимдан одам қўймаганида бу воқеани дарров қаердан ҳам эшитарди. Мен аҳмоқ шуни ҳам сезмабман. Демак, Зебонинг иши ёпилиб кетмагунича ҳаётим хавф остида экан. Балким ҳужжатларимни ҳам Қахрамон ўғирлашни буюриб, менинг Россияга жўнаб кетишимнинг олдини олгандир. “Энди у мени ўз назаридан четга қочирмайди”. Тўлғоной ана шуларни ўйларкан сўради:

— Сиз Зебонинг келганини қаердан билдингиз? — деди у.

— Ўртоғим кўриб қолибди.

— Ўртоғингиз Зебони танирканми?

— Йўқ. Зебони танймайди. У бегона аёл Тўлғоной опа билан жанжаллашяпти деганидан кейин ўзим шундай тахмин қилдим.

— Мени қайғурганингиз учун сизга катта раҳмат, — деди Тўлғоной кесатиб.

Тулки унинг кесатганини сезса ҳам пинагина бузмади.

* * *

Нилуфар, Нодирахон ва Зебохонлар чегара қисми — божхонадан ўтиб келишди-да, Жасурбекнинг автоулови-га ўтиришди.

— Долларлар билан тилла тақинчоқлар топилди-ми? — деди Жасурбек автоуловни ўт олдириб.

— Йўк, топилмади! У нарсаларни Тўлғоной опа олмабди, — деди Зебохон хўмрайиб.

— Жасурбек ака гаплашадиган гаплар кўп. Уйга борайлик, бафуржа гаплашиб оламиз, — деди Нодирахон.

Унинг гапларидан сўнг Зебохон Нодирахонга ўкрайиб қараб қўйди. Шундан сўнг автоулов ичида ўтирганларнинг ҳеч бири гапирмади. Ҳозир уларнинг ҳар бири ўз хаёлига берилганича нималарнидир ўйлаб борарди. Чамаси икки соатларча йўл юришганларидан кейин Жасурбекнинг уйи олдига келиб тўхтаган автоуловдан ҳаммаси тушишди.

— Қани, юринглар уйга. Ҳаммамиз бир жойда бир-биримизнинг кўзимизга тик боқиб гаплашиб оладиган вақт келди, — деди Жасурбек.

Ёнидагилар унга эргашди. Улар Жасурбекнинг хонадонига кириб меҳмонхонада тўшалган кўрпача устига ўтириб олишди.

— Ана энди айт, Нодирахон у ёқларда қандай воқеалар бўлди? — деди Жасурбек.

Нодирахон чегара қисмидан ўтиб яна шу божхонага қайтиб келгунларича бўлиб ўтган барча воқеаларни окизмай-томизмай ёниб-куйиб сўзлаб берди.

— Шу гаплар ростми? — деди Жасурбек Зебохонга еб қўйгудай бўлиб тикилганича.

У ерга қараб ўтирганича лом-мим демади. Энди сабр тоқати тугаган Жасурбек ўтирган ўрнидан туриб қўллари мушт қилганича, Зебохонга ташланди.

Алижон ўтирган ўрнидан сакраб туриб эпчиллик билан уни ушлаб қолдида хонанинг деразаси томонга қараб судради.

Кўрқиб кетган Зебохон бошини қўллари билан чангаллаб олди.

Жасурбек энди ўзини кучоклаб олган Алижоннинг елкалари оша мушт қилиб тугилган қўллари узатиб хавода силкитаркан:

— Гапир ифлос! Шу гаплар тўғрими? Нега индамайсан? — деди.

— Эркак одамсанку ахир! Ўзингни босиб олсанг-чи! — деди Алижон уни тинчлантиришга уриниб.

— Алижон ака, мени қўйиб юборинг! Уни ўлдираман, — энди Жасурбекнинг оғзидан боди кириб, шоди чиқиб Зебони ҳақорат қила бошлади.

— Ўзингни бос! — деди Алижоннинг жахли чиқиб.

Зебохон ўтирган ўрнидан туриб хонадан чиқиб кетди.

— Жасурбек, қани мундоғ ўтир, бир гаплашиб олайлик, — деди Алижон уни қўйиб юбориб.

Жасурбек ҳеч нарса демасдан жойига бориб ўтирди.

— Зебохонга сен нега бақираяпсан? — деди Алижон босиқлик билан.

— Шу қилганига бошимга кўтарайми уни? — Жасурбек зарда қилди.

— Дадамлар сенга шу қизга уйланма, ўғлим, деганларида нега уларнинг айтганларини қилмадинг?

— У пайтда ёшлик қилибман.

— Хўп. Унда ёшлик қилган бўлсанг Расулжон уканга ховли олиб бераман деб, яхши ният билан йиғиб қўйган пулларимни алдаб олган пайтингда ҳам ёшлик қилдингми?

Жасурбек бошини эгганича жим ўтираверди.

— Гапир, нега индамайсан? Ўзинг ҳозиргина бир-биримизнинг кўзимизга тик қараб, гаплашиб оламиз дегандинг-ку ахир!

— Айб менда, — деди Жасурбек эшитилар-эшитилмас.

— Кўчадаги бир фохиша жиянингдан яхши бўлдимми?

— Нега ундай деяпсиз, Алижон ака?

— Ховли сотиб олиш учун ниятлаб қўйган пулларимга Лобарга уй олиб бердингми, ахир?

Жасурбек яна жимиб қолди.

— Сен мендан нима ёмонлик кўрдинг?

— Ҳеч қандай ёмонлик кўрмадим.

— Мендан ёмонлик кўрмаган бўлсанг, нега бундай қилдинг?

Жасурбек индамади.

— Мен сени ўқитсам, уйлантирсам, уйли-жойли қилсам, машина олиб берсам, керак пайтда пул берсам, бу қилганинг менинг шунча қилган ёрдамимга раҳматинг бўлдимми?

Жасурбек ерга тикилганича бўзрайиб ўтирарди.

Шу пайт Зебохон даҳлизда турган жойида; — Алижон ака, сизникида йўқолган тилла тақинчоқларни ҳам укангиз уйимизга олиб келган эди. Мен акангизнинг уйи-

дан ўғирлик қилишга уялмадингизми деганимда улар, “бу нарсаларни ойим менга бермасдан уларга совға қилдилар. Шунинг учун ҳам акамга индамай бу тиллаларни уларникидан олиб келавердим, бу нарсалар фақат акамгагина эмас, менга ҳам тегишли” дедилар, — деди шанвиллаб.

— Шу гаплар тўғрими? — Алижон ўзини тутолмай бакириб юборди.

Унинг бу саволи ҳам жавобсиз қолди.

— Ойижонимлар берган тилла тақинчоқларни йўқотганимда жуда қаттиқ сиқилиб қийналдим. Мен ўша нарсалар йўқолгани учун сиқилмадим. Ойижоним берган тилла тақинчоқлар ойимларга бувиларидан, бувимларга уларнинг бувиларидан қолиб келаётган ёдгорлик бўлгани учун ҳам сиқилдим. Сен буларнинг фарқига борармидинг, — деди Алижоннинг овози қалтираб.

Унинг бу сўзларидан сўнг даврага жимлик чўкди. Орадан бир оз вақт ўтганидан кейин Алижон тилга кириб сўзлай бошлади.

— Зебохон, бу ёққа келинг, — деди Алижон.

Зебохон келиб ўз ўрнига ўтирди. Нодирахон унга еб кўйгудай бўлиб қараб қўйди.

— Зебохон укам тилла тақинчоқларни уйингизга олиб келганида нега менга айтмадингиз.

— Оилам бузилиб кетишидан қўрқдим.

— Бу гапларни нега энди оилангиз бузилай-бузилай деб турган бир пайтда менга айтаяпсиз?

Зебохон унинг саволига жавоб бермади.

— У пайтда ораларингиз яхши бўлганлиги учун ҳам менга айтмагансиз. Шундайми? — деди Алижон. — Балким тилла тақинчоқларни кўриб хурсанд ҳам бўлгандирсиз?

— Хурсанд бўлмадим, — деди Зебохон шивирлаб.

— Майли, укам тилла тақинчоқларни олиб келганида хафа ҳам бўлдингиз дейлик. Лекин нега энди турмуш ўртоқингизнинг бошига мусибат тушган бир пайтда сиз унга ёрдам қўлини чўзиш ўрнига бир ёстиққа бош қўйган одамнинг юзига балчиқ чаплайсиз?

Зебохондан садо чикмади.

— Ўхшатмасдан учратмас деганлари тўғри экан. Бир-бирингга узукка кўз қўйгандай ярашиб турибсизлар.

— Алижон ака, сиз менинг барча айбларимни кечир-

дингиз-ку ахир. Мен ҳаётни эндигина англадим. Инсондан яхшилик ёки ёмонлик қоларкан. Қилмиш-қидирмиш дейишганларидай худонинг ўзи қилмишимга яраша жазоимни берди, — деди Жасурбек йиғлаб. Энди унинг кўзларидан оққан ёшлари юзларини ювди.

— Мен жигарим бўлганинг учун ҳам айбларингни кечиравераман. Лекин сенинг бу қилмишларинг тубанлик-ку, ахир Жасурбек ука! — деди Алижон. Унинг овози мунгли эшитилди.

* * *

Тулки Қаҳрамон ресторанига келиб, Қаҳрамоннинг муҳим масалаларни ҳал қилишда кириб ўтирадиган хонадалигини даҳлизда учраган қиздан сўраб билди-да, у шу хона томонга қараб юрди.

Тулки унинг олдига кириш учун аввал катта хонага кирди. Бу ерда ҳар доимги жойида ўтирган иккита йигитга унинг кўзи тушди. Тулки улар билан қўл бериб сўрашди. Кейин у: — Қаҳрамон ака керак эди, — деди.

— Киравер, улар сени кутиб ўтирибдилар, — деди йигитларнинг бири.

Тулки эшикни оҳиста чертди, ичкаридан: — Кириш, — деган унга таниш овоз эшитилди.

Тулки эшикни очиб ичкарига кирди. Шунда унинг кўзи хона юқорисидаги қора чарм қопланган юмшоқ ўриндикда ястаниб ўтирган Қаҳрамонга тушди. Тулки тез юриб унинг олдига борди-да: — Ассалому алайкум, — деди сўрашиш учун қўлини узатиб.

— Яхшимисан Тулки? — деди Қаҳрамон ўтирган жойида унинг қўлини олиб.

— Нолимасам ҳам бўлади, — деди Тулки. — Ўзингиз яхшимисиз, Қаҳрамон ака?

— Яхшиман! Қани ўтир, — Қаҳрамон қўли билан унга ўтириш учун жой кўрсатди.

Тулки стулга омонатгина ўтирди.

— Зебо нега бу ерга келибди? — деди Қаҳрамон уни саволга тутиб.

— Менимча, сизга таниш бўлган аёл уни чув тушириб келганга ўхшайди.

— Нега бундай деб ўйлаяпсан?

— Зебонинг сизга таниш бўлган аёлдан оладиган омонати борга ўхшайди. Қоплон сездирмасдан писиб бориб,

улар ўртасида бўлиб ўтган гап-сўзларни эшитган. Унинг сўзларига қараганда қандайдир тилла тақинчоқлар билан долларлар ҳақида гап кетган.

— Зебо нега бу ерда қолмоқчи бўлган?

— Агар тилла тақинчоқлар билан долларларни мен олиб бормасам, улар мени ўлдиради деган. Бу нарсалар сизга таниш бўлган аёлда бўлса керак. Шунинг учун ҳам Зебо бу ерда қолмоқчи бўлган. Шунда уни ёнидаги иккита аёл судраб автоуловга мажбурлаб ўтқазиб кетишган.

Қаҳрамон ўйланиб қолди. Бир лаҳзадан кейин у Тулкидан сўради.

— Тўлғоной нега бундай қилган?

— Билмасам, — Тулки елкасини қисди.

— Энди Зебо алам устида Тўлғонойни сотиб қўйиши турган гап. Сен унинг Россияга кетишини тезлаштир.

— Сизга таниш бўлган аёл Зебо кетиши билан дарров бизларга сездирмасдан қочиш ниятида укасининг хотинини ишга солиб, Россияга кетиш учун чипта олди.

— Буни сен қаердан билдинг?

— Мен сизга таниш бўлган аёл яшаётган уйга узоқдан эшитиш мумкин бўлган асбобларни ўрнатиб қўйгандим. Шу орқали мен унинг укасининг хотини билан гаплашган гапларини эшитдим.

— Тилла тақинчоқлар билан долларлар тўғрисида ҳеч нарса эшитмадингми? — Қаҳрамон Тулкини ўрганаётгандай унга синчиклаб тикилди.

— Бу нарсалар тўғрисида ҳеч нарса эшитмадим.

— Тулки мени яхши биласан-а? — деди Қаҳрамон. — Агар алдаганингни сезиб қолсам жонингдан умидингни узавер, гапларимга тушундингми?

— Сизни мен ҳеч қачон алдамаганман. Сизнинг ёрдамингиз билан мен бу мавқега эришдим. Менга яхшилик қилган одамларга ўлсам-ўламанки, асло ёмонлик қилмайман.

— Яхши, — деди Қаҳрамон. Кейин у бир зум ўйлашиб турди-да, яна сўзида давом этди. — Мен сенга Тўлғонойда анча-мунча доллар борлиги тўғрисида айтгандим. Энди ўйлаб кўрсам унда каттагина бойлик борга ўхшайди. Бир пайтлар Тўлғоной менга “сиз юборган молларни божхоначилар мусодара қилиб давлат хисобига ўтқазиб юборди” деганди. Ўша пайтда мен унинг сўзларига

ишониб кетини суриштириб ҳам кўрмагандим. Менимча Тўлғоной ўша молларни сотиб, пулларини ўзининг чўнтагига урган бўлиши ҳам мумкин. Бунинг устига у давлатнинг нуфузли идораларининг бирида ишлайдиган одамнинг ҳам бутун бойлигини қўлга киритган бўлса, энди бу ёғини ўзинг ўйлаб кўравер.

— Тушунарли, — деди Тулки бошини сарак-сарак кимиралиб, хаёлга толганича.

— Қандай бўлмасин сен Тўлғоной яшириб қўйган тилла тақинчоқлар билан долларларни топишинг шарт. Ана шунда ишни чала қилганларинг учун Қоплон билан сенинг зимманга юкланган харажатлардан қутуласизлар. Гапларимга тушундингми? — деди Қахрамон Тулкининг ҳаракатларини назардан қочирмай.

— Гапларингизга тушундим. Сизга таниш бўлган аёл яшириб қўйган тилла тақинчоқлар билан долларларни топишга ҳаракат қиламан.

— Яхши, — деди Қахрамон хаёлга толиб. Бир оз вақтдан сўнг у қўшиб қўйди. — У томонда қандай янгиликлар бор?

— Ҳозирча айтарли янгиликлар йўқ.

— Ҳалиям Лочинбек қамалиб, Жасур ишига нуқта қўйилишининг иложини қилолмадингми?

— Ҳозир йигитларим шунинг устида ишлашапти.

— Тулки, бу ишни жудаям чўзиб юбординг, сенинг бу ишинг менга ёқмаяпти.

— Шу кунлар ичида ўйлаган режамиз амалга ошиб қолиши керак.

— Бу иш менинг жонимга тегиб кетди. Тез кунлар ичида бир ёқли қилиб, ҳисобот бер.

— Хўп бўлади.

— Тўлғоной Россияга кетса, у танимайдиган икки йигитни ёнига қўшиб жўнат. Тўлғоной бизларнинг уни кузатиб юрганлигимизни сезиб қолмасин.

— Ҳаммасини сиз айтганингиздай қиламан.

* * *

— Дадаси, сизни Зебохон чақираяпти, — деди Нилуфар.

— У қаерда, — деди Алижон.

— Ошхонада.

— Зебохон мени нега чақираяпти?

— Билмасам, — деди Нилуфар елкасини қисиб. — Зебохон менга Алижон ака билан сизга айтадиган муҳим гапларим бор деди.

— Унинг менга айтадиган қандай муҳим гапи бўлиши мумкин.

— Фақат сизга эмас, иккаламизга айтадиган гапи бор экан.

— Қани юрчи, — Алижон ўтирган ўрнидан туриб, Нилуфар билан бирга ошхонага чиқди. Шунда ерда деворга суяниб ўтирган Зебохонга унинг кўзи тушди.

— Тинчликми, Зебохон?

— Нилуфар овсин, Алижон ака мен захар ичдим, ўлаяпман. Холидахонни сизларга топширдим, — деди Зебохон. Кейин у ўтирган ерида йиқилиб ерга чўзилганча ётиб қолди.

Алижон югуриб Жасурбек билан Нодирахон ўтирган хонага кирди.

— Тез бўлинглар, “тез ёрдам” чақиримиз керак. Зебохон захар ичиб қўйибди, — деди Алижон ваҳима қилиб.

— Бўлмаган гап. Бу унинг навбатдаги яна бир найранги, — деди Жасурбек хотиржам ўтирган жойида.

— Ишонмасанг юр, Зебохон ошхонада ҳушини йўқотиб ётибди. Кейин ўзинг ҳам сўзимнинг тўғрилигига ишонасан.

Учаласи олдинма-кейин ошхонага чиқди. Ерда ётган дорининг йиртилган қоғозларини қўлига олиб кўрган Жасурбек бош чайқаб қўйди.

— Бу дорилар одам ўлдирмайди. Зебо бу дориларни қоғозидан олиб деразадан кўчага улоқтирган. Ҳозир унинг ўзи ёлғондан ҳушсиз бўлиб ётибди, — деди у.

— Ана, лабида ҳам битта дори турибди. Тез ёрдам чақирайлик, — деди Алижоннинг кўзлари катта-катта очилиб.

— Ваҳима қилаверманг, Алижон ака. Мен Зебони яхши биламан. Олдинлари ҳам у бир-икки марта шундай қилганида мен кўрққанимдан тез ёрдам чақириб шарманда бўлганман. Етиб келган “Тез ёрдам” ходимлари “бу аёлнинг соғлиги жойида. Биз уни безовта қилаётган бирорта ҳам касалликни аниқлай олмадик” дейишарди.

— Нилуфар, Зебохоннинг оғзидаги дориларни қўлинг билан олиб ташла, — деди Алижон.

Нилуфар унинг лаблари орасидаги дорини олди. Лекин у Зебохоннинг оғзини очолмай қийналди.

— Нодирахон, гўддайиб туравермасдан Нилуфар кеннойингга ёрдамлашсангчи, — деди Алижон тутоқиб.

— Зебо ўлса ҳаммамиз бу ташвишлардан бир йўла қутулардик, — деди Нодира тўнғиллаб.

— Бировга ўлим тилагунингча, ўзингга умр тила синглим, — деди Алижон.

Нилуфар билан Нодирахон Зебохоннинг оғзини очди. Кейин Нилуфар унинг оғзига бармоғини тиқиб оғзида дори бўлса олишга уринди.

Шу пайт Зебохон унинг қўлини қаттиқ тишлаб олди.

— Вой-до-д, Вой-до-о-од қўлимни қўйиб юбор, — деди Нилуфар йиғлаб юборай деб.

— Ана, Алижон ака, кўриб қўйинг, энди хушини йўқотган одамни. Менинг гапларимга ишонмагандингиз, — деди Жасурбек.

Нодирахон ёрдамида Нилуфар Зебохоннинг оғзидан бармоғини ололмай қийналарди.

Жасурбек ош қошиқни Зебонинг оғзига тиқиб қайирди. Шундагина Нилуфар бармоғини унинг оғзидан олди.

Нилуфарнинг кўрсаткич бармоғидан Зебохоннинг тишлари кириб кетган жойларидан қон сизиб оқиб турарди. У ўнг қўлини чап қўли билан ушлаганича қизариб-бўзариб, дағ-дағ титрарди.

Бу ҳолни кўрган Алижоннинг кўнглидан “Зебохон тентакроқмикан” деган фикр ўтди.

— Нодирахон, кеннойимнинг қўлига пахтага спиртни намиқтириб боссангчи, — деди Жасурбек.

Унинг гапларидан кейин Нодирахон югуриб бориб кичкина шишачадаги спирт билан пахтани олиб келди-да, пахтага спиртни намиқтириб Нилуфарнинг қўлига босди.

Шу пайт Зебохон ётган еридан туриб ўтирди.

— Мана бу товукларнинг ҳаммаси Нурбек акамларникими? — Зебохон қўлларини олдинга чўзиб кўрсатди.

— Ана, дориларнинг таъсиридан Зебохон эсини йўқотиб қўйди, — деди Алижон унинг бу холидан кўрқиб кетганидан.

— Зебо, бас қил майнавозчиликни, етар энди шунча кўрсатган хунарларинг, — деди Жасурбек ўшқириб.

Зебохон ён томонга ўгирилиб, — Мана бу жўжалар-

нинг ҳаммаси ҳам Нурбек акамларникими? — деди у қўлларини чўзиб.

— Хў-ў-ўв, — деди Жасурбек тутоқиб, — бўлди энди, ба-а-а-с қи-и-и-ил!

— Ху-у-у-ув анову сигирлар ҳам Нурбек акамларга тегишлими, — деди Зебохон бармоғини бигиз қилганича.

— Ҳа! — деди Жасурбек. — Ҳаммаси Нурбек акамларга тегишли.

— Ҳаммаси Нурбек акамларники бўлса улар ҳам бойиб кетибдилар-ку, — деди Зебохон кўзларини лўқ қилиб, кейин у хахолаб кулиб юборди.

— Й-ў-ў-ў-қ!!! Бундай бўлиши асло мумкин эмас! — деди Алижон довдираб. — Зебохонга ичган дорилари таъсир қилган. Онаси, Нодирахон билан бирга унинг ошқозонини икки-уч марта ювинглар.

— Э, Алижон ака, қаердаги йўқ гапларни ўйлаб топасиз-а? — деди Жасурбек.

— Ҳозир ичган дорилари таъсиридан Зебохоннинг эси кирди-чиқди бўлиб қолган. Ошқозонини ювишса яхши бўлиб қолар, — деди Алижон.

— Унга бу ҳам кам, — деди Нодирахон, — баттар бўлсин!

— Ия! Бу нима деганинг синглим? — деди Алижон.

— Ҳар ким феълига яраша топади. Қилмиш-қидирмиш деганлар, Алижон ака, — деди Нодирахон.

— Кўп гапиравермасдан менинг айтганимни қилсаларингчи, — деди Алижон. — Жаҳл устида ҳозир бирортангизнинг кўнглингизга тегиб хафа қилиб қўяману кейин виждон азобида қийналиб юрамиз. Шу керакми, энди сизларга.

— Алижон ака, бу ёққа мен билан юринг, — деди Жасурбек меҳмонхона томонга йўл бошлаб.

— Қайнаган сувни илиқ қилиб сувнинг ранги сал ўзгаргунча маргансовка солиб Зебохонга ичиринглару беш-ўн дақиқадан сўнг уни қайд қилдиришлар, — деди Алижон. Кейин у Жасурбек кириб кетган хона томонга қараб юрди.

Алижон Жасурбекнинг олдига кириб: — Мени нега бу ерга чақирдинг? — деди.

— Сизга бир гапни айтиб қўяй, анчадан бери кўнглимга тугиб юрган эдим.

— Айт, — деди Алижон.

— Нодирахон бетга чопар, шалдир-шулдир бўлгани билан унинг кўнглида кири йўқ. Бировнинг кетидан гийбатини қилмайди. Ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмайди. Нодирахон ёмон қиз эмас, Алижон ака, — деди Жасурбек.

— Мен қачон Нодирахонни ёмон қиз дедим, — деди Алижон ҳайрон бўлиб.

— Алижон ака, сиз Нодирахонни ёмон қиз демадингиз, — деди Жасурбек — Сиз Зебо учун унинг кўнглига тегиб хафа қилиб қўйишингиздан кўрқаяпман.

Алижон индамади.

— Зебо бундай хурматга арзимаёди, Алижон ака! Уни деб Нодирахон билан сизнинг ўрталарингизга совуқлик тушишини сираям истамайман.

— Мен бундан кейин Нодирахонга бақирмасликка ҳаракат қиламан, — деди Алижон. Кейин у хонадан чиқиб кетаётган бир пайтда Жасурбек сўз қотди.

— Алижон ака, энди нима қиламиз? — деди.

Алижон кетаётган йўлидан бир лаҳза тўхтаб; — Яшашимиз керак. Яшаганда ҳам ҳамма инсонлар қатори эзгуликка интилиб яшашимиз керак, Жасурбек ука, — деди.

Ҳозир Жасурбек барча қийналган пайтларида ўзининг юқларини ҳеч ўйланмай-нетмай акасининг елкасига ташлаб қўйганларини ўйлади-ю, шу тобда у ўзига келган ҳар қандай бало-қазога ўз кўксини тутиб қалқон бўлаган акаси борлигидан кўнгли тўлди.

* * *

Абдулла Илҳомович хонасида лейтенант Қодиров билан суҳбатлашиб ўтирибди.

— Сиз бориб Тўлғонойни бу ерга олиб келишингиз учун бошлиқлардан рухсат олдим, — деди Абдулла Илҳомович.

— Қачон у ёққа кетсам бўлади? — деди лейтенант Қодиров.

— Қанча тез кетсангиз шунча яхши, — деди Абдулла Илҳомович. — Дилшод Раҳимовичга учрашсангиз улар яна битта шаҳар жиноят қидирув бўлимининг ходимини сизнинг ихтиёрингизга беришади.

— Хўп бўлади, Абдулла Илҳомович, — деди лейтенант Қодиров.

— Лочинбекнинг у аёл билан алоқаси бор ёки йўқлигини билолмадингизми?

— Билдим. Лочинбекнинг қўл остига ишга кирган ходимимиз уни меҳмон қилиб роса ичирибди, шунда маст бўлиб қолган Лочинбек ўша мудҳиш воқеа содир бўлган куни хотиним мендан ишхонамда навбатчиликда қолишимни ўтиниб сўради дебди.

— Хўш, хўш айтаверинг, — Абдулла Илҳомович унинг сўзларини диққат билан эшита бошлади.

— Шунда у хотиним ким биландир учрашмоқчига ўхшайди деб ўйлаб ярим тунгача уйининг олдида пойлоқчилик қилибди. Лекин шу пайтгача ҳеч ким уйига келмаганлигини билган Лочинбекнинг хафсаласи пир бўлиб, ишхонасига қайтиб келган. “Агар ўша куни Жасур билан бўлган воқеаларни ўз кўзим билан кўрган бўлардим” дебди. Бизнинг ходим “кеннойининг бу ишда қўли бормикин” деб сўраганида “кеннойининг бу ишларда қўли бор, унинг қўли бўлмаганида ўша куни менинг ишхонада навбатчиликда қолишимни ўтиниб сўрамасди” дебди.

— Ҳаммаси биз ўйлагандай бўлган. Мен буни ички бир туйғу билан сезиб турибман. Гапингизда давом этинг лейтенант Қодиров, қани давомини эшитайликчи, — деди Абдулла Илҳомович.

— Маст бўлиб қолган Лочинбек бизнинг ходимга “ҳеч кимга айтмасанг сенга бир сирни айтаман” дебди. Шунда бизнинг ходим “Ҳеч кимга айтмайман хўжайин ёки менга ҳали ҳам ишонмайсизми?” дебди.

“Нега энди мен сенга ишонмас эканман? Агар сенга ишонмаганимда бу гапларни сенга айтармидим?” — дебди Лочинбек.

“Айтинг хўжайин, у қандай сир экан жудаям эшитгим келаяпти”, — дебди ходимимиз.

Шунда Лочинбек “кеннойингиз Зебонинг бор-йўғини шилиб кетди” дебди.

“Қандай қилиб” деб сўраса: “Уйимизни ҳам икки-уч хисса ортиқ нарҳда Зебога сотиб, унинг долларларини шилдида, уйимизни нотариал идора орқали унинг номига ўтказиб бермай, бошқа бировга сотиб, долларларнинг яримини олиб бу ердан жўнаворди” дебди.

“Йўғ-э!” дебди бизнинг ходим.

“Рост, ҳатто Тўлғоной кеннойингнинг кўлидаги тилла соат ҳам Зебоники”, дебди Лочинбек мақтаниб.

— Ана бу ишингиз таҳсинга сазовор, лейтенант Қодиров, — деди Абдулла Илҳомович. — Энди сиз Тўлғоной яшайдиган туманга бориб ички ишлар бўлими бошлиғига учрайсиз. Улар сизнинг ёнингизга ўз ходимини кўшиб беради. Қолган ишларни у ёқдаги мухитдан келиб чиққан ҳолда бажараверасиз. Гапларимга тушундингизми?

— Хўп бўлади. Гапларингизга тушундим.

— Яна бир гап, — деди Абдулла Илҳомович. — Тўлғоной ҳалигача у ёқларда рўйхатдан ўтмабди. Бизнинг билишимизча, у Назар исмли укасиникида вақтинча яшаётган эмиш.

— Тушунарли, — деди лейтенант Қодиров. — Зебони яна сўроқ қилсакчи?

— Ҳозирча бундан фойда чикмайди. Сиз Тўлғонойни бу ерга олиб келсангиз ана ундан кейин уларни алоҳида-алоҳида сўроқ қиламиз. Ана шунда Лочинбек, Тўлғоной ёки Зебодан биз ушлаб оладиган далил топамиз ва шу тариқа бу жиноий ишни икир-чикирларигача очиб ташлаймиз! — деди Абдулла Илҳомович.

— Зебо қишлоғига нега бориб келган экан? Унинг ўзи бу тўғрида нима деди?

— Даволангани борганмиш. Мен унинг бу сўзларига ишонмайман. Шунинг учун ҳам бу тўғрида суриштириб билишни керакли жойларга топширдим. Бу масала ҳам тез кунлар ичида ойдинлашади. Асосийси сиз Тўлғонойни топиб, бу ерга олиб келсангиз бўлди. Бу ишга тааллуқли ҳамма ишларимиз юришиб кетарди. Энди қолган ишлар сизга боғлиқ, лейтенант Қодиров. Гапларимга тушундингизми? — деди Абдулла Илҳомович ўсмоқлаб.

— Ҳамма гапларингизга тушундим. Менга кетишга рухсат этинг, — деди лейтенант Қодиров ўтирган ўрнидан туриб.

— Сизга оқ йўл. Энди бораверинг! — деди Абдулла Илҳомович.

* * *

— Алижон ака, Зебонинг ошқозонини уч марта юдик, — деди Нодирахон.

— Яхши қилибсизлар! Энди Зебохоннинг аҳволи яхшими ўзи? — Алижон синглисидан сўради.

— Ҳозирча ўша-ўша, Нурбек акамнинг молларини хисоб-китоб қилиб ўтирибди. Озгина сабр қилсак, Зебо ўзига келиб қолса ажаб эмас.

— Нодирахон, Зебохонга қатик ичиринглар.

— Зебонинг хизматидан ортмайдиганга ўхшаймиз? — Нодирахон тўнғиллаганича хонани тарк этди.

Орадан бир оз вақт ўтиб, у яна қайтиб келди.

— Зебо “қатик ичмайман, эрталаб балиқ евдим” деди. Мен унга эрталаб еган балиғингга қатикнинг нима алоқаси бор десам, у нима дейди денг, “балиқ устига қатик ичган одам қандайдир ёмон касалликка чалинармиш”, дейди.

— Ана, мен сизга айтгандимку, — деди Жасурбек жонланиб — Зебонинг эси кирди-чикди бўлиб қолмаган, бу ҳам унинг навбатдаги найранги.

— Ё тавба, — деди Алижон эғнидаги кўйлагининг ёқасини ушлаб. — Бу не кўргулик. Бу гапларни биров эшитмасин. Уят бўлади-я! Уят!

— Зебо уятни билармиди? — деди Нодирахон.

— Мен ҳам турмуш ўртоқ танлашда одамига учраган эканман, — деди Жасурбек афсусланиб.

— Ҳозир бу гапларнинг мавриди эмас, — деди Алижон. — Бизларни болалар ҳам кутиб қолишгандир. Қани, юринглар, уйга кетамиз.

— Мен Нилуфар кеннойимга ҳам айтай. — Нодирахон хонадан чиқиб кетди.

— Мен Зебо билан шу ерда қоламан. Сизлар кетаверинглар.

— Нималар деяпсан, Жасурбек? Яна бир ғалвани бошламоқчимисан?

— Зебога тилла тақинчоқлар билан долларларни топтиришим керак.

— Жасурбек, ахир у нарсалар ўғирланган бўлса, Зебохон қаердан ҳам топиб берарди.

— Зебо шунча нарсаларни ўғирлатиб қўядиган аҳмоқлардан эмас.

— Жасурбек ука, яхшиси, ҳаммамиз ҳозир бизларникига борақолайлик. Тағин сен яна бир ташвишни бошлаб юрма.

— Алижон ака, сизлар ҳеч нарсадан хавотирланмай уйингизга кетаверинглар. Мана кўрасиз, мен бу ишни жанжалсиз ҳал қиламан, ҳеч қандай ташвиш орттирмасликка ваъда бераман.

— Қани юрчи, аёллар нима дейишаркин?
— Аёллар нима ҳам дейишарди. Ҳаммаси сизга боғ-лик.

— Бўпти, уйингизда қолсангизлар қоларсизлар. Лекин Нилуфар билан Нодирахондан ҳам бир оғиз сўрайлик.

— Майли, — деди Жасурбек.

Ака-ука ошхонага чиқишди. Зебохон ерда ўтирганича нималарнидир гапирарди.

— Зебо, ўзингдан-ўзинг нималар деяпсан, — деди Жасурбек.

— Ҳу-у-ув анаву сигирлар билан бузоқлар ҳам Нурбек акамларга тегишлими? — деди Зебохон қўлларини олдинга чўзиб.

— Ҳа, Нурбек акамларга тегишли. Уларнинг сигирларини ўғирлаб сотамизми?

— Йўк! Нурбек акамларнинг сигирларини ўғирламаймиз. Улардан сигирларингиз роса кўп экан, бизларга ҳам беринг деб, сўрасак ўзлари берадилар.

— Сигирларни нима қиламиз?

— Сигирларни соғиб сут-қатигини ичамиз.

— Бугундан бошлаб уйимизда сут билан қатиқ текин бўларкан-да, — Жасурбек хахолаб кулиб юборди.

— Нега куласиз, сигирлар қўрқиб қочиб кетади. Кулманг, — деди Зебохон кўзларини бақрайтириб.

— Сизларни бу аҳволда ташлаб кетолмаймиз, — деди Алижон.

— Нега бундай деяпсиз, Алижон ака? — деди Жасурбек. — Сиз кўпам ваҳима қилаверманг. Бу ҳам Зебонинг навбатдаги яна бир найрангларидан бири.

— Нодирахон, бугунча шу ерда қоласан, уканглар ҳам очдан-оч ўтиришгандир. Мен Нилуфар кеннойинг билан ҳозир уйга кетаман, у болаларга у-бу нарса пишириб беради, — деди Алижон.

— Бугун туни билан мен бечорага уйқу йўқ эканда, — деди Нодирахон зарда қилиб.

— Жасурбек аканг билан Зебохон кеннойинг ётганларидан кейин сен ҳам ётиб ухлайверасан. Мабодо бирор муаммо туғилиб қолгудай бўлса дарҳол менга кўнғирок қиласан. Гапларимга тушундингми, Нодирахон?

— Гапларингизга тушундим, — Нодирахоннинг аразлагани унинг юз-кўзларидан сезилиб турарди.

— Мендан хафа бўлма синглим, ҳозир Жасурбек акангинг мен билан сендан бошқа бу ерда суянадиган ҳеч кими йўқ. Мени тўғри тушун, Нодирахон синглим.

— Алижон ака, мен сиздан асло хафа эмасман. Бизларнинг ҳаммамизга шунча ташвиш олиб келган Зебога хизмат қилишдан кўра ўлиб кетганим минг марта афзал.

— Бундай деманг, Нодирахон. Фаришталар яхши сўзга ҳам, ёмон сўзга ҳам, овмин деркан, — деди Нилуфар.

— Бўпти. Мен Зебонинг ёнида қолишга розиман, Алижон ака, — деди Нодирахон. — Акам учун қон ютишга ҳам тайёрман.

— Жасурбек, энди бизлар кетдик. Болалар ҳам очдан-оч ўтиришгандир, — деди Алижон.

— Яхши боринглар, — деди Жасурбек.

* * *

Расулжонга кийим олиб бериш учун Нилуфар у билан бирга отчопар бозорига тушди.

— Ойижон, менга чет эл костюм-шимини олиб беринг, — деди Расулжон.

— Хўп бўлади, ўғлим. Ўзинг танлаган костюм-шимни олиб бераман, — деди Нилуфар. — Яна бошқа оладиган кийимларинг бўлса ҳам айт. Бугун ҳаммасини олиб кетамиз, яна сен билан бозорга тушишга вақтим йўқ ўғлим.

— Хўп бўлади, ойижон.

— Қани Расулжон, олдимга туш, сен ўзингга керакли кийимларни кўриб бораверасан. Мен ортингдан юравераман. Бўлмаса бир-биримизни йўқотиб қўямиз.

Нилуфарнинг бу сўзларидан кейин Расулжон расталарни оралаб ўзига керакли бўлган кийимларни кўздан кечириб кета бошлади.

Шу пайт бир болакай: — Хе-е-ей ака, — деб бақирганича югуриб келди-да, Расулжонни қучоқлаб олди. Расулжон кишлоққа борганида бекатда телефони билан Тошкентни улаб берган болакайни дарров таниб сўраша кетди.

— Бу ерда нима қилиб юрибсан ука? — деди у.

— Касбимни ўзгартирдим ака. Телефон билан бир ойда топадиган пулимни ҳозир Тошкентга бир келиб кетганимда топаяпман, — деди болакайнинг лаби-лабига тегмай.

— Ундай бўлса ишларинг зўрку.
— Зўр ҳам гапми. Аъло деяверинг ака.
— Савдо-сотик билан шуғуллана бошладингми?
— Йўк! Ҳозир мен бир “Мерс” автобусини ижарага олиб иккита хайдовчи ёллаб қишлоқ билан Тошкент ўрта-сида одам ташияпман.

— Фойдаси яхшими?

— Бу ишим зўр. Жарақ-жарақ пул ишляяпман ака. Олдинига “Мерс”нинг эгаси менга ишонмаганди. Озгина ишлаганимдан кейин у “одам сенга қойилман ука” деб менга тан берди.

— Энди мактабинг нима бўлади?

— Мактаб бошлангунича ишлаб тураман, кейин бир гап бўлар.

— Пул топаман деб яна ўқишингни ташлаб қўйма.

— Йўғ-э! — деди болакай бошини қашлаб. — Ўқишни ташлаб қўйсам бўлмайди. Мен ҳам ўқимишли одам бўлишни хоҳлайман.

— Ақлли йигит экансан, яшавор ука!

— Менинг бир орзуим бор ака, — деди болакай сал бўшашиб.

— Қани айтчи, мен ҳам эшитай.

— Бу ишни уддалай оламанми ёки йўқми ҳозирча билмайман. Шунинг учун ҳам ҳозир бу гапни сизга айтсам бу тирранча мактанаяпти деб менинг устимдан кулишингиз мумкин, — деди болакай бир оз хижолат чекиб.

— Айтавер ука, орзуга айб йўқ-ку, ахир! — деди Расулжон унга далда бериб.

— Бир автобус сотиб ололсам эди, зўр иш бўларди.

— Автобусни нима қиласан?

— Э, шуни ҳам билмайсизми? Ижарага бериб қўйиб, жарақ-жарақ пул топиб, ўзим ўқишимни ўқиб юраверардим.

— Яхши ўйлабсан ука! Худо хоҳласа сен бу мақсадингга ҳам етасан.

— Айтганингиз келсин, — деди болакай. — Қишлоққа борганингизда сизни Тошкент билан боғлаб берибман-у, лекин сиздан исмингизни сўрашни унутибман. Келинг, танишиб қўяйлик ака. Менинг исмим Азамат. Сизники-чи? — деди болакай ўнг қўлини чўзиб.

— Меники Расулжон, — деди Расулжон болакайнинг қўлини қўли билан сиқиб. — Танишганимдан хурсандман.

— Мен ҳам, — деди болакай, кейин у яна сўзини давом эттирди. — Ўша куни такси ҳайдовчи сизни бувингизнинг уйига олиб бориб қўйдими?

— Ҳа! Сен топширгандай такси ҳайдовчи бувижонимнинг дарвозаси олдига тушириб кетди.

— Тўғри айтган экан.

— Нимани айтаяпсан? — Расулжон ҳайрон бўлди.

— Эртасига эрталаб мен у амакидан акамни бувисиникига обориб қўйдингизми деб сўрасам, ҳа акангизни бувисининг дарвозаси олдигача олиб бориб қўйдим дегандилар. Улар мени алдамаган эканлар.

— Ҳа-а! — энди Расулжон болакайнинг пишиқлигидан яйраб кулди.

— Азаматжон, қани юр, уйга олиб кетаман. Ҳозир уйимизни кўриб қўйсанг кейинги сафар келганингда ўзинг бизникига адашмай топиб бораверасан.

— Узр Расулжон ака. Бугун сизникига бора олмайман. Тўртта бўш жойим қолди. Шу жойларга одам олсам қишлоққа қайтиб кетаман. Бошқа сафар ўзим сизларникига албатта бораман.

— Бизларникига қандай борасан, сенда яшаш манзилим йўқ-ку ахир!

— Яшаш манзилингиз бўлмаган билан телефон рақамингиз бор.

— Бизнинг телефон рақамни қаердан олдинг? — Расулжон ҳайрон бўлиб сўради.

— Сиз менинг телефонимдан Тошкент билан гаплашганингиздан кейин менга керак бўлиб қолсангиз телефон қиламан деб телефон рақамингизни асраб юрибман.

— Яшавор Азаматжон. Қойилман сенинг ақлингга.

— Бу хум калла эмас, — деди Азамат қўли билан бошини кўрсатиб, — бунинг ичи гиж-гиж ақл.

Энди уларнинг иккаласи ҳам бараварига кулиб юборди.

— Энди мен борай, Расулжон ака, — деди Азамат қўлидаги соатига қараб.

— Уйга боришга вақтинг бўлмагач, сенга нима ҳам дердим. Майли, омадингни берсин ука.

— Кейинги сафар албатта сизга телефон қилиб ўтаман. Мени уйингиз олдидаги бекатга чиқиб кутиб олсангиз бўлди.

— Азаматжон, менга телефон қилсанг бас, сени ўзим кутиб оламан.

— Хўп хайр, соғ бўлинг.

— Кўришгунча.

Азамат тез-тез юриб одамлар орасига кириб кўздан ғойиб бўлди.

Уларни бир чеккада кузатиб турган Нилуфар сўради.

— У болани қаердан танийсан? — деди у.

— Қишлоққа борганимда сиз билан шу боланинг телефони орқали гаплашгандим.

— Кўринишидан чакқон болага ўхшайди.

— Чакқон ҳам гапми, олов денг, олов, — деди Расулжон. — Лекин бу болакай бировнинг дилини оғритмайди.

— Ҳаёт бир мактаб, болажоним. Вақти келса у ҳаммани ўз ўрнига қўйиб қўяди, — деди Нилуфар хаёлга толиб.

* * *

“Қахрамон” ресторанининг алоҳида хонасидаги тўкин-сочин дастурхон олдида ўтирган Қахрамон нималарнидир ўйлаб ўтирарди.

Шу пайт қўл телефонида чалинган куй садоси унинг хаёлини пардай тўзғитиб юборди.

— Эшитаман, — деди Қахрамон қўл телефонини қулоғига тутиб.

— Қахрамон ака, яхшимисиз? Бу менман, — деган эркак кишининг овози телефондан эшитилди.

— Ўзингиз яхшимисиз, Жавҳар Тиллаевич, анчадан бери кўнғироқ қилмай қўйдингиз. Ресторанга келсангиз сизни бир меҳмон қилардим.

— Вақтим бўлса ўтарман.

— Жавҳар Тиллаевич, ресторанимга келсангиз камининг боши осмонга етарди.

— Қахрамон ака, ҳозирча вақтим йўқ, — деди Жавҳар Тиллаевич, кейин у бир зум сукут сақлади.

— Тинчликми, Жавҳар Тиллаевич?

— Тулкингизнинг кетига тушишибди. Бугуноқ у бу ердан чиқиб кетсин.

— Уни эртага эрталаб самолётда учириб юборсамчи?

— Бўлади. Эртага тушгача унинг кафилини ўз зимамга оламан. Кейин мендан хафа бўлиб ўтирманг.

— Жавҳар Тиллаевич, агар сир бўлмаса унинг кети-га тушганлар кимлар экан?

— Қўшни давлат жиноят қидирув бўлими ходимлари бизга ташриф буюришди. Тулкингиз у ёқларда ҳам жиноят қилиб қочиб юрган экан.

— Раҳмат Жавҳар Тиллаевич, сизнинг бу яхшиликларингизни ҳеч қачон унутмайман.

— Омон бўлинг Қахрамон ака!

— Кўришгунча, — деди Қахрамон. Кейин у қўл телефонининг тугмачаларини босиб қаергадир қўнғирок қилди.

— Тез менинг олдимга етиб кел.

Орадан кўп ўтмай Тулки Қахрамон ўтирган хонага кириб келди.

Улар қўл бериб сўрашди.

— Қани ўтир, — деди Қахрамон ҳар доимгидай қўли билан уни ўтиришга ундаб.

— Раҳмат! — Тулки стулга ўтирди.

— Тўлғоной Россияга жўнаб кетдимиз?

— Ҳа! У бугун эрталаб поездга чиқиб кетди.

— Ортидан одам қўйдингми?

— Ҳа! Сиз тайинлаганингиздай икки йигитим сизга таниш бўлган аёлга кўз-қулоқ бўлиб, унинг барча ишларидан бизларни хабардор қилиб туради.

— Яхши, — деди Қахрамон хаёлга толиб. Орадан бир оз вақт ўтгандан кейин у сўзида давом этди. — Тўлғоной Россиянинг қайси шахригача чипта олганини сен биласанми?

— Биламан. Сизга таниш бўлган аёл қаергача чипта олган бўлса менинг йигитларим ҳам шу ергача чипта олган.

— Яхши, — деди Қахрамон. — Эртага эрталаб сен ҳам ўша шаҳарга самолётда учиб кетасан.

— Ишимиздан яна бирор ишқал чиқиб қолдимиз?

— Жасурга қилинган суиқасдда қўлинг борлигини сезиб қолишибди.

— Мен у ёқларда ортиқча ҳаракат қилиб бировнинг кўзига ташланадиган иш қилмагандим-ку? — деди Тулки хайрон бўлиб.

— Тулки, кейинги пайтларда сен қилган хатоларни ёпиш учун мендан чиқаётган харажатларнинг ўрнини тўлдиришинг керак. Ҳозир сенинг менга келтираётган фойдангдан кўра зараринг кўпайиб кетди. Ёки у томонларга бориб дам олиб келасанми? — деди Қаҳрамон ўнг қўлининг иккита бармоғини қўшув шаклида қўйганича, дарча қилиб кўрсатаркан. У ўзининг бу ҳаракати билан Тулкига сени қаматиб юборайми деяётган эди.

— Қаҳрамон ака, мен сабабли чиқарган харажатларингизнинг ўрнини тўлдиришга тайёрман. Сиз қарзим қанчалигини айтсангиз бас. Шу заҳоти қарзларимни тўлаб қутуламан.

— Сен, яхшиси, Тўлғоной яшириб қўйган тилла тақинчоқлар билан долларларни менга топиб бер. Ана шунда сен қарзингдан қутуласан. Мен эса ўз пулларимни фоизи билан ундан қайтариб олган бўламан.

— Сизга таниш бўлган аёлни менинг ихтиёримга берганингизда эди, ўша нарсаларни аллақачон сизга топиб берган бўлардим.

— Шунинг учун ҳам сени Россияга Тўлғонойнинг олдига жўнатаяпман? Уни бу ерларда афсаласофинга жўнатсак, ҳаммамиз шубҳа остида қолардик.

— Энди сизни яхши тушундим, Қаҳрамон ака, — деди Тулки. — Тилла тақинчоқлар билан долларларни тез кунлар ичида сизга таниш бўлган аёлнинг ўзига топдириб, у нарсаларни сизга топшираман.

— Мана шу мен топширган ишларни кўнгилдагидай қилмасанг жонингдан умидингни узавер. Гапларимга тушундингми, Тулкижон.

— Қаҳрамон ака, менга ишонаверинг, ҳаммаси жойида бўлади.

— У ёқларга Қоплонингни ҳам ўзинг билан бирга олиб кет.

— Хўп бўлади.

— Энди бўшсан. Кетавер, — деди Қаҳрамон.

— Кўришгунча хайр, — деди Тулки. Кейин у ўтирган ўрнидан туриб эшик томонга қараб юрди.

— Яна Тўлғонойдан олган долларлар билан тилла тақинчоқларни олиб менинг қудратим етмайдиган бирор ерга қочиб кетаман деб ўйлама. Агар шундай қилгудай бўлсанг, сени ер тагидан бўлса ҳам топаман.

Тулки кетаётган йўлидан бир лаҳза тўхтаб! — Мен сизнинг ёрдамингиз билан шу нуфузга эришдим. Мен ўлсам ўламанки, сизга ёмонлик қилмайман, — деди.

• • •

Шанба куни тонг саҳарда Алишер Тошкентга самолётда учиб келди.

У тўғри Алижонниқига борди. Алишерни кутиб олган Алижон билан Жасурбек меҳмонхонада у билан гаплашиб ўтиришибди.

— Зебо, Нилуфар кеннойим ва Нодирахон синглимиз Тўлғоной опанинг юртига бориб келишди.

Жасурбек бўлиб ўтган воқеани ипидан-игнасиғача сўзлаб бера бошлади. Алишер унинг сўзларини диққат билан эшитарди.

— Шундан кейин Зебо ўзини жинни бўлиб қолганга солиб бизларнинг устимиздан роса кулди, — деди Жасурбек сўзларини тугатиб.

— Зебохон кеннойим ёлғондан ўзини жинни бўлгандай қилиб кўрсатдимми?

— Ҳа! — деди Жасурбек. — Алижон акам билан Нилуфар кеннойим уйларига кетишлари билан у дарров тузалиб қолди. Мен Зебонинг бу найрангларига ишонмаслигимни у яхши билгани учун ҳам бу ҳаракатларидан фойда чикмаслигини тушуниб етди.

— Нурбекжон ўғил тўйни қачон қилмоқчи дединг? — Алижон суҳбат мавзусини бошқа томонга буриб юборди.

— Яна ўн икки кундан кейин, йигирма еттинчи августда, — деди Алишер. — Нурбек акамлар “тўйга Алижон акам билан Жасурбек укамлар оила аъзолари билан бирга келишсин” дедилар.

— Худо хоҳласа тўйга ҳаммамиз бирга борамиз, — деди Жасурбек.

— Алижон ака, бугун Жасурбек акамларни санаторийга ётқизсак яхши бўларди. Энди улар тез-тез даволашиб туришлари керак, — деди Алишер.

— Жасурбек, қани тайёргарчиликларингни кўравер. Бугун сени санаторийга обориб ётқизамиз, — деди Алижон.

— Нурбек акамларнинг ўғлига бераётган тўйга бормаймизми? — Жасурбек хайрон бўлиб сўради.

— Тўйга ҳаммамиз бирга борамиз. Унгача ҳали ўн

икки кун бор. Сен ўн кун санаторийда ётасан, кейин кишлокқа кетамиз. Шунда ҳам тўйдан бир кун олдин кишлокқа етиб борамиз, — деди Алижон Жасурбекка тушунтиришга уриниб.

Учала ака-ука ўзлари ёллаган автоуловда санаторий дарвозаси олдига бориб, автоуловдан тушишди.

Улар рахбарият жойлашган бинодаги котиба ўтирган хонага киришди. Шунда Алижоннинг эшикка ёзиб қис-тириб қўйилган “бош шифокор Йўлдошев Нурали” деган ёзувга тушди.

— Бош шифокор шу ердами? — деди Алижон котибага юзланиб.

— Ха, шу ердалар, кираверинг, — деди ёши йигирма-йигирма икки ёшлар атрофидаги хушбичим қиз жилмайиб.

Алижон кўрсаткич бармоғини ярим буккан холда эшикни охиста тақиллатди.

Ичкаридан: — Кираверинг, — деган эркак кишининг овози эшитилди.

Алижон эшикни секин очиб ичкарига кирди. Хонанинг юқорисида жойлашган юмшоқ ўриндикда ўтирган йигит ўрнидан турди.

Улар қўл бериб сўрашишди.

— Нурали ака, агар иложи бўлса сизларнинг санаторийда укам ётиб дам олиб, даволаниб чиқса дегандим, — деди Алижон.

— Марҳамат, — деди Нурали. — Мижозларимиз учун ҳамаша эшигимиз очик! Мен қўлимдан келадиган барча ёрдамимни беришга тайёрман. Қани укангиз? — деди Нурали ҳамон тик оёқда турганича.

Шу пайт Алижоннинг кўнглидан “яхши тарбия кўрган йигит экан. Тарбия берган ота-онасига раҳмат” деган фикр ўтди.

— Мен ҳозир укамни чақираман. — Алижон эшик томонга қараб юрди. У эшикни қия очиб Жасурбек билан Алишерга юзланди: — Келинглари!

Алижоннинг ортидан Жасурбек билан Алишер ҳам хонага кириб Нурали билан қўл бериб сўрашди. Улар билан сўрашиб бўлган Нурали Жасурбек олган жароҳат изларини қўли билан ушлаб кўриб обдон суриштирди.

— Мен ҳозир сизларга Рисметова Салима Рихсихў-жаевнага йўлланма ёзиб бераман. Улар бу соҳанинг энг

яхши мутахассисларидан бири. — Нурали бир варақ қоғозга нималарнидир ёзиб Алижонга узатди. — Ҳозир опанинг олдиларига борингларчи, қани улар нима дейишаркин? Агар укангизга бизларнинг санаторийнинг ёрдами тегадиган бўлса, керакли ҳужжатларни тўлдириб, газначига пул тўлайсизлар, ана ундан кейин муолажаларни бошлаб юборамиз.

— Раҳмат, — дейишди ака-укалар бараварига.

Улар бош шифокор хонасидан чиқиб даҳлиздан чап томонга қайрилганларидан кейин “Рисметова С.Р.” деб ёзилган иккинчи эшик олдида тўхташди.

Очиқ турган эшикдан уларга кўзи тушган эллик ёшлардан ошиб қолган аёл: — Келинлар укалар! — деди ўтирган ўрнидан туриб. Кейин у ака-укаларга қўли билан юмшоқ ўриндикдан ўтиришга жой кўрсатди. — Қани, марҳамат.

— Раҳмат опа! — дейишди ака-укалар.

— Салима Рихсихўжаевна укамни яхшилаб кўриқдан ўтказсангиз дегандим, — деди Алижон аёлга мурожаат этиб. — Мана бу қоғозни Нурали ака сизга бериб юбордилар.

— Укангизни бизнинг санаторийда ётқизмоқчимисиз?

— Агар сиз лозим топсангиз, — деди Алижон.

Салима Рихсихўжаевна ўтирган ўринларидан туриб Жасурбекнинг олдига борди. Унинг олган жароҳат изларини шошилмасдан синчиклаб текширди.

— Қаерда ишлайсиз ука? — деди у.

— Қонун устуворлигини таъминлайдиган идорада ишлайман. Жасурбек жавоб берди.

— Менинг турмуш ўртоғим билан ҳамкасб экансиз. Улар ҳам ҳуқуқшунослар.

— Опа, турмуш ўртоғингиз қаерда ишлайдилар?

— Туманимиз ички ишларининг тергов бўлимида ишлаганлар. Ҳозир нафақадлар.

— Балки турмуш ўртоғингизни мен танирман, — деди Жасурбек бир оз жонланиб.

— Рисметов Абдусамат деган одамни танийсизми?

— Эшитганман, — деди Жасурбек хотирлаётгандай бир қиёфада.

— Сизнинг исмингиз нима, ука?

— Жасурбек.

— Жасурбек ука, бундан кейин сиз тез-тез шифокор кўригидан ўтиб туришингиз керак!

— Ҳаракат қиламан, Салима Рихсихўжаевна.

— Жасурбек ука, ҳаракат қиламанингиз нимаси? Бундан кейин тез-тез шифокорлар кўригидан ўтиб туришингиз шарт.

— Хўп бўлади, Салима Рихсихўжаевна.

— Жасурбек ука, сизни санаторийимизга ётқизишга қарор қилдим. Соғлигингизни тиклашга қўлимиздан келганича ёрдам берамиз.

— Раҳмат опа! — деди Жасурбек бу аёлнинг муомаласидан мамнун бўлиб.

* * *

Абдулла Илҳомович ўз хонасида Алишер билан суҳбатлашяпти.

— Лейтенант Қодиров Тўлғонойни бу ерга олиб келиш учун у томонга бориб келди, — деди Абдулла Илҳомович. — Тўлғоной Россияга жўнаб кетибди.

— Тўлғоной Россиянинг қайси шаҳрига кетганлигини аниқладингизми? — деди Алишер бир оз ҳаяжонланиб.

— Ҳа! Лейтенант Қодиров иложи борича ҳаммасини аниқлаб келди. Тўлғонойнинг Россияда савдо-сотик билан шуғулланадиган холаси бор экан. У шу холасининг олдига кетибди.

— Ундай бўлса Тўлғонойни бу ерга олиб келиш учун у ёққа одам жўнатиш керак.

— Мен бошлиқлардан рухсат сўрагандим, бу масала ҳам бугун ёки эртага ҳал бўлади. Бу жиной ишга қайси томондан ёндошмайлик барибир унинг ечиладиган тугуни Тўлғоной билан кеннойингиз Зебога бориб тақалаяпти. Жасурбек акага суиқасд қилишда кимлар қатнашганлигини ва қандай бўлганлигини аниқладик. Ҳозирча бу тўғрида хатто сиздай ҳамкасбимизга ҳам айтолмайман. Бу тергов ишлари тугамагунча сир сақланишини ўзингиз ҳам яхши биласиз! Алишер ака, шунинг учун ҳам мендан хафа бўлмайсиз деб ўйлайман.

— Биламан! Сиз ўз вазифангизни қонун доирасида виждон билан бажараётганингиздан хурсандман. Агар мендан бирор ёрдам керак бўлиб қолса бемалол қўнғироқ қилаверинг. Энди мен борай, — Алишер ўтирган ўрнидан турди.

— Жасурбек акани санаторийга ётқиздик дедингизми?

— Ха, Жасурбек акамни бугун эрталаб Алижон акам билан иккаламиз биргаликда ётқиздик.

— Яхши қилибсиз, — деди Абдулла Илҳомович. — Қачон қишлоққа қайтмоқчисиз?

— Эртага кечки пайт учадиган самолётга чипта олганман.

— Яхши етиб олинг! Оқ йўл сизга, Алишер ака! — Абдулла Илҳомович ўтирган ўрнидан туриб қўлини узатди.

Алишер у билан қўл сиқишиб хайрлашаркан: — Ишларингизда омад, Абдулла Илҳомович, — деди.

— Хайр, Алишер ака!

— Кўришгунча.

Алишер Абдулла Илҳомовичнинг хонасидан чиқиб тўғри Алижонникига қараб қўл олди.

* * *

— Тўйни ўтказишимиз учун ҳамма нарса тайёрми, болажоним? — Гулчеҳра момо сўради.

— Шу ўзингиз бош-қош бўлиб тайёрлаган нарсаларингиз, яна нима керак бўлса бир оғиз айтсангиз тайёрлаб қўяман, — деди Нурбек.

— Ҳали тўйгача вақтимиз борку, болажоним. Тайёрлаб қўйган нарсаларимизни мен яна бир марта кўздан кечирай, кейин камчилиги бўлса айтарман!

— Хўп бўлади ойижон!

— Топкентдаги аканг билан укангга хабар бердингми, болажоним?

— Алишер укамдан айтиб юбордим!

— Алишердан айтиб юборган бўлсанг ҳам яна ўзинг Алижон аканг билан Жасурбек укангга алоҳида-алоҳида оила аъзоларингиз билан тўйга етиб келинглар деб шошилинома жўнат, хўпми болажоним?

— Сиз нима десангиз шу ойижон!

— Умрингдан барака топ. Ака-ука бир-биридан ўзига нисбатан эътибор кутади. Сен юборган шошилинома ўзинг учун арзимаган нарса бўлиб туюлиши мумкин. Аммо лекин аканг билан укангнинг қўнглини тоғдай қўтариб юборади, болажоним.

— Ойижон, ёки акам билан укамни тўйга айттириб бирорта оғайнимни Тошкентга жўнатайми?

— Йўқ, йўқ, бундай қилишинг шарт эмас. Шошилич-нома юборсанг ҳам бўлади.

— Хўп бўлади, ойижон!

Шу пайт кўча дарвозаси тақиллади.

— Нурбекжон болам, қара, дарвозамизни кимдир ураяпти.

— Ҳозир мана кетаяпман, — Нурбек ўтирган ўрнидан туриб дарвоза томонга қараб юрди.

Орадан кўп ўтмай у бир йигитни эргаштириб сўрида ўтирган Гулчехра момонинг олдига келди.

— Ассалому алайкум ойижон, — деди Нурбекка эр-гашиб келган йигит Гулчехра момога елкасини тутиб.

— Кўп яша, Абдусаттор болам! Ойижонинг, келин болам, болаларинг эсон-омон юришибдими? — Гулчехра момо йигитнинг елкасига қўли билан уриб-уриб қўйди. — Нурбекжон, укангнинг тагига кўрпача ташла?

— Ҳозир, ичкаридан олиб чиқаман, — Нурбек шо-шиб-пишиб ичкарига кириб кетди.

— Ойижон овора бўлишмасин, керак эмас.

— Овораси бор, эканми? Сендай укаси келса-ю, ака-си битта кўрпача ташлашга ярамаса бу ёғи қандай бўлди энди, болажоним?

— Келин йўқмиди?

— Нурбекжон боламникида, овсинига нон ёпишга ёрдамлашаяпти.

Сўри бурчагида омонатгина ўтирган Абдусаттор: — Қани, ойижон, бир дуо қилиб юборинг, — деди.

— Етти яшар бола олдида етмиш яшар кампир ҳам дуога қўл очишга ожизлик қилади. Қани Абдусаттор болажоним, қўлингни кўтар.

— Овмин, — Абдусаттор дуога қўл очди.

— Илоҳим юзга кириб, қўшганинг билан қўша қариб, невара-чеваралар суйиб бахтли-тахтли бўлгин болажоним, овмин, Оллоҳу акбар, — Гулчехра момо юзига фотиҳа тортди.

Абдусаттор ҳам унга қўшилиб фотиҳа қилди.

Шу пайт Нурбек ичкаридан кўрпача кўтариб чиқди.

Энди Абдусаттор қаршилик қилмай ўтирган ўрнидан турди.

Шундан кейин Нурбек кўрпача ташлади.

— Қани ўтир, Абдусаттор болажоним, — деди Гулчехра момо.

Абдусаттор кўрпача устига ўрнашиб ўтириб олди.

— Нурбекжон болам, уканг билан менга чой олиб кел, — деди Гулчехра момо.

Унинг сўзларидан кейин Нурбекжон: — Хўп бўлади ойижон, — деб ичкарига кириб кетди.

Дастурхонда турган чойнакни ушлаб кўрган Абдусаттор; — Мана чойнакда чой ҳам бор экан, — деди.

— Бу чой совуб қолгандир. Нурбекжон билан мен гаплашиб чой ичаётгандик. Ҳозир аканг чой дамлаб келади. Иссиқ-иссиқ ичасан, болажоним.

— Ўртоғим кўринмайди?

— Алишер кеча эрталаб Тошкентга кетувди.

— Тинчликми?

— Тинчлик, тинчлик! Нурбекжоннинг ўғлига ўғил тўй қилиб бермоқчимиз. Шу сабабдан Алишер акаларини тўйга айтгани кетди.

— Дўстимнинг шундай юмуши бор экан менга айтса ҳам бўларди. Мана бугун якшанба, самолётда учиб бориб тўйга айтиб келавардим. Бир-биримизга шундай кунимизда ярамасак, қачон яраймиз ахир?

— Алишер фақатгина тўйга айтиб кетгани йўқ болажоним, ўртоғининг ўзини ҳам ишхонасидан чақиртирган экан.

— Ҳа-а! — деди Абдусаттор. Кейин у гап мавзусини бошқа томонга бурди. — Ёшлигимда ўртоғим билан сизларникига кўп келардим. Сиз шунда мендай бир болакай учун ҳам меҳмон келди деб ош дамлаб берардингиз. Ўша пайтлардаги сиз дамлаб берган ошнинг мазаси хали ҳам озимда турибди.

— Раҳматли Мардон отанг ҳам мен қилган ошни яхши кўрардилар, — Гулчехра момонинг товуши ғалати эшитилди. У Абдусатторга сездирмай рўмолининг учи билан кўз ёшларини артди.

— Мен сизларникига келавериб-келавериб, Мардон отам билан сизнинг меҳрингизни қозониб, фарзандларингиздай бўлиб қолдим.

— Энди сизларга бегонаман демоқчимисан, болажоним?

— Нега бегона бўларканман, она-боланинг ҳам бегонаси бўладими, ойижон?

— Тўғри айтдинг, болажоним. Она-боланинг бегонаси бўлмайди. Алишерим билан бир синфда ўн йил бирга ўқидингизлар. Доимо Ҳасан-Ҳусандай бир-бирингиз билан ажрашмай катта бўлдингизлар.

— Ўзи исмимизни ҳам Ҳасан-Ҳусан қўйишса бўларкан.

— Гап Ҳасан-Ҳусан деб исм қўйишда эмас, бир-бирингизга бўлган меҳр-оқибат кўнгилларингизда бўлса бас болажоним. Ҳозир ҳам ҳар қандай Ҳасан-Ҳусандан кам жойингиз йўқ. Тфу-тфу-тфу-тфу, сизларга кўз тегмасин болажоним.

— Раҳмат ойижон, — деди Абдусатторнинг кўнгли тоғдай кўтарилиб.

— Сендан бир нарсани илтимос қилмоқчиман, болажоним. Фақат бу сир иккаламизнинг ўртамизда қолиши керак.

— Айтаверинг, ойижон. Сиз айтган сирни ҳеч кимга айтмасликка ваъда бераман.

Гулчеҳра момо ўйланиб турди-да, гапни узоқдан бошлади.

— Сен туманимиз касалхонасининг бош шифокорисан. Яхши, яхши дўхтирларни биласан. Алишернинг келиним билан турмуш қурганига ҳам ўн йилдан ошиб кетди. Ҳалигача фарзанд кўришмади. Бир иложини қилиб иккаласини ҳам ўзинг билган яхши-яхши дўхтирларингга кўрсат. Зора, мен ҳам неваралик бўлиб қолсам. Алишер билан келиним узукка кўз қўйгандай бир-бирига мос. Иккаласи ҳам бир-бирисиз яшай олишмайди. Асли бир кам дунё экан, болажоним, — Гулчеҳра момо кўзига ёш олди.

— Мен нега сизнинг олдингизга келганимни биласизми, ойижон?

— Мени кўриб соғлигимни текширгани келгансан болажоним.

— Йўқ, бу сафар адашдингиз ойижон!

— Бўлмаса нега келдинг?

— Сиздан суюнчи олиш учун келдим.

— Суюнчи сендан ўргилсин, болажоним. Фақат нима учун суюнчи беришимни айт.

— Яқинда неваралик бўласиз.

— Қайси бир болажоним фарзанд кутаяпти.

— Алишерингиз, ойижон Алишержонингиз! Яқинда у ота бўлади.

— Нималар деяпсан, болажоним? — Гулчеҳра момо кўққисдан айтилган бу янгиликдан довдираб қолди. У Абдусатторга қандай қилиб миннатдорчилик билдиришни билмай қийналарди. Ҳозир Гулчеҳра момо сўз бисотидан бунга лойиқ сўз ахтарар, лекин бундай сўз тополмай қийналарди.

— Бу текширув хулосаларининг жавоби, — деди Абдусаттор.

— Алишер фарзанд кутаётганлиги ҳақида менга ҳеч нарса демаганди-ку.

— Ҳали дўстимнинг ўзи ҳам бу тўғрида ҳеч нарса билмайди. Бу янгиликни унга айтгани келгандим.

— Дўхтирларинг келинимни қачон текшириб кўришган экан?

— Уч-тўрт кун олдин Алишер Гулшоданинг мазаси бўлмапти деб касалхонамизга олиб борганди.

— Бундан хабарим бор, — деди Гулчеҳра момо.

— Ана шунда шифокорларимиз Гулшодани текшириб кўрикдан ўтказишди. Текширув хулосаси маълум бўлгач, тўғри сизнинг олдингизга суюнчи олгани келавердим, ойижон.

— Тўғри қилибсан, болажоним, — Гулчеҳра момо ўтирган ўрнидан туришга уринди.

Шу пайт ичкаридан чойнак кўтариб чиққан Нурбекнинг кўзи Гулчеҳра момога тушиб:

— Бирор нарса керакми ойижон, — деди.

— Ишим бор.

— Агар бирор нарса керак бўлса менинг ўзим олиб келаман. Менга айта қолинг ойижон, — деди Нурбек Гулчеҳра момонинг бу ҳолатидан ҳайрон бўлиб.

— Менга керак бўлган нарсани сен тополмайсан, — Гулчеҳра момо илмоқли сўзлаганича ичкарига кириб кетди.

Орадан анча вақт ўтиб ичкаридан қўлида бир тугун кўтариб чиқаётган Гулчеҳра момо кўринди. — Мана, болажоним, сенинг суюнчингга, — деди у қийиққа тугилган нарсани Абдусатторнинг олдига қўйиб.

— Бу нима, ойижон? — деди Абдусаттор ҳайрон бўлиб.

— Костюм-шим, — деди Гулчехра момо. — Тепкилаб-тепкилаб кийиш насиб қилсин, илоҳим!

— Сизни овора қилиб қўйдим-а, ойижон? — Абдусаттор хижолат чекди.

— Олавер, тортинма болажоним, — деди Гулчехра момо, кейин у Нурбекка юзланди. — Нурбекжон менга ичкаридан сабзи-пиёз олиб чиқ. Абдусаттор акангга бугун ўз қўлим билан ош дамлаб бермоқчиман.

Нурбек ҳеч нарсага тушунмай хайрон бўлиб серрайиб турарди.

— Нурбекжон болам, нима бўлди сенга, намунча довдирамасанг? Бор, ичкаридан сабзи билан пиёз олиб чиқ.

Ҳеч нарсага тушунмаган Нурбек: — Хўп бўлади, ойижон, — деб ичкарига кириб кетди.

— Сизларни овора қилиб қўйдим-а, ойижон? — деди Абдусаттор хижолат чекиб.

— Овораси бор эканми, боягина сизнинг ошингизни соғиндим, дегандинг-ку ахир! Ёки менга ёлғон сўзлаганмидинг, болажоним?

— Сизнинг ошингизни ҳақиқатан ҳам соғиндим ойижон, — деди Абдусаттор ғалати бир овозда, кейин у ёшлик даврини эслаб хаёлга толди.

* * *

Эшик қўнғироғи жиринглади. Алижон бориб эшикни очди. Шунда унинг кўзи остонада ҳансираб тез-тез нафас олаётган, икки юзи қип-қизил олмадай, хўппа семиз кампирга тушди.

— Ассалому алайкум, келинг қуда момо, — деди Алижон.

— Менинг қизимни қаматтириб юбордингизми? — деди кампир сўрашишни ҳам унутиб.

— Ким айтди сизга, қизингиз қамалиб кетди деб?

— Қишлоқда шундай гаплар юрибди, болам!

— Бу гапни сизга ким айтса ҳам ёлғон айтишибди, қуда момо.

— Мен Пардагул қизим қишлоққа бориши билан бу ерга етиб келмоқчи эдим. Қарилик курсин-а болам, қарилик курсин. Одам қаригандан кейин эски шалдироқ аравага ўхшаб қоларкан, сал нарсага тобим қочадиган бўлиб қолди. Пардагул қизим қишлоққа боришидан сал олдин

касал бўлиб кўрпа-тўшак қилиб, ётиб қолгандим. Шунинг учун ҳам дарров бу ёққа келолмадим.

Онасининг овозини таниган Зебохон ичкаридан отилиб чикди-да, ўзини кампирнинг кучоғига отди.

— Бахтинг қурсин-а, қизим, бахтинг қурсин, — деди кампир жавраб.

— Бўлди қилинг Зебохон, қуда момони қийнаб юбордингиз, — деди Алижон.

— Қизим сени қамаб ташлашмадимми?

— Бу гапни қаердан олдингиз ойижон?

— Сен тўғрида қишлоқда дув-дув гап, қизим.

— Агар қўйиб берсангиз одамлар нималар дейишмайди. Валдирайверишади-да, сиз уларнинг гапларига ишондингизми ойи?

— Зебохон, ойингизни уйга олиб киригиз. Гапларингиз бўлса уйда бемалол гаплашаверасизлар. Қуда момо чарчаб келганлар. “Йўл азоби, гўр азоби” дейишадику ахир! — деди Алижон.

— Тўғри айтдингиз, Алижон болам. Мен йўлда жудаям қийналиб кетдим. Ўзим ҳаддан ортиқ семиз одамман. Бунинг устига куннинг иссиғи...

— Юринг ойижон, уйга кирайлик, бир оз дамингизни олинг, кейин гаплашаверамиз, — Зебохон кампирни Расулжоннинг хонасига бошлади.

Хонага кирган кампир Расулжоннинг ётоқ ўрнига ялпайиб ўтириб олди.

— Ростини айт қизим, милиса деганлари сени қамаб ташлашмадимми? — деди кампир шивирлаб.

— Ҳозирча тинчман ойи! — Зебохон ҳам шивирлаб гапирди.

— Пардагул опанга, анаву отинг қурғур нима эди... тилимнинг учида турибди. Омонатингчи?

— Долларми? — деди Зебохон онасига ёрдамлашиб.

— Ҳа-а, доллар. Бизлар ундай нарсани ўз замонамизда ҳатто ушлаб ҳам кўрмаганимиздан кейин оти ҳам эсимда турмаяпти қизим.

— Пардагул опамга нима қилди? Шуни айтинг ойи. Ёки улар омонатимни ўғирлатиб қўйдиларми?

— Нималар деб валдираяпсан қизим? Омонатинг турибди, фақат бояги отинг қурғур нима эди-я?

— Доллар.

— Ана ўша долларингдан олиб уйини бир сидра

таъмирлатаяпти. Кимлардир томига шифер қоқаяпти. Бошқа бировлари оҳак, яна кимлардир бўёқ суртиш билан банд.

— Мен Пардагул опамларга долларларнинг озгинасини ишлатинг дегандим. Улар омонатимнинг қанчасини ишлатди ойи? Сизнинг бундан хабарингиз борми?

— Мен опангга синглингнинг омонатига тегма десам, у “Мен Зебодан сўраб келдим, синглим опа уйингизнинг таъмирига менинг” анаву отинг қурғурингдан ишлатаверинг деб айтди деди. Ёки опанг мени алдабдими?

— Қолган омонатимни олиб келдингизми ойи?

— Йўқ, олиб келмадим.

— Нега омонатимни ўзингиз билан олиб келмадингиз?

— Сенга айтдимку ахир, касал бўлиб қолдим деб. Соғлигим жойида бўлмагани учун ҳам Пардагул опанг ойи “ҳали сиз бутунлай соғайиб кетмадингиз, шунинг учун ҳам сиздан синглимнинг омонатини бериб юборолмайман, йўлда тобингиз қочиб қолса нима қиласиз” деб омонатингни мендан бериб юбормади. Ўзинг қишлоққа борганда оларсан, қизим.

Зебохоннинг тарвузи қўлтиғидан тушиб кетгандай шалвираб қолди.

— Омонатингдан кўрқма, опангдан ўзим олиб берман, — деди кампир. — Эринг билан ярашиб олдингми ёки йўқми ана шундан гапир қизим.

— Бизлар ажрашиш учун судга ариза бердик.

— Нега энди.

— Сабаби энди бизлар бирга яшай олмаймиз. Бу ишларда менинг қўлим борлигини ҳаммаси билиб қолишди.

— Йўғ-э.

— Ҳа, ойи! Мен Тўлғоной опанинг гапларига кириб гулдай оиламни хонавайрон қилиб, шириндан-шакар қизимни етим қилиб қўйдим.

— Бу сенинг айбинг эмас, бу тақдири азалнинг иши. Пешонангга нима ёзилган бўлса, шуни кўрасан қизим.

— Бу тўғрида сизга айтганимда ҳеч бўлмаса сиз менга қаршилиқ қилиб “Бундай қилма қизим”, деб нега мени бу йўлдан қайтармадингиз ойи. Агар сиз мени бу ишлардан қайтарганингизда гулдай ҳаётим бузилиб, дўзахга айланиб кетмаган бўларди.

— Мен сенинг “ойижон агар ўйлаган режаларимни амалга оширсам мен Холидахон ва сиз учаламиз бундан кейин ҳамиша бирга яшаймиз” деганингда қараб хурсанд бўлиб юраверибман. Ҳамма нарса чаппасига айланиб кетишини асло ўйламабман қизим. Ахир ўзинг ҳам у одамлар жудаям қудратли, Жасурнинг улар олдида оддий бир папшача ҳам қудрати йўқ деганингда-ку, ахир.

— У пайтларда мен кўр эканман. Энди кўзим очилди. Ҳаёт бошқа-ю, ҳавас бошқа экан ойижон.

— Қўй қизим, бундай дема. Ҳали сенинг ўн гулингдан бир гулинг очилган эмас. Агар ҳамма иш бостибости бўлиб сен қамалмай қолсанг, Пардагул опангдан омонатларингни олиб ҳовли сотиб оламиз. Кейин сен, мен, Холидахон — учаламиз бирга яшайверамиз, қизим.

— Қани эди тезроқ шундай бўлса, бу ҳаётдан тўйиб кетдим ойижон! — Зебохон бир нуқтага тикилганича хаёлга толди.

* * *

Жасурбек санаторийдан чиқиб тўғри Алижонникига келди. Унга эшикни очган Нилуфар билан қўл бериб сўрашди-да, ичкарига кирди. Жасурбек уй ичини бир айланиб чиққанидан кейин уйда ҳеч ким йўқлигини кўриб хайрон бўлди.

— Алижон акамлар қани? — деди у.

— Ишга кетдилар. “Нурбекжонникига тўйга кетгунимизгача дўконларимни молга тўлатиб кетишим шарт” дегандилар. Бугун акангиз дўконларига мол тарқатиш билан банд бўлсалар керак.

— Расулжон қаерда?

— Ўқишга кетди.

— Нодирахончи?

— Алижон акангиз билан Алишер укангиз сизни санаторийга ётқизиб келганларидан кейин Нодирахон ҳам Алишер билан бирга қишлоққа кетди.

— Зебо ҳам кўринмайди. У қаерга кетди?

— Зебохоннинг онаси келиб, уни қишлоққа олиб кетди. Алижон акангиз “Жасурбекдан рухсат олиб кетинглар” десалар ҳам Зебохон “Нурбек акамнинг тўйларида учрашамиз”, — деб ўз сўзида туриб олди. Мен шунгача қишлоқда ойимларнинг олдида юриб, ўзимга келиб оламан” деди.

Алижон акангиз “мен машинада ғизиллаб бориб, Жасурбекдан сизнинг қишлоққа кетишингиз учун рухсат олиб келай” десалар ҳам овсинимнинг ойилари “сиз укангизни даволатаяпсиз. Агар қизим сизларга керак бўлмаса, менинг ўзимга керак. Уни қишлоққа олиб бориб даволатаман. Сизлар қизимни адои тамом қилибсизлар” деб Зебохонни ўзлари билан бирга қишлоққа олиб кетди. Зебохон Алижон акангизнинг гапларига қулоқ солмагач улар ҳам чорасиз қолдилар.

— Бизлар Зебони эмас, Зебо бизларни адои тамом қилди, — деди Жасурбек. — Кеннойи, менинг бориб келадиган жойим бор эди. Алижон акамга ўзим қўнғироқ қилиб қўяман.

— Овқатланиб олинг, кейин борарсиз.

— Шошиб турибман.

Жасурбек Алижонниқидан чиқиб автоуловлар қўриқланадиган жойда турган машинага ўтириб жўнаб кетди.

* * *

Лочинбек Лобар билан дехқон бозорига кириб борди. Улар мева-чева ва сабзавотлар сотиладиган расталарни бир бошдан айланиб чиқди. Кейин Лобар кўнгли тусаган нарсаларни харид қила бошлади. Лочинбек бўлса харид қилинган нарсаларнинг пулини тўлаб, сотиб олинган мева-чева-ю сабзавотларни сумкаларга жойлаб, қўлига кўтариб оларди. Гуруч сотиладиган растага ўтишганида Лочинбекнинг кўзи гуруч сотаётган Ойжамолга тушди.

— Яхшимисиз, Ойжамолхон? — деди у.

— Худога шукур, бир нави юрибмиз, — Ойжамол Лочинбекка унинг ёнидаги аёлни имлаб кўрсатди. — Уйланиб олибсизми, Лочинбек ака?

— Ҳа энди... — Лочинбек чайналди.

— Маҳалламизда ош бермайсизми? — Ойжамол уни гап билан чақиб олди.

— Вақти келса ош ҳам берарман, Ойжамолхон.

— Бизларни ҳам тўйга айтиш эсингиздан чиқмасин, Лочинбек ака!

— Тўй қилсак албатта сизга ҳам айтаман, — деди Лочинбек, кейин у Лобар харид қилган гуручни олиб кетишга чоғланди. — Яхши қолинг, Ойжамолхон.

— Сиз ҳам яхши боринг, Лочинбек ака.

Лобар гуруч сотадиган растадан сал узоқлашгач, Лочинбекдан сўради.

— Лочинбек ака, у аёл ким?

— Қўшним, — деди Лочинбек.

Лобар тушунарли дегандай бош ирғаб қўйди. Улар деҳқон бозоридан чиқишганларида Лочинбек иккала қўлидаги сумкаларни зўрға кўтарганича лапанглаб борарди.

— Ана шунақа, Лочинбек ака, менга етиш осон эмас? — Лобар яйраб кулди.

— Сизнинг дийдорингизга етолмай ишқ азобида куйиб кул бўламанми деб ўйлаяпман, Лобархон, — деди Лочинбек.

— Кўринишингизни қаранг, худди кесилган гўлага ўхшайсиз. Қачонки, озиб хушбичим йигитга айланасиз, ана шунда менинг дийдоримга етасиз.

— Раҳм қилинг, Лобархон, — деди Лочинбек ғамга ботган бир овозда.

Унинг сўзига жавобан Лобар жилмайиб қараб қўйди.

Лочинбек унинг ортидан бораркан хаёлга берилди. “Эрта-индин уйимни сотиб олган одам уйимни бўшатиб, бир ойга олган мухлатингиз ҳам тугади” деса мен қаерга бораман. Уй пулининг ҳам бир қисмини бу манжалақига ишлатиб қўйдим. Эртага бу қанжиқ, сени танимайман, деб туриб олса кейин нима қиламан. “Вой-до-о-од хонавайрон бўлдим, уйим куйди” деб ўйлаганича у ўз қилмишларидан афсус-надоматлар чекарди.

— Ҳа, бунча ўйга толиб қолдингиз, Лочинбек ака?

— Қачон сизнинг дийдорингизга етаман деб ўйлаяпман, жоним!

— Дарров шартимни унутиб қўйдингизми?

— Қайси шартингизни?

— Эртақлардагидай бир хушсурат йигитга айланма-гунингизгача менинг дийдоримга етишни хаёлингизга ҳам келтирманг. Шартим шу. Менинг бу шартимни энди асло эсингиздан чиқарманг.

— Раҳм қилинг, Лобархон, — деди Лочинбек ялиниб.

— Бу сўзларни мен сизга раҳм қилганим учун ҳам айтаяпман. Ана, ўзингизга бир қаранг, кесилган тўнкага ўхшаб кетгансиз. Худди айиқ полвонлардай лапанглаб, юришга қийналаяпсиз.

— Нега мени бунча қийнайсиз, Лобархон? — деди

Лочинбек йиғлагудай бўлиб. — Сизга етишишим учун мен яна нима қилишим керак?

— Озиб бир ҳушсурат йигитга айланишингиз керак! Дугоналарим мени сиз билан бирга кўрганларида ҳавас қилишсин! Ҳаттоки, ҳозир мен сиз билан бирга танишларимнинг кўзига кўринишдан ҳам уяламан!

— Нега энди? Шунчалик хунукманми?

— Лобар, бу тўнкани қаердан топдинг дейишса, мен уларга нима деб жавоб бераман.

— Сиз менинг кўринишимга эмас, қалбимга қаранг, Лобархон. Бу дунё асли бир кам яралган. Кимдир менга ўхшаб семиз, яна биров ҳаддан ортиқ қилтирик, сал туртиб юборса ўлиб қолади деб кўрқасан киши, бошқаси бадбашара хунук, олдига боришга кўрқасан. Баъзилари хушбичим, лекин ёнига борсанг итга ўхшаб қопағон бўлади. Одамзод ана шунақа яралган, Лобархон.

— Донишманд бўлиб кетинг-э! — деди Лобар.

Улар шу пайт бозор олдидан ўтган катта йўлга чиқиб олишганди. Шунда Лочинбек йўл чеккасида турган “Нексия” русумли автоуловнинг юкхонасига қўлидаги нарсаларни қўйди. Кейин Лочинбек билан Лобар машинанинг орқа ўриндиғига ўтиришди.

— Кетдикми, акахон? — деди хайдовчи йигит.

— Хайданг, — Лочинбек буйруқ берди.

Улар ўтирган автоулов Лобарнинг уйи олдига келиб тўхтади. Автоуловдан тушган Лочинбек юкхонасидан сумкаларни олиб хайдовчи йигитга энди сен кетавер дегандай ишора қилиб қўйди-да, Лобарнинг ортидан уйга кириб кетди. Сал нарироқдаги автоулов ичида ўтирган Жасурбекка улар эътибор ҳам беришмади.

Лобар сумкасидан калитни олиб эшикни очиб ичкарига кирди.

Лочинбек қўлидаги сумкалар билан тўғри ошхонага қараб юрди.

Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Лобар дахлизга чиқиб телефон гўшагини кўтарди.

— Янги эр қутлуғ бўлсин, Лобархон, — эркак кишининг товуши гўшакдан эшитилди.

— Жасурбек ака, — деди Лобар.

Шу пайт гўшакдан ту...ту...ту...ту деган қисқа-қисқа гудок эшитилди.

Лобарнинг қўлидан тушиб кетган телефон гўшаги ерга урилиб синди.

• • •

Новча бўйли, тўладан келган гавдали йигит серқатнов кўчадан сал чеккароққа чиқиб телефонда гаплашаяпти.

— Алло, Қахрамон ака, сизмисиз? — деди у қўл телефонини қулогига тутиб.

— Ха, менман, — Қахрамоннинг босиқ ва салобатли товуши телефондан эшитилди. — Кечирасиз, мен ким билан гаплашаяпман?

— Мен Қоплонман. Ассалому алайкум Қахрамон ака. Яхшимисиз? — деди Қоплон.

— Нега энди сен менга қўнғироқ қилаяпсан? Тулки кани?

— Тулки акани қўлга олишди.

— Кимлар уни қўлга олишди?

— Россия ички ишлар бўлимнинг ходимлари.

— Қачон?

— Уни қўлга олишганига ярим соатларча бўлди.

— Сизлар билан бирга кетган иккита йигит қаерда?

— Улар Тўлғоной опага пойлоқчилик қилишаяпти.

— Тўлғоной қаерда?

— У ҳозир бозорда мева-чева сотаяпти.

— Тезда уни гумдон қил. Гапларимга тушундингми, Қоплон?

— Гапларингизга тушундим, Қахрамон ака.

— Ишни битқазганингдан кейин менга яна қўнғироқ қиларсан.

— Хўп бўлади.

Қоплон гаплашиб бўлганидан кейин телефонини кўйлагининг кўкрак чўнтагига солди-да, кўчадан ўтиб турган серқатнов одамлар орасига кириб кўздан ғойиб бўлди.

• • •

Жасурбек йўл-йўлакай самолётга чипта олиб Алижонниқига қайтиб келди.

Ака-ука кучоклашиб кўришишди.

— Жасурбек, сенга санаторий ёқибди. Анча тўлишиб ўзингга келиб қолибсан, — деди Алижон.

— Санаторийнинг бош шифокори Нурали Йўлдошев ўз ишига виждонан ёндошадиган, ходимларига нисбатан талабчан, жудаям яхши бир йигит экан.

Мен Салима Рихсихўжаевналарнинг кузатувлари остида даволандим. Ҳамшира Озода Ибрагимова ва Умида Норқўзиёвалар ҳам ўз ишларининг моҳир усталари экан. Худо хоҳласа, энди мен шу санаторийга тез-тез бориб даволаниб тураман, — деди Жасурбек хурсанд бўлиб. — Алижон ака, мен ҳозир ўзимни жуда яхши ҳис қилаяпман.

— Сени бу ҳолатда кўриб мен ҳам хурсанд бўлдим. Шифокор ўзининг ширин сўзлари билан беморни эллик фоиз даволаса, қолган эллик фоизини дори-дармон билан даволайди. Ҳаётимиз мана шундай яхши одамлар ҳисобига гуллаб-яшнайти, Жасурбек ука!

— Тўғри айтасиз, Алижон ака, — Жасурбек ички бир ғурур билан тўлқинланиб гапирди.

— Нурбек ўтказаетган ўғил тўйига қачон кетадиган бўлдинг?

— Телефон орқали сиз билан келишганимиздай мен самолётга чипта олиб қўйдим. Бугун кечқурун самолётда учиб кетаман.

— Бизлар ҳам эртага тонг саҳардан оила аъзоларимиз билан бирга автобусга чиқамиз.

— Нурбекжон акамларга тўёнага нима берамиз?

— Жасурбек ука, ҳозир сенда пул йўқлигини яхши биламан, — Алижон ўтирган ўрнидан туриб хонадан чиқиб кетди. У орадан кўп ўтмай бир неча бўлак минг сўмлик пулларни қўлида кўтариб хонага қайтиб келди. — Мана бу пулларни ол. Нурбекжонга тўёна учун нима қилишни шунга қараб ўйлаб кўрарсан.

— Йўқ, керак эмас, — деди Жасурбек ийманиб. — Алишер ҳам “сизга керак бўлиб қолади” деб менга пул ташлаб кетганди. Шунинг ўзи етади.

— Жасурбек ука, тортинмай олавер. Бизлар бир-биримизга бегона эмасмизку ахир!

— Бундан кейин сиздан пул олсам фақат қарзга деб оламан.

— Нималар деяпсан, Жасурбек? Ахир ака-укалар ўртасида ҳам қарз бўладими?

Энди Жасурбек индамай Алижоннинг қўлидан пулларини олди. Шу пайт қайсидир газетадами ёки жур-

налдами унинг ўзи ўқиган бир шеър эсига тушди. Шунда Жасурбек ана шу шеърни ичидан такрорлади.

*Бошинг устида пул, оёқ остида пул,
Энг ишончли дўстдир ҳушёр, мастда пул.
Не олтин бошларни балчиққа қориб,
Шиқирлаб кулади даста-даста пул.
Билмам не тадорик, таваккул бугун,
Оролдай денгиз ҳам кўлмак, кўл бугун.
Ўзим ҳам бир тийин бу дунёсида,
Дўстим ўпаман. Дўстим — Пул бугун.
Боримни гумон ер, ҳатто тилим йўқ,
Чекиб хумор ёзай десам чилим йўқ.
Емаган сомсага тўлаб тугатдим,
Ёнимда бошқа бир тийин пулим йўқ.*

• • •

— Алло, Қахрамон ака, бу яна менман, — деди Қоплон телефонни қулоғига тутиб.

— Эшитаман, гапиравер Қоплон, — Қахрамоннинг салобатли овози телефондан эшитилди. — Тўлғонойни тинчитдингми?

— Йўқ!

— Яна нима бўлди?

— Мен сиз билан телефонда гаплашганимдан кейин Тўлғонойнинг олдига борсам, уни иккита йигит ўзлари билан бирга олиб кетишаётган экан. Мен уларнинг ордидан бордим. Улар аэропортга боришиб Ўзбекистонга учиб кетишди. Мен ҳеч нарса қилолмадим.

— Аҳмоқ.. тўнка! — Қахрамоннинг бу гапларидан кейин телефон узилиб қолди.

Ҳамиша кимларнингдир топшириғига қараб ишлашга ўрганиб қолган Қоплон энди кетаётган йўлидан тўхтаб нима қилишини билмай ўйланиб қолди.

• • •

Абдулла Илҳомович ўзининг хонасида лейтенант Қодиров билан суҳбатлашиб ўтирибди.

— Тулкини Россия прокуратураси қўлга олибди, — деди лейтенант Қодиров. — Улар анчадан бери Тулкига тузоқ қўйиб юришган экан.

— Энди биз Қоплон деганини топишимиз керак. Шу

орқали Қахрамонга чиқамиз, — деди Абдулла Илҳомович.

— Тўлғоной Қахрамоннинг бу ишда қўли борлиги тўғрисида кўрсатма бермаяптими?

— Йўқ, ҳозирча у бу тўғрида кўрсатма берганича йўқ. “Зебо Тулки билан тил бириктириб, бу ишни қилди” деяпти.

— Мен Тўлғонойнинг бу гапларига асло ишонмайман. Сабаби у Қахрамоннинг биринчи муҳаббати бўлган. Тўлғоной Тулкини ҳам у орқали танийди. Демак, Қахрамон бу ишларда ётакчи ролни ўйнаган.

— Фикрингиз тўғри, лейтенант Қодиров, — деди Абдулла Илҳомович. — Тахминларимизнинг ҳаммаси тўғри чиқаяпти.

— Ҳозир Қоплон қаерда экан? Бу тўғрида Тўлғоной ҳеч нарса айтмаяптими?

— Тўлғоной “Қоплонни охириги марта қишлоғимизда кўргандим” деяпти.

— Энди Зебо Мардоновани топиб уни қайта сўроқ қилсак, яна анча-мунча нарса ойдаинлашарди.

— Зебо ҳозир қаерда экан?

— Онаси келиб уни қишлоғига олиб кетибди. Мен бугун Алишер ака билан телефонда боғланиб, Зебони бу ёққа жўнатиб юборишларини илтимос қилдим.

— Энди менга бу иш юзасидан яна қандай топшириқлар бор?

— Мен керакли жойлар билан боғланиб Қоплоннинг қаердалигини топаман. Кейин сиз уни бу ерга олиб келасиз.

— Зебони бу ерга олиб келишим керак эмасми, Абдулла Илҳомович?

— Йўқ, Зебо Мардоновани Алишер аканинг ўзлари бу ерга жўнатишга ваъда бердилар. Шундай бўлса-да, сиз унинг номига туман прокуратурасига тез етиб келинг деб шошилишнома жўнатиб, — деди Абдулла Илҳомович. — Энди Қоплоннинг қаердалигини топсак, уни ушлаб бу ерга олиб келасиз. Ана шундан кейин бу ишга тааллуқли ҳамма нарса ойдаинлашади.

— Ҳозир менга қандай топшириқлар бор, Абдулла Илҳомович.

— Ҳозирча бўшсиз, лейтенант Қодиров.



Ўрта ёшлардаги велосипед миниб олган бир эркак Пардагулнинг ҳовлисига келиб велосипеддан тушди-да, очиқ турган эшикка қўли билан уриб, — ким бо-о-ор? — деб овозини баландлатиб сўради.

Ичкаридан Зебохон чиқиб: — Ассалом, — деди.

— Яхшимисан Зебохон. Сени изламаган жойим қолмади. Акангларнинг бирортаси ҳам сенинг қаердалигингни билмас экан. — Шошилиночнома ташувчи эркак қоғозларни титкилаб керакли жойини топди шекилли, қоғозга бармоғини ниқтаб кўрсатди. — Мана бу ерга қўл қўйиб юбор.

Зебохон қоғозга қўл қўяркан, — Нима учун менга қўл қўйдираяпсиз? — деди у.

— Сенинг номингга прокуратурадан шошилиночнома келибди, — дея почтальон бир парча қоғозни Зебохонга узатди.

Зебохон унинг қўлидан қоғозни олиб кўз югуртира бошлади. У қоғоздан “Прокуратурага тез етиб келишингизни сўраймиз лейтенант Қодиров”, деган сўзларни ўқиди. Шунда Зебохоннинг юзи оқариб, унга ҳаво етишмай нафас олишга қийналган кўйи эшикка суянганича турган ерида ўтириб қолди.

Бу пайтда шошилиночнома олиб келган эркак велосипедини миниб ўз йўлига равона бўлган эди.



Алижон Жасурбек билан кучоқлашиб хайрлашди. У акаси билан хайрлашгандан кейин иккинчи йўлакдан ичкарига кириб кетди.

Алижон укасини кузатганидан сўнг ҳашаматли катта айвонни кесиб ўтиб, ташқари эшик томонга қараб юрди. Шу пайт у кўча эшигидан кириб келган Фурқат Содикович билан Гайратжонга тўқнаш келиб қолди.

Улар эски қадрдонлардай кучоқлашиб сўрашишди.

— Йўл бўлсин, Фурқат Содикович, — деди Алижон.

— Олмонияга, олимлар конференциясига бораяпмиз, — бу сўзларни Фурқат Содикович қандайдир ички бир ғурур билан фахрланиб гапирди.

— Табриклайман! — деди Алижон қўлини узатиб.

— Раҳмат ука! — деди Фурқат Содикович унинг қўлини сиқиб.

— Раҳмат ака! — деди Ғайратжон ҳам ўз навбатида Алижоннинг кўлини сиқиб. Кейин у кўшиб кўйди. — Жасурбек акамиз яхши юрибдиларми?

— Жасурбек укам яқинда санаторийда даволаниб чиқди. Ҳозиргина уни қишлоққа кузатиб, уйга қайтиб кетаётгандим.

— Улар ҳозир ишламаяптими?

— Ишлаяпти. Жасурбек ҳозир меҳнат таътилида.

— Бу томонини яхши қилибсизлар, — деди Ғайратжон. — Орадан яна тўрт-беш ой ўтсин, кейин суякнинг синиб очик қолган қисмини ёпиш керак бўлади.

— Вақт келса сизларнинг олдингизга ўтамиз — деди Алижон.

— Бемалол, касалхонамизга бораверинглар, — деди Фурқат Содиқович. — Олмонияда бу иш юзасидан бизнинг бутун дунёга донғи кетган олимларининг муҳокама-сига кўядиган кашфиётларимиз бор. Агар кашфиётларимиз амалиётда ўзининг устунлигини намоён қилса, бу барчамизнинг ютуғимиз! Яна бизлар у ерда бутун дунё олимларининг кашфиётларини ҳам муҳокама қиламиз. Қолаверса, бу кашфиётлардан укангизнинг жароҳатини даволашда ҳам фойдаланишимиз мумкин!

— Ҳаммаси учун раҳмат, сизга Фурқат Содиқович, — деди Алижон тўлқинланиб.

Шу пайт радиоузел орқали “Олмонияга учувчи йўловчиларнинг биринчи йўлакдан ўтишларини сўраймиз” деган қиз боланинг майин овози эшитилди. Шундан сўнг Алижон Фурқат Содиқович билан Ғайратжонни кузатиб уйга қайтиб келди.

Унга эшикни очган Нилуфар:

— Дадаси, Жасурбек учиб кетдими? — деди.

— Ҳа. Учиб кетди. — Қишлоғини соғинган Алижон бир энтикиб кўйди. — Онаси, эртага тонг-сахардан бизлар ҳам қишлоққа кетамиз, ҳозирдан тайёргарчилигингни кўриб кўявер.

— Дадаси, болаларни ҳам ўзимиз билан бирга олиб кетамизми?

— Ҳаммамиз кетамиз. Уйимизга кўшнилар қараб туришади. Мен уларга тайинлаб кўйдим.

— Кўшниларга тайинлаб яхши қилибсиз. Улар уйимизга қараб туришса, биз ҳам қишлоқда хотиржам юриб Нурбекжоннинг тўйи баҳонасида бир яйраб келамиз.

— Онаси мен ҳам худди шундай ўйлагандим, — деди Алижон. Унинг овози ғалати эшитилди.

— Ҳа, айтмоқчи дадаси, — деди Нилуфар хотирасидан кўтарилган бирор нарсани эслагандай бўлиб. — Сизни Тилабхон ака деган бир профессор қўнғироқ қилиб сўради.

— Уларнинг менда қандай ишлари бор экан?

— Алижоннинг укаси Жасурбек соғайиб кетдимиз? Мабодо ёрдам керак бўлиб қолгудай бўлса, ҳеч тортинмай менга қўнғироқ қилсин дедилар.

— Тилабхон ака бошқа ҳеч нарса демадиларми?

— Йўқ! Бошқа ҳеч нарса демадилар.

Алижон профессорни эслаб хаёлга толди. Шунда қора чарм сумка кўтариб олган профессор унинг кўз ўнгида жонланди. Энди Алижоннинг қулоғига унинг “Ё заринг, ё зўринг бўлиши керак” деган сўзлари эшитилгандай бўлди.

* * *

Абдулла Илҳомович олдидаги столда турган телефоннинг гўшагини кўтариб, қаергадир қўнғироқ қилди.

— Алло, лейтенант Қодиров, — деди у.

— Эшитаман, Абдулла Илҳомович, — гўшакдан лейтенант Қодировнинг овози эшитилди.

— Бугун Россия прокуратурасидан бошлиғимизга телефон қилишди. Улар Қоплонни ҳам қўлга олишибди.

— Қоплон ҳам Россияда эканми?

— Ҳа. У ҳам Россияда экан. Сиз уларни бу ерга олиб келиш учун эртага эргалаб самолётда Россияга учингиз керак. Ҳозир менинг олдимга етиб келинг. Ҳужжатларни расмийлаштириб кўямиз.

— Хўп бўлади, Абдулла Илҳомович. Мен ҳозирок олдингизга етиб бораман.

— Келишдик! — деди Абдулла Илҳомович.

* * *

Алишер уйига у-бу нарса харид қилиш ниятида туман марказида жойлашган бозорга кирди. У расталарни оралаб бораркан тўсатдан арава судраб юрган синфдоши Ботирга кўзи тушди. Бу ҳолни кўрган Алишер беихтиёр ёшлигини эслади. Шунда унинг кўз ўнгида анча-мунча одамни менсимайдиган димоғдор Ботир синфдоши на-

моён бўлди. Уни ҳар куни турли русумли машинада бегона амакилар мактабга олиб келишарди. Дарс тугагач, Ботир “Энди адамнинг қайси хизматкорини чақирсам экан” дерди. Синфдошлар унга ҳавас қилишарди. Айниқса қизлар. Синф бўйича уяли телефон фақат Ботирдагина бор эди. Охирги дарсга киришидан олдин телефонида кимнидир чақирарди. Дарс тугаб кўчага чиққанида уни машина кутиб турган бўларди. Ботирни кўриши билан ҳайдовчи амаки сакраб машинасидан тушардида, унга машина эшигини очиб турарди. Ботир бўлса гердайиб машинага ўтириб кетарди. Ҳозир ана шулар Алишернинг кўз ўнгидан кино тасмаларидаги суратлардай бирма-бир ўтди. Шунда у наҳотки Ботир энди арава судраб ҳаммоллик қилиб юрган бўлса деган хаёлга борди. Шу пайт Ботир тасодифан Алишерга рўбарў келиб қолди.

Энди у Алишерни таниб уялганидан ўзини қўйгани жой тополмай қолди.

— Ботиржон, яхши юрибсанми? — деди Алишер сўрашиш учун унга қўл чўзиб.

— Ёмонмас, — уялганидан қизариб кетган Ботир унинг қўлини олди. — Адамлар прокуратурадан ишдан кетганларидан сўнг яқинда бизларни алоҳида уй қилиб бўлак чиқаришди. Шундан бери бола-чақани боқиш учун тирикчилик қилиб юрибман.

— Меҳнатнинг айби йўқ дўстим. Лекин ота-онангдан алоҳида бўлиб чиққанлигингни эшитмабман. Кейинги пайтларда ўзинг ҳам синфдошлардан узоқлашиб кетдинг. Бу ишинг яхши эмас.

— Ҳа, энди... — Ботир чайналди.

— Бу билан нима демоқчисан?

— Ота-онамдан алоҳида бўлиб чиққанимдан кейин бола-чақа ташвишидан ортмай қолдим.

— Баҳонани йиғиштир. Ҳафтада икки марта синфдошлар йиғилишиб учрашиб турамиз. Сен ҳам келиб бизларга қўшил. Эрта-индин болаларингга тўй қиласан. Яхши ва ёмон кунларимизда бир-биримизга суянчиқ бўлардик.

— Хўп бўлади, — деди Ботир Алишернинг самимий сўзларидан кейин бир оз дадиллашиб.

— Қани, юр болам! Мен шошиб турибман, — деди уларнинг гапларини бўлган ушоққина отахон, — араванг-

даги юкларимни машинага ортиб бер, кейин қанча гапларингиз бўлса, гаплашаверасизлар.

— Энди синфдошлар қачон йиғилишасизлар? — деди Ботир отахоннинг сўзларига парво ҳам қилмай.

— Келаётган якшанба куни меникида йиғилишамиз.

— Бўпти. Сеникига мен ҳам бораман. Учрашгунча хайр! — деди Ботир. Кейин у арава тўла нарсаларни судраб кетди.

— Эсингдан чиқарма, келаётган якшанба куни сени синфдошлар билан бирга меникида кутамиз, — деди Алишер арава судраб кетаётган Ботирнинг ортидан.

— Албатта ўтаман, дўстим, — деди Ботир кувнок овозда.

Энди у Алишердан анча узоқлашиб кетган эди.

Ботирнинг ортидан қараб турган Алишер “олдинги димоғдор болакайдан асар ҳам қолмабди, аксинча, Ботир оддий ва самимий бир инсонга айланибди” деб ўйлаб хурсанд бўлди. Кейин у дадасининг “Шошмашошарлик қилмаслик керак ўғлим, ҳаётнинг ўзи бир мактаб. У ҳар кимни ўз ўрнига қўяди” деган сўзларини эслади.



Аэропортга келиб қўнган самолётдан тушган Жасурбек такси ушлаб қишлоғига етиб келди. У дарвоза ичига ўрнатилган эшикни очиб, ичкарига кирди. Шунда Жасурбекнинг кўзи сўрида ёлғиз бир ўзи ўтирган Гулчехра момога тушди. У тез-тез юриб бориб, ўзини онасининг кучоқига олди.

— Ойижон, мен сизни жудаям соғиниб кетдим, — Жасурбек ички бир ҳаяжон билан энтикиб гапирарди.

Гулчехра момо ўғлининг юз-кўзларидан ўпиб сўрашаркан: — Мен ҳам сени соғиндим, болажоним, — деди. Кейин Гулчехра момо боласини кучоғидан қўйиб юборди.

Жасурбек онасининг ёнгинасида кўрпача устига ўтириб олди.

— Ойижон, яхши юрибсизми? — деди у. — Мен сизни жудаям соғиниб кетдим!

— Мен яхши юрибман болам. Лекин сени тушимда кўравериб, роса безовта бўлдим. Ўзинг яхшимисан, болажоним?

— Яхшиман ойижон. Нега бир ўзингиз ёлғиз ўтирибсиз.

— Алишер ҳали ишдан келмади. Келин Нурбекжонникига тўйда у-бу нарсасига қарашгани кетди. Мен сенинг келишингни эшитиб, кутиб ўтирибман, болажоним! Алишер ишдан келса ҳаммамиз бирга Нурбекжонникига борамиз. Нодира ва Наргиза сингилларинг ҳам келишган. Алижон аканг келмадими?

— Улар эртага бутун оила аъзолари билан бирга келишади.

— Ҳамма болаларим уйимизда жамулжам бўлиб, дадажонингнинг рухлари шод бўладиган бўлибди, — деди Гулчехра момо бошидаги рўмолининг учи билан кўзларини артиб. — Сен бир ўзинг келдингми болажоним?

— Ҳа! Бир ўзим келдим ойижон.

— Болаларинг қани?

— Онаси Тошкентга бориб қишлоғига олиб кетибди.

— Нега энди Зебохон келинимни онаси қишлоғига олиб кетади? — Гулчехра момо ҳайрон бўлиб сўради.

Жасурбек чуқур нафас олди-да, ўзининг бошидан ўтказганларини оқизмай-томизмай онасига сўзлаб бера бошлади.

Боласининг шунча азоб-укубатларни бошидан ўтказганини эшитган Гулчехра момонинг кўз ёшлари юзларини ювди.

— Кел болам, сени бир бағримга босай, — деди Гулчехра момо шу тобда боласига меҳри товланиб.

Жасурбек ўзини онасининг кучоғига отди. Шу пайт нима сабабдандир электр чироғи ўчиб қолди. Атрофни зим-зиё қоронғилик қоплади.

Она-бола бунга парво ҳам қилишмади.

— Қўйнимда қотил яшаган экан. Шунча йил яшаб билмабман ҳам. Энди нима қиламиз, ойижон? — деди Жасурбек.

— Барча пок виждонли инсонларга ўхшаб эзгулик ва яхшиликка интилиб яшаймиз, болажоним, — деди Гулчехра момо унинг елкаларини силаб.

Жасурбек дунё азобларидан қутулгандай бўлиб, бошини онасининг елкасига қўйди.

Ҳозир Гулчехра момо назарида гўё қайсар ўғли бирдан улғайиб, эсли-хушли йигитга айланиб қолгандай эди.

— Ойижон, бундан кейин мен ҳам Алижон акам

билан Алишер укамларга ўхшаб яхшилик ва эзгуликка интилиб яшайман, — деди Жасурбек.

Шу пайт осмондаги оймомо ҳам қоп-қора булутларни чок-чокидан сўкиб зим-зиёликка чўмилган она табиатни ўзининг сутдай оппоқ нурлари билан ёритиб юборди. Энди оймомо ҳам гўё она-боланинг бу ҳолатидан илиқлик олгандай, уларни ўз нурлари билан бағрига босиб эркалаётгандай эди.



Катта айвоннинг ўртасига қўйилган хонтахта атрофида Алижон, Жасурбек ва Алишерлар ўзаро суҳбатлашиб ўтиришибди. Шу пайт хонага кириб келган Гулчехра момо билан Нурбекка уларнинг кўзи тушди-ю, ака-укалар дарров ўтирган ўринларидан туришиб олдинма-кейин Нурбек билан қўл беришиб сўрашишди.

Гулчехра момо айвоннинг юқорисига ўтиб хонтахта атрофидан жой олганидан сўнг фарзандлари ҳам хонтахта атрофига тўшаб қўйилган кўрпача устига ўтиришди.

Шундан кейин Гулчехра момо Алижонга юзланиб тилга кирди.

— Қани болажоним, қўлингни кўтар, — деди у.

Алижон фотиҳага қўл очди.

— Эй худойим, — Гулчехра момо кўлини кўтариб илтижо қилди, — юртимизга тинчлик, осойишталик ва тўкин-сочинлик ато этиб болаларимни бахт-саодатли қилгин. Омин, оллоху акбар.

Болалари ҳам онасига қўшилишиб юзларига фотиҳа тортишди.

— Мен сизларни ўчоқ кўмдига айтиб келдим, — деди Нурбек фотиҳадан сўнг томдан тараша тушгандай.

— Ўчоқ кўмдингиз нимаси, Нурбек ака? — Жасурбек унинг илмоқли гапларига тушунмай ҳайрон бўлиб сўради.

— Ҳали сен аждодларимизнинг шундай урф-одатлари борлигини ҳам билмайсанми? — деди Гулчехра момо. Кейин у Жасурбекни уялтирмаслик учун бўлса керак ўғлини оқлаб сўзида давом этди. — Сен қаердан ҳам билардинг, муштдай пайтингдан илм оламан деб пойтахтга кетганингча у ёқларда қолиб кетдинг. Ҳар жойнинг ўз урф-одатлари бор, болажоним. Бизнинг қишлоқ аҳлимиз тўйдан сўнг яқинлари билан дийдор кўришиб

кўнгил сўрашиш учун бўлса керак «ўчоқ кўмди» баҳонасида тўй берган хонадонда йиғилишади.

— Бу удумни ким ўйлаб топган бўлса-да, жуда яхши ўйлаб топган, — деди Нурбек.

— Ўчоқ кўмдига Нодирахон билан Наргизахон сингилларингни ҳам айтдингми? — Гулчеҳра момо Нурбекдан сўради.

— Ойижон, сиз сулоламизнинг устуни бўлганингиз учун ҳам аввало, сизнинг олдингизга келдим. Ойижонимни кўраман-у, кейин сингилларимникига ўтаман деб кўнглимга тугиб қўйгандим, — деди Нурбек.

— Сен мени сийласанг сени Оллоҳнинг ўзи сийласин болажоним, — деди Гулчеҳра момо рўмолининг учини кўзларига босиб. Кейин у болаларига юзланиб сўзини давом эттирди.

— Болажонларим, қиз боланинг кўнгли ярим бўлади. Шунинг учун ҳам сингилларингиздан ҳеч қачон ёрдамнингизни аяманглар.

— Хўп бўлади, ойижон, — даврадагилар бир варакайига жавоб беришди.

— Тўй ҳам жуда зўр бўлди-да, ўзи, — Алижон уларнинг суҳбатига аралашди. — Қишлоғимизда тўйга келмаган одамнинг ўзи қолмади десам муболаға бўлмайди.

— Тўғри айтасиз ака, бир қанча идора раҳбарлари билан бирга ҳатто, туманимиз ҳокими ҳам ташриф буюрдилар, — деди Жасурбек.

— Улар мен учун эмас, Алижон акам билан Алишер укамни ҳурмат қилиб келишган, — деди Нурбек бир оз бўшашиб.

— Болажонларим, қуш ҳам қаноти билан учади. Сизлар ҳам бир тану бир жон бўлишларингиз керак. Одамлар ким учун тўйга келишганларидан қатъи назар шунча одам сизларни ҳурмат қилиб келишдими, демак, бу барчангизнинг ютуғингиз. Сабаби сизлар бир ота-онанинг фарзандларисизку ахир, «бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар» деб ота-боболаримиз бекорга айтишмаган. Шундай бўлгач, ҳар бирингизнинг ғам-ташвишларингиз ҳам, ютуқларингизу шодликларингиз ҳам ҳаммангизга тегишли бўлиши керак. Менинг мана шу гапларимни асло эсингиздан чиқарманглар, — Гулчеҳра момо куйибпишиб гапирарди. — Мана, ҳаммангиз оилалик бўлиб алоҳида уй-жойга эга бўлдингизлар. Лекин дадажонимиз

гўрларида тинч ётсин десангизлар ҳеч қачон бир-бирингиздан қўлингизни узманглар, хўпми, болажонларим.

— Хўп бўлади, ойижон, — даврада ўтирганлар бараварига жавоб қилишди.

— Ҳа, айтмоқчи, — деди Нурбек бирор нарсани эслагандай Жасурбекка юзланиб. — Зебохон билан Холидахон нега тўйга келмади деб сендан қанча сўрамай «эртага келишади, индинга келишади» деб менга жўяли жавоб ҳам бермадинг, тинчликми ўзи?

Жасурбек Нурбекнинг бу саволини жавобсиз қолдирганича бошини қуйи эгиб жим ўтираверди.

— Бошинга тушган ташвишларни жигарингдан яширмай айтавер болажоним, — Гулчехра момонинг овози синиқ ва хазин эшитилди.

Энди Жасурбек ерга қараб бир нуқтага тикилиб ўтирган қўйи бошидан ўтказган жабр-ситамлارни бошдан сўзлаб бера бошлади.

Унинг сўзларини эшитган сари ака-укаларнинг қўллари мушт бўлиб тугилиб юзларига қаҳрнинг қўланкаси соя ташлаб, кўзлари совуқ йилтирарди.

Жасурбек сўзларини тугатганидан сўнг даврадагиларнинг бирортаси ҳам бир оғиз сўз айтишга журъат қила олмади. Шу пайт хонанинг аллақаеридадир пашшанинг визиллаб учгани эшитилди.

Орадан кўп ўтмай хонада ҳукмронлик қилаётган сукунатни бузишга қарор қилгандай Гулчехра момо сўз бошлади.

— Зебохон онасининг олдида — қишлоғимизга яқин жойда бўлсада, тўйга келиб бир кўриниш бериб кетишни ҳам ўзига эп кўрмадия?! — деди у афсусланаётгандай бош чайқаб.

— Зебохон ҳозир оналарининг олдидами? — Нурбек сўради.

— Йўқ! Кеча Зебохон кеннойимни туман жинойт кидирув бўлимининг ходимаси Қумри Жабборовна Тошкент шаҳар прокуратурасига олиб бориш ниятида уларни ўзи билан бирга Тошкентга олиб кетди, — деди Алишер воқеага ойдинлик киритиб.

— Ундай бўлса ҳозир неварам Холидахон қаерда? — деди Гулчехра момо ўғлининг сўзини бўлиб.

— Холидахонни бувиси билан Пардагул опа олиб қолишибди, — Алишер жавоб берди.

— Алишержон болам, шу бугуноқ Жасурбек аканг билан бирга Пардагулникига бориб неварам Холидахонни менинг олдимга олиб келинглар.

— Хўп бўлади, ойижон, — деди Алишер.

— Жасурбек болажоним, дадажонинг билан мен иккаламиз сенга акаларинг ва укаларингга нисбатан камроқ тарбия бердик. Бу масалада озми-кўпми менинг ҳам айбим борга ўхшайди. Бунинг биринчи сабаби сен саккизинчи синфни тугатиб бизлардан йироқлашиб Тошкентга — техникумга ўқишга кетганинг бўлса, иккинчи сабаби шу боламиз муштдай боши билан илм оламан деб мусофирчиликда юрибди деб ўйлаб, бизлар сени ҳаддан ортиқ эркалатиб юбордик. Оқибатда сен ўз билганиндан қолмайдиган қайсарроқ бўлиб ўсдинг. Бошингни икки қилиб қўйишимиздан олдин дадажонинг Зебохонга уйланма ўғлим деганларида сен уларнинг сўзларига қулоқ ҳам солмадинг. Мана энди ўзбошимчалигингнинг ситамларини тортаяпсан, болажоним. Халқимиз “қари билганини пари билмас” деб бежиз айтишмаган. Мен сенинг Алижон аканг ва Алишер укангга ўхшаб эзгуликни қалбингга тугиб, яхшиликка интилиб яшашингни истагандим. Лекин сен охириги пайтларда фақат ўзингни ўйлаб иймонингга путур етказдинг. Натижада неварам Холидахон тирик етим бўлиб, ҳаётинг жар ёқасига келиб, ўзинг боши берк кўчага кириб қолдинг. Бу кўчадан чиқиб олишинг учун бундан буён ака-укаларингга суянган ҳолда эзгу мақсадларингга етишишинг учун танангдаги бор куч-ғайратингни аямай ҳаракат қилишинг керак, болажоним.

— Ойижон, мен қўйнимда қотил асраган эканман. Кеч бўлсада, ўз хатоларимни англаб етдим. Алижон акамларга қилган кўп ноҳақликларим учун улардан ҳам кечирим сўрадим. Алижон акам ҳам мени кечирдилар, — деди Жасурбек ички бир дард билан ўқсиб. Унинг бу сўзларини эшитган Гулчеҳра момонинг кўксидан худди бир нарса чирт этиб узилиб кетгандай юраги ачишди.

— Бундан кейин ҳаёт сўқмоқларида адашма, болажоним!

— Ҳаракат қиламан, ойижон, — деб Жасурбек бошини кўтариб, қаддини тик тутди.

— Мен Алижон билан Алишержон болаларимнинг мустаҳкам иродали, сабр-тоқатли, иймон-эътиқоди бу-

тун, камтар ва меҳнаткаш эканликларини яхши биланман, — деди Гулчехра момо вазмин бир овозда. Кейин у хонтахта устида турган пиёлани олиб ичидаги совуқ чойни хўплаб-хўплаб ичди-да, яна сўзини давом эттирди. — Жасурбек болажоним менинг сендан бошқа ҳамма болаларимдан кўнглим тўқ. Қани эди сенинг ҳаётинг ҳам мен ўйлаган тарзда ўз ўзанига тушиб кетса менинг бу ёлғончи дунёда бошқа армоним қолмас эди.

— Ойижон, мен ҳаёт сўқмоқларида адашиб, Лобар деганига илашиб қолган эдим. Бундан кейин Алижон акам ва Алишер укамлар сингари эзгуликка интилиб ҳалол яшашга сўз бераман, — деди Жасурбек. Унинг бу сўзларида самимийлик ва қатъиятлик муҳрланиб қолгандай эди.

— Болажонларим, сизлар ҳам Жасурбекни ёлғизлатиб қўйманглар.

Гулчехра момонинг бу сўзларидан сўнг даврада “Хўп бўлади, ойижон. Бу томонидан хавотир олманг. Ёлғизлатиб қўймаймиз” деган сўзлар эшитилди.

— Раҳмат сизларга, болажонларим, — деди Гулчехра момо фарзандларининг ҳамжиҳатлигидан мамнун бўлиб.

Шу пайт қалбини ғам-андух емираётган Жасурбекнинг кўнглидан «Мен ойижонимдай, қолаверса Алижон акам ва Алишер укамлардай азим чинорлари бор сулоланинг аъзосиман-а» деган фикр яшин тезлигида ўтаркан, аллақаридандир милтиллаб чиққан ғурур бора-бора Жасурбек миясига ўрнашиб қолган ғам-андухнинг ўрнини эгаллай бошлади. Бу ҳол узоққа чўзилмай унинг бутун вужудини эзгуликка бўлган чанқоқлик эгаллади. Энди Жасурбекнинг қалби гўё ғурурга тўлиб тошаётгандай, танасида мудраб ётган ғайрат ва шижоат уйғониб руҳини эзгулик салтанати томонга олиб кетаётгандай, яхшиликка бағишланган ҳаётнинг абадийлигини ва унинг сир-синоатини ҳамда моҳиятини англаётгандай эди.

Баходир Худойберганов
ҚЎЙНИМДАГИ ҚОТИЛ

Роман

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2010

Мухаррир *Ибодулла Шоймардонов*
Бадиий муҳаррир *Михаил Самойлов*
Техник муҳаррир *Раъно Бобохонова*
Матн терувчи *Алишер Худойберганов*
Компьютерда саҳифаловчи *Мастура Атхамова*
Мусаххих *Нодира Охунжонова*

Босишга рухсат этилди 01.08.2009. Бичими 84x108^{1/32}. «PeterburgUz»
гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма тобоғи 17,64. Нашриёт ҳисоб
тобоғи 18,0. Адади 5000 нусха. Буюртма № 4727. Баҳоси келишилган
нархда.

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
100000, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.



**Баҳодир
ХУДОЙБЕРГАНОВ**

Ҳар қандай қонундан ҳам адолат, адолатдан ҳам кўра мурувват, мурувватдан эса меҳр-муҳаббат устун дегим келади. Мен ҳар бир китобхонга ҳаёт йўлида ана шундай соф севги, меҳр-муҳаббат ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламан.



ISBN 978-9943-00-292-0



9 789943 002920